

Ф. СКОТТ ФИЦЖЕРАЛЬД

821.512  
Ф 42




БУЮК  
ГЭТСБИ



**ФРЭНСИС СКОТТ  
ФИЦЖЕРАЛЬД**

# **БУЮК ГЭТСБИ**



«DAVR PRESS»

Тошкент

2022

УЎК 821.111(073)  
КБК 84(7)  
Ф-55

Буюк Гэтсби [Матн] / Ф.С. Фицджеральд; таржимон  
М. Рихсибекова. – Тошкент.: «DAVR PRESS» НМУ,  
2022. – 208 б.

ISBN 978-9943-6294-8-6

УЎК 821.111(073)  
КБК84(7)

Бу – “буюк Гэтсби”.

Фицджеральднинг энг машхур романларидан бири.

Ўзини куч-қудратнинг энг юқори чўққиси ва бойлик-ка эга бўлдим деб соддадилларча ўйлаётган бир кишининг ўз-ўзидан бахт-саодатга эришиши, умуман, “Юқорига йўл” ва “юқоридаги ҳаёт” ҳақидаги гўзал, ғаройиб воқеадир. Қачонлардир севган, аммо камбағаллик туфайли орзулари армонга, ўтмиш хаёлларига айланган инсоннинг ҳаёти эса жуда аянчли...

Рус тилидан Муҳайё Рихсибекова таржимаси

ISBN 978-9943-6294-8-6

© «DAVR PRESS», 2022







## БИРИНЧИ БЎЛИМ

Инсон жуда ҳам таъсирчан, берилувчан бўладиган ўсмирлик йилларимда отам бир умр хотирамда ўрнашиб қолган гап айтди.

– Агар кутилмаганда кимнидир муҳокама қилишни хоҳлаб қолсанг, – деди у, – ёдингда тут, дунёдаги ҳамма одамлар сенда бор бўлган хислатларга эга эмас.

Шундан бошқа ҳеч нима демади, аммо бир-биримизни ортиқча сўзсиз шундоқ ҳам тушунардик. Отам айтганидан ҳам кўра кўпроқ нарсани ўйлаётганини билар эдим. Мулоҳаза қилаётган чоғимда вазминлигим, оғирлигим, сиполигим боиси мана шунда – бу одат энг мураккаб хислатларни шакллантиришимга асос бўлган, яна кўпинча мени бекорчи сафсаталарни тинглайдиган қурбонга айлантирган. Агар босиқлик оддий, яхши одамда пайдо бўлса, безовта, носоғлом ақл уни дарров тан олади ва чанг солишга ҳаракат қилади; коллежда ўқиётган вақтимда мени устомонликда ўринсиз айблашган, чунки одамови, димдўз талабалар ўзларининг қайғули сирларини менга ишониб айтишар эди. Мен уларнинг ишончини қозонишга умуман ҳаракат қилмаганман – интим муносабатлар мавзусида ўйлаб топилган ҳикояларни сўзлай бошлашлари билан, худди уйқу босгандек, оғзимни катта очиб эснашга тушар, китобга бошимни тиркаб ўқишга тутинар ёки ўзимни

хеч нарсани тушунмаётган одамга солардим; улар интим хикояларини сўзлашар, устига, ўзлари берилиб кетган воқеаларни тушириб қолдириб, руҳан қийналишар эди, нима бўлганда ҳам, хаёлий интим манзаралар ёшлар уйдирмаларининг хаспўшланган оғзаки ифодаси эди, холос. Фикрлашдаги оғир-вазминлик – битмас-туганмас умидлар гарови. Мен ҳозиргача, агар бу дунёда инсоний фазилатлар табиат томонидан ҳаммага бир хил ато этилмаганини (отам ортиқча бўрттиришларсиз айтганидек ва мен ҳам унинг ортидан ортиқча бўрттиришларсиз такрорлаётганимдек) ҳис қилишни унутсам, бирон нарсани ўтказиб юбормаслик учун зийрак бўлишга ҳаракат қиламан.

Сабрлилигим билан мақтаниб бўлганимдан сўнг, ана энди бу сабрнинг чегараси борлигини ҳам тан олишим керак. Инсон хулқ-атвори замирида ҳар хил тупроқ – қаттиқ тош жинси ёки ёпишқоқ ботқоқлик бўлиши мумкин; аммо қачондир бу феъл-атвор замирида қандай тупроқ бўлишига тупуришимга тўғри келади. Ўтган йил кузда Нью-Йорқдан қайтганимда, бутун олам пардага ўралишини ва бирор устунга тиралиб, “жим” туришини хоҳладим. Мен панадан туриб инсон қалбига мўралаш имтиёзларидан фойдаланишга уринмадим. Фақат Гэтсби, мазкур китоб бағишланган шу исмли шахсгагина бу хоҳишимни истисно қилдим. Гэтсбидан, ҳамма томонлама ўзини намоён эта олган одамдан мен ич-ичимдан нафратлангандек ва нафратланадигандек туюлар эдим. Агар унинг шахсияти ўзини намоён эта олиш лаёқати билан ўлчанса, бу одамда аллақандай ғаройиб, ҳаётнинг ҳамма қуруқ ваъдаларига юксак зийрак нигоҳ борлигини биласиз. Гэтсби худди ўн минглаб миль ер остидаги силкинишларни қайд этадиган мураккаб қурилмаларнинг бир қисми каби эди. Унинг бир лаҳзада мушоҳада қилишга қодирлик фазилатини бўрттирилган артистона темперамент билан суғорилган бўш таассуротлар – умиднинг ноёб инъоми, романтик ҳовур



бўлиб, бунақасини бошқа ҳеч кимда кўрмаганман, бундан буёғига ҳам учратмасам керак – билан қиёсласанда ҳеч қандай изоҳлашларга муҳтож эмас. Йўк, охирида Гэтсби ўзини; у эмас, балки унинг оёғи остида тортиб турган ўша заҳарли чанг – орзуларини қамраб олган хира туманлик оқлади. Мана мени нима одамларнинг тез ўтиб кетадиган ғам-қайғулари ва шошилтириб қўядиган қувончларига бўлган қизиқишларимни вақтинча сўндирди.

Мен ҳурматга сазовор бўлган, шу ҳурматни сақлаб келаётган ўрта ғарбдаги шаҳарчада яшовчи уч авлоддан сўнгиси бўлган бадавлат хонадон аъзосиман. Каррауэллар – клан<sup>1</sup> бўлиб, Бэкл герцогларининг оилавий анъаналарига музофиқ ўз ҳаётини давом эттириб келади. Аммо бизнинг шажарамизнинг биринчи шохчалари сифатида бобомнинг ақасини таъкидлаш керак, у бу ерга 1851 йилда келган, ўзини Федерал армия ёлланма хизматчиси деб танитган ва ҳозирда менинг отам давом эттираётган майда-чуйда металл товарлар улгуржи савдоси билан шуғулланган. Мен бу аждодимни ҳеч қачон кўрмаганман, аммо дадамнинг контораси деворига осилган эски хира портрет гувоҳлик берганидек, унга жуда ҳам ўхшар эканман. Мен 1915 йилда, дадамнинг вафотидан роппа-роса чорак асрдан сўнг Йель университетини тамомладим. Бироз вақтдан кейин Буюк жаҳон урушида қатнашдим – кейинчалик бу урушга тевтон қабиласи миграцияси номи берилди. Қарши хужум мени шунчалар ўзига тортиб олган эдики, уйга қайтганимда ҳеч тинч ўтиролмадим. Ўрта Ғарб назаримда борлиқнинг қайнаётган марказига ўхшамас, кўпроқ оламнинг увадаси чиққан этагидек туюларди; ва ниҳоят, мен Шарққа кўчиб кетишга, кредит ишларини

---

<sup>1</sup> Клан – қадимги ирландияликларда ва шотландияликларда: уруғ жамоаси; уруғ-аймоқлар.

Ўрганиш билан шуғулланишга қарор қилдим. Менинг ҳамма танишларим кредит бўйича хизмат қилишар эди; наҳотки битта менга ўша ердан жой топилмаса? Худди менга мос келадиган ўқув муассасасини танлаш масаласи ҳал қилинаётгандек, бутун оила, қариндошуруғларимиз йиғилди; холаларим, тоғаларим пешоналарини тириштирганча узоқ мажлис қилишди, охири иккиланиб: “Нима ҳам дердик...” дейишди. Отам бир йил давомида мени моддий қўллаб туришга рози бўлди, мана, узоқ судралишлардан сўнг, 1922 йилнинг баҳорида Нью-Йоркка, худди мен бутун умрга қолиб кетадигандек туюлган шаҳарга келдим.

Нью-Йоркнинг ўзида квартира топсам жуда яхши эди, аммо ёз келган бўлса ҳам, мен ҳамон кенг яшил газонларда, дарахтларнинг соя-салқинида ётиш одатимни тарк этганим йўқ, чунки ёш бир хизматдошим ўзи билан бирга шаҳар ташқарисига жойлашишни таклиф қилди ва бу таклиф менга ёқди. Хизматдошим уй – ойига саксон доллар тўланадиган, томи толь билан ёпилган кулбача ҳам қидириб топди. Аммо охири вақтда фирма уни Вашингтонга хизмат сафари билан жўнатди ва мен бир ўзим жойлашишимга тўғри келди. Мен ит боқа бошладим – тўғри, у бир неча кундан сўнг қочиб кетди – эски “додж” сотиб олдим, кекса финлик аёлни хизматга ёлладим, у аллақандай фин мақол-маталларини минғирлаганча эрталаблари ўрин-тўшагимни тўғрилар, электр плитада нонушта тайёрлар эди. Аввалига ўзимни ёлғиз ҳис қилдим, лекин учинчими ёки тўртинчи куни вокзал ёнида мени қандайдир бир киши – афтидан, ҳозиргина поездан тушган бўлса керак – тўхтатди.

– Уэст-Эгга қандай бориш мумкинлигини айтолмай-сизми? – аланглаб сўради у.

Йўлни тушунтиргач, қадам босишда давом этарканман, шу кунгача ўзимни ўта ёлғиз ҳис қилганимни эсладим. Мен шаҳарнинг туб аҳолисиман, илк кўчиб келган одамларданман, йўл кўрсатувчиман. Бироқ нотаниш



одам билан бўлган учрашувим мени бегоналарнинг ғайриихтиёрий ачинишларидан халос қилди.

Куёш кундан-кун кучлироқ қиздириб борарди, худди киноларда секинлаштирилган кадрлардагидек оловли шар деярли кўзинг сатҳигача тушаман дейди. Менда ҳам ҳаёт қайтадан бошланяпти деган таниш, ҳар йили ёзда уйғонадиган ўзимга бўлган ишонч мустаҳкамланиб борди.

Кўп китоблар ўқишим, тоза ҳаводан олган нафасим-ла танамни жонлантирувчи кучларни сипқоришим мумкин эди. Бироқ мен сармоя тикиш, банк ва кредит иши бўйича иктисодга оид дарсликларни сотиб олдим. Китоблар жавонга тахланганча худди ҳозиргина зарб қилинган тилла тангадек товланиб, кўз олдимда фақат Мидас, Морган ва Меценатга маълум бўлган ёрқин келажак сирларини нурлантирар эди. Аммо мен фақат бу китобларни ўқиш билан чекланиб қолмадим. Коллежда адабиётга бўлган қизиқишим намоён бўлди – ахир мен “Йель хабарномаси” газетасига чуқур маъноли ва ишонарли мақолалар ёзганман – энди кўлимга қайтадан қалам олиш ва кенг дунёқарашли одамлар назаридаги тор ихтисосликлар ичидаги энг тор соҳанинг мутахассиси бўлмоқчиман. Бу соғлом ақлга зид фикр эмас, негаки ҳаётни ягона дераза ортидан кузатганингда уни ҳаммадан яхшироқ кўришинг мумкин-да!

Мен Шимолий Америкадаги ўзига хос жойнинг ихтирочиларидан бири бўлишим мумкин эди. Нью-Йоркдан шарққача чўзилиб кетган узун, жимжимадор шаклдаги оролнинг бошқа табиий инжиқликлари орасида иккита ғайритабиий тупроқ ҳосиласи бор. Шаҳардан йигирма миль нарида, Лонг-Айленд бўғози орқасида, бутун яримшарнинг сув билан қопланган худудидаги энг кўп ўзлаштирилган сувли қисмида кенг бўлмаган кўрфаз билан ажралган иккита бутунлай бир хил бурун ичкарига кирган. Ҳар бир кўрфаз тўғри овал шаклида бўлиб, асоси ялпоқ тухумга ўхшайди; иккала кўрфаз

шаклан, катта-кичиклиги билан бир-бирини шунчалар такрорлайдики, устидан учиб ўтаётган чағалайлар бу ғаройиб ўхшашликдан ҳайратланмай қолмайди. Қанотсиз тирик жонзотлар бу фавқулудда ҳодисани яна ҳам кўпроқ ҳайрат билан кузатишлари мумкин -- ташки кўриниши ва ўлчамидан ташқари, бошқа ҳамма томонлама фарқларни кўради.

Мен Уэст-Эггдан кичикрок, айтайлик дабдабаликдан йироқрок – бу таъриф ғалати ва ҳатто ваҳимали хусусиятларини ёрқин ифодаламаган иккита кишлоқдан бирига ўрнашдим. Уйчам буруннинг энг охирида, қирғоқдан эллик ярд нарида, ҳар мавсумда ўнг икки-ўн беш минг тўланадиган иккита ҳашаматли вилла орасида жойлашган. Айниқса, ўнг томондаги вилла жуда ажойиб кўринишга эга – чирмовиқ пардаси тагидан ҳам янги кўйилган ғишти ярақлаб турган бурчакли минора, сузиш учун мрамар бассейни ва қирқ акрдан ортиқрок боғ худуди бўлган Нормандиядаги Hotel de Villa нинг айна нусхаси дейсиз. Мен бу кўрғон Гэтсбиники эканлигини билардим. Аниқроғи, кўрғон Гэтсби фамилияли кимсага тегишли, чунки бундан бошқа маълумотни билмайман. Менинг уйчам бу ерда кўзга тушган парда мисоли, лекин парда шунчалар кичикки, уни ҳеч ким пайкамайди, шу сабаб мен денгиз манзарасидан баҳра олиш билан бирга, ойига атиги саксон доллар эвазига бегона кимса боғининг бир қисмини томоша қилиш ва миллионер билан қўшни бўлиб яшаш завқини ҳис қилиш имкониятига эга бўлдим.

Кўрфазнинг бошқа томонида сув устида Ист-Эггнинг ҳашаматли оқ саройлари ярқираб туради. Моҳиятан айтганда, бу ёз воқеаси ўша оқшомдан, мен ўзимнинг “додж”имга ўтириб Бьюкененларникига меҳмонга борганимдан бошланди. Дэзи Бьюкенен узоқ қариндошим, Томни эса университетда ўқиган чоғимдан танийман. Бир вақтлар, урушдан сўнг Чикагода уларникида икки кун тунаганман.



Том, табиатан жисман кўп устунликларга эга – нью-хейвен футбол ишқибозлари бошқа бундай ўйинчигина эслаб қололмайдилар – америкаликларга хос бўлган феълли, яъни йигирма бир ёшида энг юксак марраларга эришган, кейин эса нима қилмасин, ҳаммаси чаппа кетаётганини ҳис қиладиган фигуралардан бири эди. Томнинг ота-онаси мисли кўрилмаган даражада бой одамлар – университетдаёқ пулни исроф қилгани учун кўп маломатга қоларди. Энди эса Чикагодан Шаркка кўчиб кетишни ўйлаб, Том бир қўл силташда ғаройиб ишларни қилди: масалан, Лейк-Форестдан поло ўйини учун бутун бошли поло отхонасини кўчириб олиб келди. Бундай тантқиқликлар учун менинг авлодимдаги бир одамда шунга етарли пул бўлишини тасаввур қилиш қийин.

Шаркка кўчиб кетиш фикри қаёқдан пайдо бўлди, билмадим. Улар Францияда бир йил яшашди, у ерда ҳам бир йиллик умрлари беҳуда ўтди, кейин узок вақт биргаликда поло ўйнаш ва ўз бойликларидан хузурланиш мақсадида бойлар кўчиб борадиган Европанинг турли бурчакларида изғишди. Энди улар, Дээзининг менга телефонда маълум қилишича, бир жойда ўтроқ ҳаёт кечиришга қарор қилишибди. Умуман, бунга унчалик ишонмадим. Мен Дээзининг қалбига мўралай олмасдим, аммо Том, назаримда, бутун умри давомида ўзи мосуво бўлган футболчиларга хос кучли сезгирликни топиш илинжида бир жойдан иккинчи жойга беармон кўчиб юрадигандек туюлади.

Бир куни илик, лекин шабада эсиб турган оқшомда Ист-Эгга иккита кадрдон дўстимни – аслида, уларни яхши билмайман – кўриш учун кетаётган эдим. Уларнинг қароргоҳи мен хаёлимда яратганимдан кўра ҳашаматли экан. Георгиан-колониал услубидаги ёрқин қизил ва оқ бўёқли уйнинг олд томони бўғозга қараган. Яшил газон майдони деярли сув оқаётган жойдан бошланган, сув гулзор ва уйгача чўзилган ғишт кукуни сочилган

йўлакчанинг чорак қисмигача оқиб келадида, худди ток новдалари билан қопланган девор юзасида сирпа-ниб осмонга учмоқчи бўлгандек, куёш соатидан сакраб ўтади. Икки тавақали баланд қатор деразалар фасад-нинг бутун узунлигини кесиб ўтган; ҳозир кечки илик шабада кириши учун деразалар очик қолдирилган ва ойналари яркираяпти, эшикда эса Том Бьюкенен отда юриш учун киядиган кийимида оёқларини кенг очганча турибди.

У Нью-Хейвендалик вақтидагидан анча ўзгарган. Ҳозир Том елкадор, катта оғизли ўттиз ёшли ва етар-лича кибр-ҳавога берилган малла кишига айланган. Кўзлари юзидаги энг асосий аъзо: кескин ва қатъий нигоҳлари боис таҳдид қилганча косасидан чиқиб кетаётган ўхшайди. Отга юриш учун мўлжалланган кийимидаги аёлларга хос баъзи элементлар ҳам унинг жисмоний кудратини ақалли бир қур ҳам яширмаган; бақувват болдирлари ялтироқ кўнжларда сиқилиб қолганга ўхшайди, иплари мана-мана ечилиб кетай дейди, озгина ҳаракат қилганида юпқа мовут остида пишиқ мушаклари тугуни қимирлаганидан елкалари шундоқ билинади. Бу вайрон қилувчи кучга эга кудрат – бақувват жасад.

Том ўзи ҳақида тасаввур уйғотган кишига мос тушадиган тарзда кескин, хириллаган тенорда гапиради. Ўзига ёқадиган инсонлар билан суҳбатлашганида Томнинг овозида доим қонида қолиб кетган жирканч та-каббурлик оҳанги билинади. Нью-Хейвенда кўпчилик унинг бу гапириш оҳангига тоқат қилолмасди. У худди “Мен, албатта, сизлардан кучлиман ва умуман, сизлар менга тенг келолмайсизлар, барибир, аммо менинг фикримни рад этолмайсизлар” деяётганга ўхшайди. Юқори курсга ўтганимизда биз у билан битта талабалар жамиятида бўлганмиз, ўтрамизда дўстлик бўлмаган эсада, доим унга ёқадигандек туюлардим ва у ҳам таклифлари билан менга ёқишга уринаётганга ўхшарди.





Биз кечки куёш нури ёруғида эшик олдида бироз турдик.

– Бу ердаги пристаним ёмон эмас, – деди Том, атрофга боқар экан.

У елкамга қўлини қўйди, енгил босиб, мени ўгирилишга мажбур қилди, қўлларини кенг очиб, эшик олдида кўзим тушган манзара: боғда жойлашган итальянча токчалардан тортиб, ифорини таратиб турган ярим акр атиргуллар чаманзори ва қирғоққа урилаётган тўлқинларда чайқалаётган тўмтоқ тумшукли моторли яхтасига ишора қилди.

– Мен бу кўрғонни нефтчи Демэйндан сотиб олдим. – У яна елкамга босиб, мулойимлик билан мени эшик томонга ўгирди. – Қани, юр.

Биз кенг холл орқали ўтдик ва пушти рангда яркираб турган маконга, уйнинг ўнг ва чап томони деворларида баланд деразалари базўр турган хонага кирдик. Деразалар ланг очилган ва худди уй ичида ўсгандек туюлаётган ям-яшил майсалар фонида яркирамоқда. Хона бўйлаб енгил шабада дераза пардаларини – аникроғи, осилиб қолган оқ байроқларни – силкитганча дайди-моқда, бир қарасанг парда ичкарисидан, бир қарасанг ташқаридан эсади, кейин бирдан юқорига, глазурь куйилган тўй тортига ўхшаш шифтга кўтарилади, яна бир қарасанг, денгиз юзасидаги шабададек қип-қизил чўгдек ёнган гиламда олачипор соя югуради.

Хонадаги ягона қимирламайдиган буюм, худди аэро-статда лангарга боғлангандек, ортида иккита ёш аёл беркиниб турган катта диван эди. Аёлларнинг оқ кўйлаклари этаклари, иккаласи ҳозиргина аэро-статдан тўғри уйга тушгандек, тебранди, чайқалди. Менимча, пардаларнинг шитирлаши ва девордаги суратларнинг ғичирлашига кулоқ солганча бир неча муддат туриб қолдим. Кейин нимадир тақиллади – Том Бьюкенен бир томондаги деразани ёпди – ғарб шамоли кучсизланганча қотди, пардалар, гилам, тахта орқасидаги ик-

кала аёл секин-аста кучсизланиб, ҳаракатсиз ҳолатга келди.

Иккисидан кичикроғи менга нотаниш. У бор бўйи билан диваннинг бир учига чўзилди, қимирламади, худди даҳанида аллақандай нарса турибдию, минг қийинчилик билан мувозанатини сақлашга уринаётгандек бошини бироз орқага ташлади. Балки у мени кўз кири билан кўргандир, аммо ўзи кўзга ташланмади: ташрифим билан унга халал берганим учун шошиб қолдим, маъзур тутишини сўрамоқчи ҳам бўлдим.

Бошқаси – бу Дэзи эди – ўрнидан турмоқчи бўлди: ташвишли юз ифодаси билан олдинга енгил қадам ташлади; аммо шу заҳоти кўнғирокдек жарангдор, мафтункор, бироқ беўхшов овозда кулиб юборди, мен ҳам кулдим ва диванга қараб юрдим.

– Қувонганимдан серрайиб қотиб қолдим.

У худди ўткир маъноли сўз айтгандек яна кулди ва бир лаҳза қўлимни ушлаб, кўзларимга шундай тикилдиди, мени кўришдан бошқа қайноқ истаги бўлмаган деб ўйлаш мумкин. Ана шундай қарашни уддалар эди у. Сўнг шивирлаб, диваннинг бошқа учига ўтирган эквилибристчи<sup>2</sup>нинг фамилиясини айтди: Бейкер. (Бесуяк тил Дэзининг шивири ҳийла эканлигини таъкидларди, ҳийладан мақсад – суҳбатдошини ўзига яқинроқ эгилтириш; бу ҳаракат заррача бўлсин мафтункорликка пуртур етказмайдиган маънисиз бўҳтон эди.)

Шундайми ёки йўқ, Бейкернинг лаблари титради, уни базўр илғайдиган даражада бошини қимирлатди ва ўша заҳоти яна бошини орқага ташлади – даҳанида турган нарса думалади, шекилли, у ерга тушди деб кўрқиб кетди. Мен яна кечирим сўрашдан ўзимни зўрға тийдим. Манманлик ва эркинлик, улар қандай намоён бўлмасин, мени доим эсанкиратиб қўйган.

---

<sup>2</sup> Эквилибрист – дор, шар ва ш.к. да ўйин кўрсатадиган цирк артисти.



Қариндошим паст, ҳаяжонли овози билан мени саволга кўмиб ташлади. Унинг ингичка овозига кулоққа кирар экан, бошқа ҳеч қачон янграмайдиган мусиқадек, ҳар бир жумласи оҳангини илғашга уринасан. Дэзининг юзи ёқимли ва ғамгин, фақат чакноқ кўзлари, ёркин титроқ лабларигина уни жонлантиради. Бироқ овозида уни севган эркаклар кейинчалик ҳам унутолмайдиган кўп нарса – мусиқий ҳукмронлик, уни тинглашга чакирик, қувонч ва шодлик садоси, ҳозиргина тугаган ва яна олдинда кутаётган завқ-шавқ таронаси бор.

Мен Нью-Йоркка кетаётиб, Чикагода бир кунга қолганимни айтдим ва ўнлаб дўстларимизнинг саломларини етказдим.

– Демак, у ерда мени соғинаётган эканларда? – завққа тўлиб хитоб қилди Дэзи.

– Бутун шаҳар оромини йўқотган. Ҳамма машиналарнинг чап орқа ғилдираги мотам белгиси сифатида қора рангга бўялган, кўл кирғоқларида эса туни билан йиғи ва оҳ-воҳларга кўмилади.

– Қанчалар ғаройиб! Кел қайтамиз, Том. Эртага-ёқ қайтайлик! – Томнинг жавобини ҳам кутмай гапида давом этди: – Бизнинг кичкинтойимизни кўришни хоҳлайсанми?

– Уни кўришни жуда ҳам хоҳлардим.

– Қизалоғимиз ухлаб қолган. У уч ёшда. Сен уни хали кўрмагансан-а?

– Ҳали кўрганим йўқ.

– Ҳа, агар уни бир кўрсанг эди... у...

У бурчакдан бу бурчакка тинимсиз бориб келаётган Том Бьюкенен бирдан тўхтади ва кўлини елкамга қўйди:

– Ник, ҳозир нима билан шуғулланыпсан?

– Кредит операциялари билан.

– Кимда ишляяпсан?

Мен жавоб бердим.

– Илгари бу исмни эшитмаган эканман, – такаббуруна қистирди Том.

Менга оғир ботди.

– Эшитасан ҳали, – қисқа эътироз билдирдим. – Агар Шарқда қолиш ҳақида ўйласанг, шубҳасиз, эшитасан.

– О, бундан хавотир олмасанг ҳам бўлади, – деди у ва Дзига қараб, ўша заҳоти, худди мен қаршилиқ қилишга тайёрланаётгандек, нигоҳини яна менга қаратди. – Бу ердан кетадиган даражада аҳмоқ эмасман.

Шу пайт мисс Бейкер “Факт!” деди – мен ҳатто бу кутилмаган сўздан титраб кетдим, ахир бу аёл шу вақтгача айтган биринчи сўз эди-да. Афтидан, бу мендан ҳам кўра кўпроқ ўзини ҳайратга солди; Бейкер эснади ва икки-уч марта енгил, чакқон ҳаракат билан оёққа турди.

– Мен буткул қишлоқ аёлига ўхшаб қолдим, – шикоят қилди у. – Шунча вақт диванда ёнбошлаб ётиш мумкинми, ахир.

– Илтимос, менга бундай қарама, – унинг гапини кесди Дзи. – Мен эрталабдан буён сени Нью-Йоркка жўнатиб юборишга ҳаракат қиляпман.

– Раҳмат, керак эмас, – деди Бейкер хоним стол устида ҳозиргина пайдо бўлган тўрттала бокалдаги коктейлларни рад қилди. – Йўл олдидан ҳеч қачон ичмайман.

Уй эгаси унга ишонмай қаради.

– Буни қаранг-а! – Ўзи битта кўтаришда ичимликни смирди, худди аввалдан бокалда ҳеч нима бўлмагандек, туби тез бўшаб қолди. – Ўзи бирон ниманинг уддасидан қандай чиқасан, шунисига ҳайронман.

Мен ниманинг уддасидан чиқишини топишга уришиб, Бейкер хонимга қарадим. Унга қараш ёқимли эди. Баланд бўйли, расо қадли, устига, худди кадет<sup>3</sup> болачалардек елкаларини орқага ташлаши қоматини яна ҳам чиройли кўрсатар эди. Унинг чиройли, окпар, инжик

---

<sup>3</sup> Кадет – Инкилобдан илгариги Россияда: кадетлар корпусининг ўқувчиси.



ифодали юзидаги кулранг кўзлари қизиқувчанлик билан менга қараб қисилди. Бирдан уни қаердадир, балки расмдадир, кўргандек туюлди.

– Сиз Уэст-Эггда турасизми? – саволни чўзиб, бироз тепадан келиб гапирди у. – У ерда менинг танишларим бор.

– Мен у ерда ҳеч кимни...

– Гэтсбини билмаслигингиз мумкин эмас.

– Гэтсби? – қайта сўради Дэзи. – Қанақа Гэтсби?

Мен Гэтсби яқин кўшним эканлигини айтмоқчи эдим, аммо шу маҳал овқат тайёрлигини ва дастурхонга марҳамат қилишимизни айтиб қолишди. Том Бьюкенен мушакдор қўллари билан билагимдан ушлаганча, худди шахмат донасини бир катакдан иккинчи катакка олиб қўяётгандек, мени хонадан олиб чиқиб кетди.

Шошмасдан, хўрсинганча ва кўйлагини бўксасидан ушлаганча энгил кўтариб, иккала аёл биздан олдинда ғарб томонга қараган пуштиранг айвонда тузалган дастурхон томон бордилар. Стол устида тўртта шам энгил эсаётган шабадада липиллаб ёниб турибди.

– Бу яна нима учун керак? – Дэзининг қошлари чимирилди ва бармоқлари билан ҳамма шамни ўчирди. – Икки ҳафтадан сўнг йилдаги энг узун кун бўлади. – У бизга чакнаб турган кўзлари билан бирма-бир қараб чиқди. – Бу кунни узоқ кутган, кейин эса бирдан ўтиб кетганини эслаган пайтингиз бўлганми? Менда ҳар йили шундай воқеа содир бўлади.

– Келинглр, бирор нарса ўйлаб топамиз, – эснади Бейкер хоним, худди овқатланиш учун стол атрофига ўтираётгандек эмас, балки ухлаш учун каравотга ётаётгандек алфозда.

– Келинглр, ўйлаб топамиз, – деди Дэзи. – Фақат нимани? – У чорасиз қолган одамдек менга қаради. – Умуман, нима ўйлаб топиш мумкин?

Жавобни ҳам кутмай, бирдан жимжилоғига даҳшат билан тикилиб қолди.

– Қаранглар, – чинкириб юборди Дэзи. – Мен бармоғимни жароҳатладим.

Ҳаммамиз қарадик, бармоқ бўғими кўкариб шишган эди.

– Сен айбдорсан, Том, – деди алам билан. – Биламан, атай қилмадинг, лекин барибир, сен айбдорсан. Менга шу ҳам кам, нега энди келиб-келиб бундай ҳайбатли, гунгурдай, бесўнақай дарозга турмушга чиқдим-а!

– Шу гапни эшитишга тоқатим йўқ, – хафа бўлганча унинг гапини бўлди Том. – Мени ҳазиллашиб ҳам дароз дейишларини хоҳламайман.


– Дароз! – ўжарлик билан такрорлади Дэзи.

Баъзан Дэзи ва Бейкер хоним баравар гапиришар, аммо уларнинг истехзоли, бемаъни вати-кутилари енгил ҳазилдан йироқ бўлиб, худди оқ кўйлаклари, лоқайд қарашлари каби совуқ эди. Улар дастурхон атрофида ўтиришар, биз – Том ва менинг давраимизга тоқат қилишар, фақат оқсуякларга хос илтифот ва хушмуомалалик билан кўнгилимизни овлашга ёки биз уларнинг кўнгиллариини овлашимизга ёрдам беришга ҳаракат қилишар эди. Аёллар кечки овқатланиш вақти тезда тугагини ва ҳозирги ҳодисаларга ўтмишда қолиб, уларга бепарволик билан қўл силташ мумкинлигини яхши билишади. Бизда Ғарбда ҳаяжон билан кутган окшомга шошиласан, шу билан бирга, ҳам кутаётган, ҳам кўрқаётган кечангининг тезроқ тугагини хоҳлаб, соатга қарайверасан. Бу ерда эса ундай эмас.

– Дэзи, сенинг ёнингда ўзимни маданиятли одамдек ҳис қилолмаёпман, – дедим норози оҳангда, иккинчи бокал қизил шаробни ичгандан сўнг. – Кел, менга тушунарли бўлган мавзуда ҳосил турлари ҳақида бўлса ҳам, суҳбатлашамиз.

Мен буни ўйламасдан, шунчаки гапирдим, бироқ гапим кутилмаган натижа берди.

– Цивилизация барбод бўлишда, худди жаҳл билан Том. – Мен энди энг ғамгин десманга, нега айтаётган бўл





дим. Годдарднинг “Юксалаётган рангли империялар” китобини ўқиганмисан?

– Йўқ, ўқимаганман, – унинг гап оҳангидан хайрон бўлдим.

– Ажойиб китоб, уни ҳамма ўқиши керак. Китобда шундай ғоя илгари сурилади: агар биз эҳтиёткор бўлмасак, оқ танлиларни... хуллас, бир сўз билан айтганда, ранглилар ютиб юборади. Бу бежиз айтилмаган, ҳаммаси илмий исботланган.

– Том сўнги пайтда мулоҳаза юритадиган бўлиб қолди, – деди Дэзи маъюсланиб. – У номи узундан-узоқ ҳар хил ақлли китобларни ўқияпти. Том, анави сўз қандай эди, биз ҳеч...

– Оддий китоблар эмас, илмий ишлар, – жаҳли чиқиб хотинининг гапини инкор қилди Том. – Годдард ўз фикрини охиригача ривожлантиради. Биздан, олий ирқдан бошқа ирқлар юқорилаб кетишига йўл қўймаслик талаб этилади.

– Биз уларни яксон қилишимиз керак, – шивирлади Дэзи, уфқда қизариб ботаётган қуёшга кўзини қисиб қараркан.

– Калифорнияда яшаганимизда борми... – дея гап бошлаган эди Бейкер хоним, Том ўтирган стулини полга кириб суриб, унинг гапини бўлиб қўйди.

– Гап шундаки, биз – нордлар ирки вакилларимиз. Мен ва сен, сен ҳам ва... – Бир лаҳза ўйланиб туриб, бошини Дэзи томон ишора қилиб кимирлатди, у эса ўша ондаёқ яна менга кўзини қисди. – Цивилизацияни ташкил қиладиган биз яратган ҳамма нарса – илм-фан ҳам, санъат ҳам, бошқа нарсалар ўша ерда. Тушунарлими?

Унинг қатъиятида, худди йиллар давомида ҳамон улғаяётган шахсга ҳозирги завқ-шавқ камлик қилаётгандек, аллақандай жўшқинлик бор эди. Уйнинг қайсидир бурчагида телефон жириглади, хизматкор қўнғироққа жавоб бериш учун кетди. Дэзи эрининг чалғиганидан фойдаланиб, мен томон эгилди.

– Сенга бир оилавий сирни айтаман, – жонланиб шивирлади у. – Хизматкоримизнинг бурни ҳақида. Хизматкоримизнинг бурни ҳақидаги сирни билишни хоҳлайсанми?

– Мен атай шунга келдим.

– Унда эшит: илгари у оддий хизматкор бўлмаган, Нью-Йоркдаги бир хонадонда, икки юз кишилиқ ошхонага эга оилада хизмат қилган. У ўша ошхонани бошқарган. Эрталабдан кечгача ошхонани тозалаган ва охири тумов бўлиб қолган...

– Кейин ундан баттар бўлган, – орага гап қўшди Бейкер хоним.

– Рост. Кейин ундан ҳам ёмон бўлган ва шу ишидан кетишига тўғри келган.

Ботаётган қуёш хайрлашув чоғида ёқимли нурлари билан Дээзининг қизарган юзларини силади; мен беихтиёр нафасимни ичимга ютганча ва бўйнимни олдинга чўзганча унинг пичирлашига кулоқ солдим, аммо қизиллик, худди оқшом чўкиши кўчани тарк этиб, уйга киришга мажбур қилган боладек, Дээзининг юзидан хохламайгина кетиб қолди.

Хизматкор қайтгач, Томнинг қулоғига алланималарни деярли пичирлаб гапирди. Том чимирилди, стулини суриб, бир оғиз ҳам сўз демай, нариги хонага кириб кетди. Дээзининг ичида худди бир нима қайнаб тошгандек, яна мен томон эгилди ва мулойим, эркалаган оҳангда деди:

– Ох, Ник, шу дастурхон атрофида сени кўрганымдан хурсандлигимни билсанг эди. Сен... сен атиргулга ўхшайсан. Тўғрими? – Дээзи дугонаси гапини тасдиқлаши учун Бейкер хонимга ўгирилди. – У – ҳақиқий атиргул.

Бу ғирт бемаъни гап бўлди. Менда атиргулни эслатадиган биронта ҳам белги йўқ. У хаёлига келган биринчи гапни айтди, аммо, барибир, худди қалби қутилмаган, эсанкиратадиган бу сўзларни ёриб ташқарига отилгандек, Дээзидан ёқимли илиқлик, тароват таралиб турарди.





Бирдан кўлидаги сочиқни столга қўйиб, узр сўради ва у ҳам эрининг орқасидан хонага кириб кетди.

Бейкер хоним иккимиз қарашларимизда ҳеч қандай маъно англашилмаган назар билан алмашиндик. Нимадир демокчи бўлган эдим, у стули билан мен томон сурилди. Эшик тарафдан кимнингдир жаранглаган ҳаяжонли овози эшитилди ва Бейкер хоним бўйнини чўзиб, тортинмасдан кулоқ сола бошлади. Овоз титрар, бир шивирлар, бир хитобга айланар, бир бутунлай ўчиб қолар эди.

– Боя сиз эслатган жаноб Гэтсби, у менинг қўшним, – дея гап бошладим мен.

– Жим ўтиринг. Мен нималар бўлаётганини эшитмоқчиман.

– У ерда бирон нима бўляптими? – соддадиллик билан сўрадим.

– Нима, ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми? – Бейкер хоним ҳайрон бўлди. – Мен ҳамма биледи деб ўйлаган эдим.

– Мен билмайман.

– Умуман... – У тутила-тутила гапирди. – Томнинг Нью-Йоркда жазмани бор.

– Жазмани бор? – довдираб қайта сўрадим.

Бейкер хоним тасдиқ маъносида бошини ирғади.

– Умуман, зиғирча виждони бўлганда кечки овқат пайтида унга кўнғироқ қилмаган бўлар эди. Тўғрими?

Эшитганларимнинг маъносини англагунимча эшикда кўйлак этаги шитирлади, чарм тагликлар ғижирлади – уй хўжайини дастурхонга келиб ўтирди.

– Шошилиш иш! – атай қувноқ овозда хитоб қилди Дэзи.

Жойига ўтирди, Бейкер хонимга, сўнг менга синчковлик билан қаради ва ҳеч нима бўлмагандек давом этди:

– Бир дақиқага боққа чиқдим, у ер ҳозир жуда чиройли бўлган. Дарахтда қуш сайрапти, менимча, булбул бўлса керак, ҳа булбул. Балки охириги трансатлантика

рейси билан келгандир. Шундай сайраяпти, шундай сайраяптики... – Шу онда Дэзи гапираётгандек эмас, балки ўзи куйлаётгандек бўлди. – Ажойиб эмасми, Том, ўзинг айт.

– Ҳа, хақиқий гўзаллик, романтика, – деди у ва нажот кутгандек менга ўгирилди: – Овқатдан сўнг, агар жуда қоронғи тушиб кетмаса, сенга отларни кўрсатаман.

Яна телефон жириглади; Дэзи Томга қараб, бошини кимирлатди, отлар ҳақидаги гап, умуман, бутун суҳбатимиз ҳавода муаллақ осилиб қолгандек бўлди. Дастурхон атрофида ўтаётган вақтимиздаги сўнги беш дақиқа ичидаги узилишлар орасида шамлар ёғдуси – негадир шамларни яна ёқишган эди – ва мени қийнаган қолганларга синчковлик билан қараш, аммо ҳеч кимнинг нигоҳини учратмаслик истаги ёдимда қолди. Бу вақтда Дэзи ва Том, нималарни ўйлашди, билмадим. Ҳатто гумонли қарашлари шундоққина юзида ифодаланиб турган Бейкер хонимнинг ҳам орамиздаги бешинчи – пўлатдек чирсиллаётган жозибадор ёғдуларни сезмаслиги мумкин эмас эди. Бу вазият бошқа одамга қизиқарли, ёқимли туюлиши мумкин, бироқ менда дарҳол полицияни чақириш керак деган сезги бор эди.

Ўз-ўзидан тушунарлики, отлар ҳақида бошқа гап-сўз бўлмади. Том ва Бейкер хоним кутубхонага қайтишди. Гўёки кўринмас, аммо ўзини моддий мавжудликдек тутаётган ғамгин бедорликда ўзимни жонлангандек тутар ва қулоғимни енгил динг қилганча Дэзи билан уй атрофидаги бир-бирига уланиб кетган балконлардан, сайримиз охири бизни бутунлай қоронғи бўлган марказий айвонга олиб чиққунича орқама-кетин бордик. Сўнг тўқилган диванда ёнма-ён ўтирдик.

Худди юзининг овал шаклида эканлигини ушлаб кўриб билмоқчи бўлгандек, Дэзи иккала кафтини юзига тутганча синчков, қатъий нигоҳини ғира-шира қоронғилик қаърига ташларди. Мен идора этишга кучсиз-



лик қилаётган даражада ҳаяжонланаётганини кўрдим ва кизи ҳақидаги саволлар билан чалғитишга уриндим.

– Сен билан қариндош бўлсак-да, бир-биримизни жуда кам биламиз, Ник, – деди кутилмаганда. – Сен ҳатто никоҳ тўйимда бўлмагансан.

– Мен у пайтда урушда эдим.

– Ҳа, айтганча. – Дэзи жим қолди. – Биласанми, Ник, мен кўп нарсаларни бошимдан ўтказдим, энди эса ҳеч нарсага ишонгим келмайди.

Айтаётган гапларга кўра, Дэзининг ишончни йўқотишига асос бордек гўё. Мен бироз кутдим, лекин у гапини давом эттирмади, шунда чорасизликдан яна кутқарувчи мавзу – кизи ҳақидаги саволларга қайтдим.

– Қизинг гапиришни ўргангандир ва ... ҳамма нарса еяверса керак, а?

– Ҳа, албатта. – У ҳардамхаёллик билан менга қаради. – Қизим туғилганида нима деганимни билишни истайсанми, Ник? Сенга қизиқ бўладими?

– Жуда қизиқ бўлади.

– Бу кўп нарсани тушунишинга ёрдам беради. Туғилганига ҳали бир соат бўлгани йўқ, Томнинг қаерда эканлигини ёлғиз худо билади. Мен нарқоздан кейин кўзимни очдим, ўзимни кимсасиз ва парчалангандек ҳис этардим, ўша лаҳзадаёқ доядан “Қизми, ўғилми?” деб сўрадим. Қиз эканлигини эшитганимда, тесқари қараб йиғладим. Кейин эса “Майли, қиз бўлса бўлар, қиз туғилганидан жуда хурсандман. Фақат қизим тентак бўлиб улғайсин, чунки аёллар учун бу ҳаётда тентак бўлиб яшаш осонроқ”, дедим.

Кўряпсанми, дунёда барибир эзгулик йўқ деб ўйлайман, – давом этди ишонч билан Дэзи. – Ҳамма шундай ўйлайди – ҳатто энг ақлли, энг илғор одамлар ҳам. Мен эса фақат ўйламайман, мен биламан. Ахир мен ҳамма ерда бўлганман. Ҳамма нарсани кўрганман, ҳис қилганман. – У Том каби айёрона қараш қилди ва жангдор нафрат тўлган овозда қолди. – Кўп тажрибага

эгаман ва ҳамма нарсадан кўнглим қолган, мана мен қанақаман.

Мени тинглашга ва ишонишга мажбур қилган гаплар тингач, уларнинг ёлғон эканлигини ҳис қилдим. Бутун окшом ёлғон ва ҳийла орқали бошқаларнинг ҳис-туйғуларидан менинг ҳаяжонланишим олдиндан режалаштирилганидек, ўзимни нокулай ҳис қилдим. Бир дақиқа ўтди ва гўёки Том аъзо бўлган имтиёзга эга сирли жамоага ўзининг ҳам тааллуқли эканлигини исботлашни ууддалагандек, Дэзининг мафтункор юзида мулойим, қувнок табассум пайдо бўлди.

Ёнган чирок ёруғида хона қизарди. Том узун диваннинг бир бурчагида ўтирар, Бейкер хоним эса иккинчи бурчагида “Сатердей ивнинг пост”ни овоз чиқариб ўқирди – газетани ўқир экан, сўзлари бир маромда янграб, аллаларди. Чирокнинг ёркин шуъласи Томнинг ботинкасида ўйнар, Бейкер хонимнинг кузги барглари тусини эслатувчи хира олтин сочларига қуйилар, кучли, мушакдор бармоқлар катъий ҳаракати билан очилган газета саҳифаларида сирпанар эди.

Бизни кўргач, Бейкер хоним огоҳлантиргандек қўлини кўтарди:

– “Давоми кейинги сонда”, – охирини ўқиди ва журнални қўйди. Сўнг тиззасига таяниб, дивандан турди. – Соат ўн, – эълон қилди у шифтга қараб. – Мўмин-қобил қиз ухлайдиган вақт бўлди.

– Жорданнинг эртага Уэстчестерда мусобақаси бор, – изоҳлади Дэзи. – У ерга эрта тонгда етиб бориши керак.

– Сиз ўша – Жордан Бейкерсиз!

Унинг юзи нега таниш туюлганини мана энди тушундим, ўжар бу юз Ашвилла, Хот-Спрингс ва Палм-Бич спорт хабарлари ёритиладиган суратларда кўп кўриниб қоларди. Мен ҳатто у ҳақда ёмон, хунук миш-мишларни эшитганман, лекин бор тафсилотлар эсимдан ҳам чиқиб кетган эди.



– Хайрли тун, – деди у. – Илтимос, мени соат саккизда уйғотинглар.

– Барибир турмайсан.

– Тураман. Хайрли тун, жаноб Каррауэй. Биз яна кўришамиз.

– Албатта, кўришасизлар, – тасдиқлади Дэзи. – Ҳатто мен ўзим сизларни бирлаштириб қўйсаммикин деб ўйляяпман. Ник, тез-тез келиб тур, мен сизларни, бу қандай айтиларди – сизларнинг яқинлашиб кетишингизга ёрдам бераман. Атай сизларни омборхонага қамайман, очиқ денгизга қайиқда учишга юбораман, яна бир нималарни ўйлаб топаман.

– Хайрли тун! – аллақачон зинадан тушиб кетаётган Бейкер хонимнинг кичкиргани эшитилди. – Мен ҳеч нарсани эшитмадим.

– Жордан – ажойиб қиз, – деди Том бироз вақт ўтгандан сўнг. – Бекорга унинг қўнимсиз ҳаёт кечиршига қўйиб беришяпти-да.

– Ким қўйиб беряпти? – совуқ оҳангда сўради Дэзи.

– Ким бўларди, қариндошлари-да!

– Қариндошлари – юз ёшга тўлган холасими? Лекин энди Ник унга ғамхўрлик қилади, тўғрими, Ник? Жордан ҳар шанба бизникига келади. Оилавий ҳаётимиз муҳити унга ижобий таъсир кўрсатади деб ўйлайман.

Дэзи ва Том сўзсиз бир-бирларига қараб қўйишди.

– У Нью-Йоркданми? – шошиб сўрадим мен.

– Луисвиллдан. Менинг ўсмирликдаги, бахтиёр, буғубор давримдаги дугонам.

– Нима, сизлар айвонда Ник билан дилдан суҳбатлашдингларми? – сўради қутилмаганда Том.

– Дилдан суҳбатлашиш? – Дэзи менга қаради. – Эслолмайман, лекин, менимча, биз нордлар ирқи ҳақида гаплашаётган эдик. Ҳа, ҳа, айнан шу ҳақда. Суҳбат мавзуси ўз-ўзидан туғилди, биз ҳатто қандайлигини сезмай қолдик.

– Қара, Ник, бемаъни гапларга ишонаверма, – огоҳлантирди мени Том.

Мен ҳеч қандай бемаъни гапларни эшитмаганимни айтдим ва бироздан сўнг хайрлашдим. Улар мени кузатишга чиқдилар ва деразадан тушиб турган тўртбурчак ёруғлик остида, бурчакда туриб машинага минишимга қараб турдилар. Моторни ишга туширганимда, бирдан Дэзи хумкфарво оҳангда қичқирди: “Тўхта!”

– Мен жуда муҳим бир нарсани сўрашни унутибман. Биз уйда қаллиғинг бор деб эшитган эдик.

– Ҳа, ҳа, – Том мени гапимда тутиб олмоқчидек тасдиқлади. – Қаллиғинг бор деб эшитдик.

– Бўхтон. Уйланиш учун жуда ҳам камбағалман.

– Биз эса эшитдик, – гапида туриб олди Дэзи; ҳайратим ўларок, у яна очила бошлади. – Биз учта ҳар хил одамдан эшитдик, демак, бу – тўғри.

Мен гап нима ҳақида бораётганини жуда яхши билардим, аммо, ростдан ҳам, ҳеч қандай қаллиғим йўқ. Унашувим ҳақидаги бўлмағур гаплар менинг Шарққа кетишга қарор қилганим сабабларидан бири эди. Кимларнингдир бесуюк тиллари боис эски кадрдонларим билан орани бузмоқчи эмасман, бироқ, бошқа томондан, беҳуда гап-сўзлар мени никоҳ меҳробигача олиб боришини ҳам хохламайман.

Мен Дэзи ва Томнинг қабулларида ниҳоятда таъсирландим, ҳатто бойликлари мени улардан узоқлаштиролмас эди, шундай бўлсада, уйга кетаётганимда аллақандай нохуш дилгирикдан, хираликдан қутулолмадим. Назаримда, Дэзи ёлғиз қолаётган бўлди: болани қўлида кўтарганча орқа-олдига қарамай бу уйдан қочаётгандек, аммо, афтидан, унинг хаёлида бундай фикр йўқ. Томга келсак, “Нью-Йоркда жазмани бор” лиги ҳақидаги гап мени зиғирча бўлсин хайратга солмади, қалб хотиржамлигини китоб ўғирлаган бўлиши мумкин. Уни қотиб қолган ғоялари қобиғига ботишига нимадир мажбур қилган, худди енгилмас мус-



таҳкам шаҳвоний мағрурлик бу ўткир қалбни бошқа қондирмаётгандек.

Йўл устидаги тамаддихоналар томи ва нур қўлмаклариди янги қизил бензин шохобчалари аксланаётган гаражлар олдидаги асфальт кун давомида ёздагидек қизиган. Уэст-Эгга қайтганимдан кейин машинани бостирма тагига қўйдим ва уй олдида ётган занглаган газонўргич устига ўтирдим. Шабада тинган, атроф қоронғи, тунги овозлар эшитилиб турибди – қушларнинг қаноти дарахт баргларига тегиб шитирламоқда, кўпчиган пўпанак остидаги фаровон ҳаётдан завқланган бақалар сайрамоқда. Мовийликда мушук аллақандай



қора шарпа ортига ўтиб кетди. Мен бошимни ўгириб унинг орқасидан қарадим ва бирдан ўзимнинг ёлғиз эмаслигимни кўрдим – эллик қадам нарида, кўшни уйнинг қуюқ соясида нарироқда бир одам кўлларини чўнтагига солганча кумушдек ярқираган юлдузларни томоша қилиб турар эди. Газонни эзганча босиб турган оёқлар ҳолати у кимсанинг эркин хотиржамлигини, ўзига бўлган ишончини ифодалади, демак, жаноб Гэтсби ўзи санаш ҳуқуқига эга бўлган уэст-эгг осмони юлдузларини ҳисоблашга чиққан.

Мен уни чалғитишга қарор қилдим. Жаноб Гэтсби ҳақида Бейкер хонимдан овқатланиш пайтида эшитган эдим, билганларим менга асқатади деб ўйлайман. Бироқ уни чалғитмадим, чунки жаноб Гэтсби бирдан ёлғизлигини бузиш ақлсизликдан бўлишини яққол билдирадиган ҳаракат қилди: у таажжубим ўлароқ, кўлини қора сувга чўзди ва орамиздаги масофага қарамай, жаноб кўзимга титраётгандек кўринди. Беихтиёр у қараётган йўналишга қарадим, лекин ҳеч нарсани кўрмадим; фақат узоқда ёниб турган яшил чирок кўзга ташланди, бу причал четидаги фонар сигнали бўлиши керак. Мен атрофга қарадим, аммо Гэтсби кетиб бўлган эди ва мен яна нотинч қоронғилиқда ёлғиз қолдим.





## ИККИНЧИ БЎЛИМ

Уэст-Эгг ва Нью-Йорк шоссеси ўртасидан темир йўл ўтган, чорак миль наридан ваҳимали харобазор бошланади. Бу ҳақиқий Тошқол<sup>4</sup> водийси – шлаклар худди буғдой унадиган, ўриладиган, хирмон уюладиган хаёлий экинзорга ўхшайди; кўз олдингизда тошқолли уйлар, қувурлар, осмонга кўтарилаётган тутун ва ниҳоят, агар синчковлик билан қаралса, чанг-тўзонда худди учаётгандек ҳаракатланаётган тошқолли кўкимтир-қора одамчаларни кўриш мумкин. Бирдан кўз илғамас рельслардан қаторасига кўкимтир-қора вагончалар судралиб келади, ваҳимали жаранг-журунг қилганча тўхтайди, ўша заҳоти тошқолли одамчалар белкураклари билан ғимирлаб қолишади ва шундай қуюқ чанг кўтаришадики, оқибатда уларнинг қандай сирли иш билан машғул эканликларини кўриб бўлмай қолади.

Дақиқа кетидан дақиқалар ўтади, бу беҳаловат ерда, кўкимтир-қора чанг тўзони кўтарилиб турган туман ичида доктор Т.Ж. Эклбергнинг кўзларини кўрасиз. Доктор Эклбергнинг кўзлари мовий ва катта – рангдор пардаси кенглиги бир метр келади. Кўзлари сизга одам юзидан эмас, балки мавжуд бўлмаган бурун устига қўндирилган сариқ гардишли катта кўзойнак тагидан боқади. Квинс-

---

<sup>4</sup> Тошқол – металл эритилганда қоладиган қотишма.

тлик аллақандай бир фантазиячи окулист фаолиятини кенгайтириш умидида реклама ўрнатиб, кейин ўзи бутунлай йўқликка юз тутган ёки ўйлаган нарсасини унутганча бирор ёққа кўчиб кетган бўлса керак. Аммо кўзлар қолиб кетган ва бўёғи ёмғир ҳамда қуёшда бироз айниган, анчадан буён янгитдан бўялмаган бўлсада, кўзлар ҳозир ҳам ўшандагидек қора ахлатни кузатиб туради.

Бир томондан Тошқол водийси қаттиқ булғаланган дарёга тақалган ва унинг устидаги кўприк баржа<sup>5</sup>ларни ўтказишга кўтарилганда маҳаллий ўтувчи пассажирлар ярим соатча хунук, хира пейзаждан баҳраманд бўлишларига тўғри келади. Бу ерда доим ақалли бир дақиқага бўлсада, ҳаракат тўхтади. Ҳаракат тўхтаган шундай пайтларнинг бирида Том Бьюкененнинг жазмани билан танишиб қолдим.

Томни ким қаерда танимасин-билмасин, ўша ерда унинг жазмани борлиги ҳақида ишонч билан гапиришади. Том севгилиси билан замонавий қаҳвахоналарда бўлишини, уни стол атрофида қолдириб, ўзи бутун зал бўйлаб, танишларини чақирганча у ёқдан бу ёққа юришини нафратланиб айтишади. Томнинг жазманини кўришга қизиқдим, аммо у билан танишишни хоҳламагандим, лекин танишишга тўғри келди. Бир куни Том билан бирга Нью-Йоркка бордик, поезд тошқол уюми олдида тўхтаганида, Том бирдан ўрнидан турди ва менинг қўлтиғимдан ушлаб, вагондан олиб чиқиб кетди.

– Шу ерда тушамиз, – деди у қатъий. – Сени аёл дўстим билан таништирмоқчиман.

Кун давомида мен билан бирга бўлиш хаёли Томга анча олдин, нонушта пайтида келган бўлса керак, ҳозир ўйлаганларини амалга ошириш учун куч ишлатишга ҳам тайёр. Якшанбада менинг бошқа режаларим бўлиши мумкинлиги унинг фикрига ҳам келмайди.


---

<sup>5</sup> Баржа – шатакка олиб юриладиган ёки ўзиюрар ясси юк кемаси.



Ортидан борарканман, темирйўлни ўраган унча баланд бўлмаган оқ девордан ошиб ўтдим ва доктор Эклбергнинг синчков нигоҳи остида юз қадамча орқага юрдик. Атрофда харобазор четида – ҳеч қаерга олиб бормайдиган ва ҳеч нарса билан кесишмаган кичкинагина Бош кўчада қаторлашиб қурилган учта ғиштли бинодан бошқа уй кўринмайди. Бири савдо иншооти, ҳозир бўмбўш, иккинчиси ресторанча, кун-у тун очик, учинчиси “Жорж Уильсон. Автомобиллар. Сотиб оламиз, сотамиз, таъмирлаймиз” деб ёзилган тахтача осилган гараж. Биз гаражга кирдик.

Ичи яланғоч ва ғарибона; фақат ғира-шира қоронғи бурчакда бузилган “форд” турибди. Бирдан назаримда машинасиз бу гараж – никобга ўхшаб туюлди, никоб остида сирли, жимжимадор ҳашамлар яши-



ринган; бироқ бу ерда идора сифатида хизмат қиладиган ёндаги хилватда кўллари латтага артаётган хўжайиннинг ўзи кўринди. Хомсемиз, рангпар, малла одам бўлса ҳам, умуман, ташқи кўриниши ёқимли эди. Бизни кўриб, мовий кўзларида умид учқунлари чақнади.

– Салом, Уилсон, дўстим, – деди Том, гараж хўжайинининг елкасига хурсанд бўлиб шапатилаб. – Ишлар қалай?

– Нолимайман, – жавоб берди Уилсон ишончсизлик билан. – Анали машинани қачон менга сотасиз?

– Кейинги ҳафта; ҳайдовчим уни тартибга келтир-япти.

– Назаримда, ҳайдовчингиз ҳеч шошаётгани йўқ.

– Менинг назаримда эса ундай эмас, – совуқ оҳанг билан гапни бўлди Том. – Агар кутишни хоҳламасангиз, мен уни бошқа жойда сотишим мумкин.

– Йўқ, йўқ, нима деяпсиз, – кўрқиб кетди Уилсон. – Сиз мени нотўғри тушундингиз, мен шунчаки...

Жумланинг охири ютилиб кетди. Том бу вақтда сабр-сизлик билан атрофга қаради. Бир пайт зинадан қадам товушлари эшитилди, бир дақиқадан сўнг қазноқдан тушаётган ёруғликни миқтидан келган аёл шамоийли тўсди. Аёлнинг ёши ўттиз бешларда, тўлачага мойил, аммо айрим семиз аёлларгагина хос бўлган одатича, қаддини тик тутар эди. Кўк нўхат гулли крепдешин кўйлаги соя солган юзида бирорта чиройли ёки ақалли тўғри хушбичимлик йўқ, аммо бутун борлигидан, худди ҳар бир томирида алангаланишга тайёр ўт бордек, ҳаётини куч-қувват ёғилади. У секингина кулиб ва эрининг ёнидан ўтаётди – у одам эмас, соя эди гўё – Томнинг олдига келди ва кўзларига тикилганча қўлини узатиб сўрашди. Сўнг лабларини ялади ва бошини ўтирмай эрига хириллаган овоз билан:

– Стул олиб келсанг бўларди, ахир бу олийжаноб инсонларнинг ўтиришига бошқа жой йўқ, – деди.



– Ҳозир, ҳозир, – Уилсон шошилганча қазноққа отилди ва дарров деворнинг оқ фонида намоён бўлди. Тошқол чанги, худди ҳаммаёқни қоплагандек, Уилсоннинг костюми ва рангсиз сочларига ўтирган; фақат Томга жуда ҳам яқин турган аёлдагина бу хира караш умуман кўринмайди.

– Сен менга бугун кераксан, – деди Том ҳукмфармо оҳангда. – Кейинги поездда кетамиз.

– Яхши.

– Пастда, перронда, газета киоски ёнида учрашамиз.

У бошини қимирлатди ва айни Уилсон иккита стул билан эшик олдида кўринган чоқда нари кетди.

Биз уни шосседа, ҳеч ким бизни кўрмайдиган жойга ўтиб кутдик. Тўртинчи июль байрами яқинлашмоқда, қора юзли нимжон итальян бола темир йўл полотноси узунасига сигнал петард<sup>6</sup>ларни тахлаётган эди.

– Дахшатли тешик, тўғрими? – деди Том доктор Эклбергнинг кўзларига норози бўлиб қараркан.

– Ҳа, бундан дахшатлисини ўйлаб тополмайсан.

– Мана, у ҳам бироз шамоллаб келганидан хурсанд бўлади.

– Эри-чи, индамайдими?

– Уилсонми? У Нью-Йоркдаги синглизиникига мехмонга боряпти деб ўйлайди. Ҳа, Уилсон шунақа гўл одам, бу оламда яшаётганини ҳам сезмайди.

Шундай бўлдики, Том Бьюкенен, унинг аёл дўсти ва мен биргаликда Нью-Йоркка йўл олдик. Умуман, бирга ҳам эмас: Уилсон хоним одоб-ахлоқ юзасидан бошқа вагонда кетди. Бу мазкур поездда кетаётган бўлиши мумкин бўлган уэст-эггликлар олдида Том томонидан кўрсатилган нозик табиатлилик эди.

Аёл кийимини ўзгартирган, Том унга Пенсильвания вокзалида вагондан чиқишга ёрдамлашаётган вақтида

---

<sup>6</sup> Петард – хатарли жойларда поездни дарҳол тўхтатиш учун сигнал сифатида қўлланиладиган портловчи снаряд.

эгнида кенг бўксасига ёпишиб турган жигарранг ҳарир муслин<sup>7</sup> кўйлак кийган эди. Газета киоскидан у кино-журнал ва “Таун Тэтл” сонини, дорихона растасидан – кольдкрем<sup>8</sup> ва атирлар флаконини сотиб олди. Юқорида, усти ёпиқ гувиллаган, ғира-шира чиқиш жойида тўртта таксини ўтказиб юборди ва фақат бешинчисини – лаванда гул рангли, кулранг хошияли янги автомашинани тўхтатди, машина ахийри бизни катта вокзалдан кўш нури кўйилиб турган кўчага олиб чиқди. Ҳали етиб бормасимиздан, Уилсон хоним кескин ойнадан итарилиб, ҳайдовчининг ойнасини тақиллатди.

– Мен шунақа итим бўлишини хоҳлайман, – талаб қилди у. – Квартирамизда итимиз бўла қолсин.

Ҳайдовчи орқага юрди ва биз кекса чолга, бесўнақайликда Жон Д.Рокфеллерга ўхшаган одамга яқинлашдик. Унинг кўксида сават бўлиб, ичида ранг-туси ноаниқ янги туғилган ўнча ит боласи ғимирларди.

– Буларнинг зоти қанақа? – чол машинага яқин келиши билан Уилсон хоним ишбилармонлардек суриштира бошлади.

– Ҳамма зотидан бор. Сизга қанақаси керак, хоним?

– Мен немец овчаркасини хоҳлардим, бунақаси сизда бўлмаса керак, а?

Чол саватига иккиланиб қаради, сўнг қўлини тикиб майин юнгли битта ит боласини бўйнидан ушлаб чиқарди.

– Бу немец овчаркаси эмас, – деди Том.

– Ҳа, немец овчаркасига ўхшамайди, – хафа бўлганча Томнинг фикрига қўшилди чол. – Бу эрдельтерьер бўлса керак. – У қўлини саватга тикиб, жигарранг, худди тукли мовут сингари товланиб турган жониворнинг бўйиндан ушлади. – Қаранг, майин, қалин жунгли. Бу итни шамоллашдан даволашингизга тўғри келмайди.

<sup>7</sup> Муслин – юпқа газлама тури.

<sup>8</sup> Кольдкрем – юз ва қўл терисини юмшатадиган мой.



– Пўмпалоклигини! – қувониб хитоб қилди Уилсон хоним. – Бу кучук боласига қанча сўрайсиз?

– Бу кучук боласигами? – чол жониворга назар ташлади. – Бу кучук сизга ўн долларга тушади.

Эрдельтерьер – ўзининг аждодлари орасида, оқ панжали бўлишига қарамай, сўзсиз, эрдельтерьер эди. У Уилсон хоним тиззасида силкинар, аёл эса тинчлантириш учун совуқ ўтказмайдиган қалин юнгини силар эди.

– Бу эркакми ёки урғочими? – нафислик билан сўради хоним.

– Бу кучукми? Эркак.

– Урғочи бу, – деди ишонч билан Том. – Мана пули, олинг. Бу пулга яна ўнта кучук боласини сотиб олсангиз бўлади.

Биз бугунги фараҳбахш илиқ якшанбада ҳам тинч, текис бўлган Бешинчи авеньюдан кетиб боряпмиз, агар бир бурчакдан оқ кўйлар тўдаси чиқиб қолса ҳам ҳайрон бўлмасдим.

– Бир дақиқага тўхтатинг, – дедим мен. – Сизларни шу ерда ташлаб кетишга мажбурман.

– Э, йўк, – қаршилиқ билдирди Том. – Агар квартирасини кўрмасанг, Миртл хафа бўлади. Тўғрими, Миртл?

– Биз билан боринг, – таклиф қилди Уилсон хоним. – Мен Кэтринга кўнғироқ қиламан. У – менинг синглим, гўзалликни тушунадиган кишиларнинг таърифлашича, синглим – соҳибжамол.

– Жоним билан борар эдим, аммо...

Биз яна йўлда давом этдик, паркдан ўтдик ва ғарбий Юзинчи кўчадан кетдик. Бир юз эллик саккизинчи кўча четида узун оқ пирог мисоли бир хил қурилган кўп хонадонли уйлар чўзилиб кетган. Биз шу пирог бўлакларидан бири олдида тўхтадик. Қадрдон пойтахтига қайтиб, атрофга кироличалардек қараётган Уилсон хоним кучук боласи ва бошқа харидларини кўтариб олди, бизни такаллуф билан уйга бошлади.

– Маккига кўнғироқ қиламан, улар ҳам келишсин, – деди лифтга кўтарилаётган чоғимизда. – Кэтринни ҳам чақиришни унутмаслик керак.

Квартира энг юқорида, том остида жойлашган экан – кичкинагина меҳмонхона, кичкина ошхона, кичкина ётоқхона ва ҳаммом. Меҳмонхонага бу хона учун ҳаддан ташқари катталиқ қилар даражадаги, у эшикдан бу эшиккача етадиган гобелен қопламали диван қўйилганки, Версаль томошабоғида тебранма арғимчоқда учаётган малоҳатли аёллар гуруҳига тўкнашиб кетмаслик учун орқага қадам ташлашга жой йўқ. Афтидан, туман билан қопланган қояда ўта даражада катталаштирилган товук фотосуратини ҳисобга олмаганда, деворлар деярли яланғоч. Умуман, узоқроқдан қарасангиз, бу товук эмас, катта соябонли шляпа кийган дум-думалок юзли кампир меҳрли табассум қилиб турганга ўхшайди. Стол устида “Таун Тэтл”нинг эски сонлари аралашиб, “Пётр деб аталган Симон” номли китоб ва Бродвейнинг шов-шувли хабарлари ёритиладиган бир нечта журналлар сочилиб ётибди. Уилсон хоним кирар экан, биринчи навбатда, кучукчаси билан машғул бўлди. Лифтчи бола хоҳлаб-хоҳламай сомон тўшалган яшик ва сут топиб келишга кетди; бунга яна, ўз ташаббусига кўра, тошдек қаттиқ каттагина итлар кулчасини ҳам кўшди – бундай кулчанинг биттаси идишдаги сутда кечгача ивийди. Бошқа ҳамма ишлар бажарилаётганда Том ёзув столи тортмасини очиб, у ердан виски шишасини олди.

Мен ҳаётимда икки марта маст бўлганман; бугунгиси иккинчиси эди. Шунинг учун, квартира соат саккизгача куёш нури билан ёришиб турган бўлса ҳам, ҳамма воқеа-ҳодисаларни хира туманликда кўрдим. Томнинг тиззасига ўтириб олган Уилсон хоним тинимсиз кимларгадир кўнғироқ қилди; кейин маълум бўлдики, чекишга ҳеч нарса йўқ экан ва мен сигарета сотиб олишга кетдим. Қайтганимда меҳмонхонада ҳеч ким йўқ эди;





мен бир бурчакка бориб ўтирдим ва “Пётр деб чакирилган Симон” китобининг нақ бир бўлимини ўкиб чиқдим – менимча, иккитадан биттаси: бу ё даҳшатли бемаънилик, ёки ичилган вискидан кейин бошимда ҳамма нарса чалкашиб кетди – нима бўлганда ҳам, мен ҳеч нарсани англай олмасдим.

Кейин Том ва Миртл (Уилсон хоним билан биринчи қадаҳдан сўнг бир-биримизни исмларимизни айтиб чакиришга келишдик) меҳмонхонага қайтишди; тез орада меҳмонлар ҳам келишди.

Кэтрин, беканинг синглиси, тик қоматли, кўзга тез ташланадиган, калта кесилган малла сочлари остидаги юзини сутдек оппоқ упага белаган ўттиз ёшлардаги қиз бўлиб чиқди. Қошлари охиригача терилган бўлиб, кейин яна бебош бурчак остида ўстирилган; шундай бўлсада, табиатнинг аввалги ҳолатини тиклашга бўлган уриниш ҳам қизнинг юз-кўзида аллақандай мавҳумлик ифода этар эди. Қизнинг ҳар бир ҳаракатига яланғоч билакларида сирпанаётган кўпгина керамик билағузукларнинг шакирлаши жўр бўлади. У хонага шундай тез ва шахдам қадамлар билан кириб келиб, чин бекалардек бутун мебелни кўздан кечирдики, мен қиз шу ерда яшаса керак деб ўйладим. Бу ҳақда ўзидан сўраганимда, хахолаб кулиб юборди ва саволимни ҳадсиз баланд овозда такрорлади, сўнг дугонаси билан отелда хона ижарага олишганини айтди.

Жаноб Макки, пастки қаватдаги кўшни, рангпар аёлсифат одам экан. Кўринишидан ҳозиргина соқолини олганга ўхшайди: ёноқларида совун кўпиги қотиб қолибди. Уйга кирар экан, мулойимлик-ла ҳар биримиз билан қуюқ сўрашди. Ўзининг “санъат олами”га тааллуқли эканлигини тушунтирди; кейинроқ билишимча, фотосуратчи бўлган экан. Меҳмонхона деворига осилган Уилсон хоним онасининг катталаштирилган портрети жаноб Маккининг ижоди экан. Унинг рафикаси ноз-карашмали, жарангдор овозли чиройли

аёл экан. Аёл тўйларидан кейин эри шу кунгача бир юз йигирма етти марта суратга олганини мактаниб гапирди.

Уилсон хоним олдинроқ кийинишга улгурди – энди унинг устида жуда чиройли, ҳашамдор қаймоқ рангли шифон бўлиб, хонада юрган чоғида шитирлайди. Либосини ўзгартириб, бутунлай бошқача бўлиб қолгандек гўё. Кундузи, гаражда кўрганим мени ҳайратда қолдирган қайноқ ҳаётий қувват энди кибрга айланган эди. Кулгиси, хатти-ҳаракатлари, гаплари – ҳаммаси дақиқа сайин ноз-карашмага айланиб борарди; назаримда, меҳмонхона бу аёлдаги буткул ўзгаришларни сиғдиролмаётгандек ва охир-оқибат тутун тўла маконда ғирчиллаган, сирпанчиқ стерженда айланиб қолди.

– Ох, азизам, – деди у синглисига сунъий тарзда овозини баландлатиб, – шунча одам сени қандай қилиб талон-тарож қилсам экан деб қараб ўтирибди. Бу ерда ўтган ҳафта бир аёл бўлган эди, менинг ковушимни тўғрилаб қўйди. Унинг ҳисобини кўрганингдами?! Нақ кўричагимни суғуриб олди деб ўйлаш мумкин.

– Ўша аёлнинг фамилияси нима экан? – сўради Макки хоним.

– Эберхардт хоним. У мижозларнинг ковушини тўғрилаб қўйиш учун уйларга боради.

– Сизнинг қўйлагингиз менга ёқди, – деди Макки хоним. – Ажойиб!

Уилсон хоним қошларини кўтариб, такаллуфни эътиборсиз қолдирди.

– Бу эски қўйлак, – деди у. – Уни баъзи-баъзида, қандай кўринишда эканлигим аҳамиятсиз бўлганда қияман.

– Йўқ, нега энди, қўйлагингиз ўзингизга жуда ҳам ярашиб турибди, – бўш келмади Макки хоним. – Агар Честер сизни шу ҳолатда суратга олганида борми, ишонманки, бу ажойиб санъат асари бўлар эди.



Биз ҳаммамиз жимгина Уилсон хонимга тикилиб қолдик, у эса пешонасига тушган соч толаларини орқага ташлаб, бизга чакноқ табассуми билан жавоб қилди. Жаноб Макки бошини бир ёнбошига эгганча унга диққат билан қаради, сўнг қўлини олдинга чўзди, тортиб олди ва яна олдинга чўзди.

– Фақат юзингиз яхшироқ кўриниши учун, – бир лаҳза жим қолди жаноб Макки, – мен бошқача ёруғлик берган бўлар эдим. Сочларингизнинг ҳар бир толаси кадрда муҳрланишига ҳаракат қилган бўлардим.

– Мен ёруғликни заррача ўзгартирмаган бўлардим, – хитоб қилди Макки хоним. – Менимча, бу айни...

– Тс-с! – эри унинг гапини кесди ва биз диққатимизни яна объектга жамладик, бироқ Том Бьюкенен шовкинли эснаб, ўрнидан турди.

– Сизлар яхшиси, бирон нима ичсангиз бўлар эди, ҳурматли эр-хотинлар, – деди Том. – Миртл, сеникида ухлаб қолмасларидан олдин муз ва сода<sup>9</sup> кўш.

– Муз олиб келишни болага буюргандим. – Миртл беғамликдан жаҳли чиққанини ифодалаш учун қошларини кўтарди. – Бу шундай омма! Доим уларнинг ортидан юриш керак.

У менга қаради ва ўзидан ўзи кулди. Сўнг кучук боласини кўтариб, эҳтиёткорона ўпди ва худди бир талай ошпазлар унинг буйруғини кутиб турган алфозда ошхонага кириб кетди.

– Лонг-Айлендда бир ишим яхши чиққан, – деди жаноб Макки кибрли оҳангда.

Том унга таажжубланиб қаради.

– Иккита ишим ҳатто уйимизга осилган.

– Қанақа ишлар?

– Иккита этюд. Биттасини “Монток бурни. Чағалайлар”, иккинчисини эса “Монток бурни. Денгиз” деб номлаганман.

---

<sup>9</sup> Сода – сунъий минералли сув.

Малла Кэтрин менинг ёнимга диванга ўтирди.  
– Сиз ҳам Лонг-Айлендда яшайсизми? – сўради у.  
– Мен Уэст-Эггда яшайман.  
– Йўғ-е, шундайми? Бир ой олдин мен ўша ерда бўлдим. Аллақандай Гэтсбиникида. Сиз уни танийсизми?  
– У менинг қўшним.

– Айтишларича, у кайзер<sup>10</sup> Вильгельмнинг ё жияни, ёки амакиваччаси экан. Мана қаердан шунча пулга эга. Қўшним ҳақидаги ғаройиб янгиликларни эшитишга бирдан Кэтринга қараб хитоб қилган Макки хоним ҳалакит қилди:

– Честер, Кэтрин хонимни ҳам суратга олгансан-ку, ахир!

Аммо жаноб Макки паришонхотирлик билан бошини кимирлатиб қўя қолди, кейин яна Томга ўгирилиб:

– Агар вазият туғилса, мен Лонг-Айлендда яна иштиёқ билан ишлаган бўлар эдим. Бошлаб олсам бўлди, у ёғига ёрдамсиз ҳам эплаб кетаман.

– Миртлга мурожаат қилинг, – деди Том хахолаб; Уилсон хоним бу вақтда патнис кўтариб кирди. – У сизга тавсия хати ёзиб беради. Миртл, ёзиб берасан-а?

– Қандай хат? – У хайрон бўлди.

– Эрингга тавсия хати, жаноб Макки у билан бир нечта этюд ишласин. – Том нималарнидир ўйлаганча лабларини кимирлатди: – “Жорж Б.Уилсон бензин шохобчасида” ёки шунга ўхшаш нималардир.

Кэтрин менга яқинроқ сурилди ва қулоғимга шивирлади:

– Том ўз хотинини ёмон кўрганидек, Миртл ҳам эрини ёмон кўради.

– Нималар деяпсиз!

– Шунчаки ёмон кўр-а-ади-и! – У аввал Миртлга, кейин эса Томга қаради. – Нега энди ёмон кўрган инсо-

---

<sup>10</sup> Кайзер – Германияда монархнинг титули.



нинг билан яшашинг керак? Иккиси ҳам ажрашиб, яна оила қуришса бўлади. Уларнинг ўрнида бўлганимда мен худди шундай қилардим.

– Демак, опангиз Уилсонни яхши кўрмайди?

Жавоб мени ҳанг-манг қилиб кўйди. Саволимни эшитган Миртл кескин ва беадабларча жавоб қилди.

– Мана, кўряпсизми, – тантанали оҳангда сўзлади Кэтрин, сўнг яна ярим шивирлади: – Ҳамма гап унинг хотинида. У католик, католиклар эса ажримни тан олмайдилар.

Дэзи умуман католик эмас, мен бу маккорона ёлғонлардан ажабландим.

– Вақти келиб оила қурганларида, – давом этди Кэтрин, – улар Ғарбга кўчиб кетишади ва миш-мишлар тингунча ўша ерда яшаши.

– Ундай бўлса, Европага кўчиб кетганлари маъқул.

– Сиз Европани ёқлайсизми? – кутилмаганда баланд овозда хитоб қилди Кэтрин. – Мен яқиндагина Монте-Карлодан қайтдим.

– Шундайми?

– Ҳа. Ўтган йили. Дугонам билан бирга бордик.

– Узоқ вақт бўлдингларми?

– Йўқ, биз фақат Монте-Карлога бордик ва ўша ердан оптимизга қайтдик. Марсель орқали. Ёнимизда икки юз минг доллардан ортиқ пул бор эди, лекин икки кундаёқ хусусий ўйин залларида бизни шилишди. Уйга қандай етиб келганимизни эслашнинг ўзи дахшат! Худойим, бу шаҳардан қанчалар нафратланаман!

Оқшом олдидан осмон дераза ойнасида бир лаҳзага Ўртаер денгизининг тусидек кўм-кўм бўлиб кўринди. Аммо Макки хонимнинг чинқирган овози ўша заҳоти мени зиқ меҳмонхонага қайтарди.

– Мен ўзим сал қолса шундай хатога йўл қўяй деганман, – ҳаммага эшиттириб гапирди у. – Бир неча йил оптимдан соядек эргашган бир кимсага турмушга чиқмоқчи бўлганман. Лекин унинг менга тенг эмаслигини

билар эдим. Ҳамма менга: “Люсиль, бу одам сенинг тенгинг эмас!” деди. Лекин Честерни учратмаганимда, у одам мени охири кўндирар эди.

– Ҳа, лекин кулоқ солинг, – деди Миртл Уилсон бо-  
шини чайқаб, – сиз барибир ўша одамга турмушга чиқ-  
мадингиз.

– Кўриб турганингиздек.

– Мен эса турмушга чиқдим, – деди Миртл кўп маъ-  
ноли қилиб. – Сиз билан менинг орамиздаги фарқ мана  
шунда!

– Турмушга чиқишнинг кераги йўқ эди, Миртл, –  
деди Кэтрин. – Менимча, сени ҳеч ким мажбурламади.

Миртл дарров жавоб бермади.

– Уилсонни жентельмен деб ўйлаганим учун унга  
турмушга чиқдим, – деди у ниҳоят. – Тарбияли инсон  
деб ўйлагандим, аслида, пояфзалимнинг тагчармига  
ҳам арзимас экан!

– Ахир қачонлардир уни деб ақлдан озган эдинг-  
ку! – қистирди Кэтрин.

– Мен уни деб ақлдан озганманми? – аччиқланди  
Миртл. – Сенга ким айтди шундай деб? Мен мана бу  
жаноб учун ақлдан озганчалик Уилсон учун ақл-ху-  
шимни йўқотмаганман.

У бармоғини менга нуқди ва ҳамма менга таънали  
қаради. Мен ўзимнинг кўринишим билан Миртлнинг  
заррача ҳиссиётларига даъвогар эмаслигимни ифода-  
лашга уриндим.

– Мен унга турмушга чиққанимда, ҳақиқатан, эс-ху-  
шимдан айрилганман. Аммо бу хато бўлганини дарров  
англаганман. У тўйда кийиш учун танишидан костюм  
олган, бу ҳақда менга бир оғиз ҳам гапирмаган. Бир неча  
кундан сўнг – эрим уйда йўқлигида – таниши келиб, ко-  
стюмни қайтаришни сўраган. “Бу сизнинг костюмингиз-  
ми? – деганман. – Биринчи марта эшитиб турибман”.  
Аммо костюмни барибир бериб юборганман, кейин эса  
ўзимни ўрнимга отиб, тун ярмигача ўкириб йиғлаганман.



– У, тўғриси, эридан кетиши керак, – Кэтрин яна шивирлади. – Ўн бир йилдан буён ўша гараж тагида яшади. Опамнинг Томга қадар бирорта дўсти бўлмаган.

Виски бутилкалари – бу оқшомдаги иккинчиси – кўлдан кўлга ўтди: фақат Кэтрин шундоқ ҳам хурсанд эканлигини билдириб, ичишга ихтиёр билдирмади. Том швейцар<sup>11</sup>ни чақирди ва уни кечки овқат ўрнини босадиган аллақандай машхур сандвичлар олиб келишга жўнатди. Мен ҳам кетишга чоғландим; сармастлик мени забтига ола бошлади ва парккача пиёда юргим келди, лекин ҳар сафар, худди креслога арқон билан боғлаб қўйилгандек, ашаддий баҳсга тортилар эдим. Балки айни шу пайтда бирорта ўткинчи қоронғилашиб бораётган кўчада кетаётиб юқорига, бизнинг ёришиб турган деразаларимизга қараган ва бу сарик тўртбурчак деразалар ортида қандай сирлар яширингани ҳақида ўйлагандир. Назаримда, ўша ўткинчини, унинг юқорига қараган бошини, ўйга толган юзини кўраётгандек эдим. Мен дераза ортидаги сирлар ичида, яна ҳаётнинг ҳадсиз турли-туманликларидан сеҳрланган, шу билан бирга, кўрқаётган кўйи ташқаридан ҳам эдим.

Миртл креслони менга яқин қўйиб ўтирди ва илиқ нафаси-ла Том билан илк учрашувларини ҳикоя қилишга тушди.

– Биз вагонда, доим сўнгги пайтда эгалланадиган чиқиш жойининг ён томонида бир-биримизга қарама-қарши ўтирар эдик. Мен Нью-Йоркка синглимни-кига бораётган эдим ва уникида ётиб қолишим керак эди. Том фракда, локли туфлида бўлиб, ундан кўзимни узолмай қолдим, аммо нигоҳим унинг нигоҳи билан тўқнашганда ўша заҳоти ўзимни боши тепасидаги реклама плакатини томоша қилаётгандек тутдим. Вагондан чиқишни бошлаганимизда у ёнимда пайдо

---

<sup>11</sup> Швейцар – дарбон.

бўлиб қолди ва кўкраги билан менинг елкамга шундай тиралдики, ҳозирок полициячини чақиришимни айтиб таҳдид қилдим, у эса менга ишонмади, албатта. Ўзимда эмас эдим – мени машинага ўтқазганда ҳатто бу таксими ёки метро вагоними, унчалик фарқлай олмадим ҳам. Бошимда фақат бир хаёл айланади: “Ахир ҳаётга фақат бир марта келасан, фақат бир марта яшайсан-ку!”

У Макки хонимга қараб қўйди ва бутун хонада кулгиси жаранглаб кетди.

– Ох, азизам, – хитоб қилди у. – Бу қўйлакни киймай қўйганимда уни сизга совға қиламан. Эртага ўзимга янгисини сотиб оламан. Эртага қиладиган ишларимнинг рўйхатини ёзишим керак. Аввал массажа, кейин сартарошга боришим, сўнг кучукка бўйинбоғ ва яна онамнинг қабрига қўйиш учун бутун ёз бўйи қуримайдиган гуллардан дасталанган қора шойи бантикли гулчамбар сотиб олишим керак. Ҳеч нарсани унутмаслик учун дарҳол барини ёзиб қўйиш керак.

Соат тўққиз – аммо мен яна соатимга қарадим, йўқ, соат ўн бўлган экан. Жаноб Макки креслода гўёки объект қаршисида суратга тушаётган муҳим шахс каби: мушт тугилган қўлларини кенг очилган тиззаларига қўйганча ухлар эди. Мен дастрўмолимни олдим ва унинг юзидаги бутун оқшом давомида ғашимга теккан қотиб қолган совун кўпигини артдим.

Кучук боласи стол устида ўтирибди, қисик кўзлари тамаки тутунида пирпирайди ва вақти-вақти билан секингина ириллаб қўяди. Аллақандай одамлар пайдо бўлди, қаергадир боришга келишиб ғойиб бўлишди, бир-бирларини йўқотишди ва икки қадам нарида топишишди. Тун яримлай деганда Том Бьюкенен ва Уилсон хонимнинг ғамгин овозларини эшитдим, улар бир-бирларига юзма-юз турар ва Уилсон хоним Дээзининг исмини тилга олишга ҳақи бор-йўқлиги устида ғазабланганча баҳс қилишарди.





– Дэзи! Дэзи! Дэзи! – кичкирди Уилсон хоним. – Жонимга теккунча қайтараман ва қайтаришни хоҳлайман. Дэзи! Дэ...

Том қисқа, аниқ ҳаракат-ла кафти қирраси билан уриб, унинг бурнини синдирди.

Сўнг ваннахонада сочиқлар қонга буланди, аёлларнинг дарғазаб овозлари тутди, умумий шовкин ичидан оғриқдан узоқ инграшлар эшитилиб турди. Жаноб Макки уйқудан кўзларини очди, ўрнидан турди ва гандираклаганча эшикка йўналди. Ярим йўлда ўгирилди ва бир дақиқадан сўнг бутун томошани англади: сурилган мебель, ўртада унинг хотини, Кэтрин ҳовлиқиб, бири олиб, бири кўйиб пўнғиллаганча ва юпатганча ёрдам кўрсатишга уринишяпти; диванда эса кон оқаётган қурбон титраган кўйи “Таун Тэтл” газетаси билан Версаль қоламасини яширишга ҳаракат қиляпти. Сўнг жаноб Макки ўгирилди ва эшик томон юришда давом этди. Канделябрдаги шляпамни олиб, мен ҳам унинг ортидан чикдим.

– Келинг, бир кун биргаликда нонушта қиламиз, – таклиф қилди жаноб Макки хўрсиниб ва оҳ-воҳлаб, лифтда пастга тушаётганимизда.

– Қаерда?

– Сиз хоҳлаган ерда.

– Ричагни ўз холига кўйинг, – ўшқирди лифтчи.

– Кечирасиз, – мавқеига муносиб тарзда деди жаноб Макки. – Ричагга тегиб турганимни сезмабман.

– Майли, – таклифига рози бўлдим мен. – Бажонидил.

... Мен унинг ўрни олдида турар эдим, у эса ички кийимда қўлида катта папка ушлаб ўринда ўтирарди.

– “Махлуқ ва соҳибжамол”... “Ёлғизлик”... “Ишчи дирдов от”... “Бруклин кўприги”...

Кейин мен “Трибюн”нинг эрталабки сонига кўзимни югуртирганча ҳар тўрт соатда юрадиган поездни кутиб, Пенсильвания вокзалида рутубатли намлик бағридаги ўриндикда ётиб қолдим.



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

Ёз окшомларида кўшнимнинг вилласидан мусиқа эшитилади. Эркаклар ва аёллар унинг кўм-кўк боғида худди куя капалак мисоли бўғиқ овозлар, шампань вивони ва юлдузлар орасида тўдалашиб юради. Кундузи, сув кўтариладиган вақтда, менга причал солга қурилган тепалиқдан кўшнимнинг меҳмонлари сувга сакраётганлари ёки пляжда қизиган кум устида тобланиб сухбатлашиб ўтирганлари, Гэтсбининг иккита моторли қайиғи Лонг-Айленд суви юзасини кесаётгани, ортидан эса кўпикли тўлкинда аквапланларнинг учаётгани кўриниб туради. Шанба ва якшанба кунлари унинг “роллс-ройс”и рейсли автобусга айланиб, эрталабдан кечгача меҳмонларни шаҳардан олиб чиқади ёки шаҳарга олиб киради, унинг кўп ўриндикли “форд”и эса худди эпчил сарик кўнғиз мисоли ҳар бир поезд келишига шошилишч станцияга “чопади”. Душанба куни махсус ёлланган иккинчи боғбонни кўшиб ҳисоблаганда саккиз нафар хизматкор латта, швабра, болға ва боғ қайчисини тутганча кун бўйи кечаги базми жамшиддан қолган вайронагарчилик изларини йўқотишга уринишади.

Ҳар жума олти сават апельсин ва лимон Нью-Йоркдан мева етказувчисидан келади – ҳар душанба шу апельсин ва лимонлар ярим қуриган аҳволда тоғ уюми



бўлиб орқа эшикдан чиқиб кетади. Ошхонада ярим соатда икки юзта апельсинни шарбатини сиқиб чиқарадиган – бунинг учун фақат икки юз мартагина машина тугмасини бармоқ билан босиш керак, холос – машина туради.

Бир ойда икки ёки уч марта виллада етказиб берувчиларнинг бутун бошли армияси пайдо бўлади. Бир неча юз ярд брезент ва яна шунча, худди Гэтсби боғини рождество арчасига айлантирмоқчидек, турли рангда ёнадиган чироқлар олиб келишади. Столлар устида, товланиб турган газаклар ҳалқасида зираворлар билан тўлдирилган товуқ оёқлари, ранг-баранг салатлар, тор кийим кийдиргандек хамирга ўралиб пиширилган чўчкалар, тилла тусда кўзга ташланиб турган қовурилган куркалар бўлади. Катта холлга, ҳақиқий бардагидек, мис таглиги ҳам бўлган баланд устун ўрнатилган, холлда нималар йўқ дейсиз – жин<sup>12</sup> ҳам, ликёр<sup>13</sup>лар ҳам, аллақачонлар истеъмолдан чиққан, кўпчилик ёш меҳмонлар ҳатто номини ҳам билмаган аллақандай қадимий ичимликлар – ҳаммаси мавжуд.

Соат етиларга яқин оркестр ўз ўрнида бўлади – қандайдир ғариб бир тўда мусикачилар эмас, тўқис таркиб: гобойчилар ҳам, тромбонлар ва саксофончилар ҳам, альтлар ҳам, корнет-а-пистонлар ҳам, флейта-пикколочилар ҳам, катта ҳамда кичик баран чалувчилар ҳам шу ерда ҳозир у нозир. Пляждан охириги чўмилувчилар ҳам келди ва юкорида киинишяпти; хиёбонга кираверишда узунасига беш қаторлаб нью-йорклик меҳмонлар машиналари турибди, залларда, меҳмонхонларда, айвонларда эса камалакнинг ҳамма рангида товланаётган, сўнгги русумда турмак-ланган сочли бошлар, ҳатто кастилия сеньориталари-

<sup>12</sup> Жин – арок тури.


<sup>13</sup> Ликёр – ўткир ширин ичимлик.

нинг тушига ҳам кирмаган шолрўмоллар кўзга ташланади. Ҳамма ерда бар ишлаб турибди, боғнинг у ерида ҳам, бу ерида ҳам ҳавони – бир дақиқадан сўнг унутиладиган танишувга чоғлаган ва ҳеч қачон бир-бирларининг исм-шарифларини билмаган хонимларнинг ўзаро сўрашишлари, кулги ва суҳбатлари, ғийбатлари акс-садо бераётган боғ ичини – ҳуш бўйларга тўлдириб, коктейллар тахланган патнислар сузиб юрибди.

Чироқлар ёруғроқ чарақлагани сайин ер қуёшдан кўпроқ юз ўгиради; мана, оркестр коктейллар жўрлигига кўшилиб, олтин жарангига монанд мусиқа чала бошлади ва опера хори овози бир тон баландроқ янгиради. Дақиқа сайин кулги эркинроқ, беъманироқ бўлиб боради, битта ҳазил сўзданоқ кулги оқими ҳавони ёриб, атрофга гуриллаб сочилади.

Меҳмонлар давраси тез-тез ўзгариб туради, янгилари билан тўлади, бир давра бўлиниб кетмасидан, яна янги давра йиғила бошлайди. Кибр-ҳаволи ёш гўзаллар питирлаб қолишади: бир қарасанг у ерда кўзга чалинади, бир қарасанг улуғвор хонимлар орасида пайдо бўлади, яна қисқа вақт ичида давранинг эътибор марказида бўлиб, кейин муваффақиятидан ҳаволанганча, дам кўпаяётган, дам камаяётган кишилар ва ранглар, товушларни ёриб, мудом ўзгариб турган рангли чироқлар ёруғида олға юришда давом этишади.

Бирдан бош-оёқ оқ-сарик товланаётган шўх-шаддодгина хоним дадиллик учун шундоқ ҳавонинг ўзидан тутиб олган коктейлни хўплаб, брезент майдонига югуриб чикди ва шериксиз чир айланиб рақсга туша бошлади. Оний жимлик; сўнг дирижёр шу сукунат томонидан буюрилган темпга боадаблик билан мослашади ва оломон орасида, бу “Фоли” варьетасидаги Гильда Грейнинг дублёри, деган ёлғон миш-мишлар югуриб қолади. Базм бошланди.



Ўша шанба, мен биринчи марта Гэтсби вилласи остонасини босиб кирган куним, назаримда, кам сонли таклиф этилганлардан бири бўлдим. У ерга кириш учун таклиф кутишмас, шунчаки ҳамма ўзи келаверар экан. Машинага ўтириб, Лонг-Айлендга йўлга тушиб, Гэтсбининг вилласида келишар экан. Одатда, иккинчи бор ташриф буюрган инсонни мезбонга таништириш учун, албатта, кимдир бўлади, кейин ҳар бир одам ўзини шаҳар ташқарисидаги кўнгилочар паркда тутиши керак бўлгани каби тутади. Шундай ҳам бўладики, меҳмонлар келишади ва мезбон билан танишмай кетишади – мезбоннинг меҳмоннавозлиги, самимийлиги, очиккўнгиллилиги ўз-ўзидан кириш чиптаси ўрнини босади.

Аммо мен ҳамма қоидаларга кўра таклиф этилган эдим. Эрта тонгда заррин уқали малиновка<sup>14</sup> тухуми рангидаги ливрей кийган ҳайдовчи келди ва тантанавор руҳда ёзилганлиги билан мени ҳайратга солган бир мактубни берди: унда ўзи уюшираётган бу сафарги “унча катта бўлмаган кечаси”га ташрифим жаноб Гэтсби учун катта шараф бўлиши ёзилган эди.

У мени бир неча марта узоқдан кўргани ва қачондан буён йўқлашга тараддудлангани, аммо шароитлар тақозоси бу режасини амалга оширишга халақит қилгани маълум қилинган. Ва: “Жей Гэтсби” деб катта-катта ҳарфлар билан имзо қўйилган.

Соат саккизларда оқ фланел костюмимни кийиб Гэтсби ҳудудига оёқ босдим ва ўша онда ўзимни кўплаб нотаниш одамлар ичида ноқулай ҳис қилдим – тўғри, газондаги, йўлақлардаги гавжумликда шаҳар ташқарисида поездда кўрган одамларим юзини базўр ажратдим. Оломон орасида сочилиб кетган инглиз ёшларининг кўплиги мени ҳайратга солди; уларнинг бари бенуқсон кийинган, ҳаммалари ярим-яланғоч ва диққатлари жам бўлиб, нуфузли, бой-бадавлат америкаликларга паст овозда нималарнидир гапириб, уларни ишонтиришмоқда. Мен ўша ондаёқ инглизлар нимадир – қимматбаҳо қоғозларми, ёки суғурга полисларими, ёки автомобилларми сотишяпти деб ўйладим. Кўриниб турибдики, кўп ва энгил пулларнинг яқинлашиши керакли сўзни керакли оҳангда гапирсалар, пул чўнтақларида бўлишига ишонч уйғотиб, иштаҳаларини кўзғатиб юборган.

Виллага келганимда, энг аввало, мезбонни топишга ҳаракат қилдим, аммо уни қаердан топишим мумкинлигини сўраган дастлабки икки-уч одам юзимга таажжуб билан қараб, ўзларининг бундан буткул беҳабар эканликларини билдиришга шошилдиларки, мен

<sup>14</sup> Малиновка – чумчуқсимонларга мансуб сайроқи куш.



хам умидсизланганча коктейлар турган столга – ёлғиз қолган меҳмон ожиз ва аянчли кўринмаслиги учун вақтинча қолиши мумкин бўлган боғдаги ягона жойга келдим.

Балки ғазабланганимдан бу кеча ўлгудек маст бўлгунча ичган бўлардим, бироқ Жордан Бейкерни кўриб қолдим. У уйдан чиқди ва гавдасини бироз ён томонга эгиб, манфур қизиқиш-ла пастга қараганча мрамар зинапоянинг юқори поғонасида тўхтади. Мени кўрса хурсанд бўладими ёки йўқ, билмайман, лекин бегоналар билан дилдан самимий мулоқотимни бошламай туриб, кимнидир маҳкам чангаллаб олишим керак эди.

– Салом! – зинапояга шошиб бориб, бақирганча сўрашдим. Овозим сунъий чиқди ва бутун боғда баланд жаранглаб кетди.

– Сизни шу ерда учратаман деб ўйлаган эдим, – со-вукқонлик билан деди Жордан, мрамар пиллапоялардан кўтарилаётганимда. – Ахир сиз шу яқин орада, қўшни бўлиб яшайман деган эдингиз.

У мен билан кейинроқ гаплашишига ишора қилиб кўлимдан енгил тутди, ўзи эса ниманидир сўрамоқчидай зинапоя этагида турган бир хил сарик кўйлак кийган икки қиз томон ўтирилди.

– Салом! – қизлар баравар хитоб қилишди. – Сиз ютмаганингиз ачинарли ҳолат бўлди!

Гап гольф мусобақаси ҳақида борарди. Ўтган ҳафта Жордан финал учрашувида мағлубиятга учради.

– Бизни танимаяпсиз, – деди сарик қизлардан бири, – биз эса шу ерда, бир ой олдин танишганмиз.

– Унда сочларингиз ранги бошқа эди, – эътироз билдирди Жордан. Мен кўтарилаётган эдим, лекин қизлар шундоқ ёнимдан ўтиб кетишди ва унинг эътирозини тўлин ойгина<sup>15</sup> ўзига олиши мумкин эди.

---

<sup>15</sup> Бу ерда одамлар келади, кетади, фақат ой абадий қолади деган иборага нисбат берилмоқда.

Кўлимни Жорданнинг ингичка нафис кўлидан ўтказиб, уни зинадан тушишга чоғладим ва биз боққа сайр қилишга чиқдик. Гира-шираликда қаршимиздан коктейл тўла патнис чиқди ва биз бир бокалдан олдик, сариқ қизлар ва ҳар бири бизга жаноб Брмр деб таништирилган уч эркак аллақачон жойлашиб ўтиришган стол атрофида ўтирдик.

— Бу ерга тез-тез келасизми? — сўради Жордан яқинроқ ўтирган қиздан.

— Охирги марта сиз билан танишган куним келганман, — деди у дадиллик билан. — Менимча, сен ҳам ўшанда келгансан-а, Люсиль? — дугонасига мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, Люсиль ҳам Жордан билан танишган куни бу ерга охирги марта келган экан.

— Менга бу ер ёқади, — деди Люсиль. — Умуман, мен ҳеч нимани ўйламай яшайман, шунинг учун доим қувноқман. Ўтган сафар кўйлагим стулга илашиб қолиб йиртилди. У менинг фамилиям ва манзилимни сўради — уч кундан сўнг менга Круарьедан қоғоз кути олиб келишди, кути ичида эса янги оқшом кўйлаги бор эди.

— Сиз уни қабул қилдингизми? — сўради Жордан.

— Албатта, қабул қилдим. Ҳатто ўша кўйлакни бугун кийиш ҳақида ўйладим, лекин озгина ўзгартириш керак бўлди: кўкрак қисми кенг очилган экан. Лаванда рангли, оч-қизил мунчоқ билан нақш тикилган. Икки юз олтмиш доллар.

— Оддий одам бундай йўл тутмаган бўларди, — деди биринчи қиз манманлик билан. — Унинг меҳмонлар ноқулай аҳволда қолишларига йўл қўймаслиги кўриниб турибди.

— Ким у? — сўрадим мен.

— Гэтсби. Менга айтишгандики...

Иккала қиз ва Жордан келишиб олгандек бараварига бошларини бир-бирларига яқинлаштирдилар.





– Менга айтишгандики, у қачонлардир одам ўлдирган эмиш.

Этимиз жимирлаб кетди. Учала жаноб Брмр кулоқларини динг қилиб бўйинларини бироз олдинга чўзишди.

– Менимча эса, гап умуман бунда ҳам эмас, – ўзи ишониб-ишонмай эътироз билдирди Люсиль. – Уруш вақтида у немец айғоқчиси бўлган бўлса керак.

Эркалардан бири тасдиқ маъносида бошини каттик ирғади.

– Бу одам ҳақида уни туғишган акасидек яхши биладиган кишидан ўзим эшитганман. У билан бирга Германияда ўсган, – бизни ишонтиришга шошди у.

– Ахир қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? – деди биринчи сарик киз. – Уруш вақтида у америка армиясида хизмат қилган. – Ва бизнинг ишончимиз яна унга қаратилди, у эса тантанали равишда давом этди: – Мени ҳеч ким кўрмаяпти деб ўйлаганида юзининг қандай тусга киришига эътибор қилинг. Шубҳаланмасангиз ҳам бўлади, у – қотил.

У кўзларини қисди ва жунжикди. Люсиль ҳам жунжикди. Биз ҳаммамиз кўзларимиз билан Гэтсбини кидириб, атрофга алангладик. Ҳақиқатан ҳам, бу одамда аллақандай романтиклик бўлса керак, акс ҳолда у ҳақда юрадиган узункулоқ гапларни ҳатто овозини пасайтириб гапирадиган одамлар ҳам такрорлайвермасди.

Биринчи кечки овқатни торта бошладилар – иккинчиси ярим тундан сўнг тортилди – Жордан мени ўз даврасига, боғнинг нариги бурчагида ўзига ёққан стол атрофига таклиф этди. Даврани икки жуфт эр-хотинлар ва Жорданнинг ошиғи – ҳамиша кўпмаъноли ишоралар билан тушунтирадиган ва Жордан эртами-кечми ўзини унинг ихтиёрига топширишига аниқ ишонадиган талаба ташкил этган эди. Келиши билан ҳар ким ҳар ёққа тарқалиш ўрнига, улар бу ерда ижобий, маҳаллий зодагонларини таништириш миссиясини зиммаларига

олиб, мағрурона тарзда ёпиқ даврани сақлаб туришар эди.

– Бу ердан кетайлик, – толиқтирадиган ва нозарурдек туюлган ярим соатдан сўнг шивирлади Жордан. – Бундай маросимларга бошқа тоқат қилолмайман.

Иккимиз столдан турдик; биз уй хўжайинини топишни хоҳлаймиз, тушунтирди Жордан: унга таништирилмаганимдан ҳали ҳам ўзимни ноқулай ҳис қиляпман. Талаба такаббуруна ва ҳазин кулиб бошини қимирлатди.

Биринчи бўлиб барга мўраладик, у ер гавжум ва шовкин эди, аммо Гэтсби у ерда ҳам йўқ. Жордан эшик олдида чикди ва ўша ердан боғни кузатди, лекин у ҳеч қаерда кўринмади. Ён томондаги айвондан ҳам топмагач, биз таваққалига катта эшикни итардик ва кутубхонага – улкан готик гумбазлар ва инглизча услубдаги ўймкор эман панеллари – океан ортидан хонавайрон бўлган аллақандай наслнинг мероси бус-бутунича олиб келинган бўлса керак – бўлган хонага кирдик.

Катта бўртма кўзойнакли семиз бир қария, шу туришида бойкушга ўхшайди, стол четида маст ҳолда, китоб тўла тоқчаларни ўйланиб томоша қилганча ўтирарди. Биз кирганимизда у кескин ўгирилди ва Жорданга бош-оёқ қаради.

– Хўш, сизларга ёқдими? – шошиб сўради у.

– Айнан нима?

У қўли билан китоб жавонларини кўрсатди.

– Мана бу. Текшириб кўраман деб бекорга уринманглар. Текшириб бўлинган. Ҳаммаси ҳақиқий.

– Китобларми?

У бошини ирғади.

– Ҳеч қанақа ёлғон йўқ. Муқовалаш, саҳифалар, ҳаммаси рисоладагидек. Мен бу ерда фақат муқоваларнинг ўзи деб ишонган эдим, маълум бўлишича, улар ҳақиқий. Жилд, саҳифалар... Мана, ўзингиз кўринг!



Қария бизни ишонмаяпти деб гумон қилиб, жавонга югуриб борди, битта китобни олиб узатди. Бу Стоддард “Маърузалар”ининг биринчи жилди эди.

– Кўрдингизми? – тантанавор хитоб қилди у. – Ҳеч қандай сохталикларсиз босилган оддий нашр. Мана шунда тўхтадим. Бу нусха – иккинчи Беласко<sup>16</sup>. Ахир бу шоҳ асар эмасми? Қандай топилма! Қандай реализм! Эътибор қилинг – қачон тўхташни билган – биронта саҳифаси қирқилмаган. Нима хоҳлайсиз ўзи? Бу ерда нимани ҳам кутиш мумкин?

У китобни қўлимдан юлқиб олди ва битта ғиштни олсанг, бутун бино қулаши мумкинлигини минғиллаганча, шошиб жойига қўйди.

– Сизларни ким олиб келди? – сўради у. – Балки ўзингиз келгандирсиз? Мени олиб келишган. Бу ерга деярли ҳаммани олиб келишади.

Жордан унга шўхгина бир қараб қўйди, аммо жавоб бермади.

– Мени Рузвельт фамилияли хоним олиб келган, – давом этди у. – Клод Рузвельт хоним. Эшитганмисизлар? У билан кеча қаердадир танишгандим. Мен, биласизларми, иккинчи ҳафта мастман. Мана, энди кутубхонада ўтиришга қарор қилдим. Балки шу ерда тезроқ ўзимга келарман.

– Хўш, ёрдам бердими?

– Менимча, биров. Ҳозирча бирон нима дейиш қийинроқ. Мен бу ерда атиги бир соатдан буён ўтирибман. Ҳа, сизларга китоблар ҳақида гапирмадим-а? Тасаввур қиляпсизми, улар ҳақиқий. Улар...

– Бу ҳақда гапирдингиз.

Биз унинг қўлини сиқиб хўшлашдик ва яна боққа чикдик.

Газон устига тортилган брезентда аллақачон рақс бошланган экан: чоллар беҳисоб беўхшов тасмаларни

---

<sup>16</sup> Америка театр продюсери, импресарио, режиссёр, актёр ва драматург

хавода ўйнатганча ақлдан озган ёш қизларни олдиларига тортишар; уларнинг атрофида ўзига бино қўйган олифта йигитлар қоматлари ҳаракатига монанд ўралиб-ўралиб, ер депсинишар – кўп қизлар танҳо рақсга тушар, ҳар бирининг ўз йўсини бор, бир қарасанг, кутилмаганда банджо ёки кастанъеталарда чалаётган мусиқачиларга бир дақиқа нафас ростлашга қўйиб беришар эди.

Ярим тунга бориб базм авжига чикди. Машхур тенор италянча арияни куйлаб ҳам бўлди, православ контральто – жаз қўшиғи ижроси, томошалар орасидаги танаффуслар пайтида меҳмонлар қўлларидан келганча ошириб-тошириб ўзларини ўзлари хурсанд қилишар ва ёзги сокин осмонга маънисиз, беғам кулги тўлқинлари тарқаларди. Эстрада эгизаклар жуфтлиги – бу боягина бир даврада ўтирганимиз сариқ қизлар экан – томоша кийимларида болалар ҳаётдан томоша қўйишди; бу орада хизматкорлар катта бокалларда шампань виноларини тарқатишди. Ой юқорига кўтарилиб бўлди ва бўғоз суви юзасида кумуш тангачалардан иборат учбурчак боғдаги банджонинг қуруқ жаранлаган тингиллашига монанд ўйнагандек бироз титрарди.

Биз Жордан Бейкер билан аввалгидек бирга эдик. Столимизда яна икки киши: тахминан менинг ёшимдаги эркак ва ҳар бир арзимас нарсага ҳолдан тойгунча хахолаб куладиган кичкина шўхчан бир қиз бор. Энди мен ҳам ўзимни енгил ҳис қилар ва қувонар эдим. Мен икки бокал шампань виноси ичдим ва кўз олдимга кўраётганларимнинг ҳаммаси, назаримда, дастлабки чуқур моҳияти билан намоён бўлгандек туюлди.

Қисқа жимлик вақтида эркак тўсатдан менга қаради ва жилмайди.

– Юзингиз менга таниш туюляпти, – деди у хушмуомалалик билан. – Уруш пайтида Учинчи дивизияда хизмат қилмаганмисиз?

– Бўлмасам-чи, хизмат қилганман. Тўққизинчи пулемёт батальонида.



– Мен эса Еттинчи пиёда полкида, бир минг тўққиз юз ўн саккизинчи йилнинг июнига қадар. Бежиз сиз билан каердадир учрашгандек туюлмаётган экан менга.

Биз хира, ёмғирда қолган француз қишлоқларини бироз эслашдик. Сўнг у яқинда гидроплан сотиб олганини ва эртага эрталаб синаб кўрмоқчилигини айтди – унинг бу гапидан шу яқин атрофда яшашини билдим.

– Балки менга шерик бўларсиз, отахон? Қирғоқ бўйлаб бўғозда учардик.

– Куннинг қайси пайтида?

– Сизга қулай бўлган пайтда.

Унинг фамилиясини сўрамоқчи бўлиб энди оғиз очаётган эдим, Жордан менга қараб, табассум қилганча сўради:

– Хўш, ғамга ботиб ўтиришни бас қилдингизми?

– Деярли бас қилдим, раҳмат. – Мен яна янги танишимга ўгирилдим: – Мезбон билан таниш бўлмаган меҳмоннинг ҳолатига ҳечам кўниколмаيمان. Ахир Гэтсби деганларини кўрганим йўқ. Мен унга яқин тураман, – кўлим билан кўз илғамас томонга қараб кўл силтадим, – у хайдовчисидан таклифнома юборди.

Суҳбатдошим менга саросималаниб қараётганини сездим.

– Гэтсби бу ахир менман, – деди у кутилмаганда.

– Нима?! – хитоб қилдим мен. – Ох, худо ҳақи, мени кечиринг!

– Отахон, сиз биласиз деб ўйлаган эдим. Кўриниб турибдики, мен ёмон мезбон эканман.

Менга қараб мулойимлик билан кулди, мулойимликдан ҳам ортиқроқ даражада табассум қилди. Бундай, битмас-туганмас тетиклик бахш этувчи кучга эга табассумни ҳаётда тўрт, балки беш марта учратиш мумкин. Бу табассум қанчадир лаҳзада ташқи оламнинг бор тўқислигини ўзига сингдирадию, кейин эса муқаррар танловга бўйсунган мисоли сизга қаратилади. Ва сизни ўзингиз хоҳлаганчалик тушунаётганларини, ўзин-

гизга ишонганчалик сизга ишонаётганларини, қандай бўлишни хоҳлаётган бўлсангиз, ўшандайлигингизча кўришаётганини ҳис қиласиз. Лекин табассум бирдан йўқолди – менинг олдимда, ўттиз ёшлардан сал ошган, нафис ибораларга майл билдириши билан ажралиб турадиган башанг кийинган қуруқ савлат пайдо бўлди. Сухбат чоғида сўзларни саралашга бўлган иштиёқни, майлни унинг кимлигини билмасимдан олдин сезган эдим.

Ўша онда хизматкор келиб, жаноб Гэтсбига Чикагодан кўнғироқ бўлаётганини маълум қилди. У ўрнидан турди ва енгил бош эгиб, ҳар биримиздан узр сўради.

– Илтмос, бу ерда тортинманг, отахон, – мурожаат қилди менга. – Бирор нимани ихтиёр этсангиз, хизматкорга буюрсангиз кифоя. Мен тезда қайтаман. Маъзур тутасизлар.

У кетиши билан Жорданга ўгирилдим: ҳайратим ичимга сиғмаганидан ташқарига чиқаришга сабрим етмаётган эди. Негадир жаноб Гэтсбини ўзимча улўғ ёшдаги савлатли, қориндор ва қизилбашара деб тасаввур қилгандим.

– У ўзи ким? – сўрадим мен. – Сиз биласизми?

– Гэтсби фамилияли бир одам, шу холос.

– Қаерда туғилган? Нима билан шуғулланади?

– Ана бўлмаса, энди сиз ҳам шу ҳақда сўраяпсиз? – чўзилди Жордан эринчоқлик билан жилмаяркан. – Бир нарсани айта олишим мумкин: бир сафар Оксфордда таҳсил олганини айтган эди.

Ички олашим қаърида аллақандай манзара элас-элас чизила бошлади; аммо Жорданнинг кейинги огоҳлан-тириши яна халақит қилди.

– Умуман олганда, мен бунга ишонмайман.

– Нега?

– Ўзим ҳам билмайман, – деди қатъий оҳангда Жордан. – Менга Гэтсби ҳеч қачон Оксфордда бўлмагандек туюлади.



Унинг бу гап оҳанги сариқ кизларнинг гапини эсла-тиб юборди: “Менимча, у қотил”, бу менинг қизиқи-шимни кўзғатди. Майли, Гэтсбини Луизиана ботқоқ-ликларидан ёки Нью-Йоркнинг энг қашшоқ Ист-Сайд кварталидан келган дейишсин, мен бунга заррача хай-рон бўлмас ва иккиланмас эдим. Бунинг ҳеч қандай та-ажжубланарли ери йўқ. Аммо ёшлар шунчаки қаёқдан-дир чиқиб келишди ва ўзларига Лонг-Айленд бўғози қирғоғидан қасрлар сотиб ола бошлашди – бунақаси бўлмайди; энг камида мен, беҳабар яшовчи, бунақа бў-лиши мумкин эмас, деб ҳисоблайман.

– Нима бўлганда ҳам, уникига ҳар доим кўп одам йиғилади, – деди Жордан соф шаҳарча аниқликни ёқла-маган кўйи суҳбатдан қочар экан.

– Менга эса одамлар гавжум бўлган йиғинлар ёқади. Шундай жойларда ўзимни қулай ҳис қиламан. Кичик давраларда ўзингни ҳеч қачон эркин сезмайсан.

Оркестрда катта барабан гумбуради ва дирижёр ку-тилмаганда кўп овозли ғала-ғовурни босиб кетган жа-рангдор овози билан кичқирди

– Хонимлар ва жаноблар! Гэтсби жанобларининг илтимосларига кўра биз ҳозир Владимир Тостовнинг менда Карнеги-холлда катта таассурот қолдирган янги ижод намунасини ижро этамиз. Газета ўқийдиганлар балки бу ҳақиқий шов-шув бўлганини эслашар. – У қувноқ табассум қилди ва кўшиб кўйди: – Ҳайратла-нарли!

Атрофда кулги янгради.

– Шундай қилиб, – у овозини яна ҳам баландлатди: – Владимир Тостов, “Инсониятнинг жаз тарихи”.

Аммо жаноб Тостовнинг асарини баҳолаш менга эмас, чунки мусиқанинг илк тактларидаёқ мен бирдан Гэтсбини кўрдим. У мармар зинанинг юқори пиллапоя-ларида турар ва кўзларида мамнуният чакнаганча гу-руҳ кетидан гуруҳларни кузатарди. Қуёшда тобланган териси унинг юзини ёқимли таранг кўрсатар, сочлари

худди ҳар куни калталатилгандек, бир дона толаси ҳам тартибсиз сочилмай бир текис ётар эди. Унда ғашга тегадиган биронта хунук нарсани кўрмадим. Балки умуман ичмагани уни меҳмонлар оломони ичида алоҳида ажратиб тургандир – ахир базми жамшид шовқинли тус олгани сари унинг оғир-вазминлик салобати ҳам ортиб борар эди. “Инсониятнинг жаз тарихи”нинг охиригидолари остида айрим кизлар бетакаллуф ноз-карашма билан эркаклар елкаларига осилдилар, бошқалари эркакларнинг кучли қўллари ушлаб қолишидан умидвор бўлиб, ўзларини орқага ташлаганча атай ҳушдан кетдилар – аммо ҳеч ким Гэтсбининг қўлларида ҳушини йўқотмади ва сочи ўғил болаларга хос кестирилган ҳеч бир аёлнинг боши унинг елкасига тегмади, бирорта импровизацияланган вокал квартети унинг иштироки билан тузилмади.

– Кечирасиз, илтимос.

Бизнинг ёнимизда хизматкор турар эди.

– Бейкер хоним? – савол оҳангида деди у. – Илтимос, мени афву эдинг, аммо жаноб Гэтсби сиз билан ёлғиз суҳбатлашмоқчи.

– Мен билан? – хитоб қилди Жордан ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, хоним.

У менга қаради, қошларини кўтарганча ўрнидан турди ва хизматкор ортидан уй томон қараб кетди. Мен оқшом кўйлагида ҳам, умуман, бошқа ҳар қандай либосда унинг худди спорт кийимида юргандек ҳаракатланишини пайқадим – унинг хатти-ҳаракатида гўёки илк қадамларини фароғатли эрта тонг каби болалик чоғларида гольф майдонида босишни ўргангандек шахдам енгиллик бор эди.

Мен бир ўзим қолдим. Соат тунги икки. Айвонга қараган узун деразали хонадан аллақандай тушунарсиз сирли товушлар келди. Мени икки эстрада кўшиқчилари билан аллақачон уюштиришга улгурган акушер-гинекология мавзусидаги суҳбатга тортишга уринаётган





талаба Жорданнинг ёнидан секин кетдим ва уйга кирдим.

Катта хона одамга тўла. Сарик қизлардан бири рояль олдида ўтирибди, унинг ёнида турган машхур эстрада ансамбли иштирокчиси – баланд бўйли малла соч аёл кўшиқ куйляпти. У шампань виносидан мўл ичган экан, шароб таъсирида куйлаётган кўшиғининг иккинчи қаторида тавсифланган ҳаёт ғамгин кўринди, шекилли, у нафақат куйлади, балки хўнграб йиғлади ҳам. Ҳар бир мусиқий тинни қиска титроқ хўрсиниқлар билан тўлдирди. Кўзларидан ёш умуман қаршиликларсиз қуйилди: куюқ бўялган киприкларга осилган ёш томчилари қора тусга кирди ва секин оқадиган қора жилға мисоли юзига оқиб тушди. Қайси бир ҳазилкаш юзига ёзилган ноталарда куйлаётганини айтган эди, буни эшитиб қолган кўшиқчи кўлини силтади-да, ўзини креслога ташлади ва ўша заҳоти ўлардек мастларча пинакка кетди.

– Аёл унинг эриман деб айтган жаноб билан жанжаллашиб қолди, – ёнимда турган ёшгина қиз изоҳ берди.

Мен атрофга алангладим. Кўпчилиги ҳали кетишга улгурмаган хонимлар, улар фаразларида эрим деб билган эркаклар билан баҳслашиш-ла машғул. Ҳатто ист-эгглик кватрет, Жордан давраси ҳам тартибсиз. Эркаклардан бири ёш бир актриса билан суҳбатга берилиб кетган, унинг рафиқаси эса эрининг бу туришидан зиғирча хафа бўлмаётгандек ва ҳатто ажабланмаётгандек тутди ўзини. Бироқ охири чидаб туролмади ва ён томондан хужумга ўтди – ҳар беш дақиқада кутилмаганда олмос каби ярқираганча ғазаб ичида эрининг ён томонида пайдо бўлиб қолади ва кулоғига: “Ахир ваъда қилгансан!” деб шивирлайди.

Умуман, уйга кетишдан бош тортганлар фақат бетайин, ҳавойи эрлар эмас эди. Шундоқ остонада икки умидсиз хушёр эркак ва аччиқланган хотинлари орасида баҳс борар эди. Аёллар овозларини баланд қўйиб хайрихоҳ лукмалар ташларди:

– Мен маза қилиб яйраётганимни билса бўлар эди, ҳозироқ уйга кетишга чоғлантиряпти.

– Ҳаётимда бунақа худбинни кўрмаганман.

– Доим биз биринчи бўлиб кетишимиз керак.

– Биз ҳам.

– Аммо бугун деярли охиргилардан бўлиб кетяпмиз, – деди эркаклардан бири журъатсизланиб. – Оркестрнинг кетганига ҳам бир соат бўлди.

Мисли кўрилмаган зулморликда бараварига айбланишларига қарамай, эркаклар ўз устунликларини сақладилар; узоқ давом этмаган курашдан сўнг эркаклар оёқ тираб туриб олган аёлларининг қўлтиқларидан олиб, қоронғи тун бағрига сингиб кетдилар.

Шляпамни беришларини кутиб турганимда кутубхона эшиги очилди ва холлга Жордан Гэтсби билан бирга чиқиб келишди. У ҳаяжонланганча йўлакай ниманидир гапирар, бироқ, афсуски, уни кўрган бир қанча одам хайрлашишга яқинлашди ва унинг ҳаяжони дарров оқсуякларга хос хушмуомалаликка айланди.

Жорданнинг ҳамроҳлари аллақачон эшик олдида туришар ва сабрсизлик билан унга қичқиришар, аммо у мен билан хайрлашиш учун тўхтади.

– Мен ҳозиргина ғаройиб бир воқеани эшитдим, – шивирлади у. – Нима, биз узоқ вақт қолиб кетдикми?

– Бир соат.

– Ҳа... жуда ғаройиб, – паришонлик билан такрорлади у. – Лекин мен ҳеч кимга айтмайман деб сўз бердим, шунинг учун сизни қийнамайман. – У тўғри юзимга қараб ёқимли эснади. – Бирон куни меникига ташриф буюринг, хурсанд бўламан... Маълумотнома китобида телефон рақамим бор... Сигурни Хауорд исмини қидиринг... Менинг холам... – У эшик томон югуриб кетди. Буғдой ранг қўлини енгил силкитиб хайрлашди ва кутиб қолган ҳамроҳлари орасида кўздан ғойиб бўлди.

Биринчи бор ташрифим бу қадар узоқ чўзилиб кетганидан ноқулай бўлганимча, атрофида қолган охирги




меҳмонлар тўдалашиб турган Гэтсбига яқин келдим. Мен бутун кеча давомида ўзимни таништириш ва бояги хатоларим учун узр сўраш имкониятини қидирганимни тушунтирмоқчи бўлдим.

– Нималар деяпсиз, қандай хатолар, – гапимни бўлди у. – Бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам ўтирманг, отахон. – Бу бетакаллуф мурожаатда елкамга қўлини қўйишдек таскин берадиган ҳаракатидан бошқа танишлигим йўқ эди.

– Унутманг: эртага эрталаб соат тўққизда сиз билан бирга гидропланда учиш учун борамиз.

Бироқ шу заҳоти орқадан хизматкорнинг овози эшитилди:

– Сэр, сизни Филадельфиядан чақиряпти.



– Ҳозир бораман. Айтинг, бир дақиқа кутишсин....  
Хайрли тун.

– Хайрли тун.

– Хайрли тун. – У табассум қилди ва мен бирдан унинг уйини охиргилардан бўлиб – гўёки буни ўзи ҳам хоҳлаётгандек ва бундан хурсанд бўладигандек – тарк этишим учун худди шу нарса керак бўлгандек туюлди.

– Хайрли тун, отахон... Тунингиз осуда ўтсин.

Зинадан тушганимда маълум бўлдики, базм ҳали тугамаган экан. Олдинда, эллик қадамча нарида ўнлаб автомобиль фаралари ёруғи тун қоронғусидан ғалати ва тартибсиз манзарани сўриб олмоқда. Йўл четидаги ариққа дабдала бўлиб кетган олд ғилдираксиз янгигина икки ўринли автомобиль ўнг ёни билан кўйилган эди, бу машина бир дақиқа олдин Гэтсбининг уйидан кетган эди. Деворнинг бўртиб қолган қисми отилиб кетган ғилдирак тарихини изоҳлаб турарди – ғилдирак, дарвоқе, ўша ерда ётарди, бир неча ҳайдовчи ўз машиналарини ташлаб, унга қизиқиш билан қараб турар ва ушлаб кўрарди. Ўша вақтда йўлда тикилинч пайдо бўлди ва орқадаги қатор класкон<sup>17</sup>ларнинг чинқириғи бу тартибсизликни янада авжига чиқарди.

Чанг тўзони чўзилиб кетган ҳалокат вайрона ичидан бир одам чиқди ва йўл ўртасида туриб, чуқур ҳайронлик-ла нигоҳини машинадан ғилдиракка, ғилдиракдан томошабинларга қадади.

– Кўрдингизми? – деди у. – Ариққа тушди.

Афтидан, кўрганлари уни ҳайронликда қолдирган. Фавқулодда ҳайронликнинг туб-туби менга танишдек туюлди ва кейинги лаҳзада уни танидим – бу яқиндаги-на Гэтсбининг кутубхонасида ёлғизликни излаган одам эди.

---

<sup>17</sup> Класкон – автомобиль, мотоцикл ва шунга ўхшаш қурилмаларнинг механик сигнал тури.



– Бу қандай рўй берди?

У елкасини қисди.

– Мен техникани тушунмайман, – қатъий маълум қилди у.

– Лекин бу қандай қилиб содир бўлди? Девор устига бостириб ҳайдадингизми?

– Мендан сўраманг, – деди уккига ўхшаган киши, қўлини юваётиб. – Мендан яхши ҳайдовчи, тўғрироғи, ҳеч қандай автомобиль бошқарувчиси чиқмайди. Шундай бўлди, тамом-вассалом.

– Агар сиз тажрибасиз ҳайдовчи бўлмасангиз, тунда автомобиль ҳайдашни синамаган бўлардингиз.

– Шундоқ ҳам синаганим йўқ, – эътироз билдирди у норози оҳангда. – Мен синашга ҳатто ҳаракат ҳам қилмадим.

Атрофдагиларнинг ҳаммаси даҳшатдан қотиб қолишди.

– Нима, сиз ўзингизнинг жонингизга қасд қилишни ўйладингизми?

– Битта ғилдирак бўшаб кетганига раҳмат денг. Одам рулга ўтирар экан-да, машинани ҳайдашга ҳатто уринмас экан!

– Сиз яхши тушунмадингиз, – эътироз билдирди жиноятчи. – Мен умуман рулда ўтирганим йўқ. Биз машинада икки киши эдик.

Бу гап ҳаммига гаранг қилиб қўйди. Йўл устида бўғиқ “о-оҳ!” деган овозлар кўтарилди. Бироқ шу онда машина эшиги секин очила бошлади. Оломон (бу ерда энди оломон тўпланган эди) беихтиёр орқага тисарилди, эшик бутунлай очилганида ваҳимали сукунат чўқди. Сўнг машинадан оқариб кетган бир одам жуда ҳам секин, танасини оз-оздан чиқариб тушди ва эҳтиёткорлик билан балларда кийиладиган пояфзали билан тупрокни пайпаслай бошлади.

Клаксонларнинг тинимсиз чинқириғидан “ақлдан озган” кўзни камаштирувчи фаралар ёруғида арвоҳ боя-

ги чанг-тўзон ичида турган одамни пайкамагунча у томондан бу томонга чайқалиб бориб келди.

– Нима бўлди? – сўради у пинагини бузмай. – Бензин тугадими?

– Сиз мана бу ёққа қаранг!

Бир неча бармоғи билан чиқиб кетган ғилдиракка ишора қилди. У бир муддат шеригига қараб қолди, сўнг худди ғилдирак осмондан тушганига шубҳа қилаётгандек бошини кўтариб, тепага қаради.

– Бутунлай чиқиб кетибди, – тушунтирди кимдир.

У бошини ирғади.

– Мен эса тури-иб қолганимизни ҳам се-змабма-ан.

Жимлик. Кейин шовқинли нафас олиб ўпқасини хаво билан тўлдирди, елкасини тўғрилаб, корчалонлардек сўради:

– Қаерда ёғилғи қуйиб олиш мумкинлигини кимдир айта оладими?

Ўнлаб овозлар (уларнинг бир қисми анча қатъий янгради) машина ва унинг ғилдираги орасида энди ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини уқтиришга тушди.

– Орқага юрасиз, – маслаҳат берди у бироз ўйланиб туриб. – Орқага, кейин олдинга.

– Ахир ғилдирак йўқ-ку!

У иккиланди.

– Уриниб кўрса бўлади, – деди ниҳоят. Шовқин-суронли гудоклар авжи чўққига чиқди. Мен ўгирилдим ва газондан тўғри юриб уйимга кетдим. Йўлда бир вақт орқага ўгирилгим келди. Тўлин ой Гэтсби вилласи устида ёришиб турар, фонарлар билан ёритилган боғда кулги ва кувноқ овозлар янграмаётган бўлса-да, тун барибир ажойиб эди. Кутилмаганда деразалардан, кенг эшиклардан тасодикий бўшлиқ қуйилди ва бу бўшлиқда хайрлашиш учун қўлини силкитаётган шу уй эгасининг зинапоялардаги шарпасигина буткул ёлғиз эди.

Ёзганларимни ўқиган киши мени бир неча ҳафта оралатиб уюштирилган ўша учта базм воқеликларида



яшаган деб ўйлаши мумкин. Аслида, булар мен учун факат ёз воқеаларини тўлдирган тасодифий эпизодлар, холос. Ўша вақтда, ҳар эҳтимолга қарши, улар шахсий ишимдан кўра камроқ машғул қилган мени.

Мен ишлар эдим. Ўзим ишлайдиган муассасага оқ даралардан шошганча юриб Нью-Йоркнинг ишбилармонлар қисмига борарканман, тонги куёш менинг соямни ғарбга туширарди. Мен қимматбаҳо қоғозлар сотиш бўйича ҳамма ёш клерк ва агентларнинг исмларини билардим. Биз нимкоронғи ресторанларчаларда чўққали сосискалар ва картошка пюрелари билан бир финжон қахва ичиб биргаликда нонушта қилардик. Мен ҳатто бизда ҳисобчи бўлиб ишлайдиган жерси-ситилик бир қиз билан муносабат боғладим, аммо акаси учрашиб қолганимизда менга даҳшат билан тикиларди, шу сабаб ҳаммасига нуқта қўйиш учун қиз июлда таътилга кетган фурсатдан фойдаланиб қолдим.

Йельск клубида тушлик қилардим – негадир бу мен учун кундалик оғир машаққат бўларди – кейин эса кутубхонага кўтарилар, бир-икки соат инвестиция ва кредитлар сирларини тушуниш учун яхшигина меҳнат қилардим. Клубнинг доимий келиб-кетувчилари орасида шўх ишватпарастлар кам эмас, аммо улар кутубхонага бошларини суқишмасди, шунинг учун бу ерда ҳамиша тинчгина ишлаш мумкин. Кейин, агар окшомда ҳаво очик бўлса, Мэдисон-авеню бўйлаб эски Меррэй-хилл меҳмонхонасигача пиёда кетар, шу ердан Ўттиз учинчи кўчага бурилиб, Пенсильвания вокзалига чиқар эдим.

Мен Нью-Йоркни, унинг ўткир хуш бўйини, кўзни ўйнатадиган окшомларини, одамлар ва машиналарнинг кўз ўнгингда тинимсиз лип-лип ўтишини яхши кўриб қола бошладим. Бешинчи авеню бўйлаб сандироқлаш-ни, оломон ичида аёлларнинг қад-қоматларини томоша қилишни ва ҳозирок у ёки бу аёлнинг ҳаётига кириб қолганимни тасаввур қилишни ёқтирардим: буни ҳеч қим ҳеч қачон билмайди ва муҳокама ҳам қилолмай-

ди. Баъзан хаёлимда уларни уйига кузатар, аллақандай сирли кўча бурчагига ва эшик ортидаги қоронғиликка киришдан олдин улар менга ўгирилишар ва табассумимга жавобан жилмайишар эди. Пойтахтнинг жодули ғира-ширалигида бирдан ёлғизлик қайғуси чулғаб оладиган вақтлар ҳам бўлар ва бу ғам-ғуссани бошқаларда ҳам кўрар эдим – ресторанда беҳаловат бўйдоқларча тушлик қилиш вақтигача вақтни ўтказиш учун витрина олдида куймаланадиган бечора ёш клеркларда – хаётларининг энг чиройли окшомларини шу ерда, шу ғира-шираликда беҳуда ўтказаятган ёшларда кўрдим.

Кечроқ, соат саккизда, Қирқинчи кўчанинг тор йўлларида, театр районларида пишқираятган машиналар оқими қайнаганда ёлғизлик ҳисси яна юрагимни ғижимлашни бошлайди. Таксида чорраҳада бир-бирини сабрсизлик билан кутганларнинг ноаниқ соялари қапишиб кетади, қулоғимга ашулалар узук-юлук етиб келади, мен эшитмаган ҳазилга жавобан кулги янграйди, сигареталар чўғи қоронғиликда ўйчан халқалар чизади. Буларнинг бари мени ҳам ўйин-кулги кутаётган аллақакка шошаётганимни билдириб кўяди ва ўзгаларнинг қувончини бўлишганимча, бу одамларга фақат эзгулик тилар эдим.

Қанчадир вақт Жордан Бейкерни йўқотиб қўйдим, аммо ёз жазирамасида биз яна учрашдик. Аввалига у билан бирга одамлар орасида бўлиш ёқди – у ҳамма билган гольф бўйича чемпион эди ва бу менинг мағрурланишимга имкон берарди. Кейин ундан ҳам ортиқроқ нимадир пайдо бўлди. Йўқ, фақат севиб қолганим эмас, аллақандай мулойим қизиқувчанлик борган сари унга яқинлаштирар эди. Назаримда, димоғ-фироқ, диққатнамо чеҳра ортида нимадир яширинган – ахир ҳамма сохталиклар ёпинчиқ сифатида хизмат қилади-ку ва эртами-кечми, ҳақиқат, барибир, фош бўлади.

Ва ниҳоят, гап нимада эканлигини тушундим. Бир кун у билан Уорикадаги бир уйда меҳмонда бўлгани-





мизда Жордан бегонанинг машинасини ёмғирда усти очик қолдирди, кейин эса хотиржамгина ёлғон гапирди – ва шунда мен Жордан билан боғлиқ – Дээникида илк бор учрашувимиз ҳақидаги хотираларим ичида элас-элас ғимирлаб қолган – миш-мишларни эсладим. У иштирок этган биринчи катта гольф мусобақасида жилла қолса газеталарда ёритилай деган бир воқеа рўй берибди: ярим финал ўйинида уни ноқулай позицияда туриб қолган тўпини суриб қўйганликда айблашган. Бу воқеа сал бўлмаса ошкора можарога айланай деган – бироқ ҳаммаси тинчиган. Ключка кўтариб юрадиган бола, ягона гувоҳ, янглишган бўлиши мумкинлигини айтиб, ўз даъвосини инкор қилган. Бироқ можаро яримчала ёдда қолган исмлар билан менинг хотирамда қолган эди.

Жордан Бейкер ақлли, заковатли одамлардан табиий равишда қочарди, нима учунлиги менга энди маълум бўлди – жамият қабул қилган одоб-ахлоқ мезонларига тўла мос келмайдиган хатти-ҳаракатлар ҳам бўлиши мумкинлиги умуман хаёлига келмайдиган одамлар орасида ўзини қулай ҳис қилар эди. У тўғрилаб бўлмас даражада виждонсиз эди. Шароитлар унинг фойдасига ҳаммиша ҳам ҳал бўлавермаслиги ҳақидаги фикрга тоқат қилолмайдигандек туюлар ва болалигидан бу оламга совук, кинояли кулги билан боқишга ва шу билан бир вақтда таранг, мустаҳкам танасининг ҳар қандай талабига эрк беришига ёрдам берган ножўя ишларга ўрганган бўлса керак.

Мен учун бу ҳеч нарсани ўзгартирмади. Аёлдаги виждонсизлик – ҳеч қачон кескинлик билан муҳокама қилинмайдиган камчилик. Мен бироз хафа бўлдим, кейин бу ҳақда ўйламай қўйдим. Айнан ўшанда, Уорикада, биз руль бошқаришдаги ахлоқ мезонлари ҳақида суҳбатлашдик. Суҳбатимиз аллақандай бир ишчининг ёнидан шунчалар яқин, машина қаноти билан куртқаси тугмасини узиб юборар даражада яқин ўтиб кетган ондан бошланди.

– Сиз ҳайдовчиликка асло ярамайсиз! – хафа бўлдим мен. – Эҳтиёткор бўлмас экансиз, машинани бошқармай кўя қолинг.

– Мен эҳтиёт бўляпман.

– Унакага ўхшамайди.

– Унда бошқалар эҳтиёткор, – виждонсизларча қистирди у.

– Бошқалар эҳтиёткорлигининг қандай алоқаси бор?

– Улар менга йўл беришади. Тўкнашиш учун иккита машина бўлиши керак.

– Бирдан ўзингизга ўхшаган эҳтиёткорсиз одам йўлиқиб қолса-чи?

– Умид қиламанки, йўлиқмайди, – деди у. – Эҳтиёткор бўлмаган одамларга тоқат қилолмайман. Мана нима учун сиз менга ёқасиз.

Унинг куёш нурида толиққан маъюс кўзлари менга эмас, йўлга қаради, аммо у томонидан муносабатларимизда атай нимадир илгари сурилди ва бир лаҳза у менда уйғотмоқчи бўлган ўша нимадир муҳаббат – севги ҳисси бўлиб туюлди. Ўта оғир-вазминлигимдан мени жунбишга келтириш қийин, мен истаклари учун тормоз вазифасини ўтайдиган кўпгина ички қондаларим қуршовида юраман ва мен бу англашилмовчиликлардан уйдаёқ кутулиб чиқишим кераклигини яхши биламан. Ҳафтада бир марта “Эҳтиром билан Ник” имзоим қўйилган мактуб ёзар, нома йўлланган одам ҳақида ўйлаганимда эса унинг фақат теннис ўйнаган вақтида тепа лабига тушадиган оч тусли тери томчилари изини эслардим. Аммо барибир, мавҳум ришталар бизни боғлади ва уларни эҳтиёткорлик билан ечиш керак – бу сиз ўзимни эркин деб ҳисобламас эдим.

Ҳар бир инсон ўзида ақалли битта яхши фазилат борлигига ишонишга мойил бўлади; масалан, мен ўзимни кам сонли виждонли инсонлардан биттаси деб биламан.



## ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ

Якшанба кунлари эрталабдан, қирғоқ бўйидаги ибодатхоналарда ҳали кўнғироқ чалинаётган вақтда юқори ва ўрта табақа оқсуяклари Гэтсбеникига келар, қувнок оила мисоли унинг кўрғонини тўлдирар эди.

– У – бутлегер<sup>18</sup>, – шивирлашади хонимлар унинг коктейллари ичиб ва унинг гулларини ҳидлаб. – У фон Гинденбургнинг жияни ва иблиснинг тутинган укаси, бу ҳақда билиб қолган одамни ўлдирган. Жонгинам, менга атиргул узиб бер, яна ҳов анави биллур бокалга бир қултум ичимлик қуй.

Мен темирўл жадвалига ўша ёзда Гэтсбеникида меҳмон бўлганларнинг исmlарини ёзиб қўйганман. Жадвалда “1922 йилнинг 5 июлидан киритилади” штампи турибди, у аллақачон эскирган ва қоғоз букилган ерларидаги ёзув ўчиб кетган. Бироқ ранги ўчган ҳарфларни ажратиб исmlарни ўқиш, Гэтсбининг меҳмоннавозлигидан фойдаланган ва эвазига у ҳақда ҳеч нима билмаслик билан такаллуф кўрсатган оқсуяклар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкинки, бу менинг сийқаси чиққан мулоҳазаларимни ўқишдан кўра анча енгил.

---

<sup>18</sup> Бутлегер – махфий ишлар билан шуғулланувчи одам, контрабандачи.

Ист-Эггдан Честер-Беккерлар ҳам, Личи ва Бунзен – менинг университетдаги танишим ҳам, ўтган йили ёзда Мэн штатида чўкиб кетган доктор Уэбстер Сивет ҳам, Хорнбимлар ҳам, Уилли Вольтер рафиқаси билан ва доим қаёқлардадир тўда-тўда бўлиб чуваллашиб юрадиган, бегоналар яқин келиб қолса, бошларини такаларча селкиллатадиган Блэкбекларнинг бутун уруғ-аймоғи ҳам ҳам келган. Яна Исмэи, Кристи жуфтлиги, аниқроғи, Губерт Ауэрбах жаноб Кристининг рафиқаси билан ва бир кеча бўктарги<sup>19</sup> каби, муҳими, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўтириб чиққани ҳақида гапиришадиган Эдгар Биваро ҳам.

Кларнс Эндайвнинг ҳам Ист-Эггдан эканлиги эсланади. Уни фақат бир марта кўрганман, у оқ фланел бриджида келган ва боғда Этти фамилияли ўткинчи билан жанжаллашган. Оролнинг нариги томонидан Чидлзлар ва О.Р.П. Шредерлар, Жоржиядан Стонуолл Жексон Эмбрэмс, Фишгард ва Рипли Снелл – ҳаммалари рафиқалари билан келишган. Снелл у ерда турмага тикишларидан уч кун олдин бўлган, шунчалар кўп ичганки, маст ҳолда хиёбонга кираверишда йўлакда чўзилиб қолган ва Юлиссез Суэтт хоним автомобилида унинг ўнг қўлини босиб кетган. Дэнслар ҳам бутун оиласи билан ўша ерда бўлишган, ёши етмишларга бориб қолган С.В. Уайтбэйт, Морис А. Флинк, Хаммрхедлар ва тамаки импорт қиладиган Белуга, Белугинлар ўз кизлари билан келишган.

Уэст-Эггдан Поулалар, Мальреди, Сесил Роубэк, Сесил Шён, штат сенатори Гулик, “Филмз пар экселлянс” компаниясининг бош асосчиси Ньютон Оркид, Экхост, Клайд Коген, Дон С. Шварце (ўғли), Артур Мак-Карти – уларнинг бари кинода нималардир қилишади – ташриф буюришган. Яна тагин Кэтлинлар ва Бэмберглар, Ж. Эрл Мэлдун, ўз хотинини бўғиб ўлдириб қўйган ўша

<sup>19</sup> Бўктарги – йиртқич қушларнинг бир тури.



Мэлдуннинг акаси бор. Машхур ишбилармон савдогар Да Фонтано ва Эд Легро, Жеймс Б. Феррет (“Чириган”, Де Жонг рафикаси билан, Эрнест Лилли – булар қарта ўйини боис келишар, агар Феррет боққа чиқиб, йўлакчаларда ёлғиз ўзи сайр қилса, бу унинг ютқазганини ва эртага “Ассошиэйтед транспорт” нархининг кўтарилишини билдирар эди.

Клипспрингер деган кимса тез-тез ва узоқ меҳмон бўлганидан “Квартирант” лақабини орттириб олган – унинг бошқа борадиган, яшайдиган жойи бўлмаса керак. Театр олампидан Гас Уэйз ва Орэйс О’Донован, Лестер Майкер ва Жорж Даквид, Фрэнсис Буллар келишган. Бундан ташқари, Нью-Йоркдан Кромлар ва Бэкхиссонлар, Денникерлар ва Рассел Беттлар, Корриганлар ва Келлехерлар, Дьюарилар ва Скеллилар, С.В. Белчер ва Смерклар, ёш Квинлар (у пайтда ҳали ажрашмаган эдилар), кейинроқ ўзини “Таймс-сквер” станциясида поезд тагига ташлаган Генри Л. Пелметтолар бор.

Бенни Мак-Клеван тўртта барно қизлар давраси – ўша-ўша тўртгалови – билан келар эди. Қизлар доим ҳам бир хилда юрмас эдиларки, шу боис уларни аввал ҳам каердадир кўргандек таассурот уйғонаверади. Исмларини эслолмайман – одатда, Жаклин ёки Консуэла, ёки Глория, ёки Жун, ёки Жуди, фамилиялари эса гуллар ёки йил ойлари номидек жаранглайди, бироқ баъзан танишув чоғида аллақандай йирик америка капиталистининг фамилияси айтилади ва мабодо қизиқиб қолсангиз, бу унинг бобоси ёки бўласи<sup>20</sup> эканлиги ҳақида туншунча беришади.

Яна базмда Фаустина О’Байенни – бир марта бўлса ҳам – кўрганимни эслайман, Бедекернинг оймитиллаларини ва ёш Бруер, урушда ўқ еб бурнидан айрилган ўша кимса, жаноб Олбрексбергер, Хааг хоним, унинг келини, Ардит Фиц-Питерс, Америка легионини бош-

---

<sup>20</sup> Бўла – холавачча ёки амакивачча.

карадиган аллақандай жаноб П. Жуэтт, Клаудия Хип доимий ҳамроҳи билан бўлишарди. Клаудия Хипнинг ҳамроҳини хонимнинг ҳайдовчиси деб айтишарди, унинг доим чакнаб туришидан герцог деб атардик, исмини эса унутдим, агар умуман қачонлардир исмини билган бўлсам.

Бу одамларнинг ҳаммаси бутун ёз бўйи Гэтсбиникида меҳмон бўлган.

Эрталаб соат тўққизда Гэтсбининг дабдабали лимузини тош йўлдан сакраганча уйимга келди ва мен унинг ғолибона янграган клаксон<sup>21</sup>ини эшитдим. Бу июль охирларида содир бўляпти. Унгача Гэтсбининг қатъий таклифларига биноан уникида икки марта меҳмон бўлдим, гидропланда учдим, пляжида чўмилдим, аммо у ҳали меникига бирон марта ташриф буюрмаган эди.

– Хайрли тонг, отахон. Сиз билан шаҳарда бирга нонушта қилишга келишган эди-ку, шунинг учун сизни олиб кетишга қаро қилдим.

У автомобиль зинасида туриб, америкаликларга хос ҳайратланарли даражада эркин ҳаракатланиши билан мувозанатини сақлар эдики, америкаликлар бу ҳаракатлари олдида ёшлиқларида оғир жисмоний меҳнат бўлмагани, бундан ҳам ортиқроғи – бизнинг тушуниб бўлмас асабий нозик хиромларимиз, жазавали спорт ўйинларимиздан ўзларини қарздор деб билишлари керак. Гэтсбида бу қарздорлик унинг феълдаги одатий вазминликни бузиб турган доимий беҳаловатликда акс этар эди. У бир дақиқа бўлсин тинч туролмасди: бир ерни тепади, бир сабрсизлик билан қўлини мушт тугади, ёзади.

Машинасига ҳавас билан қараётганимни сезди.

---

<sup>21</sup> Клаксон – автомобиль, мотоцикл ва ш.к.да механик сигнал тури.



– Ажойиб, а? – Гэтсби машинасини тўсмаслик учун четроқ ўтди. – Уни илгари кўрмаганмидингиз?

Уни бир неча марта кўрганман. Атрофдагиларнинг ҳаммаси бу машинани кўрган. Машина тўқ олхўри рангида бўлиб, никелдек ярқирайди, унинг ғаройиб тарзда чўзилган корпусининг у ёғида ҳам, бу ёғида ҳам шляпа, газаклар, инструментлар учун бўлмачалар чикиб турар эди. Қопқоқдаги ўйиқ жойлар лабиринтида ўнлаб куёш аксланади. Биз уч қават ойнавандли ям-яшил чарм пархонада (иссиқхона) ўтирган мисоли Нью-Йоркка қараб кетдик.

Шу ойнинг ўзида Гэтсби билан бир неча марта кўришдик, ҳафсаламни пир қилган нарса – у билан гаплашадиган гапимиз йўқлигига амин бўлдим. Биринчи танишувимиздаёқ фавкулодда шахс сифатида уйғотган таассуротлари борган сари ўчар ва мен учун наздимда уйим ёнида жойлашган ғаройиб бир рестораннынг оддийгина хўжайини бўлиб борарди.

Энди мана бу маънисиз саёҳат. Ҳали Уэст-Эгга етиб бормасимиздан Гэтсби ўзини ғалати тута бошлади: бенуксон жимжимадор ибораларини охиригача етказолмаяпти, чалкашиб кетганидан куйдирилган шакар рангидаги шимига тикилиб турган оёқлари тиззасига уриб кўяди. Бирдан кутилмаган савол бериб қолди:

– Умуман, мен ҳақимда нима деб ўйлайсиз, отахон?

Таажжубда қолдим, кўкқисдан берилган саволга муносиб тарзда чайнала бошладим.

Аммо у мени шу заҳоти бўлди:

– Мен ўз ҳаётим ҳақида озгина гапириб бермоқчиман. Бўлмаса, худо биледи, ҳар хил мишмишларга ишониб, нималарни тасаввур қилишингиз мумкин.

Демак, унинг меҳмонхонасида бўладиган суҳбатларга дилкашлик бахш этадиган ғалати айбловлар ўзига сир эмас экан.

– Мендан эшитадиганларингизнинг ҳаммаси – ҳақиқат. – У худди жазони ўташ учун тайёр бўлишга

чақирилгандек, қўлини шиддат билан силкитди. – Мен Ўрта Ғарбда, бой оилада, эндиликда ҳеч ким тирик қолмаган хонадонда туғилдим. Америкада катта бўлдим, лекин кейин оилавий анъанамизга биноан Оксфордда ўқиш учун кетдим. Аждодларимнинг бир неча авлоди Оксфордда таҳсил олишган.

У менга кўз кири билан қаради – Жордан Бейкер нима учун уни ёлғончиликда айблаганини энди тушундим. У айтиш осон бўлмаётганини билдирмоқчи бўлдими, “Оксфордда таҳсил олишган” жумласини шошиб, ҳам ютиб, ҳам тикилиб гапирдики, гумон соясида ҳамма гаплари ўз кучини йўқота бошлади ва мен унинг ҳаётида бирон бир даҳшатли сир йўқмикан деб ўйлаб қолдим.

– Американинг қайси шаҳридансиз? – сўрадим мен.

– Сан-Францискодан.

– Ҳа-а!

– Ҳамма қариндошларим вафот этишган, уларнинг бойликлари менга қолган...

Гўёки насл-насаби бевакт тугагани ҳақидаги ўйлар босиб турганидек, Гэтсбининг бу гапи мотамсаро чиқди. Ўша дамда мени эрмак қилмаяптимикин деб ҳам ўйладим, аммо унга қараб, бу ўйимни инкор қидим.

– Ўшанда мен Париждан Венецияга, Венециядан Римга қадар, ёш рожа<sup>22</sup> ҳаёт тарзини кечирганча, Европа пойтахтларини кеза бошладим: қимматбаҳо тошларни, асосан ёқутларни йиғдим, йирик қушларни овладим, бироз табиат манзараларини чизиш билан машғул бўлдим, шунчаки, ўзим учун – кўп йиллар аввал мен билан содир бўлган бир воқеани унутиш учун ҳамма нарсани билан шуғулландим.

Ишонмаганимдан ичимдан келаётган кулгини бос-тиришим учун куч керак бўлди. Айтилган гапларнинг

---

<sup>22</sup> Рожа – Ҳиндистондаги феодал ҳукмдор унвони ва шу унвонга эга шахс.





бари тирик одам эмас, балки Булонск ўрмонида тешигидан тўкилаётган қириндиларни сочганча, арслонларни овлайдиган саллалари латта кўғирчок ҳақида тасаввур уйғотар эди.

– Кейин эса уруш бошланди. Мен ҳатто хурсанд бўлдим, ҳар канақасига ўзимни ўққа тутиб бердим, аммо мен сеҳрлангандек эдим, ўлим ҳам олиб кетолмади. Фронтида катта лейтенант бўлдим. Аргоннада қолган пулемёт батальони билан шунчалар илгарилаб кетиб-мизки, ён томонимизда пиёдалар оёқ босолмайдиган ярим миль кенгликда ўпирилган жойлар чиқиб қолди. Биз бир юз ўттиз кишига ўн олтига “льюис”<sup>23</sup> билан ўша ерда икки кун ва икки тун қолдик. Ниҳоят, бизникилар етиб келишди, ҳар қадамда ётган ўликлар орасида бизни учта немис девизиясидан иборат аскарлар ичидан петлица<sup>24</sup> миздан таниб олишди. Менга майорлик унвонини беришди ва ҳамма иттифок мамлакатлар орденлари билан мукофотландим – ҳатто Черногорие, Адриатика қирғоқларидаги кичик Черногория ҳам менга орден юборди.

Кичик Черногорие! У бу сўзларни худди кафтида тутиб тургандек, кўлига қараб мулойим кулиб қўйгандек бўлди. Бу табассум Черногория қироллигининг доғули тарихига тааллуқли бўлиб, шаҳарнинг мард халқига ҳамдардликни ифодалар эди. Табассум сиёсий ҳолатнинг бутун занжирини баҳолар ва сахий юракли Черногориянинг тухфаси шу занжирнинг бир бўғини эди. Менинг ишонмаслигим ҳайратлар ичида парчаланиб кетди; мен ўнлаб расмий журналларни варақлаб чиқдим.

Гэтсби қўлини чўнтагига тикди ва менинг кафтимга ипак тасмага илинган аллақандай металл келиб тушди.

---

<sup>23</sup> Льюсика – кимёвий бирикма.

<sup>24</sup> Петлица – формали кийим ёқасига тикилган рангли белги; даража, унвон белгиси.

– Мана бу Черногориядан.

Хайратимга қарши ўларок, орден ҳақиқийдек кўринди. Четларига “Orderi di Danilo, Montenegro, Nicolas Rex” деб ўйиб ёзилган.

– Тескари томонини кўринг.

“Майор Жей Гэтсбига, – ўқидим мен. – Мардона қаҳрамонлиги учун”.

– Доим ўзим билан олиб юрадиган яна бир нарса бор. Оксфордда ўтган кунларимдан эсдалик. Тринити-коллежи майдонида олинган. Менинг чап томонимда хозирги граф Донкастер.

Фотосуратда спорт кийимидаги бир нечта ёшлар дарвоза арки тагида эркин ҳолатда турар эди.

Мен қўлларида крикет<sup>25</sup> таёқчасини ушлаб турган Гэтсбинини дарҳол танидим; ёш кўринса-да, аммо кўришиши ўша вақтдаги ёшига мос эмас эди.

Бундан келиб чиқадики, ҳақиқатни гапиряпти. Катта каналдаги данғиллама саройида чўғдек ёниб турган арслон терисини томоша қилдим, унинг ўзи ич-ичидаги яраланган юрак оғриқларига арғувон учқунлар билан таскин бермоқчи бўлгандек ёқут тўла бежирим қутичага эгилиб, лаъл тошларини кўрсатди.

– Бугун сизга бир илтимос билан мурожаат қилмоқчиман, – деди у мамнунлик билан, совғаларини чўнтагига қайтиб соларкан. – Шунинг учун ўзим ҳақимда сизга баъзи нарсаларни гапириб бердим. Акс ҳолда, худо билсин аллақандай бемаъни ахлоқсиз кимса деб қабул қилармидингиз, мен эса буни хоҳламайман. Биласизми, мен атрофимда доим бегона кишилар бўлишига кўникиб қолганман, ахир ўзим содир бўлган мудҳиш воқеани унутиш учун ҳамиша бир жойдан иккинчи жойга дарбадар кезаман. – У қулди. – Бугун ўша воқеани билиб оласиз.

– Нонушта вақтидами?

---

<sup>25</sup> Крикет – тўп ўйинининг бир тури, чиллак.



– Йўқ, кейинроқ. Мен тасодифан Бейкер хонимни “Плаза”да бирга чой ичиш учун таклиф қилганингизни билиб қолдим.

– Бейкер хонимни севиб қолгансиз демоқчи бўлма-ётгандирсиз, ҳар ҳолда?

– Нималар деяпсиз, отахон, ундай эмас. Аммо Бейкер хоним шу қадар илтифотлики, сиз билан ёлғиз гаплашиб олишимизга рози бўлди.

Бунинг қандай “иш”лиги ҳақида тасаввурга эга эмас эдим, аммо қизиқишдан ҳам кўра кўпроқ ўқинччи ҳис қилдим. Умуман, мен Жорданни жаноб Жей Гэтсби ҳақида суҳбатлашиш учун чақирмаган эдим. Унинг илтимоси аллақандай оламда йўқ гап бўлишига шубҳа қилмадим ва бир лаҳза ўта меҳмондўст уйнинг остонасини биринчи марта босиб ўтганимдан афсусландим.

У бошқа ҳеч нарса демади. Шаҳарга яқинлашганимиз сари, хушфееълиги ҳам ортиб борди. Порт-Рузвельт қизил камарли океан кемалари билан бирга намоён бўлди, биз ғарибона шаҳарнинг тош ётқизилган йўлларида, қоронғи, гавжум бўлмасада, тўққиз юзинчи йиллардаги тилла билан ёзилган ёзувлари оқарган вивескалари ҳамон осилиб турган салун<sup>26</sup>лар ёқалаб кетдик. Сўнг Тошқол водийси ҳамма томонлама ўзини намоён этди ва мен бензин шохобчаси олдида ғайрат билан ишлаётган Уилсон хонимни ҳам кўришга улгурдим.

Худди қушлар каби қанотимизни ёзиб, бутун атрофни кезганча Асториянинг ярмини учиб ўтдик – фақат ярмини: йўл устидаги тўсинлар уюми оралаб айланма ҳаракатланаётганимизда орқадан мотоциклнинг таниш пишқириғини эшитдим, бизни дарғазаб полициячи қувиб етган эди.

– Ҳеч қиси йўқ, ҳеч қиси, отахон, – қичқирди Гэтсби. Биз тўхтадик. У картмонидан аллақандай оқ картани олиб, полициячининг бурни тагида силкитди.

---

<sup>26</sup> Салун – Америкада барларнинг анъанавий номланиши.

– Ҳаммаси жойида, – деди полициячи бармоқлари-ни фуражкасига олиб бориб. – Сизнинг машинангизни энди таниб қоламан, жаноб Гэтсби. Илтимос, мени кечиринг.

– Унга нимани кўрсатдингиз? – сўрадим мен. – Оксфордда тушган фотосуратингизними?

– Бир пайтлар полиция шефига ёрдам берганман, ўшандан буён ҳар Рождествода менга табрик ёзилган откритка юборади.

Мана, Квинсборо кўпригига ҳам етиб келдик; куёш нурлари баланд фермаларни кесиб ўтиб, ўтаётган машиналар устида жилоланиб шўх ўйнайди, дарё ортида оққанд бўлақлари тўдалангандек, кимнингдир истаги билан иси бўлмаган пулдан барпо этилган шаҳар кўри-нади. Квинсборо кўпригидан шаҳарга боққанинда уни биринчи марта кўраётгандек бўласан, у эса зиғирча мулоҳазага берилмай бу оламдаги бор ҳамма сирли ва ҳамма ғаройиб нарсаларни сенга ваъда қилаётгандек бўлади.

Устида буткул гул сочилган катафалк<sup>27</sup>даги маййит, унинг ортидан эса пардаси туширилган иккита карета ва бир нечта фэйтон – ичидагиларнинг юзидаги ифодасидаги маюъслик мотам муҳитига хос эмаслигидан уларнинг маййитга дўст ва танишлик алоқаси йўқ, шеклли – ёнидан ўтиб кетдик. Ўликнинг дўстлари кўзлари ғамгин, лаблари Европа жануби-шарқи аҳолисига хос калта эди. Бизга қараганларида Гэтсбининг ажойиб машинаси уларнинг ғамгин якшанбаликлари билан қўшилиб бирхиллашганидан хурсанд бўлиб кетдим.

Блэквелс-Айлендда бизга оқ танли ҳайдовчи бошқараётган, орқада эса учта башанг кийинган ҳабаш, икки йигит ва бир қиз ўтирган лимузин учради. Улар бизга калондимоғлик ва рақобатчилик қилиш маънолари тўла

---

<sup>27</sup> Катафалк – дафн маросимида тобут қўйиладиган арава ёки машина.



кўзларини косасидан чиққудек қадаганларида кулгим кистади.

“Энди, кўприкдан ўтиб бўлганимиздан сўнг, – ўйладим мен, – ҳамма нарса бўлиши...”.

Ҳатто бу Гэтсби бўлиши мумкинлиги ҳеч кимни хайрон қолдирмайди.

Кун қизиган палла. Биз Қирқ иккинчи кўчадаги ҳаво яхши айланадиган ертўлада учрашишга ва нонушта қилишга келишдик. Чарақлаб турган куёш тушар экан, кўзимни ярим қисиб қарадим ва ниҳоят, Гэтсбини кўрдим – у вестибюлда ким биландир гаплашиб турар эди.

– Жаноб Каррауэй, марҳамат, танишинг, менинг дўстим жаноб Вулфшим.

Ўрта бўйли, япалоқ бурунли жухуд бошини кўтарди ва иккала бурун катагидан бир тутамдан куюк тук чиққан юзини қаратиб, менга тикилди. Сал кейинроқ ғира-шира қоронғиликда унинг бир жуфт қисик кўзларини ҳам кўрдим.

– ... атиги бир марта кўздан кечирдим, – деди Вулфшим, кўлимни илиқлик билан сиқар экан, – нима деб ўйлайсиз, мен нима қилган бўлишим мумкин?

– Нима? – боадаблик билан қизиксиндим мен. Аммо, афтидан, савол менга берилмаган эди, негаки шу вақтда у кўлимни кўйиб юборди ва ўзининг яққол кўриниб турадиган бурнини Гэтсби томон йўналтирди.

– Кэтспога пулни бериб: “Кэтспо, токи у жим бўлмагунча бир цент ҳам тўламанг”, дегансиз. Ва у дарҳол тилини тишлаган.

Гэтсби иккимизнинг кўлимиздан олиб, ресторан залига бошлади. Жаноб Вулфшимнинг кейинги жумласи ичида қолиб кетди. Шундан сўнг бепарво ҳолга келди.

– Содали ва музлими? – сўради метрдотель.

– Шинам жой экан, – деди жаноб Вулфшим, шифтдаги пресвитерианча<sup>28</sup> гардишларни кўздан кечираркан. – Лекин мен шахсан йўлнинг нариги томонидагини маъқул кўраман.

– Ҳа, сода ва музи билан, – бошини ирғади Гэтсби, сўнг Вулфшимга эътироз билдирди. – Йўлнинг нариги томони жуда дим.

– Дим ва тор, фикрингизга кўшиламан, – деди жаноб Вулфшим. – Аммо хотираларга бой.

– Йўлнинг нариги томонида қандай ресторан бор? – сўрадим мен.

– Эски «Метрополь».

– Эски «Метрополь», – деди чўзиб Вулфшим, ўйланган кўйи. – У ерда сен бошқа ҳеч қачон кўрмайдиган одамлар бирам кўп. Ўлиб кетган ва тирилмайдиган дўстлар шунчалар кўпки, умримнинг охиригача ўша тун, Рози Розенталияни отиб ташлашган пайтни унутмайман. Биз стол атрофида олти киши ўтирган ва Рози ҳаммадан кўп еяётган, ичаётган эди. Эрталабга яқин официант келиб, “Сизни вестибюлда сўрашяпти”, деди. Официантнинг кўриниши ғалати эди. “Ҳозир, бор-япман”, деди Рози ва ўрнидан турмоқчи бўлди. Мен туришига кўймадим. “Рози, агар қандайдир ярамасларга керак экансан, ўзлари бу ерга келсин, сенинг улар олдига боришингга ҳожат йўқ. Мен сенга шундай дейман”. Соат беш бўлиб қолган, агар дераза дарпардалари туширмагаганида чироқсиз ҳам ёруғ бўлган бўлар эди.

– Шунда ҳам у бордими? – самимийлик билан сўрадим.

– Албатта, борди. – Жаноб Вулфшим жаҳли чиқиб менга ярқ этиб қаради. – Эшик олдига етганда ўгирилди ва: “Официант қаҳвамни олиб кетишни хаёлига ҳам келтирмасин”, деди. Йўлакка энди қадам босган эди,

---

<sup>28</sup> Пресвитериан – черков ташкилотларининг бир тури.



учта ўкни тўғри овқат тўла қорнига қарата уздилар ва машина ғизиллаб учиб кетди.

– Кейин тўртовингизни электр стулга ўтқаздилар, – дедим, бу воқеани эслаб.

– Беккерни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бешовимизни. – Сертук кенг бурун менга диққат билан тикилди. – Эшитшимча, сиз ишбилармонлик алоқаларига қизиқар экансиз?

Вазиятнинг бу тахлит бурилишидан довдираб қолдим. Мен учун жаноб Гэтсби жавоб берди.

– Йўк, йўк! – хитоб қилди у. – У эмас.

– У эмас? – Жаноб Вулфшимнинг аччиқлангани яққол кўриниб қолди.

– Бу менинг дўстим. Ахир у иш ҳақидаги суҳбат бугун бўлмайди, деб сизга айтгандим-ку.

– Э, шундайми, кечирасиз бўлмаса, – деди жаноб Вулфшим. – Мен сизни бошқа одам билан адаштирибман.

Иштаҳабоп сабзавотли гуляш тортилди ва жаноб Вулфшим эски «Метрополь»нинг боягина тўлқинлантириб турган афзалликларини унутиб, зўр иштиёқ билан овқатлана бошлади. Аммо шу билан бир вақтда у ўткир, секин қарашлари билан ресторан залини кўздан кечирди. Ҳатто буткул ўгирилиб, орқамизда ўтирганларга ҳам қараб қўйди. Агар мен ҳам бу даврада бўлмаганимда, эҳтимол, стол тагига ҳам мўралаган бўлармиди.

– Қулоқ солинг, отахон, – деди Гэтсби мен томон эгилиб, – эрталаб, машинада мендан хафа бўлмадингизми?

Мен яна ўша таниш табассумни кўрдим, аммо бу сафар унинг таъсирига берилмадим.

– Жумбоқларни ёқтирмайман, – жавоб бердим мен. – Мендан нима кераклигини нега шундоқ, очикчасига айта қолмайсиз? Бейкер хонимни аралаштиришнинг нима кераги бор?

– Эй, йўк, канақа жумбоклар, – эътироз билдирди у. – Биринчидан, Бейкер хоним олий тоифадаги спортчи, агар бирор шубҳали гап бўладиган бўлса, умуман рози бўлмас эди.

Кутилмаганда соатига қаради, ўрнидан кўзгалди ва мени Вулфшим билан бирга қолдириб, ўзи ҳовлиққанча югуриб кетди.

– Телефонда суҳбатлашиши керак, – деди жаноб Вулфшим, уни кўзлари билан кузатиб қоларкан. – Ажойиб инсон, а? Ҳам ўктам, ҳам бошидан оёғигача қуйиб қўйган жентельмен.

– Ҳа.

– Ахир у Оксфордни тугатганда.

– Ҳм-м!

– У Англиядаги Оксфорд университетида ўқиган. Сиз Оксфорд университети нималигини биласизми?

– Ҳа, эшитганман.

– Дунёдаги машҳур университетлардан бири.

– Гэтсбини кўпдан бери биласизми? – сўрадим мен.

– Бир неча йилдан бери, – деди у фахрланиб. – Урушдан кейин танишиш бахтига муяссар бўлганман. У билан бирор соат суҳбатлашганимнинг ўзидаёқ рўпарамда тарбия кўрган инсон тургани аниқ бўлган. “Мана, – деганман ўзимга ўзим. – Бундай инсонни уйингга таклиф этиш, онанг ва синглинг билан таништириш ёқимли бўлади”. – У жим бўлиб қолди. – Менинг илматугмаларимга қараяпсиз чоғи?

Мен илматугмаларга қараш ҳақида ўйлаганим ҳам йўк, аммо шу саволдан сўнг қарадим. Улар эгри фил суяги бўлақларидан ясалган бўлса-да, аммо нимаси биландир таниш шаклни эслатди.

– Ҳақиқий инсон тишлари, – маълум қилди у. – Сараланган нусхалар.

– Ростданми! – Мен яқинроқдан қарай бошладим. – Ўзига хос топилма.





– Ҳа-да! – У пиджаги енгини тортиб қўйди. – Ҳа! Гэтсби аёллар бобида жуда нозик. Ҳатто дўстининг рафикасига қарамайди.

Гэтсби ёнимизга келиши жаноб Вулфшим қаҳвасини биттада симирди ва ўрнидан турди.

– Дўстона давра учун миннатдорлик билдираман, – деди у. – Энди сизнинг меҳмондўстлигингизни суистеъмол қилмаслик учун кета қоламан, ҳурматли ёшлар.

– Қаерга кетасиз, Мейер, ўтиринг, – деди Гэтсби у қадар қатъият ифодаланмаган оҳангда.

Жаноб Вулфшим ижозат сўрагандек қўлларини узатди.

– Жуда ҳам илтифотлисиз, аммо биз турли авлодларга мансуб одамлармиз, – тантанали равишда сўзлади у. – Сизларнинг ўз гапларингиз бор – спорт, хонимлар ва яна... – Янгитдан силтанган қўл ҳаракатлари етишмаётган сўз ўрнини тўлдирди. – Менинг ёшим элликни қоралаб қолди ва ўзимнинг иштироким билан даврангизни торайтирмоқчи эмасман.

Хайрлашаётганида, кейин эшик томон кетаётганида унинг фожеавий бурни енгил титради. Мен эҳтиётсизлик-ла айтган гапим билан уни хафа қилиб қўймадим-микан, деб ўйладим.

– Баъзан у шундай раҳмдил, кўнгли бўш одамга айланади, – деди Гэтсби. – Умуман, у Нью-Йоркда – Бродвейда таниқли шахс.

– Ким у, актёрми?

– Йўқ.

– Тиш докторими?

– Мейер Вулфшимми? Йўқ, у – ўйинчи. – Гэтсби бир лаҳза тутилди, сўнг совуққонлик билан кўшиб қўйди: – бир минг тўққиз юз ўн тўққизинчи йиллардаги “Уорлд Сириз”ни шу одам тузган.

Мен қотиб қолдим. «Уорлд Сириз»ни, бейсбол мусобақаларидаги фирибгарликларни жуда яхши эслайман,

аммо хеч қачон бу ҳақда атай ўйламаганман, ўйлаган бўлсам ҳам, ўз-ўзидан бирор воқеанинг охирги ва қийин кечган бўғинини ўйлаганман. Мен бир одамнинг эллик миллион одам ишончини қозониб, сейфни бузувчи қароқчи дангаллиги билан ўйнашга қодир эканлиги ҳақида ҳатто ҳаёлимга ҳам келтирмаган эди.

– Қандай қилиб бунга қўл урган бўлиши мумкин? – сўрадим мен.

– Вазиятдан фойдаланиб қолган, тамом-вассалом.

– Нега уни қамашмади?

– Ҳеч нарсани исботлай олишмади, отахон. Мейер Вулфшимни қўлга тушириш осон эмас.

Мен ҳисобни ўзим тўлайман деб туриб олдим. Официантдан қайтимни олар эканман, гавжум залнинг нариги бурчагида Том Бьюкененни кўриб қолдим.

– Танишим билан бориб сўрашишим керак, – дедим мен. – Юринг мен билан, бир дақиқага.

Том бизни кўриб ўрнидан турди ва қаршимизга чиқиш учун бир неча қадам босди.

– Қаерларда йўқолиб кетасан? – хитоб қилди у. – Ақалли телефон қилсанг бўлади-ку, Дзининг жаҳли чиқиб юрибди.

– Жаноб Гэтсби – жаноб Бьюкенен.

Улар бир-бирлари билан қўл олишдилар ва Гэтсбининг юзи бирдан зўрма-зўраки, ноодатий хижил тус олди.

– Қандай яшаяпсан? – кавлаштирди Том. – Бунчалик узоқларга сени қайси шамол учирди?

– Биз бу ерда жаноб Гэтсби билан нонушта қилдик.

Мен ўгирилдим – бироқ жаноб Гэтсбининг изи ҳам кўринмади.

– Бир куни, тўққиз юз ўн еттинчи йилнинг октябрида... (“Плаза” отели қошидаги боғ-ресторанда тўғри суянчиқли стулда бошқача ўтирган Жордан Бейкер бир неча соатдан сўнг гапириб бераркан) ... Луисвилл кў-



часида газон устидан юриб борар эдим. Менга газонда юриш кўпроқ ёқади, чунки резина пошнади инглизча туфли кийган эдим, улар юмшоқ тупроққа ботиб кетади. Яна эгнимда янги бурмали катак юбка бўлиб, шамолда хилпирарди. Ҳар сафар шундай бўлганида фасаддаги қизил-оқ-кўк байроқлар тиккайиб чўзилар ва хилпирашга фақат ўзлари ҳақлидай, мени маъқулламай шовулларди.

Энг катта байроқ ва энг кенг газон Дэзи Фэй яшайдиган уй олдида бўлар эди. Ўшанда у ўн саккизда, мендан икки ёш катта эди. У оқ кўйлак кияр, оппоқ икки ўринли автомобили бўлар, кун бўйи уйда телефон жиринглар ва Кэмп-Тэйлорлик ёш офицерлар: “Ҳеч бўлмаса бир соат!” у билан бирга оқшомни ўтказишга интилишар эди.

Ўша куни Дэзининг уйига бораётиб, четда оқ автомобиль турганини кўрдим, ичида Дэзи менга нотаниш бир лейтенант билан ўтирган экан. Улар бир-бирларининг бағрига шунчалар сингиб кетгандики, орамиздаги масофа атиги уч кадам қолганидагина дугонам мени пайқади.

– А, Жордан! – кутилмаганда қичқирди у. – Илтимос, бир дақиқага бу ерга кел.

Унга керак бўлганимдан ниҳоятда хушмуомала бўлдим – у ўзимдан катта дугоналарим орасида энг малоҳатлиси, энг латофатлиси эди. Мендан, Қизил Хочга ип титгани<sup>29</sup> боряпсанми, деб сўради. Мен ҳа, деб жавоб бердим. “Бугун бор олмаслигимни сен орқали айттириб қўйсам бўладими?” У гапирар, офицер эса унга ўзгача нигоҳ билан қарар турар эди – ҳар бир қиз кимдир қачондир худди шундай боқиб туришини орзу қилади. Бу менга жуда ажабтовур романтика бўлиб туюлди. Шу сабаб хотирамда узоқ сақланиб қолди. Офицернинг исми Жей Гэтсби эди ва ўша воқеадан сўнг 4 йилдирки, уни кўрмадим. Лонг-Айлендда кўришиб

---

<sup>29</sup> Латтадан титиш – илгариги вақтларда ярага боғлаш учун ишлатилган.

колганимизда, бу ўша Гэтсби эканлиги хаёлимга ҳам келгани йўк.

Бу воқеа тўққиз юз ўн еттинчи йилда содир бўлган. Кейинги йили менинг ҳам хушторларим пайдо бўлди, бундан ташқари, спорт мусобақаларида иштирок эта бошладим ва Дэзи иккимиз кам кўришадиган бўлдик. У бошқа бир одам, ёши ўзидан каттароқ эркак билан кўнгилхушлик қила бошлади – агар ҳақиқатан шундай бўлса. У ҳақда ақл бовар қилмас мишмишлар юрарди – бир қишда Дэзи океан ортига кетаётган қандайдир ҳарбий билан хайрлашишга Нью-Йоркка кетмоқчи бўлиб жомадонини тахлаётганида онаси тутиб олган. Албатта, уни қўйиб юборишмади, аммо шундан кейин бир неча ҳафта уйда ҳеч ким билан гаплашмади. Кейин ҳарбийлар билан бошқа умуман гаплашмади, мулоқот доирасини фақатгина узокни яхши кўролмагани ва яссиоёқлиги туфайли ҳарбий хизматга яроқсиз бўлган ёш йигитлар билан чеклади.

Кузга борибгина аввалги қувноқ ва ҳаётни севадиган, завқ-шавққа тўла Дэзига айланди. Ярашувдан сўнг дарҳол бал уюштирилди ва февралда ҳамма унинг Янги Орлеандан келган бир эркак билан унаштируви ҳақида гапира бошлади. Июнда эса у чикаголик Том Бьюкененга турмушга чиқди, тўйлари Луисвилл ҳаётида ҳали бўлмаган катта ва дабдаба билан ўтди. Куёв юзлаб меҳмонлар билан тўртта алоҳида вагонларда келди, меҳмонларни “Мюльбах” отелида битта қаватга жойлаштирди ва тўй бошланишида келинга уч юз эллик минг долларлик маржон шодасини совға қилди.

Мен келиннинг дугонаси эдим. Тўйга ярим соат қолганида унинг хонасига кирдим ва Дэзининг ўз ўрнида июнь оқшомида очилиб тургандек мафтункор гулли оқ кўйлагида сархуш ётганини кўрдим. Бир қўлида со-терн<sup>30</sup> шишаси, иккинчи қўлида мактуб бор эди.

<sup>30</sup> Сотерн – ширин шароб.



– Ме-ени та-бри-икла-а, – пўнғиллади Дэзи. – Умримда биринчи марта ичдим ва ўзимни шунчалар яхши ҳис қиляпманки, шунчалар яхшики...

– Дэзи, нима бўлди?

Тўғриси айтсам, мен қўриқиб кетдим: қиз болани ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаганман.

– Мана, марҳамат, – у каравоти ёнидаги ахлат саватини кавлаштириб, маржон шодасини олди. – Буни пастга олиб туш ва эгасига қайтариб бер. Дэзи фикридан қайтди деб айт. Уларнинг ҳаммасига: “Дэзи фикридан қайтди”, деб айт.

Дэзининг кўз ёшлари қуйилди – йиғляпти, ўкиряпти. Мен хонадан отилиб чиқдим, онасининг оқсочини қидириб топдим, эшикни қулфлаб, Дэзини совуқ сув тўлдирилган ваннага солдик. У мактубни қўлидан қўйишни хоҳламади. Ваннада ҳам шундай қилди, муштида ҳўл кесак мисоли ушлаб ўтирди, мактубнинг худди юмалоқланган қордек уваланиб кетаётганини кўрганидан кейингина уни совун идишига қўйишимга изн берди.

У битта ҳам сўз демади, унга новшадил спиртини ҳидлатдик, бошига муз қўйдик, сўнг яна қўйлагини кийгиздик, орадан ярим соат ўтгачгина мен билан бирга пастга тушди, бўйнида маржон шодаси яркиради, шу билан нохуш воқеа батамом тугади. Эртасига эса, кундузги соат бешда кўзларини пирпиратмай Том Бьюкененга ниқоҳланди ва жануб денгизларига тўй саёҳатига кетди.

Уларни қайтаётганларида Санта-Барбарада учратдим ва ҳайратга тушдим – қандай қилиб ўз эрини бу қадар севиб қолиш мумкин? Эри хонадан бир лаҳзага чиқса ҳам Дэзи дарров безовталанар ва “Том қани?” деб сўрарди – у остонада кўринмагунча ўзида бўлмасди. Дэзи пляжда Томнинг бошини ўз тиззасига қўйиб, бармоқлари билан қошларини силаганча соатлаб ўтирар ва эрига боқиб тўймаётгандек туюларди. Бу август ойида бўлган эди. Мен Санта-Барбарадан қайтганимдан бир ҳафта ўтиб эса тунда Вентурда Томнинг йўлидан авто-

фургон чиққан ва урилган, машинасининг од ғилдира-  
ги чиқиб, думалаб кетган. Газеталарга Том билан бирга  
кетаётган қизнинг ҳам исми ёзилган, чунки унинг кўли  
синган эди. Бу қиз Санта-Барбарадаги отелда ишлайди-  
ган оксоч бўлган.

Апрелда Дээининг қизи туғилди ва улар бир йилга  
Францияга кетишди. Уларни вакти-вакти билан бир  
Каннда, бир Довилада учратдим. Кейин эса улар уйла-  
рига қайтишди ва Чикагода ўрнашишди. Атрофларига  
бузуқ, саёксиз одамлар йиғилган – ҳаммаси бой-бдавлат  
ёшлар, такасалтанг ва ишраптапаст, ичкиликбозлар эди.  
Аммо Дээи бенқсон хулқ-атворини сақлаб қола олди.  
Балки шу боис ичмас. Атрофингдагилар фақат маст-  
аластлар бўлгани ҳолда номингга гард юқтирмаслик  
олий фазилат. Ортиқча гап гапирмайсан, энг муҳими,  
агар нимадир қилгинг келса, ҳеч ким ҳеч нарсани сез-  
майдиган вақтни танлайсан ёки ҳаммасига тупурасан.  
Балки Дээини – овозида сирли нимадир бор бўлсада –  
ишқий можаролар, кўнгилхушликлар қизиқтирмаган-  
дир.

Мана, ярим ой олдин, охирги йиллар ичида биринчи  
марта яна Гэтсби фамилиясини эшитиб қолди. Эсин-  
гиздами, Уэст-Эггда яшашингизни айтганингизда, ўша  
ерда яшайдиган Гэтсбини танийсизми, деб сўрагандим.  
Ҳали уйингизга кетишга улгурмасингиздан, Дээи ме-  
нинг хонамга кирди, уйкудан уйғотиб: “Ўша Гэтсби-  
нинг кўриниши қандай?” деб сўради. Уйқусираганча  
амаллаб уни тавсифладим, Дээи аллақандай ғалати, гўё-  
ки ўз овози билан гапирмагандек, бу қачонлардир ўзи  
танишган офицер бўлиши кераклигини айтди. Ўшанда  
унинг оқ автомобилида ўтирган офицерни элас-элас  
эсладим.

Жордан Бейкер бу воқеани охиригача айтиб бергани-  
да биз аллақачон “Плаза”дан кетган эдик ва усти очик  
машинада Марказий хиёбон кўчалари бўйлаб кезар-



дик. Қуёш Эллигинчи кўчадаги киноюлдузларнинг баланд-баланд уйлари ортига беркинган ва дим ғира-шираликда болаларнинг чигирткалар мисоли қўнғирокдек овози билан қўшиқ янграрди:

*Мен араб шайхиман,  
Сени жондан севаман.  
Тушларингда келиш-чун,  
Учқур отда еламан.*

– Ғалати тасодиф, – дедим мен.  
– Бу умуман тасодиф эмас.  
– Яъни, қандай қилиб?  
– Гэтсби атай бу уйни сотиб олган, у Дэзининг кўр-фазнинг нариги томонида яшадини билган.

Демак, ўша июль кечасида унинг нигоҳини фақат юлдузлар жалб қилмаган экан-да. У бирдан, ўзининг бемаъни ҳашаматли тухумини ёриб озодликка чиққан поллопондек, кўз олдидан жонланди.

– Ана шунда у, – давом этди Жордан, – Дэзини қандай қилиб бўлмасин меҳмонга чақиришингизни ва унга ҳам бир соат уйингизда бўлишига ижозат этишингизни сўрамоқчи бўлган.

Мен бу илтимоснинг бу қадар оддийлигидан, соддалигидан ҳайрон қолдим. У беш йил кутди, худди эртаклардагидек ҳашаматли вилла сотиб олди – ва буларнинг ҳаммаси бировнинг уйига “бир соат”га кириш имкониятига эга бўлиш учун эди.

– Наҳотки, оддий илтимос учун буларнинг барига мени аралаштириши керак бўлса?

– У чўчияпти, ахир, жуда узоқ кутди. Сизни хафа бўлиб қолади деб кўрқяпти. Агар ичига чуқурроқ кириб борсангиз биласиз, у табиатан тортинчоқ одам.

Бироқ менга бундай туюлмади.

– Бу учрашувни сиз ташкиллаштиришингизни сўрагани осонроқ эмасми, ахир?

– Дэзи унинг уйини кўришини жуда ҳам хоҳлаяпти, – тушунтирди Жордан. – Сиз эса унга якин турасиз.

– Ҳа-а!

– Менимча, ажойиб кечаларнинг бирида Дэзи унинг меҳмонхонасида пайдо бўлишини кутган, – давом этди Жордан. – Аммо Дэзи келмади. Шунда унинг умумий танишларини топиш мақсадида одамлар билан Дэзи ҳақида суҳбатлаша бошлади ва мен шундай танишларнинг биринчиси бўлиб чиқдим. Ана шунда у менга мурожаат қилди – унинг вилласида учрашган кечамиз ёдингиздами? Мақсадига етгунга қадар атрофда канчалар айланганини эшитганингизда эди. Албатта, мен ўша ондаёқ Нью-Йоркда нонушта қилишликни таклиф этдим. Унинг жаҳли чиққандек бўлди. “Мен эри томонидан ижозат берилмайдиган учрашувлар бўлишини хоҳламайман! – дея такрорлади. – Шунчаки, у билан кўшнимникида кўришишни истайман”.

– Сизнинг Том билан дўстлигингизни айтганимда, бу фикридан қайтишга ҳам тайёр эди. Дэзи ҳақида бирор бир эслатмаларни топиш илинжида бир неча йил аввал ҳар куни Чикаго газеталарини ўқиганлигини айтган бўлса ҳам, барибир, Том ҳақида кам нарса билади.

Қоронғи тушди ва биз унча катта бўлмаган пиёдалар кўприги тагидан ўтдик, мен Жорданнинг елкасидан кучдим, ўзимга тортдим ва биргаликда овқатланишни таклиф этдим. Дэзи ҳам, Гэтсби ҳам бирданига мени кизиқтирмай кўйди; уларнинг ўрнини қўлларимга ўзини енгил ташлаган, ҳар нарсага шубҳа билан қарайдиган мана шу хотиржам, таптортмас, тор манглайли воиз киз эгаллади.

Қулоқларим остида сархуш қилувчи жаҳд билан айтилган жумлалар жаранглади: “Сен овчисан ёки овсан. Ё овлайсан, ёки чарчаган кўйи қуруқ коласан”.

– Дэзи ҳаётда бирон нимага эришиши керак, – деди Жордан паст овозда.

– Унинг ўзи Гэтсби билан кўришишни хоҳлайдими?





– У ҳеч нарсани билмайди, Гэтсби Дезининг билишини истамайди. Сиз уни уйингизга чой ичишга таклиф этасиз, шу – холос.

Биз коронғиликда дарахтларни ортда колдирдик. Мана, парк ортида Эллик тўққизинчи уйнинг фасадлари енгил ва майин ёришиб кўрина бошлади. Қора пардалар ва кўзни оладиган реклама чироқлари орасида кўз олдимда Жордан ҳикояси қахрамонларининг жисмсиз образлари уча бошлади. Аммо Гэтсби ва Том Бьюкенендан фарқли ўларок, менинг аёлим йўқ, шунинг учун ёнимда ўтирган қизни кучоғимга маҳкамроқ босдим. Оқарган лаблар менга жилмайди ва яна ҳам қаттиқроқ кучоқлаганимча унинг лабларига интилдим.



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

Ўша тунда Нью-Йоркдан Уэст-Эгга қайтганимда, уйимдан ёнгин чикди деб кўрқиб кетдим. Тунги соат икки, бурун атрофи ёруғ, шох-шаббалар ғира-ширада дўппайиб турибди, худди арвохларга ўхшайди, телеграф симларида ёруғликнинг узун-қисқа олачалпоқлари ўйнайди. Такси муюлишга бурилганда мен Гэтсбининг вилласи минорадан тортиб ертўлагасича олов ичида шуълаланаётганини кўрдим.

Олдиниға навбатдаги базми жамшид бўляпти ва меҳмонлар ҳамма қаватларга тарқалганча бекинмачоқ ёки “денгиз чайқалади” ўйинини ўйнашяпти деб ўйладим. Йўлакларда фақат шамол гувиллар ва уй тун қаърида кўз қисаётгандек, чироқлар бир хиралашар, бир яна чакнар эди.

Такси ғинғиллаб ёнимдан ўтиб кетди ва шу онда газонни босиб мен томонга тез-тез юриб келаётган Гэтсбини кўрдим

– Уйингиз Халқаро кўргазма павильонига ўхшаб кўриняпти, – дедим унга.

– Ростданми? – У хаёлчан қаради. – Хоналарни айланиб кўргим келди. Биласизми, отахон, келинг, Кони-Айлендни айланамиз. Менинг машинамда.

– Кеч бўлди, ахир.



– Ундай бўлса, бассейнда сузамизми? Бу ёз ҳали бирор марта бассейнда чўмилмадим.

– Менинг ухлайдиган вақтим бўлди.

– Майли, хоҳишингиз.

У менга тикилганида юзидаги сабрсизлик ифодаси билиниб қолди.

– Бейкер хоним мен билан гаплашди, – дедим охири. – Эртага Дэзига қўнғироқ қиламан ва уни чойга таклиф қиламан.

– Ажойиб, – деди у бепарво оҳангда. – Фақат мен сизни овора қилиб қўйишни хоҳламас эдим.

– Сизга қайси кун қулай?

– Сизнинг ўзингизга қулай бўлган кун, – шошиб тўғрилади у. – Тўғриси, сизни уринтиришни хоҳламасдим.

– Унда, айтайлик, индинга? Бўладими?

У бироз ўйланди. Сўнг иккиланиб деди:

– Газонни калталатиш керак.

Биз иккимиз менинг ўт-ўланлар ўсиб кетган майдоним чегараси аниқ кўриниб турган ерга қарадик, ортда унинг текисланган ўтлоқ ери қорайиб кўриниб турарди. Гап менинг газоним ҳақида бораётганини тушундим.

– Яна бир нарса... – у гапини давом эттириш ё эттирмаслик ҳақида ўйланди.

– Балки бир неча кун ортга сурармиз?

– Ҳа йўқ, мен бу ҳақда эмас. Яъни... – У қандай бошлашни билмай каловланди. – Хаёлимга бир фикр келди. Гап шундаки... Ахир, сиз, менимча, кам ҳақ оласиз-а, отахон?

– Жуда ҳам кам.

Менинг жавобим унинг руҳини кўтариб юборди ва энди гапини ишонч билан гапира бошлади.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Аввало, мени маъзур тутасиз, агар дилингизга... Биласизми, мен бир нималарни ўйладим – ишга оид. Ва хаёлимга келдики, унчалик кўп пул топмас экансиз... Ахир, сиз қимматбаҳо қоғозлар сотиш билан шуғулланасиз, шундайми?

– Ҳар ҳолда шунга ҳаракат қиламан.

– Шунинг учун фикрим сизда қизиқиш уйғотиши мумкин. Кўп вақт олмайди, лекин кўп пул ишлаб топиш мумкин. Лекин, биласизми, гап ишнинг ноқонунийлигида.

Бошқа вазият бўлганида бу суҳбат менинг бутун ҳаётимни бошқа томонга ўзгартириб бориши мумкинлигини мана энди англаяпман. Бироқ таклиф хизматимга миннатдорлик эвазига шундай очик ва кўпол айтилдики, менда фақат рад этиш чораси қолди.

– Афсуски, қилолмайман, – дедим мен. – Менинг қўшимча ишга сира вақтим йўқ.

– Вулфшим билан бирга ишлашингизга тўғри келмайди. – У мени нонушта пайтида суҳбатлашганимиз “алоқалар” истикболи қизиқтиради деб ўйлапти, шеклли. Аммо у хато ўйлаётганини айтдим. Гэтсби суҳбат шу мавзуга бурилишига умид қилиб, яна ўз сўзида туриб олди, лекин ўз ҳаёлларим билан бандлигим боис суҳбат бўлмади ва у истар-истамас уйига кетди.

Нью-Йоркда ўтказган оқшомимиздан сўнг бошим енгил айлана бошлади ва мен остона ҳатлашим билан қаттиқ ухлаб қолдим. Шунинг учун Гэтсби билан Кони-Айлендни айлангани бордимми ёки тонггача “хона-ма-хона кездимми”, байрамона чироқлар ёритиб турган округни айландимми, билмайман. Эрталаб конторадан Дэзига қўнғироқ қилдим ва эртага Уэст-Эгга, меникига келишга таклиф этдим.

– Фақат Томсиз келгин, – огоҳлантирдим уни.

– Нима?

– Томсиз кел, дейман.

– Ким у Том? – соддалик билан сўради Дэзи.

Эртасига эрталаб шаррос ёмғир куйди. Соат ўн бирда газонкесгичи билан келган резина аралаш матоли плашч кийган одам эшикни тақиллатди ва Гэтсби томонидан менинг ҳудудимдаги газонни қалталатишга юборилганини айтди. Шу онда хизматкор аёлни огоҳлан-



тирмаганим ёдимга тушди ва машинамга ўтириб, ёмғир остида ҳўл бўлган қишлоқ уйлари орасида уни излашга – йўл-йўлакай бир нечта финжон ва лимон, гуллар сотиб олишга тўғри келди.

Гулларни, сотиб олмасам ҳам бўларкан: соат иккида Гэтсбидан бутун бошли оранжерея ва гулларни жойлаштириш учун идишлар жамланмаси келди. Орадан бир соат ўтиб эшик шиддат билан очилди, оқ фланел костюми ичидан кумуш ранг кўйлак кийган ва тилларанг бўйинбоғ боғлаган Гэтсбининг ўзи учиб кирди. Унинг рангпар юзида шундоқ кўзга ташланаётган кўкимтир доғ тунни уйкусиз ўтказганини ошкор этарди.

– Ҳўш, қалай, ҳаммаси жойидами? – кириши билан сўради Гэтсби.

– Агар ўтлар ҳақида сўраётган бўлсангиз, ўзингиз кўринг.

– Қанақа ўтлар? – ҳовлиқиб сўради у. – Ҳа, газон! – У деразадан қаради, аммо юз ифодасига кўра, у бир нима-ни кўриб қолди.

– Ҳа, газон, яхши, – мақтади хаёли қочиб. – Қайсидир бир газетада ёмғир соат тўртларда тўхташини ёзишган эди. Менимча, “Жорнал”да. Сизда борми, ҳалиги... чой ичишга-да?

Мен уни ошхонага бошлаб кирганимда оқсоч финликка таъна билан тикилиб қолди. Сўнг иккимиз синчковлик билан мен қандолатхонадан сотиб олган ўнлаб лимонли пирожнийларни кўздан кечирдик.

– Ҳўш, сизнингча қалай? – сўрадим мен.

– Ҳа-ҳа! Жуда яхши... – деди у ва ўзини зўрлаб қўшиб қўйди: – Отахон...

Соат уч яримларда ёмғир шудринг, оғир ва сийрак томчилар сузиб юрган нам ва совуқ туманга айланди. Гэтсби паришон нигоҳини Клейнинг “Экономика” саҳифалари узра югуртириб ўтирибди, у финча оғир қа-

дамлар ошхонанинг ярмини зириллатганида бир сакраб тушади ва худди дераза ортида аллақандай кўз илғамас хатарли воқеалар содир бўлаётгандек, вақти-вақти билан ёмғирдан хиралашган деразага қараб кўяди. Бирдан ўрнидан турди ва бироз қатъиятсиз оҳангда уйига кетаётганини маълум қилди.

– Нега энди?

– Ҳеч ким келмайди энди. Кеч бўлди! – У зарур иш билан бошқа ерга боришга мажбур бўлаётган одамдек соатига қаради. – Кун бўйи бу ерда ўтириб кутолмайман, ахир!

– Тентаклик қилманг. Тўртга ҳали яна икки дақиқа бор.

Гўёки уни мен креслога итариб юборгандек, мунгли нигоҳини менга қадаганча яна қайтиб жойига ўтирди. Шу пайт автомобилнинг ғувиллаган овози эшитилди. Иккимиз ҳам ўрнимиздан сакраб турдик, ўзим ҳаяжондан бироз титраганча эшикка бордим.

Ёмғирда шалаббо бўлган настарин буталари орасидан уйга қараб катта очик машина келаётган эди. Машина тўхтади. Ён томонга бироз оғдирилган лаванда тусли учбурчак шляпа остидан Дэзининг мулоийм табассум ёйилган юзи кўринди.

– Бу сенинг уячанг экан-да, менинг полопоним!

Унинг жарангдор овози ёмғирнинг шилдирашига кўшилиб, жонсиз жасадга жон бағишловчи эликсирга айланди. Олдинига фақат жумлалар оҳанг-куйини, унинг бир пастга, бир юқорига ҳаракатларини эшитдим, ундан кейингина сўзлар қулоғимга кирди. Худди кўк бўёқдан қолган доғдек кўринаётган ҳўл соч толалари ёнокларига тушиб турар, машинадан тушаётиб мени ушлаб олган чиройли, нозик қўлида ёмғир томчилари ялтирар эди.

– Менга ошиқ бўлиб қолмадингми мабодо! – шивирлади қулоғимга. – Нима учун сеникига тездан ёлғиз келишим керак бўлиб қолди?



– Бу Рэкрент қасри<sup>31</sup>нинг сири. Ҳайдовчингни бир соатга бирон ерга юбор.

– Ферди, мени олиб кетгани бир соатдан кейин келинг, – ва менга ярим шивирлаган овозда жуда муҳим гапни айтаётгандек: – Унинг исми Ферди, – деди.

– Бензиндан унинг бурни битиб қолмайдими?

– Менимча, йўқ, – соддадиллик билан жавоб берди Дэзи. – Нима эди?

Биз уйга кирдик. Менинг ажабтовур хайратим ўларок, меҳмонхона бўм-бўш эди.

– Жин урсин! Бу яна нимаси! – хитоб қилдим мен.

– Нимани айтяпсан?

Ва у ўша захоти атрофга аланглади. Кимдир катта эшикни секин тақиллатди. Мен эшикни очиш учун бордим. Мурдадек оқариб кетган, қўлларини қўрғошин рангидаги пиджаги чўнтагига солганча остонадаги кўлмакда туриб қолган Гэтсби ғамгин кўзлари билан менга тикилиб турарди.

Қўлларини чўнтагидан олмай, ортимдан холлга кирди, гўёки ипга боғланган қўғирчоқдек тезгина ўгирилди, меҳмонхонада кўздан ғойиб бўлди. Буларнинг бари ҳечам кулгили эмас. Юрагим дукиллаганча катта эшик олдига келдим ва уни каттиқроқ ёпдим.

Кучайган ёмғирнинг шалдираган шовқини эшик ортида қолди. Ўша ондан буткул жимлик чўкди. Кейин меҳмонхонадан аллақандай ғўнғир-ғўнғирлар, узук-юлуқ кулги овозлари эшитилди ва ўша сониядаёқ Дэзининг овози сунъий ва жаранглаб чиқди:

– Тўғриси, сен билан яна кўришганимдан хурсандман.

Ниҳоятда узоқ чўзилган жимлик. Бекордан бекорга холлда ғимирлаб юриш аҳмоқлик эди, мен хонага кирдим.

---

<sup>31</sup> Рекрент қасри – Мария Эжвортнинг 1800 йилда босилган романи назарда тутилмоқда.

Гэтсби, боғ-боягидек қўлларини чўнтагига солганча камин олдида турар, минг азоб билан ўзини ғайритабиий тутар ва ҳаттс зерикаётгандек кўринишга уринарди. У бошини орқага ташлаганидан камин полкасида турган аллақачонлар ўз асрини яшаб бўлган соат циферблатига тегиб қолган эди ва ўша ҳолатда ақлдан озгандек Дэзига, қаттиқ ўриндиқли стул четида бироз кўркиб омонатгина ўтирган, аммо шу ўтиришда ҳам ҳамишагидек латофатли, барно, мафтункор аёлга қараб турар эди.

– Биз эски танишлармиз, – ғўлдиради Гэтсби. У менга қаради ва лабларини қимирлатиб, кулишга ҳаракат қилди, бироқ табассуми ўхшамади. Бахтига, у бошини тегизиб турган токчадаги соат шу вақтда жойидан ағдарилмай деди; Гэтсби дарҳол ўгирилиб, қалтираётган қўллари билан соатни тутиб қолди ва жойига қўйди. Шундан сўнг креслога ўтирди ва қўлини тирсагидан букиб, кафтини даҳанига тиради.

– Соатингизга тегинганим учун маъзур тутинг, – деди у.

Худди тропик жазирамада қолгандек юзим қизиди. Миямда минглаб ўйлар айланди, аммо бирортасини ушлаб қололмасдим.

– Бу жуда қадимий соат эди, – кистирдим мен. Назаримда, учаламиз ҳам соат ерда ётганига, чил-чил синганига чин дилдан ишонгандик.

– Сиз билан анчадан буён кўришмадикми? – деди Дэзи бенуксон аслзода хонимлар гапирадиган оҳангда.

– Ноябрьда беш йил бўлади.

Гэтсбининг тезкор жавоби суҳбатни яна бир дақиқача тўхтатиб қўйди. Ҳаммаларига ошхонага ўтиб, чой тайёрлашни таклиф қилдим, улар дарров ўринларидан туришди – аммо шу онда лаънати оқсоч финлик патнисда чой кўтариб кириб қолди. Бир-биримизга чой, пирожний узатишдек қутқарувчи ғимир-ғимирлар бошланди, ўзимиз ҳаракатсиз бўлсак ҳам, муҳит бироз жон-





лангандек бўлди. Дэзи иккимиз ҳамма нарса ҳақида сокин, хотиржам суҳбатлашиб ўтирар, Гэтсби эса қоронғирок бурчақда иккимизнинг қизгин суҳбатимизни маъюслик билан кузатар эди.

Шундай бўлсада, мен дунё сокинлик ва осойишталик бағрида эмас деб ҳисобладим, шу боис биринчи кулай вазиятдаёқ ўрнимдан туриб, уларни ёлғиз қолдириш учун изн сўрадим.

– Қаерга кетяпсиз? – ўша ондаёқ сўради Гэтсби кўркиб.

– Тезда қайтаман.

– Тўхтанг, сизга икки оғиз гапим бор. – У ортимдан ошхонага чиқди, эшикни ёпди ва аламли оҳ урди: “Эй, худойим, худойим!”

– Сизга нима бўлди?

– Бу катта хато бўлди, – деди у бошини сарак-сарак қилганча. – Жуда мудҳиш хато бўлди.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, фақат сиз озгина ҳаяжонланяпсиз, – дедим, бахтимга, ўша вақтда миямга келган гапни тезда кўшиб қўйдим: – Дэзи ҳам ҳаяжонланяпти.

– Деши ҳам ҳаяжонланяптими? – ишонқирамай сўради у.

– Сиздан кам ҳаяжонланаётгани йўқ.

– Секинроқ, баланд овозда гапириб юборяпсиз.

– Ўзингизни ёш боладек тутяпсиз, – ўзимни тутиб туrolмадим мен. – Бунинг устига, тарбиясиз ёш боладек. Уни ёлғиз ташлаб келдингиз.

У огоҳлантириш қилгандек қўлини кўтарди, мендан ўпқалангандек қаради – бу қарашлар узоқ вақт хотирамда сақланиб қолди – ва эшикни оҳиста очиб, меҳмонхонага қайтиб кирди.

Мен орқа эшикдан чиқдим – ярим соат олдин Гэтсби ҳам шундай қилиб, ҳаяжонланганидан уй атрофида айланиб юрган – ва ёмғирдан пана бўлиш мумкин бўлган қуюқ баргли, бўғинлари туртиб чиққан катта дарахт томон югуриб бордим.

Бу вақтга келиб ёмғир яна шаррос қўйди, Гэтсбининг боғбони астойдил калталаган менинг калта-узун газоним саёз ботқоқликка ва ибтидоий замонлардаги ботқоқларнинг бир тармоғига айланди. Дарахт тагидан биттагина манзара кўзга ташланади – Гэтсбининг катта кўрғони; ярим соат ўтириб уни томоша қилдим. Бино бундан ўн йил олдин, замонавий меъморчиликка қизиқадиган аллақандай бадавлат пиво қайнатувчи учун қурилган. Яна айтишадики, агар кўшнилар ўз уйлари томини сомон билан ёпишса, пиво қайнатувчи беш йил давомида ҳамма солиқларини тўлаб беришини таклиф этган экан.

Эҳтимол, кўшниларнинг рад жавоблари бу ерда бутун уруғ-аймоғи билан ўрнашиш ғоясини таг-томири билан қирқиб ташлагандир – у алаמידан озиб-тўзиб кетибди. Бойнинг фарзандлари эшикдан мотам гулчамбари ҳали олинмаёқ уйни сотишибди. Америкаликлар осон ва ҳатто ўзлари хоҳлаб қул бўлишга рози, аммо ҳеч қачон ўзларини деҳқон деб тан олишмайди.

Ярим соатдан кейин булутлар орасидан қуёш кўринди ва уйга кираверишда Гэтсбининг хизматкорлар учун мўлжалланган автофургони кўринди – эгаси, ишончим комилки, ҳеч нарсани назаридан четда қолдирмас эди. Юқори қаватда оқсоч деразаларни оча бошлади... У навбатма-навбат ҳар бир дераза олдида пайдо бўлди, марказдаги катта фонарга етганда ярим танасини ташқарига чиқариб, боққа туфлади. Қайтиш вақти етганди. Атрофда ёмғир овозлари тинмаганида мен мехмонхонада уларнинг овозларини эшитаётган бўлар эдим, бир текис, бир ҳаяжондан титраётган баланд овозлар... аммо ҳозир, ҳаммаёқ тинч бўлганида, у ерда ҳам тинчлик ҳукм сураётгандек туюлди.

Киришдан олдин атай ошхонада шовқин қилдим, сал қолса плитани ағдариб юбораёздим, – лекин улар, ҳеч нимани эшитишмади, шекилли. Иккиси диваннинг икки бурчагида худди ҳозир бирлари савол берадиган-



дек бир-бирларига қараб ўтирар эдилар. Илк кўришганларисидаги нокулайликдан асар ҳам қолмаган. Дээзининг юзи кўз ёшлардан хўл бўлиб кетган ва мен кирганимда ўрнидан турди, кўзгу олдида юзини арта бошлади. Аммо Гэтсбидаги ўзгариш мени ҳайратга солди. Унинг юзи том маънода ёниб турарди; бутун мавжудлигидан менинг кичкина меҳмонхонамни тўлдирадиган даражада бахтиёрлик, завқ, ҳузур ёғиларди.

– Ҳа, отахон, бу сизмидингиз! – деди у, гўёки биз узоқ айрилиқдан сўнг биринчи марта кўришаётганимиздек. Назаримда, қўл бериб кўришмоқчи ҳам бўлди.

– Ёмғир тинди.

– Наҳотки? – Хонада қуёш олачалпоқлари ўйнаётганини кўрганидан сўнг сўзларим маъносини англади, у метеорологдек, зулмат ёруғлик устидан абадий ғалаба қилгандек, хурсанд бўлганича бу хабарни Дээзига маълум қилишга шошилди. – Сиз бунга нима дейсиз? Ёмғир тинибди.

– Жуда яхши, Жей. – Оғриқ ва ғам унинг куйга монанд овозида ютилиб кетди, унда фақат қувончли ҳайрат янгради.

– Ҳозир меникига борайлик, – таклиф қилди Гэтсби. – Дээзига уйимни кўрсатмоқчиман.

– Балки менсиз, ўзингиз ёлғиз борарсизлар?

– Йўк, йўк, отахон, албатта, сиз билан. – Дээзи юзини ювиш учун юқорига кўтарилди, – мен сочиқларим ҳақида афсусланиб ўйланиб қолдим – Гэтсби иккимиз боққа чиқиб, Дээзини кутдик.

– Бу ердан уйим жуда яхши кўринади, шундаймасми? – деди у. – Айвоннинг қуёшдан ёруғ бўлиб туришига қаранг.

Уйнинг ажойиб эканлиги ҳақидаги фикрини тасдиқладим.

– Ҳа, – кўзини узмай ҳар бир нигоҳи-ла уйнинг қирраларини, минораси бурчакларини “пайпаслади”. – Бу уйга етадиган пулни топишим учун нақ уч йил кетди.

– Мен бойлик сизга мерос қолган деб ўйлар эдим.

– Ҳа, албатта, отахон, – хаёлчан жавоб берди у, – аммо уруш йилларида деярли ҳаммасини йўқотдим.

Нима билан шуғулланаётганини сўраганимда “Бу менинг ишим” деб жавоб берганига қараганда, шу вақтда уруш йилларини эслаётган бўлса керак, кейин у кўпол жавоб берганини пайқаб қолди:

– О, мен кўп нарсалар билан шуғулландим, – деди шошиб, аввалги жавобини тўғрилаш учун. – Бир вақтлар дорилар билан, кейин нефть билан шуғулландим. Ҳозир униси билан ҳам, буниси билан ҳам шуғулланмаяпман. – У менга диққат билан қаради. – Ўтган кунги таклифим ҳақида ўйлаб кўрдингизми?

Жавоб беришга улгурмадим – уйдан кўйлагини безаган металл тугмалари куёшда ялтираганча Дэзи чиқиб келди.

– Нахотки шу сизнинг уйингиз бўлса? – кичкириб юборди у бармоғи билан виллани кўрсатар экан.

– Сизга ёқяптими?

– Жуда ҳам ёқяпти, аммо унда бир ўзингиз қандай яшаяпсиз?

– Уйим кеча-ю кундуз меҳмонлар билан тўла. Меникига қизиқарли, таниқли, машҳур одамлар келади.

Биз бўғоз бўйлаб қисқа йўлдан бормадик, аксинча, шосседан айланиб, уйга асосий дарвозадан кирдик. Дэзи осмон фонидида турлича жилоланиб турган феодал ҳайкалини томоша қилар экан, ҳайратидан тинмай жаврар, наргис гулларининг хуш исидан, дўлана ва олхўрининг кўпчиган ҳидидан, учқатнинг ифоридан роҳатланар эди. Мармар зиналарда ранг-баранг ҳар хил кўйлақларнинг тартибсиз сочилиб ётганини кўрмаслик, дарахтдаги қушларнинг ғовур-ғовуридан бошқа нарса ни эшитмаслик мумкин эмас эди.

Marie Antoinette мусиқали салонлари ва Реставрация услубидаги меҳмонхоналарни кезганимизда ҳамма диван ва ҳамма столлар тагида қаттиқ жазога маҳкум



меҳмонлар биз ўтиб кетгунимизга қадар овоз чиқармаслик шарти билан яшириниб ўтиргандек бўлиб туюлди. Готик услубдаги кутубхонадан чиққан пайт эшик ёпилиши билан эшитилган овоз, ишонтириб айтаманки, кўзойнакли Бойқушнинг ваҳимали кулгиси эди.

Биз юқорига кўтарилдик, ғаройиб тарзда қурилган, мовий ва пушти шойи чойшабларга монанд ранг-баранг товланаётган янги узилган гуллар билан ясатилган ётоқхоналардан, гардеробхона ва полга ванна ўрнатилган ювиниш хоналаридан ўтдик – фақат битта хонада гиламда ётиб елка учун гимнастика машқларини бажараётган бир эркакни кўрдик. Бу жаноб Клиппрингер, Квартирант эди. Эрталаб унинг яланғоч ҳолда пляжда сандироқлаб юрганини кўрган эдим. Бизнинг уй ичидаги саёҳатимиз ётоқхона, ювиниш хонаси ва Роберт Адам услубидаги кабинетдан иборат бўлди – унинг кабинетида бироз ўтирдик, Гэтсби девор ичига ўрнатилган сирли тоқчадан олган шартрез<sup>32</sup>дан бир қадахдан ичдик.

Шу вақтгача Дээини диққат билан кузатди ва назаримда, севгилиси ҳар бир буюмга қараганида, кўзида қандай ифода пайдо бўлишидан қатъи назар, Гэтсби ўз буюмларини қайтадан баҳолаётгандек бўлди. Баъзан Дээининг олдида ҳамма нарса-буюмлари ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги эсанкиратадиган хабарни олгандек, атрофга хаёлчан аланглаб коларди. Бир сафар у нимагадир қоқилиб тушди ва сал қолса зинадан йиқилаёзди.

Гэтсбининг ётоқхонаси, тилла тусидаги ювиниш хонасини айтмаганда, бошқаларидан кўра шинам ва оддий эди. Дээи марок билан томоша қилганча тарокни кўлига олди ва сочини тарай бошлади, Гэтсби эса креслога ўтирди, кўли билан кўзларини ёпди ва секингина кулди.

---

<sup>32</sup> Шартрез – ликёрнинг бир тури.

– Ғалати ишлар-а, отахон, – деди у хурсанд бўлганча. – Қанчалар қизиқ-а...

Афтидан, у икки босқичдан ўтиб, учинчисига қадам қўйган эди. Саросималикдан, асоссиз қувончдан сўнг, Дээининг бу ерга келиши билан навбатдаги кучли ҳайрат бошланди. У кўпдан буён бу ҳақда орзу қилган, орзуларининг рўёбини хаёлида бошидан кечирган, ўта зўриқтирадиган, бениҳоя қизғинликда тишини тишга босиб жуда узоқ қутган. Энди эса завод қаттиқ бураб қўйган соат каби унинг пружинаси ишламай қоляпти.

Бир дақиқадан сўнг ўзини қўлга олиб, рўпарамиздаги иккита катта шкафни очди, унда сон-саноксиз костюмлар, халатлар, бўйинбоғлар осилиб турар, тоқчаларида эса талай рангли эркалар қўйлақлари тахлами турарди.

– Англияда менга қўйлақ, ич кийимлар сотиб оладиган одамим бор. Баҳор ва кузда Англиядан мавсумга керак бўлган ҳамма нарса келади.

У қўйлақлар тахламини олиб, пишиқ шойидан, зиғирдан, юпка фланелдан бирин-кетин олдимизга тикилган қўйлақларни соча бошлади; қўйлақлар учиб бориб, стол устида турли ранглардан иборат уюм ҳосил қилди. Бизнинг ҳайратланаётганимизни кўриб, стол устидаги янги уюм – тўқ кўк шойи ипақдан безаклар тикилган катак, йўл-йўл, майда холли, лаванда, кизил, яшил, ёқимли сарғиш рангли қўйлақларни олиб, яна ота бошлади.

Бир пайт Дээининг ичидан бўғиқ “оҳ” отилиб чиқди, бошини қўйлақлар устига ташлаб ўкириб йиғлаб юборди.

– Шундай чиройли қўйлақларки, – ҳикиллади у, газмолнинг юмшоқ бурамалари унинг овозини бўғди. – Кўнглим ғашланди, хафа бўляпман, ахир, ҳеч қачон... ҳеч қачон бундай чиройли қўйлақларни кўрмаганман.



Уйни томоша қилгандан сўнг яна боғни, бассейнни, гидропланни, гулзорларни айланишимиз керак эди, аммо ўша вақтда ёмғир шаррос куйиб юборди ва учаламиз дераза олдида туриб, бўғознинг тарам-тарам бўлаётган сувларига тикилдик.

– Куёшли кунда бу ердан бўғознинг нариги томонидаги виллангиз шундоқ кўринади, – деди Гэтсби. – У ердаги причалда тун бўйи яшил чирок ёнади.

Дэзи кўлини тезда унинг биллагидан ўтказди, бирок Гэтсби бошлаган гапини охирига етказиш пайида чалғимасликни маъкул кўрди, шекилли, овозида ҳам, ҳаракатида ҳам ўзгариш бўлмади. Эҳтимол, яшил чирок бирданига улкан моҳиятини абадий йўқотгани ҳақидаги фикр бутун вужудини чулғагандир. Аввалла-

ри, Дэзи жуда ҳам узокда бўлган вақтларда, бу яшил чирок шундоқ ёнгинасида, кўли тегар даражада яқинида ёниб тургандек туюлган. Гэтсби яшил чирокқа худди ойга кўшни бўлиб турган милтиллаган юлдузга қарагандек қараган. Ҳозир бўлса бу шунчаки причалдаги оддий яшил чирокқа айланди.

Мен ғира-шира қоронғуликда диққатимни жалб қилган турли буюмлар олдида тўхтаб, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошладим. Бир маҳал кўзим ёзув столи устига осилган яхтачилар фуражкасидаги кекса киши фотосуратига тушди.

– Бу ким?

– Буми? Жаноб Дэн Коди, отахон.

Бу ном менга элас-элас таниш туюлди.

– Ҳозир у йўқ, вафот этган. Қачонлардир менинг энг яқин дўстим бўлган.

Столда Гэтсбининг расми турар эди – ўн саккиз ёшлик вақти бўлса керак – у ҳам бошига яхтачиларнинг фуражкасини кийган.

– Қандай ажойиб! – хитоб қилди Дэйзи. – Пешонага тушиб турган соч толалари! Пешонага сочингизни тушириб юрганингизни менга ҳеч қачон айтмагансиз. Яхта ҳақида гапирмагансиз.

– Мана бу ёққа қаранглар, – деди шошиб Гэтсби. – Газетадан қиркиб олинган қирқимлар дастасини кўряпсизми? Ҳаммаси сиз ҳақингиздаги парчалар.

Улар газета парчаларини саҳифалаганча ёнма-ён туришди. Мен ёқут коллекциясини кўрсатишини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим, телефон жиринглаб қолди, Гэтсби дастакни кўтарди.

– Ҳа... Йўқ, ҳозир мен бандман... Бандман, отахон... Ахир, айтдим-ку: кичик шаҳарларда... Умид қиламанки, кичик шаҳарлигини у тушунади. Агар унинг тасаввурида Детройт кичик шаҳар бўлса, у билан бу ҳақда гаплашишимизга умуман ҳожат йўқ.

Гэтсби телефон дастагини қўйди.





– Бу ёкка келинлар, тезроқ, – кичкирди Дэзи деразага яқин бориб.

Ёмғир ҳамон қуяр, аммо ғарбда қора булут парчаланиб, денгиз устида майин, тилла-оқ булутлар тўдалашган эди.

– Яхшими? – сўради у шивирлаб, сўнг биров жим бўлди, кейин яна боягидек шивирлаган кўйи деди: – пушти булутни шундай тутиб олсаму, сизни ўша булутга ўтказиб, сузишингиз учун туртиб юборсам...

Мен кетмоқчи бўлдим, аммо кетказишмади; балки хонада бўлганимда улар ўзларини кўпроқ ёлғиз ҳис қилаётгандирлар.

– Биласизми, энди нима қиламиз, – деди Гэтсби. – Биз ҳозир Клипспрингерни роялда бирон нима чалишга мажбур қиламиз.

У “Юинг” деб қичкирганча хонадан чиқиб кетди ва тезда оч сариқ сочлари тўзиб кетган, тошбақасифат кўзойнақ такқан бир тортинчоқ одам билан кириб келди.

Ҳозир у боя кўрганимиздан кўра тартибли эди; спортчилар кийимига ўхшаш ётиқ ёқали кўйлақ, теннисчилар туфлиси ва рангини тушуниб бўлмайдиган қаноп газмолли шим кийиб олган.

– Гимнастика қилишингизга ҳалал бермадикми? – одоб билан сўради Дэзи.

– Мен ухлаётган эдим, – пўнғиллади Клипспрингер. – Тўғрироғи, олдинроқ ухлаётган эдим. Кейин турдим...

– Клипспрингер рояль чалади, – деди Гэтсби унинг гапини бўлиб. – Тўғрим, рояль чаласиз-а, Юинг, отахон?

– Аслида, роялни яхши чалмайман. Умуман... Йўқ, деярли чалмайман. Мен бутунлай унутганман...

– Пастга тушамиз, юринлар, – сўзини бўлди Гэтсби.

У чирокни ёқди. Ёруғлик чарақлаб, қоронғи деразалар йўқолди.

Муסיқа салонида Гэтсби фақат битта, рояль олдидаги чирокни ёқди. У Дэзининг чекишига ёрдам бер-

ди – гугурт чўпи унинг кўлларида титради; у Дэзининг ёнида, рўпарадаги бурчакка кўйилган, факат холдан тушаётган кандилнинг шуъласидан ёришиб турган диванда ўтирди.

Клипспрингер “Муҳаббат манзили” номли кўйни ижро этди, сўнг табуреткасида ўгирилиб, аянчли боқиб турган кўзлари билан қоронғилик қаъридан Гэтсбини кидирди.

– Мана, кўряпсизми, мен рояль чалишни буткул унутганман. Ахир, сизларга айтгандим-ку, мен буткул унут...

– Сиз гапирманг, сиз чалинг, отахон, – буйруқ берди Гэтсби. – Чалинг!

*Кеча ва кундуз,  
Кеча ва кундуз,  
Ҳаёт ўйин-кулгуга тўла...*

Дераза ортида шамол гувиллади, бўғоз устида аллақерда момақалди роқ гумбирлади. Уэст-Эгг ёниб турган чироқлар ёғдусидан ёришиб кетди. Нью-Йорк электричкаси ёмғир ва туманни ёриб, шаҳар атрофида яшовчиларни ишдан уйга етказганча елмоқда. Одамлар гавжум бўладиган соат бошланди ва атроф жонсараклик, безовталиқ ҳовурига тўлди.

*Бой қоти тўла пулига яшар,  
Фақир кимса эса бола-бақраси билан.  
Шунинг учун,  
Шунинг учун...*

Хайрлашиш учун яқин келганимда, ичида бахтининг бутунлигига ишончсизлик ғимирлаб қолгандек, Гэтсбининг юзида паришонлик ифодасини кўрдим. Беш йил! Эҳтимол, ёнидаги тирик Дэзи унинг орзуларидаги Дэзи билан бир даврга оид бўлмагандир. Гап Дэзида ҳам эмас, балки у яратган образнинг кудратли ҳаётий



кучида эди. Бу образ унинг ўзиданда яхши, дунёдаги энг яхшиси. Гэтсби моҳир рассом эхтироси ила, ҳаммавақт кўлига тушган ранго-ранг патлар билан унга жозиба бахш этган. Кўз илғайдиган, бармоқлар билан ушлаш мумкин бўлган бирорта моддий гўзаллик инсон тасаввурининг туб-тубида жамланган гўзалликка тенг бўлолмайди.

Унинг ўзини босиб олишга уринаётганини кўрдим. Дэзининг кўлидан ушлади, у Гэтсбининг кулоғига нимадир деяётганда хаяжондан тўлқинланганча Дэзининг юзига ўтирилди. Назаримда, аёлнинг гоҳ пасайиб, гоҳ баландлаб товланаётган, илиқ нафас урилиб турган овози айниқса ўзига жалб қилди. Бу ерда энди тасаввур ҳеч нарсани бўрттириб кўрсатолмас – ўлмас мангу кўшиқ шу овозда куйланар эди.

Иккиси ҳам мен ҳақимда унутишди. Сўнг Дэзи қоқилиб кетиб, бошини кўтарди ва менга кўлини чўзди, аммо Гэтсби учун мен йўқ эдим. Яна бир бор уларга қарадим ва жавобан улар менга қарашди, бироқ бу ҳаёлга чўмган, олдидагини илғамайдиган назар эди – улар ҳозир фақат ўзларининг ҳаётларида яшаяптилар. Мен иккисини ёлғиз қолдириб хонадан чиқдим ва ёмғир остида мрамр зина поғоналарини бир-бир босиб тушиб, уйимга кетдим.



## ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

Ўша кунларнинг бирида Гэтсбеникига Нью-Йоркдан шуҳратпараст ёш мухбир келиб, бирон нима дейишни хоҳламасмидингиз, деб сўради.

– Айнан нима дейишим керак? – хушмуомалалик билан сўради Гэтсби.

– Нима ҳақида бўлса ҳам, шунчаки газетада чиқариш учун бир оғиз гап.

Беш дақиқалик англашилмовчиликдан сўнг маълум бўлдики, ёш мухбир ўз таҳририятида Гэтсбининг фамилиясини эшитиб қолган ва суҳбатни ё тўла тушунмаган, ёки у ердаги фикрларга қўшилишни истамаган. Бўш вақт топган илк дақиқаларданоқ чаққонлик билан “айғоқчилик” қилишга отланган.

Таваккал қилиб ютган бўлсада, мухбирларга хос сезгиси ҳам иш берди. Гэтсбеникида меҳмонда бўлган ва ўзларини мезбоннинг ишларидан хабардорман деган гап-сўзларни тарқатган юзлаб одамларнинг тиришишлари боис бутун ёз бўйи Гэтсби ҳақидаги афсоналар кўпайгандан кўпайди. Ҳозир у газетада шов-шув бўлиш арафасида турибди. Унинг исми “АҚШ – Канада ер ости нефть қувури” каби замон руҳидаги ажабтовур лойиҳаларнинг номи билан боғланади; ҳатто унинг уйда эмас, балки Лонг-Айленд кирғоқларига сирли равишда хусн бағишлаб турган улкан яхтада яшайди де-



ган узун-кулок гаплар юради. Нега бу уйдирмалар Шимоллий Дакоталик Жеймс Гетцни кувонтирган – айтиш кийин.

Жеймс Гетц – унинг хақикий исми ёки, ҳар эҳтимолга қарши, қонуний шарафи. Ўн етти ёшида, Дэн Кодининг Юқори кўл саёзликларидан бирида лангар ташлаб турган яхтасини кўриб қолган ва Гэтсби учун катта аҳамиятга эга бўлган карьеранинг бошланиши деб билган онда исмини ўзгартирган. Ўша куни яшил йиртиқ фуфайка ва парусинадан тикилган иштонда Жеймс Гетц қирғоққа чиққан бўлса, қайикка Жей Гэтсби бўлиб отилди, “Туоломей” гача эшкак эши ва Дэн Кодини ярим соатдан сўнг яхтани лангардан узиб юборадиган ва уни чилпарчин қиладиган бўрон бошланишиган огоҳлантирди.

Балки бу исмнинг хаёлига тўсатдан келгани бежиз эмасдир, унғача узоқ вақт давомида ўйлангандир. Унинг ота-онаси оддий фермерлар бўлиб, доим омадсизликка учрар эдилар – хаёлларида уларни ҳеч қачон ота-онам деб тан олмаган. Моҳиятан, уэст-эгг, лонг-айлендлик Жей Гэтсби унинг ўзи ҳақидаги идеал тасаввурларидан ўсиб чиққан. Шу тарика у ўн етти ёшли ўспирин йигитга хос таъб ва тушунчалари билан Жей Гэтсби номини ўйлаб топди ва охиригача шу топилмасига содиқ қолди.

У Юқори кўл қирғоғида бир йилдан ошиқ куймаланиб юрди, кета<sup>33</sup>лар тутиш, еса бўладиган моллюскалар, умуман, ётоқ ва овқат учун пул топса бўладиган ишлар билан шуғулланишни ўйлади. Ўша вақтларда машаққатли ва меҳнат унинг нозик буғдой ранг танасини чиниктирди. У аёллар ҳақида эрта билди ва аёлларнинг эркалашлари остида улардан – ёш ва бокира қизларнинг тажрибасизлигидан, бошқаларнинг арзимаган нарсага ҳам шовқин кўтаришидан жирканишни ўрганди.

<sup>33</sup> Кета – лосослар оиласига мансуб кизил гўшт балик.

Аммо қалбида доим ғашлик бор эди. Ухлашга ётганида энг кўпол ва тутуриқсиз хаёллар уни буткул чулғаб олар эди. Ювиниш анжومي устидаги соатнинг ажиб тикиллаши остида, полдаги ғижим кўйлакни нам мовий ёруғликка сингдирган ой шуъласида унинг кўз олдида кўзни қамаштирадиган олам намоён бўлар эди. Ҳар тун тасаввурида янгидан-янги жимжимадор безаклар тўкилар ва ўспирин йигит ғаройиб бир орзусининг ўртасига етганида ногаҳон келган уйқу ўзининг бўш кучоғига олар эди. Қанчадир муддат бу тунги азоблар таскин вазифасини ўтади; улар ҳақиқатнинг аслият эмаслигига, олам фаришта қанотларида мустаҳкам ва ишончли турганига ишонч уйғотди.

Унинг учун бахтли ва ёрқин истиқбол тайёрлаб қўйилгани ҳақидаги ички сезги ёш йигитни Жанубий Миннесотдаги муқаддас Олаф Лютеран коллежига олиб келди. Бу ерда икки ҳафта бўлар экан, қисматининг довулларига одамларнинг ўта бепарволигидан ва арзимаган чой-чақа берадиган – шуни ҳам ўқишига тўлов сифатида сарфлаган эди – ҳовли тозаловчидан аччиқланишдан тўхтамади. Кейин яна Юқори кўлга қайтди ва Дэн Кодининг яхтаси қирғоқ яқинида лангар ташлаганда ўзига муносиб иш кидирди.

Коди ўша вақтларда эллик ёшларда эди; у Юкон мактабини битирган, Невада қумуш конлари ва умуман, етмиш бешинчи йилдан бошлаб ҳамма металл талвасасидан ўтган. Унга бир неча миллионлар келтирган монтан нефти операцияси унинг жисмоний соғлигига путур етказмади, аммо ақлан заифлик чегарасигача етказдики, кўп аёллар бунини сезиб қолиб, уни ўз пулларида мосуво қилишга ҳаракат қилишди. 1902 йил газета саҳифалари журналист қиз Элла Кэйга ақли заиф миллионер қаршида Ментенон хоним ролини ўйнашга ёрдам берган ва охир-оқибат Дэн Кодини денгиз яхтасида қочиб қутулишга мажбур қилган ғаройиб ҳийла-найранг ҳақидаги ҳикоялар билан тўлиб тошди. Мана, беш йиллик санди-



роқлашлардан кейин қайиқлар кўноқлайдиган кўпгина кирғоқлар ичида Юқори кўлдаги Литл-Герл кўрфазида пайдо бўлди ва Жеймс Гетснинг қисматига айланди.

Ёш Гетц эшкак эшишга ўтирганда яхта оқ корпусининг пастдан юқорисигача қарар, унда бутун оламдаги мавжуд ҳамма ғаройибот ва ажойиботларнинг мужассамлашган-дек туюларди. Балки Коди билан гаплашаётганда кулгандир, одамларга ўзининг табассуми ёқишини яхши биларди. Коди ўспирин йигитга бир нечта савол берган (улардан бирига жавоб сифатида янги ўйлаб топилган исм бўлгани аниқ) ва унинг ақлли, ўта ростгўй, ҳалол эканлигини билган. Бир неча кундан кейин Коди йигитни ўзи билан бирга Дулутга олиб кетди, унга янги кўк куртка, олти жуфт полотноли шим ва яхтачилар фуражқасини сотиб олиб берди. “Туоломей” Вест-Индия ва Берберия соҳилларига сузишга чикқанда бортда Жей Гэтсби ҳам бор эди.

Жейнинг мажбуриятлари аниқ эмас ва вақти-вақти билан ўзгариб турарди – стюард, катта ёрдамчи, капитан, котиб, ҳатто турма назоратчиси бўларди, чунки хушёр Дэн Кодга маст Дэн Кодининг нималар қилиши мумкинлиги аниқ эди ва ўзини ҳар турли фалокатлардан ҳимоялашга уриниб, бунда кўпроқ Жей Гэтсбига таянарди.

Ўтган кейинги беш йил шундай давом этди, бу орада яхта уч марта минтақани айланиб сузиб чиқди. Сузишлар шу тариқа яна ҳад-ҳисобсиз давом этиши мумкин эди, аммо бир куни Бостонда яхтага Элла Кэй тушди, бир ҳафтадан сўнг Дэн Коди, мезбонлик мажбуриятини бузиб, руҳини Яратганга топширди.

Мен Гэтсбининг ётоқхонасида деворга осилган Кодининг портретини эслайман: шамолда юзи қуруқшаган, соч-соқоли оқ, нигоҳлари маънисиз ва қаттиқ киши – ўтган асрнинг охирларида Американинг шарқий соҳилларига ғарбий чегара ҳаётидаги бебошлик ва исловотхоналарни яна олиб келган тийиксиз пионерлардан бири эди. Ичкиликка ихтиёр бермагани учун Гэтсби унинг олдида қарздор. Вақтичоғлик билан

ўтаётган кечаларда аёллар унинг бошидан шампань виносини қуйган ҳолатлар ҳам бўлган: аммо у камдан-кам ҳолларда ичар ва ичганда ҳам жуда оз ичарди.

Коди унга мерос қолдирди – йигирма беш минг доллар. Бу пуллардан бир центини ҳам олмади. Унга қаши кўйилган юридик далиллар ҳозиргача тушунарсизлигича қолган, лекин Кодининг миллионлари ўзи илаштириб олган Элей Кодига ўтиб кетди. Гэтсбига эса шу беш йил давомида оттирган ўзига хос тажрибалари қолди; Жей Гэтсбининг алоҳида схемаси вужудга айланди, шу вужудда қон бўлиб оқди ва инсонга айланди.

Мен буларнинг ҳаммасини анча кейин билдим, лекин шу ўринда – унинг ўтмиши ҳақидаги, аввал мен келтирган ва уларда ҳақиқатнинг сояси ҳам бўлмаган – бемаъни гап-сўзларга қарши далил сифатида атай ёзиб кетяпман. Бунинг устига, Гэтсби бу воқеаларни кучли изтиробда қолган кунларида, мен у ҳақидаги ҳамма мишмишларга ишоншим ёки ишонмаслигимни текширмоқчи бўлишгача борганимда гапириб берган. Шундан сўнг маълумотлар келтириш чоғидаги қисқа танаффусдан – Гэтсби шу ўринда юзага келиши мумкин бўлган ҳамма чалкашликларга барҳам бериш учун нафас ростлаган пайтдан фойдаланишга қарор қилдим. У билан бевосита мулоқотимиз ҳам ўша вақтда тин олди. Уни икки ҳафтача кўрмадим, ҳатто телефонда овозини эшитмадим – мен деярли ҳар куни оқшомда Нью-Йоркда бўлар, Жордан билан бирга шаҳар айланар ва унинг мафтункор холасига илтифот кўрсатишга уринар эдим. Аммо бир якшанба куни, оқшом арафасида Гэтсбини кўргим келди. Келганимга ҳали беш дақиқа бўлмаёқ остонада яна учта меҳмон кўринди; улардан бири Том Бьюкенен эди. Мен таажубланганимдан ўрнимдан туриб кетдим, бу ҳодисанинг шу вақтга қадар содир бўлмагани ҳайратланарли эди.

Улар отда юришди, ичгилари келгани учун кетишди – Том, Слоун фамилияли кимса ва олдин ҳам меҳмонга келган яна бир гўзал хоним.





– Сизни кўрганимдан жуда мамнунман, – деди Гэтсби уларни қаршилар экан. – Келганингиздан хурсандман. – Худди унинг хурсанд бўлиши меҳмонларни қизиқтирадигандек.

– Марҳамат, ўтиринг. Сигаретми? Балки сигарадир? – У кўнғироқ тугмаларини босиб, ташвишланганча хонада у ёқдан бу ёққа юрди. – Ҳозир ичишга бирон нима олиб келишади.

Томнинг шу ерда, Гэтсбининг уйида эканлиги уни кучли ҳаяжонга солган эди. Умуман, у меҳмонларга чекишга, ичишга бирон нима келтирмаганларида ҳам, барибир, хотиржам бўлолмас эди. Балки фақат шунинг учун кирганларини ғира-шира пайқагандир. Жаноб Слоун ҳаммасини рад этди.

– Балки лимонад ичарсиз?

– Йўқ, раҳмат.

– Бир бокал шампань виносига нима дейсиз?

– Йўқ, ҳеч нарса керак эмас. Раҳмат.

– Кечирасиз...

– Отда яхши юриб келдингизми?

– Йўллар жуда равон.

– Лекин менинг назаримда, автомобиллар...

– Ҳа... эҳтимол...

Сабрга кучи етмаган Гэтсби биринчи марта та-ништиришаётгандек, бир сўз демаган Томга ўгирилди.

– Сиз билан учрашгандекмиз, жаноб Бьюкенен?

– Ҳа, ҳа, албатта, – деди кўпол беадаблик билан, ҳеч эслолмаётган бўлса ҳам. – Учрашганмиз, мен жуда яхши эслайман.

– Икки ҳафта олдин.

– Жуда тўғри. Сиз ўшанда мана бу Ник билан бирга эдингиз.

– Мен сизнинг рафиқангиз билан танишман, – давом этди Гэтсби, деярли жазава оҳангида.

– Нахотки?

Том менга ўгирилди.

– Ник, сен шу яқин атрофда яшайсан, шекилли?

– Яқин.

– Нахотки?

Жаноб Слоун креслода кибрга берилиб ўтирар ва суҳбатга аралашмас эди; хоним ҳам индамади, лекин иккинчи қадахдан сўнг бирдан мулойим жилмая бошлади.

– Биз ҳаммамиз кейинги меҳмонларни қабул қиладиган кунингизда келамиз, жаноб Гэтсби, – деди у. – Эътироз билдирмайсизми?

– Нималар деяпсиз. Жуда хурсанд бўламан.

– Жуда илтифотлисиз, – деди зерикарли оҳангда жаноб Слоун. – Биз... Биз кетишимиз керак...

– Нега мунча тез кетасиз? – эътироз билдирди Гэтсби. У энди ўзини идора қилар ва Томнинг даврасида кўпроқ бўлгиси келар эди. – Балки... балки кечки таомга қоларсиз? Балки Нью-Йоркдан бирор меҳмон келиб қолар.

– Келинглар, овқатланишга менинг вилламга борамиз, – бирдан жонланди хоним. – Ҳамма, сиз ҳам.

Охирги жумла менга тааллуқли бўлди. Жаноб Слоун креслодан турди.

– Кетдик, – деди фақат хонимга муурожаат қилиб.

– Йўк, жиддий айтяпман, – тинчимади у. – Ахир бу жуда яхши-ку. Ҳаммамизга жой етади.

Гэтсби савол назари билан менга қаради. Унинг боргиси бор ва жаноб Слоун бу масалани ҳал қилиб бўлганини – яна ўзининг фойдасига – пайқамади.

– Афсуски, мен рад қилишга мажбурман, – дедим мен.

– Лекин сиз, жаноб Гэтсби, борасиз-а? – сўзида туриб олди хоним.

Жаноб Слоун хонимнинг қулоғига эгилиб, бир нималар деди.

– Кеч бўлгани йўк, агар ҳозирок йўлга тушсак, – эътироз қилди овозини баландлатиб.



– Менинг отим йўк, – деди Гэтсби. – Армияда отда юришга тўғри келмаган. Ўзим эса ҳалигача от боқишга киришмадим. Лекин ортингиздан машинада боришим мумкин. Бир дақиқада тайёр бўламан.

Тўртовимиз уйдан чиқдик, жаноб Слоун хоним билан четга ўтиб, тортишиб қолишди.

– Худойим, у ҳақиқатан хонимникига боришга шайланди, шекилли. – деди Том менга. – Боришга умуман ҳожат йўқлигини тушунмаяпти, шекилли.

– Лекин хоним Гэтсбини ҳам таклиф қилди.

– Хонимникида Гэтсбига бутунлай нотаниш меҳмонлар бўлади. – Том қошларини чимирди. – Қизик, бу нусха Дэзи билан қаерда танишган бўлиши мумкин? Жин урсин, балки менинг қарашларим эскичадир, лекин аёлларнинг ҳамма ерга бораверишлари, шубҳали шахслар билан апоқ-чапоқ бўлишлари менга ҳеч ҳам ёқмайди.

Бирдан жаноб Слоун ва хонимнинг пастга тушиб, отларига минаётганларини кўриб қолдим.

– Кетдик, – деди жаноб Слоун Томга. – Шундоқ ҳам узоқ ушланиб қолдик. – Менга ўгирилиб мурожаат қилди: – Марҳамат қилиб унга кута олмаганимизни айтиб қўйсангиз.

Том менинг қўлимни силтади, унинг ҳамроҳлари совуққина бош эгиш билан чекланишди ва отларини йўртиб кетишди. Гэтсби шляпасини кийиб, қўлида макинтошини кўтариб чиққанида дарахт шох-шаббалари уларни тўсиб кўрсатмай қўйган эди.


Кўриниб турибдики, Томни рафиқаси Дэзининг ҳамма ерга ёлғиз ўзи бориши ҳамон ташвишлантиради. Кейинги шанбада у Гэтсбиниикида Дэзи билан келди. Балки унинг ташрифи кечага аллақандай юракни сиқадиган зиклик киритгандир, нима бўлганда ҳам ўша окшом Гэтсбиниикида кечадиган бошқаларига ўхшамаганлиги билан ёдимда қолди. Одамлар ўша-ўша – ёки ўшандай – шампань ҳам шунча, ранго-ранг, ҳар хил овозлар, ҳара-

катлар ҳам аввалги окшомлардагидек, аммо бу окшомда илгарилари мен пайқамаган қандайдир нохуш, рақиблик ҳис бор. Балки Уэст-Эгга кўникиб бўлгандирман, уни ўз мезонларига, қахрамонларига эга аллақандай эркин дунё, буткул мукамал дунё – негаки у ўзини номукамал дунё сифатида тан олмайди – дея қабул қилишни ўргангандирман. Энди эса бирдан яна бошқача назар, Дэзининг кўзлари билан қарадим. Ўрганиб бўлган у ёки бу нарсага янги кўз билан қараш доим оғир.

Том ва Дэзи қош қорайганда келишди; биз бирга ранго-ранг кийинган меҳмонлар, ола-була оломон ичида изғидик, Дэзи бир-бир томоғида аллақандай тўлқинли, ғуриллаган овоз чиқарди.

– Мен, шунчаки, ўзимда эмасман, менга ҳаммаси ёқпти, – шивирлади у.

– Ник, агар окшом ўртасида мени ўпгинг келса, ишора қилсанг кифоя, мен сенга мамнуният билан ижозат





бераман. Фақат мени исмим билан чақир. Ёки яшил карточкани кўрсат. Мен яшил карточкани биласанми кимларга бераман...

– Атрофга қаранглар, – маслаҳат берди Гэтсби.

– Мен қараяпман. Мен шунчаки, жуда ҳам завқланиб кетяпман.

– Балки кўпларни танирсиз, булар машҳурликка эришган инсонлар.

Томнинг сурбетларча нигоҳи оломон ичида кезарди.

– Мен бу ерда бирорга таниш юзни кўрмаяпман деб ўйлаётган эдим, – деди у – Биласизми, биз ҳам кўп жойларда бўламиз.

– Бу хоним сизга нотаниш бўлиши мумкин эмас. – Гэтсби қари олхўри дарахти тагида киборларча ўтирган гўзал хонимга ишора қилди, у аёлдан кўра кўпроқ орхидеяга ўхшарди. Том ва Дэзи тирик инсон жисмида тансиз киноюлдузни кўрганда доим ҳис қиладиган ҳақиқатдан узоқ ғалати бир ҳисга таслим бўлиб тўхташди.

– Қанчалар жозибали! – деди Дэзи.

– Хонимга таъзим қилган эркак унинг режиссёри бўлади.

Гэтсби уларни бир гуруҳдан иккинчисига олиб ўтар ва тантанали таништирар эди:

– Бьюкенен хоним... ва жаноб Бьюкенен... – бир дақақача тараддуддан сўнг кўшиб кўяди: – Поло чемпиони.

– Қаердан олдингиз бу гапни, – эътироз билдирди Том. – Мен ҳеч қачон чемпион бўлмаганман.

Аммо, афтидан, Гэтсбига бу гапнинг жарангдорлиги ёқди, шекилли, Том бутун оқшом “поло чемпиони” лигича қолди.

– Ҳаётимда бирданига шунча машҳурларни кўрмаганман, – хитоб қилди Дэзи. – Менга, исми ким эди, анави, бурни кўкимтир одам кўпроқ ёқди.


Гэтсби унинг фамилиясини айтиб, кичик киноконцертнинг директори эканлигини ҳам кўшиб кўйди.

– Барибир, у менга ёқди.

– Мен поло чемпиони бўлишни истамас эдим, – саясий гапирди Том. – Четда туриб, бу машхур инсонларни томоша қилганим яхшироқ.

Дэзи Гэтсби билан рақсга тушиш учун кетди. Гэтсбининг эски урфдаги фокстрот каби равон, силлиқ ҳаракатларидан ҳайратга қолганим эсимда – у ҳеч қачон мен боримда рақсга тушмаган. Кейин улар секингина менинг уйим майдонида ўтишди ва иккиси ярим соатча эшигим зинапоясида ўтиришди. Унгача мен, Дэзининг илтимосига кўра, боғда кўрикчи бўлиб турдим. “Бирдан ёнғин чиқса-чи ёки сув тошса, – деди у илтимосини изоҳлаб. – Ёки яна худонинг бирор жазосими”.

Том қоронғиликдан чиқди, биз учовимиз кечки овқатланишга ўтирдик.





– Ҳов анави столга бориб овқатлансам эътироз билдирмайсизларми? – сўради у. – У ерда бир одам жуда кулгили латифаларни айтяпти.

– Марҳамат, боравер, азизим, – кувноклик билан жавоб берди Дэзи. – Мана сенга олтин қаламим, бирорта-сининг манзилини ёзиш керак бўлиб қолса, асқатади.

Бир дақиқадан сўнг у Том ўтирган томонга қаради ва менга деди:

– Нима ҳам дердим – беадаблик, лекин жуда яхши. – Эшик олдида ўтирган ярим соатимни ҳисобга олмаганда, бу кеча Дэзи учун унчалик кувончли бўлмаётганини тушундим.

Биз стол атрофида, айниқса, ичиб маст бўлиб қолганлар даврасида ўтирдик, бу менинг айбим билан бўлди, Гэтсбини телефонга чақириб қолишди ва мен ўтган ҳафтада танишиб, мириқиб суҳбатлашган одамларим билан бирга ўтирдим. Бироқ ўшанда ажойиб бўлган экан, ҳозир эса бу одамлар ҳавони булғатаётган эди.

– Хўш, Бедекер хоним, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

Бедекер хоним тинимсиз елкамдан тортаётган эди, саволни эшитиб, қаддини тутди ва кўзларини очди.

– Нима-а-а?

Ҳозиргина Дэзини маҳаллий гольф партиясига киришга мажбурлаётган хомсемиз аёл унинг ёнини олишга тушди.

– Унинг аҳволи анча яхши. Беш-олти қадаҳ коктейл ичиши билан ўша заҳоти қаттиқ увиллайди. Унга спиртли ичимликка қараш ҳам мумкин эмаслигини неча марта уқтирганман.

– Мен шундоқ ҳам қараётганим йўқ, – бўшашиб ўзини оқлади хоним.

– Увиллаганингни эшитдик, доктор Сиветга: “Хўш, доктор, сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди”, дедим.

– У қайғурганингиз учун миннатдор бўлса керак, – аралашди учинчи хоним унчалик хушмуомалик қилмай. – Фақат сиз унинг бошини сувга тикқанингизда кўйлагини хўл қилдингиз.

– Бошимни сувга тикишларига тоқат қилолмайман. – пўнғиллади Бедекер хоним. – Нью-Жерсида мени сал қолса чўктириб юборай дейишган.

– Ана, демак, сиз ичишингиз керак эмас экан, – гап кўшди доктор Сивет.

– Сиз аввал ўзингизга қаранг! – бирдан дарғазаб бўлди Бедекер хоним. – Ана, қўлларингиз титрапти. Мени сиз операция қилишингизга ҳеч ҳам рози бўлмас эдим.

Қолган гап-сўзлар ҳам шу аснода ўтди. Кеча охирлаб қолганда биз Дэзи билан узоқдан кинорежиссёр ва унинг юлдузини томоша қилиб турганимиз ёдимда. Улар ҳамон қари олхўри дарахти тагида туришар ва юзлари шунчалар бир-бирига яқин эдики, уларни фақат ингичка нур ажратиб турар эди. Миямга режиссёр у ана шу ингичка ёрикни бутун кеча давомида оз-оздан торайтириб энгашаверган, энгашаверган деган ўй келди, айна шу хаёлимдан ўтар экан, нурли ёрик бирдан йўқолди ва унинг лаби юлдузнинг ёноғига ёпишди.

– У менга ёқяпти, – деди Дэзи. – У жуда ҳам яхши.

Аммо қолган ҳамма нарса уни хижолатда қолдирди – ва бунда эътироз билдириш мумкин эмас, чунки бу сохталик эмас, самимий туйғу эди. Уни Уэст-Эгг чўчитади, бу Лонг-Айленднинг балиқчилар қишлоғи дунёга келтирган Бродвей пайдо қилган жойдан бошқа нарса эмас – уни эскирган эвфемизм<sup>34</sup>лар қобиғида жўш ураётган ибтидий куч ва яшовчиларини қисқа йўл билан йўқликдан йўқлик сари ҳайдаётган ҳаддан ортиқ елимшак, ёпишқоқ рок бўлиб чўчитар эди. Уэст-Эггнинг од-

---

<sup>34</sup> Эвфемизм – айтиш ноқулай бўлган сўз ўрнида ишлатиладиган пардали сўз ёки ибора.





дийлигида, ўзи ҳам тушунишга қодир бўлмаган қандайдир дахшат, ваҳима бордек туюларди.

Мен улар билан бирга машиналари келишини пойлаб мрамар зинапоясида ўтирдим. Бу ер, уй олди қоронғи эди: фақат эшикдан эрта тонгнинг енгил қоронғулигини кесиб ёруғлик тушиб турар эди. Баъзан гардеробхонанинг туширилган пардасида кимнингдир сояси, унинг ортидан яна бошқаларнинг тантанали юришлари – кўринмас кўзгу олдида упа сураётган ва лабини бўяётганларнинг шарпалари лип-лип ўтиб қолади.

– Умуман, ким ўзи у Гэтсби? – кутилмаганда сўради Том. – Балки йирик бутлегердир?

– Буни сенга ким айтди? – чимирилдим мен.

– Ҳеч ким айтмади. Ўзим шундай деб ўйладим. Янги пайдо бўлган бойваччаларнинг деярли ҳаммаси йирик бутлегер эканлигини ўзинг яхши биласан.

– Гэтсби бутлегер эмас, – қисқа жавоб бердим мен.

У индамади. Унинг оёғи остида шағалнинг шақирлагани эшитилди.

– Бундай ҳайвонхонани ташкиллаштириш учун озмунча машаққат чекмаган бўлса керак.

Шабада эсиб, Дээзининг мўйна ёқасини хурпайтирди.

– Нима бўлганда ҳам, бу одамлар бизникига келади-ган меҳмонлардан қизиқарлироқ, – овозига бироз куч бериб деди у.

– Улар билан вақтинг қизиқарли ўтаётганини негадир сезмабман.

– Яхши қарамагансан.

Том кулди ва менга ўтирилди.

– Анави малла қиз мендан совуқ душга олиб боришимни илтимос қилганида Дээзининг юзи қандай ўзгарганини кўрдингми?

Дээзи хириллаган, ярим шивирлаган кўйи қўшиқнинг ҳар бир сўзига авваллари маънога эга бўлмаган, кейин ҳам маъносизлигича қолган мазмунни юклаб, мусиқа ритмига мос хиргойи қила бошлади. Куй авжи-

га чикқанда, кўпинча кўкрак контралято<sup>35</sup>си каби, овоз куй ортидан эргашиб сўзларни оҳанг билан ўқир ва ҳар бир шундай ўтиш жойида атрофда биров сирли жонли илиқлик таралгандек бўларди.

– Кўплар таклифномасиз келган, – деди кутилмаганда Дэзи. – Мана бу қиз ҳам чақирилмаган. Бу ерга жила қолса куч билан кириб келишади, у эса одоб юзасидан индамайди.

– Барибир қизиқ, ким у ва нима билан шуғулланади, – тинчимади Том. – Мен бунинг тагига етаман ва аниқлайман.

– Мен бўлса бунинг сенга шундоқ ҳам айтиб бераман, – жавоб берди Дэзи. – Унинг ўз дорихоналари, турли шаҳарларда бутун дорихоналар тармоғи бор. Тармоқни ўзи ташкил этган.

Ниҳоят, хиёбон муюлишида кечиккан автомобиль кўринди.

– Хайрли тун, Ник, – деди Дэзи ўрнидан турар экан. Унинг нигоҳи мендан сал юқорироққа, йилнинг энг омалашган “Тунги соат учда”, оддий, бироқ ғамгин вальси оҳанглари эшитилиб турган хонанинг ланг очилган эшикларидан тушиб турган ёруғликка кўчди. Нима бўлишидан қатъи назар, тасодифий бу оломонда дунё тартибга солишдан буткул мосуво бўлган аллақандай романтик имкониятлар яширинган. Бу қўшиқ нимаси билан ўзига махлиё қилди, нима учун ундан узоқлашгиси келмаяпти? Бу ерда тонгнинг ғира-шира, беҳаловат соатларида яна нима рўй берган бўлиши мумкин? Бирдан янги ва кутилмаган меҳмон ёки меҳмон хоним пайдо бўлди, ҳамманинг нигоҳини ўзига қаратган, ўсмирликнинг гард юкмаган орзуларига тўла қиз қаердандир мўъжиза каби учиб келди – Гэтсбига ташланган биргина нигоҳ, биргина сеҳрли лаҳза беш йиллик сўнмас садоқатни йўққа чиқарди.

---

<sup>35</sup> Контральто – аёлларнинг энг паст, йўғон овози.



Бу сафар жуда узоқ қолиб кетдим. Гэтсби уни бўшагунча кутиб туришимни сўради, унга совқотган, шўх-шодон, тунда чўмилишни яхши кўрадиганлар пляждан келгунча, юқоридаги меҳмонлар учун ажратилган ҳамма хоналарнинг чироклари ўчгунча боғда бир ўзим юрдим. Ниҳоят, Гэтсби бокқа тушиб ёнимга келди, унинг куёшда тобланган юзи бироз сўлигандек туюлди, толикқан кўзлари безовта чақнади.

– Унга ёқмади, – деди ёнимга келган захоти.

– Нималар деяпсиз, аксинча.

– Йўқ, ёқмади. У зерикди.

Гэтсби жим қолди, аммо сўзсиз ҳам унинг қанчалар тушқун эканлигини аён эди.

– У мендан узоқ-узоқларда, – деди Гэтсби. – Уни тушунишига мажбур қила олмайман.

– Бал ҳақида гапиряпсизми?

– Бал ҳақида? – бармоқларини бир чертиш билан қачонлардин ўзи уюштирган ҳамма балларни ҳисобдан чиқарди. – Балнинг нима алоқаси бор, отахон?

У Дзенинг Томга бориб: “Мен сени севмайман, ҳеч қачон севмаганман ҳам” дейишини хоҳларди. Шундан кейин эса Дзи шу гаплари билан ўтган охириги тўрт йилини ўчириб ташлайди ва амалий ишларга ўтиш мумкин бўлади. Масалан, Дзи расман эркин бўлганида, улар Луисвиллга кетишади ва унинг ота уйида никоҳ тўйларини ўтказишади.

– У эса тушунмаяпти, – деди Гэтсби. – Авваллари ҳамма нарсани тушуна оларди. Шундай бўлганки, биз соатлар ўтирар ва...

У гапини тугатмай апельсин пўчоқлари, ғимижланган қоғоз, сўлиган гуллар сочилган қум йўлакдан орқага ва олдинга қадам ташлади.

– Сиз ундан жуда қўп нарсани хоҳляпсиз, – таваккалига қистирдим мен. – Ўтмишни ортга қайтариб бўлмайди.

– Ўтмишни ортга қайтариб бўлмайди? – ишонқирамай хитоб қилди у. – Нега бўлмайди? Бўлади!

Ўтмиш худди шу яқин атрофга, унинг уйи соясига яширингандек ва қўл узатса етадигандек, атрофга хавотирли аланглади.

– Мен шундай қиламанки, ҳаммаси яна аввалгидек бўлади, – деди у ва бошини ирғиб, қарорининг қатъийлигини билдирди. – Дэзи буни ўз кўзлари билан кўради.

У хотиралари қаърига шўнғиб кетди ва мен унинг хотиралари қатламларидан нимадир, Дэзига бўлган мухаббатига эриб кетган ўз образини кидираётганини сездим. Кейин унинг бутун умри турли томонларга бурилиб кетди, аммо энг бошига секин-аста, қадамба-қадам борилса, яна бутун йўл босиб ўтилса, балки йўқотганларини топа олар...

... Бир куни окшом чоғи, бундан беш йил бурун – ўшанда куз эди, дарахт барглари тўкилар эди – улар шаҳар бўйлаб иккиси сайр қилишди ва дарахтлар бўлмаган кўчадан чиқишди, тротуар ҳам ой ёруғида ойдин эди. Бир-бирларига юз буриб ўгирилишди. Окшом салқин, мавсум ўзгаришида доим ҳис қилинадиган сирли хавотирга тўла. Ёришиб кўринаётган деразалар ғира-шира қоронғуликда секин ғовур-ғувур қилганча туртиб чиқаётганга ўхшайди, осмонда юлдузлар ўртасида аллақандай тартибсиз ҳаракатлар амалга ошади. Гэтсби кўз кири билан тротуар плиталари, аслида, плита эмас, балки дарахтлар тепасидаги махфий ерга олиб борадиган зина пиллапоялари эканлигини кўрди. Шу зинадан кўтарилиши мумкин, агар ёлғиз ўзи чикса, ўша ерда ҳаётнинг кўксидан томаётган мўъжизакор сутни симиради.


Дэзининг оппоқ юзи яна ҳам яқинроқ келди, юраги эса тезроқ урди. Гэтсби бу қизни ўпса, унинг ўткинчи нафаси билан ўзининг сўзларга сиғмайдиган орзуларини қориштира, илоҳий хаёллар парвози билан абадий хайрлашишга тўғри келишини биларди (Гэтсби шундан сўнг ёкқан нарсалар ҳақида эмас, балки мақсадига етишда фойдали бўлган нарсалар ҳақида ўйлашини ўзи



билар эди – тарж.). У ғойиб бўлаётган юлдуз, камертоннинг овозига кулоқ солиб, умуман шошмасди. Йигитнинг лаби текканида киз гулдек очилди ва хаёллар рўёбга чикди...

Унинг хикоясида, ҳатто жиндек мунгли раҳмдиллигида ҳам аллақандай тутқич бермас таниш нимадир – сирғалиб кетаётган ритм, сўзлар парчаси борки, уларни қачонлардир эшитгандек бўламан.

Хаёлимга айтмоқчи бўлаётган сўзларим жамланди, бус-бутун жумлага айланиб, гўёки соқов аллақандай товушларни дона-дона айтишга уринганидек, лабим қимирлай бошлади. Аммо товушлар ўхшамади ва деярли эсимга тушганлари ҳам бутунлай унутилди.





## ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

Гэтсби шахсига умумомма қизиқиши ҳаддан ортган ўша вақтда унинг уйида бир шанба оқшомида чироклар ёнмади ва шу билан Тримальхион карьераси қандай бошланган бўлса, шундайин сирли тарзда ниҳоясига етди. Дарров англамаган бўлсам ҳам, хиёбонга кираверишга ҳайбат билан қайрилган машиналар бир дақиқа ўтиб ҳайрон бўлганча яна ортига қайтиб кетганини пайқадим. У бетоб бўлиб қолмадимикин деб ўйладим ва уникага йўл олдим. Қароқчи келбатли нотаниш хизматкор остонадаёқ менга шубҳаланиб қаради.

– Жаноб Гэтсби бетобми?

– Йўқ, – ўйлаб туриб, сўнг қўшиб қўйди: – Сэр.

– У ҳеч қаерда кўринмаяпти ва мен хавотир олдим.

Жаноб Каррауэй келди, деб етказиб қўйсангиз.

– Ким? – кўпол оҳангда қайта сўради хизматкор.

– Каррауэй.

– Каррауэй. Майли, етказиб қўяман.

Ва эшик шундоқ юзимга қарсиллаб ёпилди.

Финлик оксочдан шуни билдимки, бир ҳафта олдин жаноб Гэтсби ҳамма хизматкорлари билан ҳисоблашиб, қишлоқларга бормайдиган, савдогарлардан пора олмайдиган, озик-овқатни фақат телефон орқали кам-кам миқдорда буюртирадиган янгиларини ёллаган. Бакқоллик растасидаги бир ходимнинг гувоҳлик беришича, уй

ошхонаси чўчкахонага айланган ва қишлоқда янги хизматкорлар умуман бу вазифани бажарадиган одамлар эмас, деган мишмишлар тарқалди.

Эртаси куни Гэтсби менга кўнғироқ қилди.

– Бирор ёққа кетишга чоғландингизми? – сўрадим мен.

– Йўқ, нима эди?

– Айтишларича, сиз ҳамма хизматкорларингизга жавоб бериб юборибсиз.

– Менга ғийбат қиладиганлар керак эмас, отахон. Энди Дэзи тез-тез – кечкурунлари келяпти.

Шундай қилиб, Дэзининг норози қарашларидан бус-бутун карвонсарой худди қартадан кўтарилган уй мисоли қулади.

– Булар Вулфшимнинг танишлари, одамларини бирор ёққа жойлаштириб қўйишимни сўраган эди ва мана, мен уларни ишга олдим. Ҳаммалари бир оиладан, ака-ука, опа-сингиллар. Қачонлардир унча катта бўлмаган отелни таъминлашган.

– Тушунарли.

Маълум бўлишича, у Дэзининг топшириғи билан кўнғироқ қилибди, эртага уникада нонушта қилишга боришимни сўрабди. Бейкер хоним ҳам бўлар экан. Ярим соат ўтиб, Дэзининг ўзи кўнғироқ қилди ва менинг розилигимни эшитиб, шунчалар қувондики, мен бунинг бежиз эмаслигини ҳис қилдим. Барибир, ишоналмас эдим: нахотки улар томоша уюштирмақчи бўлишса – боз устига, агар ўша тун боғда Гэтсби чизиб берганидек саҳналаштирилса, жуда оғир томоша бўлади.

Ёндирыпти, жазирама; ёзнинг сўнгги кунларидан бири, балки энг иссиғи ҳамдир. Поездим тоннелдан кун ёруғига чиққанида, “Нэшнл бискуит компани”нинг қизғин гудоги кун ўртасидаги қизиб турган жимликни кесиб ўтди. Вагоннинг сомон ўриндиклари ҳозиргина ёниб кетишига бир баҳя қолди; қўшним узоқ вақт сабр билан оқ кўйлагида терлаб ўтирди, аммо охири кўлида намланиб кетган газетасини тушириб, хўрсинганча ўзи-





ни оркага, димликка ташлади. Сумкаси полга шалоπλαб тушди.

– Вой худойим! – қичқириб юборди аёл.

Мен зўрға эгилиб, сумкани олдим ва четидан ушлаб, ўғирлашга чоғланмаганимни билдириш учун имкон қадар ўзимдан нари тутиб, эгасига узатдим; аммо атрофдагилар, шу жумладан, сумка эгаси ҳам мени ўғрилиқда гумон қилишди.

– Иссиқ! – қайтарарди назоратчи ҳар бир таниш юзни кўрганда. – Қандай кун-а!.. Иссиқ!.. Иссиқ!.. Сиз исиб кетмаяпсизми? Сиз ҳам исиб кетяпсизми? Сиз-чи...

Менинг мавсумий чиптамда назоратчи бармоғидан хира доғ қолган. Бундай жазирамада кимнинг ловуллаб турган лабидан ўпаётганингни, пижаманг чап кўкрак қисми, юрак устидаги чўнтаги кимнинг боши тагида қолиб намланаётганини билиб бўладими?!

... Гэтсби иккимиз Бьюкененлар уйи эшигида кутаётганимизда енгил эпкин холлда жириглаган телефон товушини олиб келди.

– Хўжайиннинг мурдасини етказайми? – қичқирди хизматкор дастакка қараб. – Афсус, хоним, аммо умуман имконсиз. Бундай иссиқда унга яқинлашиб бўлмайди.

Аслида, у мана нима деган:

– Ҳа... ҳа... Ҳозир биламан.

У дастакни қўйди ва бизни қарши олишга ошиқди, бош кийимимизни олди, унинг юзи енгил ялтиради.

– Бьюкенен хоним сизни меҳмонхонада кутяпти, – деди у йўлни кўрсатиб, бундай ҳаракат умуман талаб қилинмасада. Иссиқ кунда ортикча ҳаракат умумий ҳаётий кучни қирқиш билан баробар, ахир.

Меҳмонхона дераза устидан тортилган чодирлар боис ярим қоронғи ва салқин эди. Дэзи ва Жордан, мисоли икки сийм санам, ғувиллаган вентилятор шамоли этакларини учирмаслиги учун оқ кўйлақларини ушлаганча катта диванда ётишарди.

– Ҳатто қимирлаш иложсиз! – хитоб қилди иккиси бараварига.

Жорданнинг қуёшда тобланган териси устидан оқ упа суртилган қўллари бир лаҳза менинг қўлимда туриб қолди.

– Жаноб Томас Бьюкенен, донгдор спортчи қани? – сўрадим мен.

Шу пайт холлдаги телефон олдида турган Томнинг хириллаган бўғиқ овози эшитилди. Мехмонхона ўртасига тўшалган тўқ алвон гиламда эс-хушидан айрилган кимсадек туриб қолган Гэтсби атрофга аланглади. Дэзи унга қаради ва хонани тўлқинсимон янграйдиган ёқимли кулгиси тутди; кўксидан упа зарралари булути учиб тушди.

– Том ҳозир жазмани билан гаплашяпти деган мишиш бор, – Жордан қулоғимга шивирлади.

Ҳаммамиз жим қолдик. Холлдаги овоз баландлашди, овоз эгасининг қизишгани шундоқ билинди.

– Ҳа, мана нима, ундай бўлса, мен бу машинани сизга умуман сотмайман... Сизнинг олдингида ҳеч қандай мажбуриятим йўқ... Бу умуман беадаблик – одамлар дастурхон атрофида ўтирган маҳал, соат бирда қўнғироқ қилиш...

– Дастакни қўли билан тўсиб қўйди, – деди Дэзи истеҳзоли жилмайиб.

– Бекор бундай ўйлаяпсан, – эътироз билдирдим мен. – У ҳақиқатан машинани сотмоқчи. Мен бу келишув ҳақида тасодифан билиб қолганман.

Эшик очилди, Том бутун гавдаси билан киришни тўсиб қўйди, бир ондан сўнг шиддат билан хонага қадам босиб кириб келди.

– Жаноб Гэтсби! – у кенг ва силлик қўлини яхшигина яширин совуқконлик билан чўзди. – Сизни кўрганимдан хурсандман, сэр... Ник...

– Бизга ичиш учун бирон муздек ичимлик тайёрласанг, – овозини баланд қўйиб илтимос қилди Дэзи.



У хонадан чиқиши билан Дэзи ўрнидан турди ва Гэтсбига яқинлашди, уни ўзига тортиб, лабидан ўпди.

– Сени севаман, буни биласан-ку, – шивирлади у.

– Бу ерда кимдир борлигини эсингдан чиқардинг, шекилли, – деди Жордан.

Дэзи ишонмай ён-верига қаради.

– Сен эса Никни ўп.

– Уятсиз!

– Майли, қўявер! – кичқирди Дэзи ва камин олдидаги ғиштли зинапояга чиқиб, пошнаси билан тақиллатди. Аммо иссиқ эсига тушиб, айбдорона дивандаги ўз жойига келиб ўтирди. Ўтиришга улгурмаган ҳам эдики, меҳмонхонага оҳорли кийим кийган энага кичкина қизчани етаклаб кириб қолди.

– Менинг қувончим, – эркалади Дэзи кучоғини кенг очиб. – Тезроқ ойингга келақол, ойижонинг сени шундай яхши кўрадики!

Қизалоқ энагаси қўлини қўйиб юборганини сезиб, бутун хонани айланганча югурди ва уялиб онасининг қўйлаги бурмаларига беркинди.

– Менинг бойлигим! Ойижонинг упаси билан сенинг олтин сочларингни ифлос қилиб қўймадими? Қани, тўғри туриб ол, меҳмонлар билан саломлаш.

Биз Гэтсби билан навбатма-навбат эгилдик ва истар-истамас чўзилган митти қўлчани сиқиб қўйдик. Қизалоқ хонада бўлган вақт Гэтсби ундан ҳайрат тўла кўзларини узмади. Балки у қизалоқнинг борлигига энди ишонгандир.

– Мен ҳали тушлик қилганим йўқ, лекин кўчалик чиройли қўйлақчадаман, – деди қизалоқ ва дарров онасига ўгирилди.

– Чунки ойинг сени меҳмонларга бор гўзаллигингча кўрсатишни хоҳлади. – У юзини қизчанинг қўйлаги бурмасига босди. – Ахир, сен менинг мўъжизамсан! Миттигина ҳақиқий мўъжизам!

– Ҳа, – хотиржам жавоб берди қизалоқ. – Жордан холамнинг ҳам қўйлаги оқ экан.

– Ойингнинг дўстлари сенга ёқяптими? – Дэзи кизнинг юзини Гэтсбига қаратди. – Қара, улар чиройлими?

– Дадам қани?

– У отасига умуман ўхшамайди, – деди Дэзи. – У худди менинг ўзим. Менинг сочларим, юз шаклим.

У дивандаги болишга ўзини ташлади. Энага келиб кўлини чўзди.

– Кетдик, Пэмми.

– Хайр, қувончим менинг.

Том, унинг ортидан музи жаранглаб турган тўртта бакал меҳмонхонага кирган маҳал зўрма-зўраки тарбияланаётган бола афсус билан ортига қаради, сўнг узатилган кўлни ушлаб, ўша ондаёқ олиб кетилди.

Гэтсби бокални олди.

– Тетиклаштирадиганга ўхшайди, – нимадир дейиш кераклиги учун гапирди у ўзини зўрлаб.

Биз ичимликни узоқ симириб ютдик.

– Қуёш ҳар йили қаттиқроқ киздира бошлаганини қаердадир ўқиган эдим, – деди Том қувноқ оҳангда. – Ер Қуёшга бориб тушар эканми, ёки ундай эмасми, тўхтанг-чи – тескариси! – Қуёш йил сайин совиб боради.

– Келинлар, ташқарига чиқамиз, – бир дақиқа ўтгач, у Гэтсбига таклиф қилди. – Сизга боғни ва бор мулкимни кўрсатаман.

Улар билан бирга мен ҳам айвонга чиқдим. Бўғознинг яшилсимон суви иссиқда турганга ўхшаб кўринди; ёлғиз бир кичкина елкан очиқ денгизнинг салқин ерига сузиб боради. Гэтсби улар ортидан бир лаҳза тикилиб қолди, сўнг кўлини силтаб, бошқа томондаги кўрфазга ишора қилди:

– Менинг уйим анави ерда, рўпарада.

– Ҳа, тўғри.

Биз атиргул буталари, қизиган газон ва қирғоқдаги иссиқда қовжираб кетган ўт-ўланлар оша узоққа қарадик. Елканнинг оқ қаноти кўк салқин чизиқ билан ажратилган осмонга қараб секин сузади. Уммоннинг



қаердадир совуқ кирғокларидан нарида кўплаб унумдор ороллар бор.

– Мана бу спорт, – бошини силкиб деди Том. – Мен бугун бир-икки соат шу нарсада сузишдан бош тортмас эдим.

Күёшдан тўсилган емакхонада муздек пиво ичиб, сохта вақтичоқлик қилиб овқатландик.

– Кечкурун қаерга борамиз? – хурсанд хитоб қилди Дэзи. – Эртага, индинга-чи, якин ўттиз йилда?

– Илтимос, дилгир бўлмагин, – деди Жордан. – Биринчи куз салқини бошланиши билан ҳаёт қайтадан бошланади.

– Лекин ҳозир шундай иссиқки, – Дэзи сўзида туриб олди, жилла қолса кўзидан ёш чиқай деди. – Ҳаммаси туман ичида қолгандек. Келинглар, шаҳарга борамиз!

Унинг овози иссиқ билан курашар, жазираманинг тутуриқсиз ҳаракатини жиловлашга урингандек, қаршилик қилар эди.

– Шундай воқеалар бўладики, отхонада гараж қуришади, – Гэтсбига мурожаат қилди Том. – Лекин мен биринчи бўлиб гаражда отхона қурдим.

– Ким шаҳарга боришни хоҳлайди? – бўш келмади Дэзи. Гэтсби нигоҳи билан унга чўзилди. – Оҳ! – хитоб қилди у. – Сизлар муздеккина юрганга ўхшайсизлар, шекилли.

Уларнинг нигоҳи учрашди ва бир-бирларини кўйиб юбормаган кўйи тикилиб қолишди. Бутун оламда фақат иккиси бордек. Сўнг Дэзи ўзини зўрлаб кўзини олиб қочди.

– Сиз доим муздек юрасиз, – деди у.

У ўз севгиси ҳақида гапирди, Том бирдан тушуниб қолди. У серрайди, хайратдан қотди. Оғзи ярим очик, Гэтсбига, сўнг худди узоқ танишини энди билаётгандек, Дэзига қаради.

– Сиз реклама суратларидаги жентльменга ўхшайсиз, – давом этди Дэзи самимий оҳангда. – Биласизми, шундай реклама суратлари бўладики...

– Майли, – унинг сўзини бўлди Том. – Шаҳарга бўлса шаҳаргада, эътироз билдирмайман. Ҳаммангиз тай-ёргарлик кўринглар – шаҳарга борамиз.

У бир рафикасига, бир Гэтсбига таҳдидли қараб ўрнидан турди. Бошқа ҳеч ким қўзғалмади.

– Сизларга нима бўлди? – ўзини базўр босди. – Нима гап? Борамиз дедикми, демак, борамиз.

Титраётган қўли билан стакан тагида қолган пивосини бир ҳўплашда ютди. Дээининг овози ҳаммани столдан турғизди ва қуёшда қизиб ётган хиёбонга етаклади.

– Нега бунча тез? – эътироз билдирди у. – Нега бунча шошилинч? Нега хотиржам сигарет чекиб олиш мумкин эмас?

– Овқатланишдан олдин ҳаммамиз чекдик.

– Одамларнинг кайфиятини бузма, – илтимос қилди у. – Бундай иссиқда шошилиш бемаънилик.

У жавоб бермади.

– Ўзинг биласан, – деди у. – Кетдик, Жордан.

Хонимлар ўзларини тартибга келтириш учун юқорига кўтарилишди. Биз эса учовимиз оғирлигимизни бир оёқдан иккинчи оёққа, иккинчисидан биринчи оёққа ташлаб иссиқ шағалда туриб қолдик. Нимадир демокчи бўлган Гэтсбини бирдан йўтал тутди, кейин фикридан қайтди, шекилли. Аммо Том ўгирилиб, унинг юзига қараб гапиришини кутди.

– Сизнинг отхонангиз яқинми? – сўради Гэтсби ўзини эркин тутишга ҳаракат қилиб.

– Бу ердан чора миль узоқликдаги шосседа.

– Ҳа-а!

Жимлик.

– Шаҳарга бориш аҳмоқона фикр, – ёрилди Том. – Фақат аёлларнинг миясига келиши мумкин бундай фикр...

– Ичишга ўзимиз билан бирон нима оламизми? – қичқирди Дээи юқоридан, ойнадан.



– Мен виски оламан, – жавоб берди Том ва хонага кириб кетди.

Гэтсби чимирилган кўйи менга ўтирилди:

– Бу уйда гаплашолмайман, отахон.

– Дзининг овози самимий эмас, – кистирдим мен. – Овозида янграётган нарса... – Мен тутилдим. – Овозида пуллар жаранглаяпти, – дедим кутилмаганда. Албатта, шундай. Қандай қилиб бунинг эртароқ англамадим экан. Унинг овозида пуллар жарангларди – мана нима унинг овозининг адоқсиз товлантирган: металл жаранги, кимвал<sup>36</sup>нинг жарангдор мусиқаси... Баланд, оқ мрамор қасрдаги қиролича, олтин қиз...

Том уйдан чиқди, йўлакай катта бутилкани сочиққа ўради. Унинг ортидан Дэзи ва Жордан кичкина парча қалпоқчаларда, қўлларида енгил ёпинчиқ билан чиқишди.

– Биз сенинг машинангга кетишимиз мумкин, – таклиф қилди Гэтсби. У ўриндикнинг қизиган чармини ушлаб кўрди. – Уни сояга олиб қўйишим керак эди.

– Тезликни ўзгартириш механизмнинг оддийми? – сўради Том.

– Ҳа.

– Ундай бўлса, менинг “форд” чамни ола қолинг, мен эса сизнинг машинангизни ҳайдайман.

Гэтсбига бу таклиф ёкмади.

– Бензини етмайди деб кўрқаман.

– Етади, қанча кетарди, – беадаблик билан хитоб қилди Том. У бензомерга қаради. – Ҳа, етмас экан, йўлда дорихонага киришимиз мумкин. Ҳозир дорихоналарда топилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ.

Бу гапнинг тагида енгил огоҳлантириш тарзида бир муддатлик сукут турди. Дэзи қошларини кўтариб Томга қаради, Гэтсбининг юзига бўлса уни бир зум ноодатий

---

<sup>36</sup> Кимвал – чанг (бир-бирига уриб чалинадиган тўгарак ёғоч ёки мис асбоб).

ва ғалати таниш ифодага киритган тутқич бермас соя югурди.

– Ўтир, Дэзи, – деди Том, рафиқасини Гэтсбининг машинаси томон туртиб. – Сени мана шу цирк фурго-нида айлантираман.

У эшикни очди, лекин Дэзи унинг қўл остидан сир-паниб чиқди.

– Сен Ник ва Жорданни миндир. Биз эса “форд”ча-нинг ортидан борамиз.

У Гэтсбининг ёнига келди ва қўлини унинг тирсагига кўйди. Жордан, Том ва мен Гэтсби машинасининг олд ўриндиғига ўтирдик, Том битта ричагни, кейин бошқа-сини ишга ишга туширди ва биз иссиқ ҳавони кесганча, уларни ортда қолдириб елдек учиб кетдик.

– Кўрдингизми? – сўради Том.

– Нимани?

У менга диққат билан қаради, Жордан иккимиз ал-лақачон билишимиз хаёлига келган, шекилли.

– Мени тентак деб ҳисобляпсизлар чоғимда, – деди Том. – Майли, шундай бўла қолсин, баъзан шундай бў-либ туради – аммо иккинчи кўзимми, у менга қандай йўл тутиш кераклигини айтяпти. Балки сиз бундай нар-саларга ишонмассиз, аммо илм-фан...

У тутилди. Ҳақиқий воқелик тўғридан-тўғри ўзи ҳақида эслатиб, Томнинг мавҳум ўй-хаёллари қаърида чўкиб кетишига йўл кўймасди.

– Мен бу нусха ҳақида баъзи маълумотларни тўпла-дим, – яна тилга кирди у. – Яна ҳам чуқурроқ кавлаш мумкин эди, агар билсам эди...

– Фолбинга бормадингми мабодо? – айёрлик билан сўради Жордан.

– Нима? – кўзлари катта-катта очилиб кетди. – Фол-бинга?

– Ҳа, Гэтсбини билиш учун фолбинга бормадингми?

– Гэтсбини билиш учун? Нега энди? Ахир мен айтдим-ку, унинг ўтмиши ҳақида маълумотлар тўпладим деб.





– Унинг Оксфордда ўқигани маълум бўлди, – деди Жордан кўмакка келгандек.

– Оксфордда! Ҳеч ҳам-да! – елкаларини силкитди Том. – Пушти костюмда юрадиган одам!..

– Шундай бўлса ҳам...

– Нью-Мексика штатидаги Оксфордда, – пўнғиллади Том. – Яна қаердадир.

– Кулоқ сол, Том, агар ўзингни шунчалар дид-фаросатли, билимдон ҳисоблар экансан, нега унда Гэтсбини меҳмонга чақирдинг? – хафа бўлиб сўради Жордан.

– Уни Дэзи чақирди, тумушга чиққунига қадар у билан таниш бўлган экан, худога аён, у қаерда нима иш қилган!

Шамол олиб келаётган пиво буғи сабаб тишларимизни ғижирлатиб ғазабимизни сочишга тайёр бўлиб турибмиз, аммо жиммиз, бир қанча вақт индамай кетдик. Мана, олдинда доктор Т.Ж. Эклбергнинг нурсиз кўзлари кўринди ва мен Гэтсбининг бензин камлиги ҳақидаги гапини эсладим.

– Ҳеч қиси йўқ, шаҳаргача етиб оламиз, – деди Том.

– Нега энди, ёнимизда гараж бор-ку, – эътироз қилди Жордан. – Бундай жазирамада йўлда тўхтаб қолиш ҳеч ҳам хурсанд қиладиган ҳолат эмас.

Том алам билан машинани тўхтатди, биз чанг майдончада Жордан Уилсон вивескаси олдида кескин тўхтадик. Бир дақиқача ўтар-ўтмас гараж эгаси ўз биноси эшигида кўринди ва ҳеч қандай маъно англашилмаётган нигоҳини машинамизга қадади.

– Жонлироқ ҳаракат қилиш мумкинми? – қўпол оҳангда кичкирди Том. – Биз манзарадан роҳатлангани эмас, ёнилғи куйдириш учун келдик.

– Мен бетобман, – деди Уилсон, жойидан кўзғолмай. – Бугун эрталабдан буён мазам йўқ.

– Сизга нима бўлди?

– Эрталабдан буён бутун танамда ҳолсизликни ҳис қиляпман.

– Нима қилай, шлангни ўзим ушлайми? – сўради Том. – Телефонда овозингиз касал одамникига ўхшамаган эди.

Уилсон остонадан ўтди – афтидан, сояси ва суяниб турган устунидан айрилгиси йўқ – оғир-оғир нафас олганча машина бензобаки қопқоғини бурай бошлади. Куёшда юзи буткул кўкариб кетгани кўринди.

– Сизнинг овқатланишингизга халақит қиламан деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим, – деди у. – Менга ҳозир пул жуда зарур, шунинг учун менга сотмоқчи бўлган машинангиз ҳақидаги қарорингизни билмоқчи эдим.

– Менинг янги машинам сизга ёқдими? – сўради Том. – Ўтган ҳафта сотиб олдим.

– Манави сариқ машинами? Яхши, – деди Уилсон, туткичга суянаркан.

– Сизга сотишимни хоҳлайсизми?

– Ҳаммангиз ҳазил қилишни яхши кўрасизлар, – Уилсон масхаралагандек кулди. – Яхшиси, менга эскисини сотинг, ўшандан пул ишлаб оламан.

– Нега сизга шошилинич пул керак бўлиб қолди?

– Кўчиб кетмоқчиман. Бу ерларда жуда узоқ қолиб кетдим. Рафиқам билан Ғарбга кўчиб ўтмоқчимиз.

– Сизнинг рафиқангиз кўчмоқчи? – таажжуб аралаш хитоб қилди Том.

– Ўн йилдан буён фақат шу ҳақда гапирди. – У кафти билан кўзини куёшдан тўсганча бир лаҳза устунчага суянди. – Энди эса хоҳлайдими, хоҳламайдими, барибир кўчади. Уни бу ерлардан олиб кетаман.

Чанг булути ёнидан “форд”ча тез ўтиб кетди, кимнингдир кўли силкинди.

– Қанча бўлди? – узиб-узиб сўради Том.

– Қулоғимга кўнгилсиз гаплар чалинди, – давом этди Уилсон. – Шунинг учун кетишга қарор қилдим. Шу сабаб машина деб сизни безовта қилдим.

– Қанча бўлди?

– Йигирма доллар.



Бир сония ҳам тўхтамаётган иссиқ ҳаво оқимидан бошим айланди, Уилсоннинг гумонлари Том билан заррача боғлиқ эмаслигини англагунимча бир неча ёқимсиз сониялар ўтди. Шунчаки у Миртлнинг бошқа, Уилсонга бегона ва узок бўлган оламда алоҳида ҳаёти борлигини билиб қолган ва бундан унинг жисми безовта бўлиб, тоби қочаётган эди. Мен унга, кейин Томга қарадим – ахир, Том ҳам худди шундай кашфиёт қилганига бир соат ўтмади – шу лаҳзада миямга одамлар ўртасидаги ҳеч қандай ирқий ёки маънавий фарқларни соғлом ва касал одам ўртасида фарқлар билан таққослаб бўлмайди, деган фикр келди. Уилсон касал эди, унинг юзида, худди ҳозиргина ҳимоясиз бокира бир қизнинг шаънини булғагандек, тўғрилаб бўлмас айбдорлик ифодаси бор эди.

– Яхши, машинани сизга сотаман, – деди Том. – Эртага кундуз кунни у сизники бўлади.

Бу худуд мен учун доим, ҳатто қуёш чараклаб турганда ҳам, аллақандай ғайришуурий тарзда даҳшатли бўлган. Мана ҳозир ҳам ортимда қандайдир хавф турганини ҳис қилиб, беихтиёр алангладим. Доктор Т.Ж. Эклбергнинг катта-катта кўзлари сергаклик ила тошқоллар уюми устидан боқиб, ўз вахтасини кузатяпти. Аммо мен бизни бошқа кўзлар кузатаётганини, боз устига, жуда ҳам яқиндан кузатаётганини тезда пайқаб қолдим.

Гараж деразаларидан бирининг пардаси четга бироз сурилгандек бўлди ва у ердан Миртл Уилсон машинамизга қараб турар эди. Унинг бутун вужуди кўзга айланганидан уни ҳам кузатаётганларини сезмади; ҳиссиётларининг турфа бўёқлари секин-аста аёлнинг юзига қалқиб чиқа бошлади. Илгари ҳам аёллар юзида бу каби ифодаларни пайқаганман, аммо бу сафар ҳозирги юздаги ифода, Миртл хоним рашкка тўла катта-катта очилган кўзлари билан Томга эмас, унинг рафиқаси деб ўйлаётгани Жордан Бейкерга тикилаётганини англамагунимча, менга буткул тушунарсиз эди.

Хароб қилгувчи ҳар қадай саросима теран бўлмаган қалб саросимасиданда ҳалокатлироқдир. Том гўёки ваҳиманинг қамчиси билан савалангандек, машинани учириб кетди. Бундан бир соатгина олдин рафикаси ва жазмани аниқ унга тегишли эди, энди эса иккиси ҳам қўлидан тезгина чиқиб кетди. Ва у инстинктив равишда иккита мақсад: Дэзини тутиб олиш ва Уилсондан кетиш учун акселератор<sup>37</sup>ни борган сари кучлироқ босаверди. Олдинда, ер устидаги фермалар орасида кўк “форд”чанинг шошмасдан судралиб ҳаракатланаётганини кўргунимизча ўзимиз соатига 50 миля тезликда Асториядан елиб бордик.

– Эллигинчи кўча районида катта кино бор, у ер анча салқин, – деди Жордан. – Нью-Йоркнинг ёзини, куннинг иккинчи ярмида ҳаммаёк бўм-бўш бўлган пайтини яхши кўраман. Бунда қандайдир ҳис этиладиган, худди кўлингни чўзсанг, кафтингга пишиб етилган, ғаройиб мевалар тушадигандек ажабтовурлик бор.

“Ҳис этиладиган” сўзи Томнинг ичида ғалаён кўтарди, аммо эътироз билдиришдан олдин, “форд”чани тўхтатди, Дэзи бизни чақиритиш учун қўлини силқитди.

– Энди қаёққа борамиз? – сўради у.

– Балки кинога борармиз?

– Шундай жазирамада-я, – шикоят қилиб чўзилди у. – Хоҳласангиз, ўзингиз бораверинг, биз эса машинада бироз айланиб, сеанс тугайдиган пайтда олдингизга борамиз. – У енгил ҳазиллашишга уринди: – Чорраҳада учрашув белгилаймиз. Мен оғзимда иккита сигара билан турган эркак бўламан.

– Бу ер баҳслашадиган жой эмас, – деди жаҳли чиқиб Том, биз йўлини тўсиб қўйган юк машинасининг аччиқ-аччиқ чалинган ҳайқириғини эшитиб. – Менинг

---

<sup>37</sup> Акселератор – двигатель цилиндрларига келадиган ёнилғи макдорини ростлаб турувчи қурилма ва унинг тепкиси.



ортимдан Марказий хиёбоннинг жанубий кириш йўлига, унинг рўпарасидаги “Плаза” отелига боринглар.

Йўлда у ортидан келишяптими-йўқми деб, нуқул орқасига қарайверди. Агар машиналар оқимида кўздан ғойиб бўлишса, тезликни камайтирар ва “форд”ча яна кўзга кўринишини кутиб турарди. Афтидан, уларнинг ён кўчага бурилиб, бутунлай яширинишларидан – ўз хаётидан ўчиб кетишларидан қўрқар эди.

Лекин ундай бўлмади. Биз ҳаммамиз тушуниш қийин бўлган қарорни қабул қилган эдик: “Плаза” отелида бир кечага люкс меҳмонхона номерини банд қилдик.

Худди силлиқ илон каби ич кийимим оёғимга ўралиб қолганидан, орқамдан муздек тери томчилари думалаётганидан ўзимни ноқулай ҳис қилганимни жуда яхши эсласамда, узоқ давом этган қизғин баҳс ва бу баҳс натижасида меҳмонхонага тикилганимиз ҳақидаги батафсил тафсилотлар хотирамдан ўчиб кетди. Ҳаммаси Дээининг отелда бешта ваннани банд қилиш ва тетиклаштирувчи душ қабул қилиш таклифидан бошланди; сўнг суҳбат муз солинган ялпизли коктейл ичиш мумкин бўлган жой ҳақида кетди. Бу орада деярли йигирма марта “Аҳмоқона фикр!” деган жумла айтилди – аммо охири, ҳаммамиз бирварақайига, бир-биримизнинг сўзимизни бўлган ҳолда гангиб қолган портъе билан келишиб олдик. Ҳар ҳолда бизга шундай туюлди ёки биз ўзимизни атай ҳаммаси ниҳоятда ажойиб бўлаётгандек тутдик.

Хона катта ва кечки соат беш бўлиб қолган бўлсада дим эди, деразалар очилганида фақат хиёбоннинг жизганак бўлган қуруқ ўт-ўланлари кўринди. Дээи кўзгу ёнига келди ва бизга орқа ўгириб турмагини тўғрилади.

– Ҳашаматли кошона экан, – назокат билан шивирлади Жордан. Ҳамма хахолаб юборди.

– Қолган деразаларни ҳам очинг, – бизга қарамай буйруқ берди Дээи.

– Хонада бошқа дераза йўқ.

– Унда кўнғироқ қилиб, болта олиб келишларини сўраш керак...

– Энг аввало, иссиқ ҳақидаги гапларинг етарлича бўлди, – деди жаҳли чиқиб Том. – Нукул иссиқ, иссиқ деб нолияпсан, бундан аҳволимиз юз баробар ёмон бўляпти.

У сочикни очиб, стол устига виски бутилкасини қўйди.

– Нега ундан айб қидиряпсиз, отахон? – деди Гэтсби. – Ахир, шаҳарга боришни ўзингиз хоҳладингиз.

Жимлик. Бирдан қалин телефон маълумотномаси миҳдан узилиб тушди ва полга шалоплаб тушди. Жордан шивирлаб: “Кечирасиз, илтимос”, деди, аммо бу сарфар ҳеч ким кулмади.

– Мен ҳозир оламан, – дедим.

– Керак эмас, ўзим, – Гэтсби узилган ипга узоқ қараб турди, кейин кинояли қош чимирди ва маълумотномани стулга қўйди.

– Шу сўзни айтмасангиз бўлмайдимиз? – кескин сўради Том.

– Қайси сўзни?

– “Отахон” деган сўзни. Буни қаердан топа қолдингиз?

– Қулоқ сол, Том, – деди Дэзи кўзгу олдидан нари ўтар экан. – Одамларга бемаъни гапларни айтар экансан, мен бу ерда бир дақиқа ҳам қолмайман. Яхшиси, кўнғироқ қил, бизга коктейл учун муз олиб келишин.

Том телефон дастагини кўтарди, аммо шу заҳоти деворлар ичида сиқилиб қолган олов портлагандек, товушлар оқими кириб келди – пастдаги бал залидан Мендельсоновский тўй маршининг тантанали аккорд<sup>38</sup>лари эшитилди.

---

<sup>38</sup> Аккорд – турли баландликдаги бир неча товушнинг ҳамоҳанг бирлиги.



– Шундай иссиқда турмушга чиқишни ўйланг! – фожей оҳангда хитоб қилди Жордан.

– Нима бўпти, мен ҳам июннинг ўртасида турмушга чиққанман, – эслади Дэзи. – Луисвилл июни! Кимдир хушидан кетган эди. Ўша ким эди, Том?

– Билокси, – қиска жавоб берди Том.

– Ҳа, ҳа. Уни Билоски дейишган эди. Блоке Билокси, у бокс билан шуғулланган. Рост сўзим, у Теннеси штатидан, Билоксидан эди.

– Ўшанда уни бизнинг уйимизга олиб келишган, – илиб кетди Жордан, – чунки черковдан икки кадам нарида яшар эдик. У бизникида нақ уч ҳафта турди, охири дадам уни чиқариб юборишига тўғри келди. Шунинг эртасига дадам вафот этди. – Бироз сукут сақлаб: – Бу икки воқеа бир-бирига боғлиқ эмас, – деди.

– Мен бир Билокси – Билл Билоксини биламан, фақат у Мемфисдан, – сўз кистирдим мен.

– Бу унинг бўласи. Уч ҳафта давомида унинг оилавий тарихини ўрганишга улгурдим. У менга гольф ўйналадиган алюмин клюшка совға қилган, ҳалигача ундан фойдаланаман.

Пастда мусиқа тинди – никоҳ маросими бошланди. Сўнг деразадан шодон табриклар, ҳайқириклар оқими келди: “Ур-а-а!” ва ниҳоят, тўй балининг очилганини маълум қилгандек, жаз янгради.

– Биз эса қарияпмиз, – деди Дэзи. – Ёш бўлганимизда хозироқ рақсга тушиш учун борардик.

– Билоксини эсла, – насихатомуз гапирди Жордан. – У билан қаерда танишгансан, Том.

– Билокси биланми? – У диққатини жамлаб, пешонасини тириштирди. – Мен у билан умуман таниш бўлмаганман. У Дэзининг дўсти.

– Ҳеч ҳам менинг дўстим эмас, – эътироз билдирди Дэзи. – Мен уни тўйимгача бир марта ҳам кўрмаганман. У сизлар билан бирга Чикагодан келган.

– Тўғри, лекин ўзини Дээзининг дўстиман, деб та-ништирган. Луисвиллда катта бўлганини айтган. Эса Берд поезд юрай-юрай деган вақтда олиб келиб, унинг учун жой топишимизни сўраган.

Жордан мийиғида кулди.

– Йигит шунчаки бировларнинг ҳисобига ўзи туғи-либ ўсган ерларга келмоқчи бўлган экан. У менга Йель курсида президент бўлганини айтиб берган эди.

Том иккимиз бир-биримизга ҳайрон бўлиб қарадик.

– Билоксими?

– Биринчидан, бизда ҳеч қандай курс президентлари бўлмаган.

Гэтсби туфлиси учи билан полга тез ва бетиним уриб тақиллатди. Том бирдан унга ўгирилди.

– Айтганча, жаноб Гэтсби, сиз Оксфорд университе-ти тарбияланувчиси бўлган эдингиз-а?

– Унчалик эмас.

– Лекин сиз у ерда таълим олган эдингиз-ку?

– Ҳа, таълим олганман.

Жимлик. Сўнг Томнинг таҳқирона, ишончсизликка тўла овози ошқора янгради.

– Қизик, бу айнан ўша пайтда, Билокси Йелда ўқиган вақтида бўлган.

Яна жимлик. Эшикни тақиллатиб официант кирди, столга майдаланган ялпиз ва муз солинган патнис-ни қўйди, миннатдорлик билдириб, ортидан эшикни оҳиста ёпганча чиқиб кетди, бироқ шунда ҳам бу то-вушлар жимликни зиғирча ҳам бузмади. Мен кутдим: ҳозир Гэтсби биографиясидаги жуда муҳим тафсилот-лардан бири аниқланади.

– Мен сизларга айтдим-ку: ўша ерда ўқиганман.

– Эшитдик, лекин айнан қачон ўқиганингизни бил-моқчи эдим.

– Ўн тўққизинчи йилда. Мен у ерда атиги беш ой бўл-ганман. Шунинг учун ўзимни Оксфорднинг ҳақиқий тарбияланувчиси деб айта олмайман.





Том бизнинг ҳам ишонмаётганимизга амин бўлиш учун бизга қаради, аммо ҳаммамиз Гэтсбига қараб турар эдик.

– Сулҳ тузилгандан сўнг баъзи офицерлар шундай имтиёзга эга бўлдилар, – давом этди Гэтсби. – Бизга Англия ёки Франциянинг исталган универститетида маъруза тинглаш имтиёзи берилди.

Мен ўрнимдан сакраб туриб, унинг орқасига дўстона уриб қўйгим келди. Мен яна Гэтсби ҳақида шубҳаланиб, иккиланган ишончим қобиғига кирдим, бунақаси аввал ҳам бир неча марта бўлган.

Лабларининг чети билан кулган Дэзи турди ва стол олдига келди.

– Бутилкани оч, Том, – буюрди у, – сенга ялпизли коктейл тайёрлаб бераман. Шунда ўзингни аҳмоқ ҳис қилмайсан... Мана, мен ялпизни олдим.

– Тўхта, – жеркиди Том. – Жаноб Гэтсбига яна бир саволим бор.

– Марҳамат, – деди Гэтсби хушмуомалалик билан.

– Қайси ҳақ-ҳукукинғизга кўра менинг оиламда жанжал кўтаришга уриняпсиз?

Суҳбат очикчасига борар эди – Гэтсби хотиржам бўлса ҳам бўлади.

– У жанжал кўтараётгани йўқ, – Дэзининг кўркув тўла нигоҳи ҳар иккисининг ўртасида югурди. – Жанжални сен бошляпсан. Ўзингни кўлга олишни ўрган.

– Ўзимни кўлга олишни ўрганай? – ҳайқирди Том. – Нима, номаълум жаноб, аллақердан келган номаълум кимса сенинг хотининг билан ўйнашиб юриши янги урфми? Агар шундай бўлса, демак, мен бу урф учун қарибман... Ҳаммаси яхши томонга ўзгарибди! Бугун оилага ва оила ўчоғига тупурсин, эртага эса ҳамма ўмбалок ошиб учса майли, яшасин оқ ва коралар ўртасидаги никоҳлар!

Узундан-узоқ кинояли гапларидан қизишган Том цивилизациянинг охириги палласида аллақачон ўзини ёлғиз жангчидек ҳис қиларди.


– Менимча, бу ерда ҳамма оқ танлилар, – ярим овозда кистирди Жордан.

– Албатта, мен у қадар танилган шахс эмасман. Мен бутун округга баллар уюштирмайман. Кўриниб турибдики, бизнинг давримизда дўстлар орттириш учун ўз уйингни молхонага айлантиришинг керак.

Мен қанчалар ғазабланмай – биз ҳаммамиз дарғазаб эдик – Томнинг ҳар бир ҳужумида беихтиёр кулгим қистади. Ахлоқсиз одамдан насиҳатгўйга айланиши жуда ҳайратланарли эди.

– Гапларимга кулоқ солинг, отахон... – Гэтсби гап бошлади. Аммо Дэзи унинг нима демоқчилигини сизди.

– Йўқ, йўқ, керак эмас, – кўрқиб уни бўлди. – Биласизларми нима, келинглар, уйга қайтамиз. Ҳаммамиз уйимизга қайтамиз.





– Ростдан ҳам. – Мен ўрнимдан турдим. – Кетдик, Том. Ҳеч кимнинг ичкиси келмаяпти.

– Жаноб Гэтсбининг менга айтадиган қандай гапи борлигини билмоқчиман.

– Рафиқангиз сизни севмайди, – деди Гэтсби. – У сизни ҳеч қачон севмаган. У мени севади.

– Сиз ақлдан озибсиз! – пишқирди Том.

Ҳаяжондан ўзини тутолмаган Гэтсби ирғиб ўрнидан турди.

– Дэзи сизни ҳеч қачон севмаган, эшитингизми? – кичқирди у. – Мен камбағал бўлганим ва кутишдан чарчагани учунгина сизга турмушга чикди. Бу мудҳиш хато бўлган, аммо барибир, у мендан бошқа ҳеч кимни ҳеч қачон севмаган.

Жордан иккимиз кетиш учун чоғланган эдик, бироқ Том ва Гэтсби яширадиган ҳеч гап йўқлигини, уларнинг жунбишга келган эҳтиросларида қатнашиш биз учун камдан-кам учрайдиган омад эканлигини таъкидлаганча қолишимизни бири олиб, бири қўйиб қатъий талаб қилишди.

– Ўтир, Дэзи, – деди Том оталарча гапиришга уришиб. – Охир-оқибат, нималар бўляпти? Мен ҳаммасини гапириб беришингизни талаб қиламан.

– Мен нималар бўлаётганини айтдим, – жавоб берди Гэтсби. – Ва бу беш йилдан буён давом этяпти, сиз эса билмагансиз.

Том Дэзига кескин ўгирилди:

– Беш йилдан буён шу нусха билан учрашиб юрдингми?

– Йўқ, биз учрашмаганмиз, – жавоб берди Гэтсби. – Биз учрашолмасдик. Аммо бу вақт ичида бир-биримизни севганмиз, отахон, сиз эса билмагансиз. Баъзан сизнинг билмаслигингизни ўйлаганимда кулгим келади. – Бироқ унинг кўзлари кулмас эди.

– Шу, холосми? – Том руҳонийлар каби қалин бармоқлари учларини бирлаштирди ва кресло суянчигига

ўзини ташлади. Бироқ шу ерда тутакиб кетди. – Сиз савдойисиз, – қичқирди у. – Беш йил олдин, Дэзи билан танишгунимга қадар нималар бўлган, билмайман, лекин унинг кўзига қандай қилиб кўриниб қолдингиз, ҳеч тушунмаяпман, ахир сиз баққоллик растасидан харидларни уйларга етказмагандирсиз. Бу гапларнинг ҳаммаси Дэзининг ёлғонлари ва у менга севиб турмушга чиққан, ҳозир ҳам мени севади.

– Йўқ, – деди Гэтсби бошини чайқаб.

– Албатта, севади. Фақат у ҳар сафар ўзича янги нарсаларни ўйлаб топади ва алаmidан аҳмоқона ишлар қилишга тайёр бўлади. – У бошини донишмандона ирғади. – Энг муҳими, мен ҳам уни севаман. Баъзан шўхликлар қилсам ҳам, охири, барибир, Дэзининг ёнига қайтаман ва моҳиятан, фақат уни, ёлғиз уни севаман.

– Сен ярамас, жирканч одамсан, – деди Дэзи ва менга ўтирилди, овози ичидан жуда паст чикди, назаримда, вужудида титраётган нафрат бутун хонани тўлдиргандек туюлди. – Сен биласан. Ник, нима учун Чикагодан кетдик? Том ўз кўнгилхушликлари, шўхликлари ҳақида гапириб, сенинг кўнглингни овлашга ҳаракат қилмагани қизик.

Гэтсби Дэзининг олдида бориб турди.

– Буларнинг барини унут, Дэзи, – деди қатъий. – Ҳаммаси ўтмишда қолди ва энди аҳамияти йўқ. Сен фақат тўғрисида гапир – уни ҳеч қачон севаганингни айт, шунда ҳаммаси бутунлай тугайди.

Дэзи айни дамда ҳеч нарсани кўрмаётган кўзлари билан унга паришон қаради.

– Севиш – мен уни қандай севай, агар...

– Сен уни ҳеч қачон севагансан.

У чўзарди. Нима қилиб қўйганини ҳозиргина англаб қолгандек ва худди шу пайтгача умуман бирон нима қилишни ўйламагандек, бир менга, бир Жорданга аллақандай аянчли, ўкинчли кўзлари билан боқди.



Лекин қилмоқчи бўлмаган ишини қилди. Ортга қадам ташлашга энди кеч.

– Уни ҳеч қачон севмаганман, – деди Дэзи ўзини мажбур қилиб.

– Капиоланида ҳамми? – кутилмаганда сўради Том.

– Ҳа.

Пастдан, бал залидан иссиқ ҳаво тўлқинларида бўғиқ, эзгин аккордлар кўтарилди.

– Ҳатто сени туфлигинг нам бўлмаслиги учун Панч-боулдан кўлларимда кўтариб олиб келганимда ҳам севмаганмисан? – Томнинг овозида хириллаган мулойимлик пайдо бўлди. – Дэзи?

– Жим бўл! – Оҳанг совуқ чиқди, аммо аввалгидек душманона эмас. Дэзи Гэтсбига қаради. – Мана, Жей, – деди у ва сигарет чека бошлади, аммо кўллари ҳамон титрарди. Бирдан сигаретни ёндирилган гугурт билан бирга гиламга итқитди. – Оҳ, сен жуда кўп нарсаларни хоҳляяпсан! – Бўғзидан отилди унинг. – Мен сени ҳозир ҳам севаман – шунинг ўзи етмайдими? Мен ўтмишни ўзгартиролмайман. – У йиғлади. – Уни севган пайтларим ҳам бўлган, лекин сени ҳам севганман.

Гэтсби кўзларини катта очди, кейин юмди.

– Мени ҳам севгансан, – такрорлади у.

– Бу ёлғон! – ғазаб билан қичқирди Том. – У сиз ҳақингизда ўйлашни хаёлига ҳам келтирмаган. Тушунсангиз-чи, Дэзи билан ўтган ўзимизнинг ҳаётимиз бор, уни сиз ҳеч қачон билолмайсиз. Буни фақат иккимиз биламиз ва ҳеч қачон унутмаймиз – бундай нарсалар унутилмайди.

Назаримда, бу гапларнинг ҳар бири Гэтсбини тириклай сўйди.

– Дэзи билан ёлғиз гаплашиб олишимга қўйиб беринг, – деди у. – Кўряпсизми, у ўзида эмас.

– Ёлғиз қолганимизда ҳам Томни севмаганимни, буткул севмаганимни эшитолмайсан. – Аянчли овозда қичқирди Дэзи. – Чунки бу рост эмас.

– Албатта, рост эмас, – илиб кетди Том.

Дэзи эрига каради.

– Сенга эса бу барибир эмасми, – деди у.

– Албатта, барибир эмас. Кейин ҳам сенга кўпроқ ғамхўрлик қиламан.

– Сиз тушунмаяпсиз, – ташвишланди Гэтсби. – Унга ғамхўрлик қилишингизга энди ҳожат йўқ.

– Шунақами? – Том кўзларини катта очди ва кулди. У ўзини тутиб олган ва энди кулишга куч топаётган эди. – Нега энди?

– Дэзи сиздан кетади.

– Бекор гап.

– Йўқ, худди шундай, – куч тўплаб зўр-базўр тасдиқлади Дэзи.

– У ҳеч қаерга кетмайди! – Томнинг сўзлари бирдан зарбдек оғирлашди. – Кимнинг олдига кетади? Ўғирланган узукни ҳам бармоғига тақолмайдиган оддий бир қаллобнинг олдигами?

– Мен бундай гапларни эшитишни хоҳламайман! – чинкириб юборди Дэзи. – Кетамиз, худо ҳақи, бу ердан кетамиз!

– Сиз ўзи кимсиз? – даҳшат билан сўради Том. – Мейер Вулфшим тўдасидан эканингизни биламан – ишларингиз ҳақида маълумотлар тўплاديم, Лекин яна ҳам кўпроқ нарсаларни билишга ҳаракат қиламан.

– Хоҳлаганингизча ҳаракат қилинг, отахон, – деди катъий оҳангда Гэтсби.

– “Дорихона”ларингизнинг нималигини ҳам биламан. – Ў бизга ўғирилди ва тез айтишни ёддан айтаётгандек давом этди: – Вулфшим иккиси Нью-Йорк ва Чикаго кўчаларидаги юзлаб кичик дорихоналарни кўлга олиб, дорихоналарда спиртли ичимликларни сотишган. Мана унинг фирибларидан биттаси. Биринчи кўрганимдаёқ уни бутлегер деб ўйлаганман, деярли янглишмабман.



– Шундай бўлса нима? – мулойимлик билан деди Гэтсби. – Сизнинг дўстингиз Уолтер Чейз, масалан, бизнинг давраимизга киришдан жирканмади.

– Сиз эса шундан фойдаланиб, кўйини пуч ёнғоққа тўлдирдингиз. Ўзингиз озодликда юрибсиз, у эса бир ой Нью-Жерси қамокхонасида ўтиришига тўғри келди. Жин урсин! Иккинги ҳақингизда гапирган гапларини эшитганингизда эди!

– У олдимизга ўзи хоҳлаб, ёнида бир чақаси йўқ аҳволда келган. Ишларини йўлга қўйиб олишга сабри чидамаётган эди, отахон.

– Мени “отахон” дея кўрманг! – бақирди Том. Гэтсби индамади.

– Уолтер ноқонуний букмекерлик ҳақидаги мақолада сизлар ҳақингизда ҳам маълум қилиши мумкин эди, фақат Вулфшим таҳдид қилиб, оғзини ёпди.

Гэтсбининг юзида яна ноодатий ва барибир нимаси биландир таниш бир ифода пайдо бўлди.

– Умуман, дорихоналар воқеаси, бу шунчаки болалар ўйинчоғи каби, – аввалгидек шошмасдан давом этди Том. – Ҳозир сиз йирик товламачиликлар билан машғул эканингизни биламан, аммо айнан қайси, буни менга айтишга Уолтер кўрқди.

Мен атрофимдагиларга қарадим. Дэзи кўркувдан бир сиқим бўлиб, нигоҳини эри ва Гэтсби орасидаги масофада юргизар, Жордан бўлса даҳанида турган кўринмас буюмни ушлаб, мувозанатни сақлашга диққатини жамлашга киришиб кетган эди. Мен яна Гэтсбига қарадим, унинг кўринишидан ҳайратда қолдим. Унинг боғида ғийбат қилган бесуюк тиллардан тўла нафратланган ҳолда айтаманки, Гэтсбини ҳозирги ҳолатда кўриб, уни одам ўлдирган деб ўйлаш мумкин эди.

Бу роппа-роса бир дақиқа чўзилди. Сўнг Гэтсби Дэзига ҳаяжонланиб мурожаат қилди, ҳаммасини инкор этди, ҳатто ҳали айтилмаган айбловлардан ҳимояланиб,

номини оклашга тушди. Бироқ Дэзи унинг ҳар бир сўзидан узоқ ва яна ҳам узоқроқ кетиб борардики, охири Гэтсби жим бўлди; фақат вақтни чўзган ҳолда, эндиликда тутиб қолиш мумкин бўлмаган нарса – хонанинг нариги бурчагидан келаётган ўқинчли таниш овозни умидсизларча, таваккалига тутиб, парчаланган орзугина уриб турар эди.

Овоз эса ҳамон ундар эди:

– Худо ҳақи, Том, кетдик! Мен бошқа чидай олмайман!

Дэзининг кўркув тўла кўзлари унда аввалги журъат, дадилликдан асар қолмаганини шундоқ кўрсатиб турар эди.

– Сен жаноб Гэтсби билан кетавер, Дэзи, – деди Том. – Унинг машинасида кетавер.

У эрига хавотир-ла қаради, бироқ Том ниҳоятда кучли киноя билан ўз сўзида қатъий турди:

– Боравер. У сени зериктирмайди. Ўйлайманки, у даъво қилаётган кичкина севги можароси ниҳоясига етганини тушунди.

Улар бир сўз демай, иккиси ёлғиз, худди арвоҳлардек ва ҳамма нарсадан ажратиб қўйилган, ҳатто бизнинг раҳмимиздан мосуво қилингандек кетишди.

Том сочиқни олди ва яна очилмаган виски бутилкасини ўради.

– Балки бирортангиз ичарсиз? Жордан?.. Ник?

Мен индамадим. У яна бир марта мурожаат қилди:

– Ник?

– Нима дейсан?

– Балки ичарсан?

– Йўқ... Бугун туғилган куним эканлигини ҳозир эслаб қолдим. Мен ўттиз ёшга тўлдим. Олдинда янги ўн йилликнинг қоронғи ва даҳшатли йўли турибди.

Биз учаламиз кўк “форд” чага ўтирган ва ортга қайтиш учун йўлга тушганимизда соат етти бўлган эди. Том тинмай жаврар, ҳазил қилар, кулар, аммо унинг





овози, худди кўча ғала-ғовури, худди ер устида момақалдиروق гумбури каби бизнинг миямизга умуман кирмас эди. Яқин одамингга ҳамдардликнинг ҳам чеки бор ва биз бажонидил бу бегоналар жожеавий баҳсини шаҳарнинг ёнган чироқлари билан ортда қолдирдик. Ўттиз – бу яна ўн йиллик ёлғизлик дегани, бўйдоқ дўстлар камаяди, сарфланмаган куч заифлашади, бошдан соч толалари тўкилади. Аммо ёнимда Жордан бор, Дезидан фаркли ўлароқ, у аллақачонлар унутилган орзуларини ўзи билан бирга йиллардан йилларга олиб ўтмайди. Кўприкнинг қоронғи панжаралари кўзга чалинганда унинг оппоқ юзи секингина менинг елкамга эгилди ва дадиллантирувчи қўл сиқиш ҳаракати билан босиб турган ўттиз йилликнинг юкини камайтирди.

Биз ниҳоясига етаётган куннинг ғира-ширасида ўлимга рўпара бориб елдек учардик.

Терговда бир ёш грек Михаэлис, тошқол уюмлари олдидаги ресторанча эгаси асосий гувоҳ бўлди. Исикдан лоҳас бўлиб, у бешгача ухлаган, кейин сайр қилишга чиққан ва Жорж Уилсоннинг гаражига кирган. У Уилсоннинг аҳволи яхши эмаслигини, боз устига, ҳазалакам касал эмаслигини кўрган – Жорж қалтирар, юзи сочи билан бир хил ранг бўлиб сарғайиб кетган эди. Михаэлис бориб ётишни маслаҳат берган, аммо Уилсон хохламаган, мижозлари қайтиб кетишидан кўрққан. Тортишаётганларида олдида бирдан қаттиқ шовкин эшитилган, нимадир гурсиллаган.

– Бу менинг хотиним, тепада уни камаб кўйганман, – хотиржам тушунтирди Уилсон. – Индингача ўтирсин, индинга эса бу ерлардан кетамиз.

Михаэлис донг қотди; улар тўрт йил ёнма-ён яшашди ва Уилсоннинг бундай ишга кодир деб ҳеч ҳам ўйламаган эди. У шундай, оддий қилиб айтганда, ҳаёт эзиб ташлаган одам эди; гаражда ишламаган вақтида эшик

олдига стул қўйиб, ўтган-кетган йўловчиларни, машиналарни кузатишдан бошқасини билмайди. Унга гапиринчса, жавобан мулойим, маънисиз илжайиб қўяди. У ўзига ўзи хўжайин эмас, унга хотини хўжайинлик қилар эди.

Михаэлис, табиийки, нималар рўй берганини кавлаштиришга тушди, аммо Уилсондан гап ололмади – жавоб бериш ўрнига у қўшнисига ола қараш қилди, шубҳа тўла нигоҳи билан тикилиб, ўша куни, ўша соатда қаерда бўлгани ва нималар қилганини сўрай кетди.

Михаэлис ғалати аҳволга тушиб қолди ва ресторан томон йўналаётган бир талай ишчиларга ҳавас қилиб, шу баҳона яна қайтаман, дея кетишга шошилди. Лекин бошқа келмади. Балки унутгандир. Мана энди чиққанида, бу вақтда соат саккиз бўлиб қолган эди, гаражда жаноб Уилсоннинг даҳшатли, бақирган овози эшитилди. Михаэлис кундузги суҳбатларини эслади.

– Урма! – кичқирди у. – Ур, оёқларинг билан теп, ярмас, нотавон, кўрқоқ!

Эшик очилди, у бақириб қўлларини силтаганча йўлга югуриб чикди. Михаэлис энди юришга чоғланган эди, бирдан... ҳаммаси тугади...

“Ўлим автомобили” – кейинчалик газеталарда шундай деб таърифлашди – ҳатто тўхтамади; қуюклашиб бораётган қоронғилик қаъридан учиб келиб, бир онда фожей беқарорликда қимирлаб, кейин йўл муюлишида ғойиб бўлди. Михаэлис машина рангини ҳам кўришга улгурмади – шошиб келган полициячининг гапига қараганда, у оч яшил тусда бўлган. Бошқа, Нью-Йоркка кетаётган автомобиль юз ярд ўтиб кетиб, тўхтаган ва ҳайдовчи ҳаёти кўполларча тортиб олинган Миртл Уилсон ётган жойга, кора қон йўлдаги чанг билан аралашиб кетган ерга югуриб келди.

Ҳайдовчи ва Михаэлис Уилсон хонимнинг ёнига биринчи бўлиб етиб келишди. Бироқ улар тердан намланган кофтасини йиртганларида, аёлнинг чап кўк-



раги, худди ипи сўтилиб осилиб қолган чўнтакдек, ён томонида лиқиллаб турганини кўриб, юракни эшитиб кўриш учун кўксига қулоқ тутмадилар ҳам.

Уилсон хонимнинг, гўёки ўзида узоқ вақтдан буён тўпланиб қолган бутун ҳаётий қувватини бераётганида томоғида тикилиб қолгандек, оғзи катта очилган ва чети озгина ёрилган.

Биз яна узоқдан оломон ва йўлда тўхтаб туриб қолган машиналарни кўрдик.

– Ҳалокат, – деди Том. – Уилсоннинг омади чопибди. Энди унга иш топилади.

У газни пасайтирди, бироқ биз тўхтамоқчи эмас эдик; фақат яқинроқдан ўтаётганимизда, гараж олдида тинимсиз уймаланаётган тўда Томни тўхташга мажбур қилди.

– Балки нима гаплигини билиш учун қараб кўярмиз, – деди у иккиланиб.

– Фақат кўз ташлаймиз, холос.

Гараждан бўғиқ, узуқ-юлуқ хўрсиниқ эшитилди; машинадан тушиб эшикка яқинлашганимизда хўрсиниқ яна ҳам аниқ, равон чиқди ва фақат “Худойим!” “Эй, Худойим!” деган бир маромда тўхтовсиз такрорланаётган сўзларни эшитиш мумкин бўлди.

– Жиддий бирон нима бўлганга ўхшайди, – деди Том кизиқиб.

У оёқ учига турди ва бошини юқори кўтариб шифтга осилган металл сеткадаги сариқ лампочка билан ёритилган гаражга қаради. Бирдан унинг бўғзидан бўғиқ хириллаш чиқди, бакуват елкалари билан тўда орасидан йўл очиб, олдинга юрди.

Йиғилганлар аччиқланиб тўнғиллай-тўнғиллай, яна ёпиқ давра бўлиб туриб олди, шунинг учун менга ҳеч нарса кўринмади. Орқадан кизиқувчилар сиқиб келар ва охир-оқибат Жордан иккимизни ичкарига итариб олиб кириб кўйишди.

Иссиқ бўлишига қарамай Миртл худди қалтираб қолганидек, унинг иккита адёлга ўралган танаси девор ёнидаги дастгоҳ устида ётар эди; Том бизга орқа ўтирган ҳолда унинг устида қимирламай туриб қолди. Ёнида мотоциклчилар шлемини кийган полициячи, терлаб-пишганча кичкина ёндафтарчасига фамилияларни ёзар, ўчирар эди. Қаердандир келган узук-юлук ўкирик бўш гараж ичида жаранглаб эшитилди. Мен алангладим ва Уилсонни энди кўрдим – у конторкасининг баланд остонасида икки қўли билан эшик кесақисини маҳкам ушлаб олган ва у ёндан бу ёнга чайқалар эди. Бир одам унинг елкасига қўлини қўйишга уриниб, ярим овозда нималардир деб юпатмоқчи бўлар, аммо Уилсон ҳеч нимани кўрмас, ҳеч нимани эшитмас эди. У нигоҳини шифтдаги чирокдан дастгоҳга секин олиб борди, ўша заҳоти яна кўзларини чирокқа олиб қочди; ҳамма вақт даҳшатли, чинкириб айюҳаннос солгани эшитилиб турди:

– Эй, худойим! Худойим! Худойим!

Том бир пайт бошини кўтарди, атрофга диққат билан қаради ва полициячига қараб нимадир деб тўнғиллади.

– М-и... – полициячи ҳарфма-ҳарф гапириб ёзиб турарди, – к...

– Йўқ, х... – тўғрилади уни грек. – М-и-х...

– Қулоқ солсангиз-чи, ахир! – Том овозини баландлатди.

– А... – деди полициячи. – Э...

– Л...

– Л... – Шу дам Томнинг кенг кафти полициячининг елкасига босим билан тушди, полициячи унга қаради.

– Нима дейсиз?

– Бу қандай содир бўлди? Мен бу воқеа қандай содир бўлганини билмоқчиман.

– Автомобиль уриб кетибди. Ўладиган даражада урибди.

– Ўладиган даражада урибди, – такрорлади Том битта нуктага тикилиб.



– Аёл йўлга югуриб чиққан. Ярамас аблах эса тўхтамаган ҳам.

– Иккита машина келаётган эди, – деди Михаэлис. – Бири у ёқдан келаётган, иккинчиси у ёққа кетаётган эди, тушунарлими?

– У ёққа – қаёққа? – тезда сўради полициячи.

– Бири шаҳардан келаётган, бошқаси шаҳарга кетаётган бўлган. Кейин бу аёл... – У дастгоҳ томонга ишора қилмоқчи бўлиб қўлини ярим кўтарди ва шу заҳоти яна туширди, – аёл йўлга югуриб чиққан, шаҳардан келаётган машина тўғри устига бостирган. Бўлмасам-чи, ахир тезлик соатига ўттиз ёки қирқ эди, ундан кам эмас.

– Бу жой қандай номланади? – сўради полициячи.

– Ҳеч қандай. Бу ернинг номи йўқ.

Баланд бўйли, яхшигина кийинган бир мулат олдинга чиқди.

– Сарик рангли машина эди, – деди у. – Катта сарик машина. Яп-янги.

– Сиз воқеа устида бормидингиз?

– Йўқ, лекин ўша машина мени шосседа қувиб етди. У соатига қирқдан ошиқ тезликда кетаётган эди. Балки эллиқдир, олтмиш бўлиши ҳам мумкин.

– Бу ёққа келинг, фамилиянгизни айтинг. Эй, унга йўл беринглар, фамилиясини ёзиб олишим керак.

Бу суҳбатдан ҳамон конторка эшигида чайқалиб турган Уилсоннинг қулоғига бир нималар чалинди, шекилли, унинг оҳларига янги хайкириқлар қўшилди:

– Мен биламан қандай машина бўлганини! Сизлар-сиз ҳам биламан!

Томнинг пиджаги тагидаги елка мушаклари қандай таранглашганини кўрдим. У шошиб Уилсоннинг олди-га борди ва унинг елкасидан қаттиқ кучоклади.

– Ўзингизни қўлга олинг, – қўпол оҳангда овутиди Жоржни.

Уилсон Томга қаради ва гавдасини тўғриламоқчи бўлди, аммо тиззалари букилди, агар Том маҳкам ушлаб қолмаганда йиқилиб тушарди.

– Кулоқ солинг, – уни енгил силтаб деди Том. – Мен hozиргина келдим. Келишганимиздек, сизга ўзимнинг эски “форд”имни олиб келдим. Кундузи бошқарганим ўша сариқ машина меники эмас, эшитяпсизми? Мен унда фақат Нью-Йоркка бордим. Кейин уни бошқа кўрмадим.

Том секин гапирди, уни мен ва мулатдан бошқа ҳеч ким эшитмади, Томнинг гапларини тушунмасада, лекин гап оҳангининг ўзи полициячини сергакланишга мажбур қилди.

– Нималар ҳақида гаплашяпсизлар? – катъий сўради полициячи.

– Мен унинг танишиман. – Том Уилсонни кўйиб юбормай бошини полициячи томон бурди. – У уриб кетган машинани биламан деяпти, машина сариқ эди.

Аллақандай ноаниқ ният ортидан полициячи Томга шубҳали қаради.

– Сизнинг машинангиз ранги қанақа?

– Кўк. Икки ўринли “форд”.

– Биз hozиргина Нью-Йоркдан қайтдик, – дедим мен.

Шосседа ортимиздан келган кимдир буни тасдиқлади ва полициячи яна Михаэлис билан машғул бўлди.

– Келинг, яна бошидан, ҳарфлаб...

Уилсонни кўғирчокни ердан олгандек, Том конторкага олиб келди, креслога ўтқазди ва эшик олдига қайтди.

– Кимдир келиб, унинг ёнида бўлиб турсин, – қисқа гапирди Том.

Яқинроқда турган икки эркак бир-бирларига қараганча истар-истамай конторкага қараб юришди. Том уларни ёнидан ўтказиб юборди, устиларидан эшикни ёпди ва дастгоҳ томонга қарамасликка ҳаракат қилиб ёнимга келиб: “Кетдик!” деб шивирлади.



Нокулайлик ҳиссига ботганча оломонни ёриб ўтдик – Том ҳукмнамо елкаси билан йўл очди – чиқиш олдида ярим соат олдин одам жўнатилган врач жомадонини кўтариб, мўъжиза бўлишига умид қилиб, рўпарамиздан шошганча чиқиб келди.

Том аввал жуда ҳам секин юрди, аммо шосседан бурилганимиз заҳоти педални босди ва биз қоронғиликда елдек учиб кетдик. Бироздан сўнг қисқа, бўғиқ ўқирикни эшитдим ва Томнинг юзидан ёш оқаётганини кўрдим.

– Ярамас, кўрқок! – бақирди у. – Ҳатто тўхтамабди!

Кутилмаганда шовуллаётган қора дов-дарахтлар орасидан Бьюкененлар уйи кўринди. Том деярли уй зинаси тагида тўхтади ва дарҳол юқорига қаради; ток барглари чирмашиб ўсган деворда иккита дераза ёришиб турар эди.

– Дэзи уйда, – деди у. Машинадан тушганимизда менга қаради ва қошларини енгил учирди. – Сени Уэст-Эгга олиб боришим керак эди, Ник. Бугун барибир қиладиган ишим йўқ.

Унда қандайдир ўзгариш содир бўлди; у ишонч ва кибр-хаво билан гапирди.

Биз уй олдидаги ой ёртиб турган майдончадан кетиб бораётганимизда Том қисқа топшириқлар бериб, вазиятни ўз қўлига олди:

– Ҳозир сенга телефон орқали такси чақираман, унгача Жордан билан емакхонага кириб туринглар, сизларга кечки овқат беришсин – агар истасангиз, албатта. – У эшикни очди. – Киринглар.

– Раҳмат, лекин киргим йўқ. Марҳамат қилиб, менга такси чақиртирсанг, шу ерда, тоза ҳавода кутиб турман.

Жордан билагимдан туртди.

– Ник, кира қолинг, бироз ўтирамин.

– Раҳмат, лекин хоҳламайман.

Кўнглим беҳузур бўлди ва ёлғиз қолгим келди. Аммо Жордан кетишни пайсалга солаверди.

– Соат эндигина тўққиз ярим бўлди-ку, – кўндиришга ҳаракат қилди у.

Уларнинг даврасига ўзимни тўйиб кетгандек ҳис қилар – таажжубим ўлароқ, бу даврада Жордан ҳам бор эди. Балки бу юзимдаги ифодадан яққол билингандир, шунинг учун бўлса керак, у кескин бурилдида, уйга чопиб кириб кетди. Мен икки чаккамдан ушлаганча зинада, холлда телефон қилиб такси чақираётган хизматкорнинг овози эшитилгунча бир неча дақиқа ўтирдим. Шундагина ўрнимдан гурдим, хиёбондан юриб, такси-ни дарвоза олдида кутишга қарор қилдим.

Йигирма қадам юрмасимдан, кимдир исмимни айтиб чақирди ва хиёбонда, буталарни суриб Гэтсби чиқиб келди. Ўшанда хаёлимда ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетди, аммо ўша лаҳзада ўйлаганим Гэтсби костюмининг ой ёруғида товланаётганиб бўлди.

– Сиз бу ерда нима қиляпсиз? – сўрадим мен.

– Ҳеч нарса, отахон. Шунчаки ўзим турибман.

Негадир бу менга ғалати туюлди. Мен ҳатто уйни тунамоқчи деб тахмин қилишга ҳам тайёр эдим. Агар буталар қаъридан, Гэтсбининг орқасидан “Вулфшим танишлари”нинг ёвуз шарпалари кўринса ҳам ажабланмас эдим.

– Шосседа бирон нимани кўрдингларми? – сўради у қисқа давом этган жимликдан сўнг.

Гэтсби тугилди.

– У – ўлдими?

– Ҳа.

– Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйлаган эдим, мен ва Дэзи шундай деб ўйладик. Бундай вазиятларда яхшиси, тўғриси айтиш керак. Албатта, бу изтиробга солади, лекин Дэзи бунинг уддасидан чиқади.

Гэтсби гўёки бу – Дэзи қандай аҳволга тушгани аҳамиятга эгадек гапирарди.





– Мен Уэст-Эгга айланма йўл билан қайтдим, – давом этди у. – Машинани гаражимда қолдирдим. Менимча, бизни ҳеч ким кўрмади деб айтолмайман.

Айни дамда унга тоқат қилолмаётганим учун Гэтсбини ишонтиришга уринмадим ҳам.

– У аёл ким экан? – сўради Гэтсби.

– Гараж хўжайинининг рафиқаси, унинг фамилияси Уилсон. Жин урсин, бу қандай содир бўлди ўзи?

– Биласизми, мен уни тўхтатишга улгурмадим... – у тутилди, мен бирданига ҳаммасини тушундим.

– Рулда Дэзи бўлганмиди?

– Ҳа, – у дарҳол жавоб бермади. – Лекин мен, албатта, бу мен эдим, деб айтаман. Биласизми, Нью-Йоркдан қайтаётганимизда Дэзи жуда асабий эди ва рулда ўтирсам тинчланишим осонроқ бўлади деб ўйлади, аёл эса бирданига бизга қараб югурди, худди шу пайт қаршимиздан машина ҳам келаётган эди. Бу бир дақиқада содир бўлди, аммо, назаримда, аёл бизга нимадир демоқчи бўлди, балки бизни бирор таниши деб билгандир. Дэзи олдинига машинани четга бурди, бироқ рўпарадан машина чиқди ва у довдираб, машинани яна орқага бурди. Рулни чангаллаганимда машинанинг нимагадир урилганини сездим. Менимча, уни ўлар ҳолатда урди.

– Ҳаммасини ағдар-тўнтар қилди...

У сесканиб кетди.

– Керак эмас, отахон... Ундан кейин – мен Дэзидан тўхташини илтимос қилдим, лекин бундай қилолмади. Қўл тормозидан фойдаланишимга тўғри келди. Шунда у тиззамга ағдарилди ва кейин машинани ўзим ҳайдаб кетдим.

– Эрталабга довур ўзига келади, – давом этди у қисқа тиндан сўнг. – Бироқ Том “Плаза”даги воқеалар учун Дэзини қийин-қистовга олмаслиги учун мен, ҳар эҳтимолга қарши, шу ерда бўламан. У ётоқхонасига камалиб олди, агар эри куч ишлатадиган бўлса, мен-

га сигнал беради – чироқни кетма-кет бир неча марта ўчириб-ёқади.

– Том унга ҳеч нарса қилмайди, – дедим. – Ҳозир Том бундай қилишга қодир эмас.

– Мен унга ишонмайман, отахон.

– Бу ерда қанча турмоқчисиз?

– Ҳеч бўлмаса эрталабгача. Жуда бўлмаса, уйдагиларнинг ҳаммаси ухлашга ётгунича.

Миямга янги фикр келди. Агар Том Дээзининг рулда ўтирганини билса нима қилади? У бунда бирор боғлиқликни топишга ҳаракат қилиб, балки ўйлаган бўлардики... миясига нималар келишини ким билсин. Мен уйга қарадим. Пастки қаватнинг икки ёки уч деразасидан ёруғ тушар, юқорида эса Дээзининг деразасидан, бир неча шам ёқилгани учун, ёқимли пушти ёруғлик сочиларди.

– Мени шу ерда кутиб туринг, – дедим. – Бориб қулоқ солай-чи, уйда бирон нима содир бўлмаётганмикин.

Мен газон четидан юриб ортимга қайтдим, шағалларни шитирлатмасликка ҳаракат қилиб, майдонни кесиб ўтдим ва оёқ учида зинадан кўтарилдим. Меҳмонхонада дераза пардалари туширилмагани учун у ерда ҳеч ким йўқлигини билиш мумкин. Қатор пардалар охирида, уч ой олдин биринчи марта келганимда овқатланган жойимизда унча катта бўлмаган учбурчак нарса ёришиб турибди – бу эҳтимол буфет деразаси бўлса керак. Мен ўша ерга қараб юрдим. Дарпарда туширилган, аммо мен парданинг тоқчагача озгина етмаган жойини топдим.

Дээзи ва Том бир-бирларига рўпара бўлиб, яхна товук ва икки шиша пиво турган ошхона столи атрофида ўтиришар эди. У қизишганча нималардир деб уни ишонтитар ва қизгинлик ҳовурида Дээзининг столда турган кафти устига ўз кафтини қўйиб олган эди. Дээзи бир-бир бошини кўтариб эрига қараб қўяр ва розилик аломатида бошини ирғарди.



Уларнинг вақти чоқ ўтмаётгани аниқ; тамакидонга тегилмаган, бутилкалардаги пиво камаймаган. Назаримда, улар нима ҳақдадир дўстона келишаётганга ўхшади.

Зинадан оёқ учида тушарканман, уйга бурилиш йўлини кидираётган таксининг пишқиргани эшитилди. Гэтсби мен қолдирган жойда кутиб турган экан.

– Хўш, ҳеч нарса эшитилмаяптими? – ташвишланиб сўради у.

– Ҳаммаёқ тинч. – Мен иккиландим. – Мен билан юринг, сиз ухлаб олишингиз керак.

У бошини чайқади.

– Дэзи чироқни ўчиргунча шу ерда кутаман. Шунда унинг ётганини биламан. Сизга хайрли тун, отахон.

У қўлини чўнтагига солди ва худди менинг шу ердалигим унинг бедорлик тантанасини бузаётганидек, орқасини ўгирди. Мен кетдим, у – кўриқлашга ҳожат бўлмасада, ой ёруғида ёлғиз ўзи кўриқчи бўлиб қолди.



## САҚҚИЗИНЧИ БЎЛИМ

Туни билан ухломмадим; туман тушди, кўрфазда сигнал сиренаси тўхтовсиз гувиллади, мен кўркинчали ҳақиқат билан даҳшатли оғир тушлар орасида қалтирок босгандек ўрнимда ағдарилиб чиқдим. Тонг отарга яқин Гэтсби вилласига такси келиб тўхтаганини эшитдим. Ўрнимдан сапчиб турдим ва шошиб кийиндим – унга нимадир дейишим; нимадандир огоҳлантиришим – боз устига, тезроқ айтишим керак эди, чунки эрталаб кеч бўлиши мумкин.

Узоқдан кириш дарвозаси ёпилмаганини кўрдим, Гэтсби эса холлда ё жисмонан, ёки руҳан чарчаганидан бутун оғирлигини ташлаб столга суянниб турарди.

– Ҳеч нарса бўлмади, – деди у ғамгин овозда. – Мен деярли тўртгача кутдим, кейин у дераза олдига келди, бирпас турди, сўнг чироқни ўчирди. – Гэтсбининг уйи шу кечагача, биз кенг ва бўш хоналарда изғиб, сигарета излаган пайтимизгача менга бунчалар катта кўринмаган эди. Палаткалар полига ўхшаш драпировка<sup>39</sup>ларни сурдик, чироқ ёқкичларни қидириб қоронғи девор юзаларини қўлларимиз билан пайпасладик; бир вақт қоронғида очиқ роялга урилдим ва ундан ноуйғун

---

<sup>39</sup> Драпировка – парда, деворга қоқиладиган гулдор мато ва х.к.



товушлар фаввораси сачради. Ҳаммаёқдан нам ҳид келарди, худди хоналар анчадан буён шамоллатилмагандек, шунча чанг қаердан келганига ақл бовар қилмайди. Ниҳоят, бир стол устида тамакидонни топдик, унда иккита қуриган сигарета бор экан. Катта меҳмонхона деразаси олдига ўтирдик, унинг тавақаларини очиб қоронғилик қаърига тикилганча чекишга тушдик.

– Сиз кетишингиз керак, – дедим мен. – Полициячи машинангиз изига тушиши мумкин.

– Кетишим керак, ҳозир-а?

– Бир ҳафтага Монреалга ёки Атлантик-Ситига кетинг.

Аммо у кетиш ҳақидаги гапимни эшитгиси ҳам келмади. Ахир қандай қилиб Дээининг энди нима қилишини билмасдан, уни шундоқ ташлаб кетсин. У яна аҳмоқона умид қияпти ва менда бу умидини тортиб олишга дадиллик етмади.

Ана шунда у менга ўсмирлик чоғига оид қизиқ тарихини ва Дэн Кид билан дарбадарликлари ҳақида – Жей Гэтсби Томнинг ёвуз қаҳрли зарбидан синган шишадек чилпарчин бўлгани сабаб ва узоқ давом этган афсона ниҳоясига етгани учун ҳам гапириб берди. Балки ўша онда у бошқа нарсаларга тўхталмагандир, бироқ Гэтсби Дээи ва фақат Дээи тўғрисида гапиришни истар эди.

Дээи унинг ҳаётида учраган биринчи аслзодалар оиласига мансуб қиз бўлган. Яъни, Гэтсби турли шароитларда турли одамлар билан муносабатда бўлган, бироқ улар билан доим кўринмас ип чегараси ортида туриб мулоқот қилган. Биринчи учратгандаёқ Дээи бутун умр излаган одами бўлиб туюлган. У қизнинг уйига аввалига Кэмп-Тейлорлик офицерлар давраси билан, сўнг бир ўзи борадиган бўлди. У ҳайратда эди – ҳалигача бу қадар ажойиб уйни кўрмаган эди. Лекин энг таажубланарли, қалбни завққа тўлдирадиган нарса – у ўзининг лагерь палаткасида қандай яша-

са, қизнинг ҳам шу уйда бемалол яшаши завқлантирар эди. Бу уйда ҳамма нарса сир-синаотни фош этишга тайёр, юқоридаги ётоқхоналар, чиройли ва салқин, шу кунгача билганларига ўхшамаган ётоқхоналар, узун коридорларни тўлдириб турган беғубор хурсандчилик овозлари, севги, ошиқ-маъшуклик – вақтлар узра айнамаган ва қуруқ лаванда ифори таралган, аммо тирик, титраб турадиган, охирги моделдаги автомобиллар жилосидан ва ҳали гуллари сўлимаган баллар шовқинидан ажралмаган севги ўйинлари ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Дэзини кўп эркаклар севиши уни ҳаяжонга соларди – шу нарса ёш зобитнинг кўз олдида қизнинг қадрини янада юксакларга қўтарар эди. Ҳаммаёқда уларнинг пинҳона юришларини ҳис қилар эди; назарида, ҳавода ҳали тарқамаган акс-садолари титраб тургандек бўларди.

Аммо у бу уйга тақдирнинг ажаб ўйини боис келиб қолганини яхши англади. Жей Гэтсбини қандай ёрқин келажак кутиб турган бўлмасин, ҳозирча у ўтмишига эга бўлмаган, чўнтагида бир чақаси йўқ ёш йигит ва кўринмас-плашч сифатида хизмат қилаётган ҳарбийлар мундири ҳар дақиқада елкасидан сирғалиб тушиши мумкин эди. Шунинг учун вақтини зое кетказмасликка ҳаракат қилди. У ўйламасдан ёввойиларча ҳамма нарсани олди – шу тариқа Дэзини ҳам. Кузнинг сокин оқшомларидан бирида, унинг кўлидан ушлашга ҳаққи йўқлигини яхши билсада, жисмини ўзиники қилиб олди.

Бунинг учун ўзидан жирканиши, нафратланиши мумкин эди, ахир, аслида, у қизни ёлғон билан олди. Хаёлидаги миллионлар ҳақидаги ҳикоялари билангина эмас, Дэзининг онгига қизнинг тақдирига масъулликни қабул қилишга буткул тайёр бўлган унинг табақасига мансуб инсон турганини айтиб сингдирди, оёққа туриб олган йигит эканлигига ишонтирди. Аслида эса,



бу ҳақда ўйлашга ҳожат ҳам йўқ – у насабсиз ва уруғсиз кимсаки, ҳокимиятнинг исталган вақтдаги инжиқлиги уни дунёнинг бошқа бир бручагига итқитиб юбориши мумкин эди.

Бироқ ўзидан нафратишига ҳожат бўлмади, ҳаммаси у кутмаганидек содир бўлди. Балки қизнинг қалб ва номусини ўғирлаб, сўнг уйига кетишни ўйлагандир, аммо ўзини абадий муқаддас хизматга маҳкум этди. Дэзи авваллари ҳам унга ажойиб, ўзига хос, такрорланмас мўъжизадек туюлган, бироқ у олий табақадаги қизнинг бошқаларга ўхшамаган томонлари нимада эканлигини тасаввур қилолмасди. Қиз ўзининг ҳашаматли уйида, ҳаётининг ҳад-худудларигача тўлдирган бойликлари ичида ғойиб бўлар, йигит эса, агар гўёки улар энди эр-хотинлар деган ҳисни ҳисобга олмаса, ҳеч вақосиз қоларди.

Улар икки кундан сўнг яна кўришганларида, қизнинг эмас, балки Гэтсбининг нафаси етмай қолди, қиз эмас, худди у қопқонга тушгандек бўлди. Қиз уйининг айвони қиммат юлдузлар ёғдусига чўккан; Дэзи Гэтсбига ўгирилганида тўкилган диванча ҳорғинлик билан ғирчиллади ва йигит севгилисининг ажойиб тарзда бирлашиб турган майин лабларидан ўпди. Қиз шамоллагани учун енгил хириллар, шу ҳам унинг овозига ўзгача мафтункорлик бахш этарди. Гэтсби ўз ҳислари асирлигида кўп қаватли кийимлар – улар тагида гўзал, сиймтан, мағрур ва бахтиёр қиз, камбағалларнинг машаққатли курашларидан жуда ҳам узоқда турган Дэзи бўлар эди, албатта – тоза ифोरини симирганча ўсмирликнинг синоатини ҳайратомуз софлик-ла англади.

– Отахон, уни қанчалар севишимни билган онимдаги ҳайратимни сизга етказиб беролмайман. Аввалига у мени ташлаб кетишига умид қилдим, лекин ташлаб кетмади – ахир у ҳам мени севар эди. Унинг назарида, мен жуда кўп нарсани билар, билимим униқидан бутунлай

бошқа эди... Шундай бўлдики, мен ҳар дақиқада юкса-либ бораётган севгим билан банд бўлиб, иззат-нафсим ҳақида бутунлай унутдим. Бироқ менга энди барибир эди. Фақат қилишга ҳаракат қилаётганларимни унга гапиришим янада ёқимлироқ бўлиши учун айти дамда нимадир қилишим, нималаргадир эришим керак эди.

Европага жўнашдан олдинги сўнги окшомда улар Дэзи билан бир-бирларини кучоклаб ва индамай узоқ ўтиришди. Ҳаво совуқ, нам, хонада каминда олов гуриллаб турибди, Дэзининг юзи қизарган. Баъзан йигитнинг кучоғида қимирлаб кўяди ва ўшанда қизга кулайроқ бўлиши учун ҳолатини бироз ўзгатиради. Бир сафар йигит қизнинг қора, ипакдей майин сочларини ўпди. Улар қоронғи тушиши билан, худди ушбу кеча эртадан бошланадиган узоқ айрилиқда яхшироқ ёдда қолиши учун жим қолишди. Муҳаббатлари бошланган бир ойдан буён улар бирон марта бунчалар – қиз лаблари билан сўзсиз мундирнинг елкасидаги сукно-сига теккизган ёки уйғотиб юборишдан чўчиётгандек йигит қизнинг бармоқларини оҳиста ушлаган ҳозирги дақиқалардаги каби – яқин бўлишмаган, бир-бирлари учун очилмаган эдилар.

Гэтсбининг ҳарбийликда омади келди. Уни ҳали фронтга юбормасларидан капитан даражасига кўтарилди, аргонна жангларидан сўнг майор мансабига эришди ва пулемёт батальонига командирлик қилди. Сулҳдан кейин у дарров уйга отилди, бироқ қандайдир асоратлар ёки англашилмовчилик Оксфордга етаклади. Юраги нотинч – Дэзининг мактубларидан тажанглик ва соғинч уфуриб турар эди. У Гэтсбининг нима учун қолиб кетганини тушунмасди. Ташки дунё унга ҳар тарафлама ҳамла қиларди; у Гэтсбини кўриши, хатоликларга йўл қўймаётганига ишониши учун йигитнинг ёнида эканлигини ҳис қилиши зарур эди.





Ахир Дэзи жуда ҳам ёш, унинг сунъий оламида орхидеялар гуллар ва энгил, ёқимли олифтагарчиликлар ҳукм сураар, оркестрлар ҳар йили ўз оҳанглирида дунёдаги бор қайғу-алам ва мубҳамликни акс эттириб янги ритмларни урфга киритар эди. Саксофонлар ноласи остида тунлари “Бийл-стрит блюз”нинг ғамгин ҳасратлари тўхтамас, юзлаб олтин ва кумуш туфлилар паркетда ялтираётган чангни тепарди. Ҳатто чой ичиш вақтида бошқа меҳмонхоналар бу ширин, кучсиз титрокни узлуксиз силқитар ва таниш юзлар, гўёки зериккан қувурлар ҳовуридан полда учган атиргул гуляпроқлари мисол, бир у ерда, бир бу ерда кўриниб қоларди.

Мавсум бошланиши билан Дэзи яна шу қоронғи борлиқ гирдобига кириб кетди. Яна у бир кунда бир талай ёш йигитлар билан талай учрашувларда бўлишга улгурди; яна тонг тонг чоғида ғижимланган оқшом кўйлагини сўлиётган орхидеялари билан полга итқитганча ўзини тўшакка ташлаб, тарракдек қотди. Аммо ҳамма вақт ички қатъий овоз ундан бир қарорга келишни талаб қиларди. У ўз ҳаётини ҳозирок, шу бугун қуришни хоҳлади; қарорга келиш учун қандайдир куч, узоқдан қидиришга ҳожат бўлмаган севги, пул, рад қилиб бўлмас манфаатлар қудрати керак бўлди.

Бундай куч, қудрат авжи баҳор палласида, Том Бьюкенен Луисвиллга келган чокда топилди. Унинг ҳайбати ва жамиятда эгаллаб турган мавқеи Дэзига хуш келди. Балки ҳаммаси ички қурашларсиз содир бўлгандир, бироқ энгиллик билан рўй берди дейиш ҳам мушкул.

Мактубни Гэтсби Оксфордда эканлигида олди.

Лонг-Айлендда тонг отмоқда. Биз деразаларни бирма-бир очиб ва ғира-шира, аммо энди тилларангга қираётган ҳавони киритиб пастки қаватнинг ҳамма хоналаридан ўтдик. Шудринг тушган ерга дарахт сояси тушди, шох-шаббага қўнган қушлар сайради. Майин шамол

эсди, буни ҳатто шамол ҳам деб бўлмасди, энгил эпкини бугун ҳаво очик ва иссиқ бўлмаслигидан огоҳ этди. – Йўқ, ҳеч қачон, у Томни ҳеч қачон севмаган, – Гэтсби ҳозиргина очилган деразадан менга ўгирилди ва мағрур қараш қилди. – Унутманг, отахон, ахир у кеча қаттик хаяжонланганидан ўзини зўрға билиб турган эди. Том уни кўрқитиб юборди – у Дэзида мен ҳақимда майда товламачи деган таассуротни уйғотди. Дэзи ўзи нима деяётганини билмаслиги ҳайратланарли эмас.

У ўтирди, қошларини тунд кўтарди.

– Балки у Томни энди-энди уйланганларида қанчадир муддат севгандир. Шунда ҳам мени кўпроқ севган.

У жим қолди ва бирдан жуда қизиқ огоҳлантириш янгради.

– Нима бўлганда ҳам, – деди у, – бу фақат Дэзининг кўнгил майли.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Дэзи билан муносабатларининг ўлчовларга сиғмайдиган тубидан бошқасини кўрмаганимми...

У Штатларга Том ва Дэзи тўй саёҳатларини тугатаётганларида қайтди ва армиядан қолган охирги пулини Луисвиллга азобли, лекин ўта исталган саёҳатига сарфлади. У ерда бир ҳафта бўлди, ноябрнинг тинч окшомларида ўзларининг дўстона қадамлари янграган кўчаларни кезди, Дэзининг оқ машинасида доим боришни ёқтирган шаҳар ташқарисида дайиди. Дэзи яшаган сирли ва бошқа уйлардан кўра ғаройиб туюлган уй каби, яшаган қадрдон шаҳар, ҳозирда қиз бу ерларда бўлмасда, Гэтсби учун ғамгин мафтункорликларга тўла эди.

Кета туриб, худди қиз шу ерда, Луисвиллда қолгандек агар яхшироқ кидирганимда топар эдим деган фикрдан қутула олмади. Ўриндикли вагонда – шунга ҳам чиптани амал-тақал қилиб олди – жуда дим ва тикилинч эди. У майдончага чиқди, қайтарма стулга ўтирди ва вокзалнинг орқага қандай сузаётганини, номаъ-



лум курилишларни ортида қолдириб кетаётганини томоша қилди. Сўнг баҳор далалари манзараси очилди; қаердандир ичи одамга тўла – балки шу одамлар кўз қири билан унинг рангпар юзини кўришгандир – сариқ трамвай чиқиб, поезд билан пойга тушгандек тезлаб кетди.

Йўл бурилди; поезд энди куёшдан узоклаша борди, куёш эса уфққа бош кўйиб, Дэзи ҳавосидан нафас олган ярим яширин шаҳар устига узала тушди. Умидсизликка ботганча қўлини деразага чўзди, бир сиқим ҳавони ушлаб, ўзи билан шу жой, унинг-ла ёришган шаҳарнинг бир қисмини олиб кетмоқчи бўлди. Аммо поезд кўз олдида бутунлай липиллаб ва ёйилиб чекинмай ҳамон еларди. Шунда Гэтсби ўзининг ҳаётига тегишли бўлган энг ажойиб, хуш ифорли бу қисм абадий йўқолганини тушунди.

Нонушта қилиб зинапоёга тушганимизда соат тўққиз бўлган эди. Туни билан ҳаво яхшигина айнади ва ҳавода куз нафаси сезилди. Уйда аввалги хизматкорлардан қолган ягона хизматкор – боғбон мрамар зинапоё тагида тўхтади.

– Бугун бассейндаги сувни чиқариб юбормоқчиман, жаноб Гэтсби. Барглар тўкилишни бошлаган, барглар эса доим қувурларга тикилиб қолади.

– Йўк, яна бир кун тўхтаб тур, – эътироз билдирди Гэтсби ва менга ўгирилиб, худди ўзини оқлагандек: – Ишонасизми, отахон, бутун ёз бўйин бирон марта бассейнга тушмадим, – деди.

Мен соатга қарадим ва турдим.

Ҳеч ишга боргим келмади. Бугун унча фойдам тегмаслигини билардим, бироқ гап бунда ҳам эмас – мен Гэтсбини ташлаб кетгим келмади. Поездим кетиб бўлди, кейингиси ҳам, мен эса ҳамон чўзилардим.

– Мен сизга шаҳардан қўнғироқ қиламан, – дедим ниҳоят.

– Қўнғироқ қилинг, отахон.

– Ўн иккиларга яқин.

Биз секин пастга тушдик.

– Эҳтимол, Дэзи ҳам қўнғироқ қилар. – У гапини тасдиқлашимни кутгандек менга қаради.

– Эҳтимол.

– Майли, кўришгунча.

Биз қўлларимизни сиқишиб хайрлашдик ва мен шоссега қараб кетдим. Хиёбондан бурилишда нимадир эсимга тушди ва тўхтадим.

– Ҳақирликдаги ҳақир одамлар, мана улар ким, – бақирдим атрофга аланглаб. – Ҳаммасини бир ерда жамлаганда, уларга биргина ўзингиз баробар келасиз.

Бу сўзларни ўзига айтганим учун кейин роса хурсанд бўлдим. Ахир, бу мендан эшитган биринчи мақтовиди – аслида, биринчи танишган кунимдан охиригача унга яхши кўз билан қарамаганман. Олдинига у жавобан хушфезллик билан бошини қимирлатди, кейин тушунганини ифодаловчи кенг ва ёруғ табассум қилди, худди гап иккимиз аллақачон тан олган бирор хузурбахш далил ҳақида гап кетгандек. Унинг пушти костюми – аҳмоқона олифта матоҳ – зиналарнинг оқ мрамор фониди ёқимли рангдаги доғ бўлиб ажралди ва ўша, уч ой олдинги, унинг қасрида илк бор меҳмон бўлган оқшом ёдимга тушди. Боғ ва хиёбон ўша пайтда одамлар билан қайнагандан қайнаган, у эса шу зиналардан туриб, ҳаммадан ўзининг ушалмас орзусини яшириб қўлини силкиган эди.

Мен меҳмоннавозлиги учун миннатдорлик билдирдим. Унга доим ҳамма миннатдорлик билдирган, улар қаторида мен ҳам.

– Хайр, Гэтсби, – кичкирдим мен. – Ажойиб нонушта учун раҳмат.

Ниҳоят, идорага келдим, бугунги курсларни аллақандай охири кўринмас қимматли қоғозлар реестрига ёзиш



билан шуғуллана кетдим, айланма креслода қоғозлар устига бошимни кўйиб мизғидим ҳам. Ўн иккига яқин мени телефон кўнғироғи уйғотиб юборди, мен терга ботганча ўрнимдан сакраб турдим. Бу Жордан Бейкер экан; у кўпинча худди шу вақтда кўнғироқ қилади, чунки доим турли отеллар, клублар ва танишлари виллаларида дайдиб, деярли менга туткич бермайди. Одатда, унинг овози телефон дастагида гольф ўйин майдонидан бир бўлак чим идора ойнасидан учиб киргандек салқин ва мусаффо ҳовурни олиб келади; аммо ўша паллада Жорданнинг овози чийиллаб, дағал эшитилгандек бўлди.

– Мен Дэзидан кетдим, – деди у. – Мен ҳозир Хэмстедаман, бироздан сўнг Саутгемптонга кетаман.

Балки у Дэзидан кетиб яхши қилгандир, аммо бу негадир жаҳлимни чиқарди, унинг кейинги жумласи эса бутунлай эсанкиратиб кўйди.

– Сиз кеча окшом мен билан илтифотли бўлмадингиз.

– Илтифотли бўлишга арзийдиган ҳеч нарса йўқ эди.

Бир дақиқалик жимлик. Сўнг:

– Мен сиз билан кўришмоқчи эдим.

– Мен ҳам сизни кўришни хоҳлардим.

– Балки Саутгемптонга бормасман, куннинг иккинчи ярмида шаҳарга борсаммикин?

– Йўқ. Бугун эмас.

– Жуда яхши.

– Бугун умуман иложим йўқ. Ишларим...

Биз яна бу суҳбатни яна бир неча дақиқага чўздик, кейин бирдан тўхтаб қолди. Иккимиздан қай биримиз дастакни кўйдик, ёдимда йўқ, аммо бундан жаҳлим чикмагани эсимда. Ўша куни, уни бошқа ҳеч қачон кўрмаслигимни билганимда ҳам, у билан хотиржам бир финжон чой устида гаплашиб ўтира олмасдим.

Бироздан кейин Гэтсбига кўнғироқ қилдим, аммо телефон банд экан. Яна тўрт марта кўнғироқ қилдим ва

ниҳоят, сабри тугаган телефонист киз, абонент Детройтдан буюртма кўнғирокни кутаётганини маълум қилди. Мен темирйўл жадвалимни олиб, 3.50 рақамини айлана ичига олиб белгилаб қўйдим. Сўнг ўзимни орқага ташлаб фикрларимни жамлашга ҳаракат қилдим. Соат роппа-роса ўн икки эди.

Эрталаб поездим тошқол уюмларига яқинлашганда мен атай бошқа томонга ўтириб олгандим. Назаримда, у ерда қизиқувчан одамлар тўдаси ҳамон куймаланаётган ва болалар чангдаги қора доғларни томоша қилаётгандек туюлди, сергап бир чол воқеа тафсилотларини қайта-қайта гапириб беряпти; ҳар сафар сўзлаганида ҳикояси ҳатто унинг ўзи учун ҳам ҳақиқатдан узоқлашиб боради, ниҳоят, уни қайта ҳикоя қила олмай қолади ва Миртл Уилсон фожиаси буткул унутилиб кетади. Аммо ҳозир бироз ортга қайтиб, кеча биз кетгандан сўнг гаражда нима бўлганини гапириб бермоқчиман.

Ҳалокатда ўлган аёлнинг синглиси, Кэтринни топиш осон бўлмади. Ўша куни у ҳеч нарса ичмаслик ҳақидаги қондасини ўзгартирган бўлса керак, чунки уни олиб келишганда мияси шароб ҳовуридан хиралашган ва санитар автомобили маййитни аллақачон Флашингга олиб кетганини ҳеч қанақасига уқтириб бўлмади. Ниҳоят, ақл-идроки ўзига келиб, содир бўлган воқеа-ҳодисаларни англаганида ҳушидан кетди, буниси энг даҳшатлиси эди. Кимдир раҳми келибми ёки қизиқибми, Кэтринни ўз машинасига ўтказди ва опасининг мурдаси орқасидан олиб кетди.

Гараж олдида одамлар ярим тунгача куймаланиб юрди – бири кетса, бошқаси келди, Жорж Уилсон эса ҳамон конторкасида диванда ўтирар ва бир маромда у томондан бу томонга тебранарди. Олдинига конторка эшиги ланг очик турди, гаражга кирувчилар у томонга қараб қўйишдан ўзларини тийишлари қийин бўлди. Кейин кимдир бу яхши эмаслигини айтди, шундан сўнг



эшикни ёпишди. Бир нечта одам, жумладан, Михаэлис ҳам, Уилсон билан бирга қолишди; аввал улар беш ёки олтита эди, кейин иккитаси ёки учтаси, охирида Михаэлис ҳам охирги қолаётган кишидан жилла бўлмаса тўрт соат, Михаэлис ўзига қахва қайнатиб олгунича ўтириб туришини сўради. Шундан сўнг ўша киши тонгача Уилсон билан бирга қолди.

Соат учларга бориб Уилсоннинг ҳолатида ўзгариш бўлди – у тинчланди ва бир-бирига уланмаган ҳайкириқлар ўрнига сариқ машина ҳақида гапира бошлади. У сариқ машина эгаси кимлигини билиб оламан деб таъкидлади, кейин бирдан икки ой олдин хотини шаҳардан бурни шишиб, юзи конталашиб қайтганини гапириб берди. Аммо ўз сўзларидан ўзи жиркана ва яна тебраниб, “Худойим, худойим!” дея оҳ ура бошлади.

✓ Михаэлис қўлидан келганча уни чалғитишга уринди:

– Жорж, уйланганинга қанча бўлди? Бироз тинч ўтир, саволимга жавоб бер. Уйланганинга қанча бўлди?

– Ўн икки йил.

– Фарзандингиз бўлмаганми? Жойингда тек ўтирсанг-чи, Жорж. Нима ҳақида сўраётганимни эшитяпсанми? Қачон бўлса ҳам фарзандингиз бўлганми?

Биттагина ёниб турган чироқнинг хира нури остида полда бир-бирига тўқнашиб малла сувараклар югуриб юрибди; бир-бир ўтаётган машиналар овози эшитилиб қолади. Михаэлиснинг назарида ҳар сафар бу ўша, бир неча соат олдин тўхтамасдан елдек учган автомобиль бўлиб туюлади. Қон доғлари билан ифлосланган, кеча мурда ётган дастгоҳни кўрмаслик учун унинг гараждан чиккиси йўқ; шунинг учун конторкада безовталанганча депсиниб юрибди – эрталаб содир бўлган воқеа ҳақида ҳамма билиб бўлди – Михаэлис Уилсон билан бирга ўтириб, уни овутишга тушди:

– Сен қайси черковга борасан, Жорж? Балки анчадан буён бормагандирсан, майли, ҳеч қиси йўқ. Балки сен борадиган черковга қўнғироқ қилиб, руҳонийдан сен билан гаплашишини сўраб кўрсаммикин, а Жорж?

– Мен ҳеч қандай черковга бормайман.

– Одам черковга бормай яшолмайди, Жорж, ҳеч бўлмаса мана бундай вазиятларда борилади. Сен ҳам олдинлари черковга боргансан. Черковда никоҳ ўқитгандирсан, ахир? Мени эшитсанг-чи, Жорж. Черковда никоҳланганмисизлар?

– Бунга анча бўлган.

Жавоб олишга бўлган уринишларни Уилсоннинг бир маромдаги тебраниши бузади ва у бир муддат жим бўлиб қолади. Кейин унинг сўник кўзларида олдинги – ярим паришонлик, ярим гумон аралаш ифода пайдо бўлади.

– Анави тортмада нима бор экан, қара-чи, – деди у ўзининг ёзув столини кўрсатиб.

– Қайси тортмада?

– Ҳов анави.

Михаэлис столнинг унга яқин бўлган бўлмачасини очди. У ерда ит бўйнидан боғланадиган кумуш тўқимали калта чарм бўйинбоғдан бошқа ҳеч нарса йўқ экан. У ҳали янги, афтидан, жуда қиммат ҳам эди.

– Шуми? – сўради Михаэлис тортмадан бўйинбоғни олиб.

Уилсон кўзларини лўқ қилиб қаради, кейин бошини ирғади.

– Буни кеча хотинимнинг олдидан топдим. У менга нималарнидир тушунтирмақчи бўлди, мен эса ёмон ишлар бўлган деб ўйладим.

– Бундан чиқди, хотининг сотиб олганми?

– Унинг столида ётган экан, тамаки қоғозига ўралган.

Михаэлис бунда ғайритабiiйликни кўрмади ва дарров Уилсонга хотинига бу бўйинбоғ нима учун керак бўлганига ўнлаб сабабларни қалаштирди. Бу каби





изоҳларни балки Миртл ҳам бергандир, чунки Уилсон яна “Худойим, худойим” деб оҳ-воҳ ура бошлади, Михаэлиснинг юпанч сўзлари ҳавода муаллақ қолди.

– Хотинимни у ўлдирди, – деди бирдан Уилсон. Унинг пастки жағи тушди, оғзи очиқ қолди.

– У ким?

– Бунисини энди билиб оламан.

– Нималар деяётганингни ўзинг биласанми, Жорж, – деди танишига грек. – Қайғуда миянг ўтмаслашиб қолибди. Тинчланишга ҳаракат қил, бироз дам ол, ҳадемай тонг отади.

– У хотинимнинг қотили.

– Бу бахтсиз ҳодиса эди, Жорж.

Уилсон бошини чайқади. Унинг кўзлари қисилди, лабларида қатъий ишонч ифодаланган ундов сояси ўтди.

– Йўқ, – деди у қатъий оҳангда. – Мен оддий одамман ва ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайман, лекин менинг билган нарсам аниқ. У машинада ўтирган эди. Хотиним унга отилди, нимадир демоқчи бўлди, у эса тўхташни хоҳламади.

Михаэлис ҳам воқеанинг гувоҳи бўлган, аммо унинг хаёлига мазкур ҳодисадан алоҳида маъно қидириш келмаган, Уилсон хоним шоссега аллақандай ўткинчи бир машинани тўхтатиш учун эмас, эридан қочиб югуриб чиққан деб ҳисоблаётган эди.

– Нега шундай қилмоқчи бўлди?

– Сен уни билмайсан, – деди Уилсон, гўёки бу ҳамма саволга жавоб бўладигандек. – О-о-о-о!..

У яна бошини чайқата ва ҳайкира бошлади, Михаэлис бўлса қўлларида чарм бўйинбоғни айлантирганча унинг тепасида турди.

– Балки бирорта дўстинг бордир, унга қўнғирок қилиб бу ерга чакирардим, нима дейсан, а, Жорж?

Беҳуда умидланиш – умуман, Михаэлис Уилсоннинг дўсти борлигига шубҳаланади, ахир унинг хотинига ҳам вақти бўлмаган-ку.

Бироз вақт ўтгач, Михаэлис хонада ўзгариш бўлганини сезиб енгиллашди. Дераза орти кўкариб кўринди ва тонг яқинлигини тушунди. Соат бешларга яқин кўкиш тус мовий рангга айланди, энди чирокни ўчирса ҳам бўлади.

Уилсон нурсиз нигоҳи билан деразага, тошқол уюмлари тепасида тонгги шабадада ғаройиб шаклга кириб бурсиқаётган кичкина қора булутчаларга тикилди.

– Мен у билан гаплашдим, – шивирлади Уилсон узок жимликдан сўнг, – мени алдаши мумкинлигини, лекин худои таолони алдай олмаслигини айтдим. Уни дарча олдига олиб келдим. – Жорж ўрнидан базўр турди ва дераза олдига келиб, пешонасини ойнага тиради.

– Дарча ёнига олиб келиб, худо ҳамма нарсани билади, ҳамма қилиб юрган ишларингни билади. Сен мени алдашинг мумкин, лекин худои таолони алдай олмайсан, деб айтдим.

Шу пайтда Михаэлис унинг ёнида туриб, Уилсоннинг қаерга қараётганини пайқади ва сесканиб кетди – у тўғри доктор Т. Дж. Эклбергнинг ҳозиргина айкираётган қоронғиликда пайдо бўлган каттакон нурсиз кўзларига қараб турар эди.

– Худо ҳамма нарсани кўриб туради, – такрорлади Уилсон. Михаэлис унинг эсини киритмоқчи бўлди:

– Ахир бу реклама-ку!

Лекин унинг диққатини нимадир чалғитди ва деразадан нари кетишга мажбур қилди. Уилсон эса тонг қоронғусига тикилиб, бошини секин чайкаганча яна узок турди.

Соат олти бўлганда – бу пайтга келиб Михаэлис толикқанидан оёқда базўр турарди – гараж олдида машина тўхтаганидан хурсанд бўлганча енгил хўрсинди. Ярим тунда кетиб, қайтишга ваъда берган эркаклардан бири келган экан. Михаэлис уч кишига нонушта тайёрлади ва улар иккиси ўтириб еб олишди. Уилсон бу



пайтга келиб анча тинчланган эди, Михаэлис ухлаб дам олиш учун уйига кетди; тўрт соатдан кейин уйғонди ва гаражга қараб чопди, аммо Уилсон йўқ эди.

Кейин у кетган йўлни кузатиш мумкин бўлди: Уилсон пиёда – Порт-Рузвельтгача, у ердан эса Гэдсхиллгача, бир финжон қахва ва сандвич сўраган ергача борибди; қахвасини ичибди, лекин сандвични емабди. Балки чарчагандир, шунинг учун жуда секин юрган ва Гэдсхиллга кун яримлаганда етиб келган. Унинг ҳаркат йўналишини шу ергача тиклаш қийинчилик туғдирмади – бир жойда болачалар йўлда ўзида бўлмаган бир одам кетаётганини кўришган, бошқа бир жойда ҳайдовчилар ўтаётган ҳар битта машинага ёввойи қараш қилаётган ғалати йўловчига эътибор қаратишган. Аммо кейинги изи нақ уч соатга йўқолди. Михаэлистан Уилсон сариқ машина эгасини топиши ҳақидаги маълумотни олганидан сўнг, полиция Уилсон шу вақтда сариқ машинани излаб маҳаллий гаражларни айланиб юрган бўлса керак деган тахминни айтди. Бироқ бошқа томондан, бирорта гараж эгаси у ҳақда маълумот айтмади, балки Жоржда керакли нарсани билиб олишнинг энг содда ва осон йўлини топгандир. Соат икки яримда уни Уэст-Эггда, Гэтсбининг вилласи томон борадиган йўлни сўраётганида кўришган. Гэтсби фамилияси унга маълум бўлгани табиий.

Иссиқда Гэтсби чўмилиш кийимини кийган ва хизматкорига, агар бирортаси қўнғироқ қилса, бассейнга келиб, бу ҳақда хабар бергин деб топшириқ берган. У гаражга кирган, бутун ёз бўйи кўп сонли меҳмонлари вақтичоғлик қилишган матрасни ҳайдовчи билан бирга шиширган. У гараждан машинани ташқарига олиб чиқишни қатъиян ман этган – машинанинг олд ўнг қаноти таъмирталаб бўлган эди, ахир.

Гэтсби матрасни елкасига ортиб, бассейнга қараб йўналган. Бир марта тўхтаб, юкени тўғрилаб олган;

хайдовчи ёрдам керакмасми деб сўраган, у эса бошини чайқаб инкор этган ва бир дақиқадан сўнг сарғаяётган дарахтлар орасида кўздан ғойиб бўлган.

Ҳеч ким кўнғироқ қилмади, аммо хизматкор кундузги уйқусини қурбон қилиб, соат тўртгача – кўнғироқ ҳақида хабар беришга ҳожат бўлмаган вақтгача кутган. Негадир менга Гэтсбининг ўзи ҳам бу кўнғироққа ишонмагандек туюлди, балки шунинг учун бунга унчалик эътибор бермагандир.

Агар шундай бўлса, эҳтимол, эски сокин дунёси унинг учун абадий йўқолганини тушунгандир, ягона орзусига узоқ йиллар давом этган садоқати эвазига жуда ҳам қиммат тўлов қилаётганини сезгандир. Балки кўзларини очиб, ҳайбатли дарахт шоҳлари орасида кўриниб қолган нотаниш осмонни учратгандир ва қалтираганча атиргулнинг қанчалар бемаъни тузилганидан, ер бағрини ёриб бош кўтараётган майсада қуёш нурининг ўткир тигдек ярақлашидан ажаблангандир. Бу янги олам, моддий олам, бироқ ҳаққоний бўлмаган ва орзулар билан ютоқиб нафас оладиган жирканч арвоҳлар мақсадсиз дарбадар кезадиган... аллақандай қора қурум каби хаёлий шарпалар шакл-шамойилсиз дарахтлар орасидан секин судралиб чиқадиган олам...

Ҳайдовчи – Вулфшимнинг ҳимояси остидаги одамлардан бири – ўк овозини эшитган, аммо бунга эътибор бермаганини айтди. Мен вокзалдан тўғри Гэтсбининг вилласи томон келдим ва хавотирли шошилиш билан зинапоёга келганим ташвишланиш учун биринчи сигнал бўлиб хизмат қилди.

Лекин улар аллақачон билишарди, мен бунга аминман. Деярли сўзлашмай, тўртовимиз – ҳайдовчи, хизматкор, боғбон ва мен – бассейнга отилдик.

Сув юзасидаги фақат енгил, бироз сезиларли тебранишгина сув бассейннинг бир томонидан оқиб, иккинчи томонидан чиқиб кетаётганини билишга имкон берарди. Ўйинқароқ тўлқинларда чайқалганча димла-



ма матрас устидаги юки билан оҳиста сузарди. Сувни базур жимирлатаётган енгил шабада бу тасодифий юкни ўзининг тасодифий йўналишидан тўхтатар эди. Йўлида бир талай барглар тушар ва улар билан тўкнашиб, худди циркуль оёқчаси каби матрас сувда ингичка алвон айлана ҳосил қилиб бир жойда айланиб қоларди.

Биз Гэтсбини уйга кўтариб олиб кираётганимизда, боғбон йўлакнинг нариги томонида майсалар устида Уилсоннинг жасади – охирги қурбонни кўриб қолди.



## ТҮҢҒИЗИНЧИ БҮЛИМ

Ҳозир, орадан икки йил ўтган бўлсада, ўша кун, ўша тун ва кейинги кун полициячилар, фотосуртачилар ва репортёрлар Гэтсби вилласида тинимсиз куймаланган кун сифатида ёдимда қолган. Дарвозага кўндалангига арқон тортилган ва қизиқувчиларни ичкарига қўймаслик учун полициячилар қўйилган. Аммо болачалар боққа менинг худудимдан киришнинг ҳавосини олишган ва ҳамма вақт бассейн олдида бекорчи болалар айланишиб юради. Ўзига ишонган аллақандай бир эркак, афтидан, детектив шекилли, Уилсон жасади устига эгилиб, “тентак” деди; кибр-ҳаво билан учган бу сўз тонги газеталарда пайдо бўлган ҳисоботлар учун катта шов-шув бўлди.

Бу ҳисоботлар тунги даҳшатларнинг нақ ўзи эди – фантастик, ёпишқоқ, майда икир-чикирларгача синчков ва ҳақиқатдан узоқ. Михаэлис терговда Уилсоннинг рашк борасидаги шубҳали гумонларини гапириб берганида, бутун воқеа, шубҳасиз, халққа эртаксифат, ҳақоратсифат шаклда етказилади деб ўйладим, фақатгина Кэтрин, опаси тарафидан гапириши керак бўлган қиз бир оғиз сўз демади. У кутилмаган характери кучини намоён этди – тўғриланган қошлари остидан терговчига тикилиб қараркан, опаси Гэтсбини танимгани, Миртл Уилсон эри билан аҳил-иноқ яшагани ва



умуман, опаси ҳеч қандай гуноҳ ишларга аралашмагани ҳақида онт ичди. Ҳатто ўзини бунга ишонтирди ва худди шубҳа-гумонлар сояси бу борада ҳис-гуйғуларини таҳқирлаётгандек, юзига дастрўмолини босиб, роса ўкириб йиғлади. Ишни имкон қадар енгиллатиш учун Уилсон ғам-қайғу сабаб “телбанамо” одам даражасига етказилди. Шундай бўлди ҳам.

Умуман, буларнинг бари менга узоқ ва аҳамиятсиздек бўлиб қолди. Шундай бўлдики, Гэтсбининг мендан бошқа бирорта яқини йўқлиги маълум бўлди. Уэст-Эгг посёлкасига қўнғироқ қилган ва бахтсизлик ҳақида хабар берган онимдан бошлаб ечим талаб қилаётган ҳар ҳар қандай тахминлар, ҳар қандай саволларнинг бари ўзимга йўналиб келаверди. Аввалига бу мени ҳайрон қолдирди ва жаҳлимни чиқарди; аммо вақт ўтарди ва Гэтсби ўша ерда, уйида қимирламай ётгани, нафас олмаётгани ва гапирмагани учун, менда масъулият ҳисси секин-аста кучайиб бораверди. Ахир у билан бошқа ҳеч ким қизиқмади, айтмоқчиманки, ҳар биримиз пировардида ҳақли бўлганимиз эътиборлиликни, шахсий қизиқишни ҳис қилмади.

Гэтсбини топганларидан ярим соат ўтиб Дзига қўнғироқ қилдим, буни ўйлаб ўтирмасдан, бевосита ўз хоҳишим билан қилдим. Аммо маълум бўлдики, Том иккаласи юқларини олиб, эрталаб жўнаб кетишибди.

– Манзилларини қолдиришмадими?

– Йўқ.

– Қачон қайтишларини айтишмадими?

– Йўқ.

– Улар қаерда эканликларини билмайсизми: улар билан қандай боғлансам бўлади?

– Билмайман. Айтолмайман.

Мен Гэтсби учун кимнидир топишни жуда ҳам хоҳлардим. У ётган хонага киргим ва: “Гэтсби, сизнинг ҳеч бўлмаса битта яқин танишингизни топаман. Хотиржам бўлинг. Менга қўйиб бераверинг, сиз учун,

албатта, бирортасини топаман” деб ваъда бергим кела-верди.

Мейер Вулфшим исми телефон китобчасига қайд этилмаган экан. Тунд хизматкордан унинг Нью-Йоркдаги идораси манзилини олдим ва маълумотхонага қўнғироқ қилдим, бироқ телефон рақамларини беришганида соат олти бўлиб қолган эди, шу боис телефонни ҳеч ким кўтармади.

- Илтимос, яна бир марта қўнғироқ қилинг.
- Мен уч марта қўнғироқ қилдим.
- Жуда муҳим ишим бор эди.
- Афсус, афтидан, у ерда ҳеч ким йўқ.

Мен меҳмонхонага қайтдим ва одам тўлиб кетганини кўрдим – мен ҳатто уларни тасодифий меҳмонлар, ҳукумат вакиллари деб ўйладим. Аммо улар Гэтсбининг устига ёпилган чойшабни очиб, қўрқувли кўзлари билан узоқ тикилишдики, миямда “Қулоқ солинг, отахон, сиз менинг бирорта яқин одамимни топишингиз керак. Кучингиз борича шунга ҳаракат қилишингиз лозим. Буларнинг баридан бир ўзим ўтолмайман” деган гап тинимсиз айланаверди. Мендан алланималарни сўрай бошлашди, бироқ қочиб кетдим ва юқорига кўтарилиб, шошганча Гэтсбининг ёзув столи тортмасидан излай бошладим – у ҳеч қачон менга ота-онаси ўлганини айтмаган. Аммо ҳеч қаерда ҳеч нарса йўқ – фақат деворда аллақачон унутилган бўронлар гувоҳи бўлган Дэн Кодининг сурати қараб турар эди.

Эртасига эрталаб тунд хизматкорни Нью-Йоркка Вулфшимнинг идорасига Гэтсбининг қариндошлари ҳақида сўраган ва охирги поезд билан етиб келишини илтимос қилиб ёзган мактубим билан жўнатдим. Умуман, охирги илтимосим, назаримда, ортиқчадек туюлди. Мен Вулфшимнинг газетадаги хабарни ўқиши билан ҳамма ишини ташлаб вокзалга қараб югуришига ишонгандим – эрталаб Дээидан телеграмма келишига ҳам шубҳаланмадим. Аммо на телеграмма, на жаноб





Вулфшим келди; фақат янги-янги полициячилар, фото-суратчилар ва мухбирлар пайдо бўлди. Хизматкор олиб келган Вулфшимнинг хабарини ўқиганимда ич-ичимдан нафрат аралаш жаҳл қайнаб тошди ва бу ҳис билан Гэтсби иккимиз бараварига ҳамма-ҳаммага қарши турардик.

*«Қадрли жаноб Каррауэй! Бу хабар бутун ҳаётим давомига энг оғир зарбалардан бири бўлди, бунинг ҳақиқат эканлигига ишонгим келмайди. Бу одамнинг телбаларча иши ҳаммамизни сергаклантириши керак. Мен айти дамда бора олмайман, чунки жуда ҳам муҳим бир иш билан бандман ва бундай ишга аралашиб қолишим мумкин эмас. Агар кейинчалик ёрдамим керак бўладиган бўлса, бу ҳақда Эдгар орқали хат ёзиб билдиринг. Бу каби ишлар мени буткул издан чиқаради. Мен ўзтиробда қоламан ва ўзимга келолмайман.*

*Самимийлик билан  
Мейер Вулфшим».*

Мактубнинг қуйи қисмида шошиб: “Кўмиш ва ҳ.к. маросимлар ўтказилиши ҳақида маълум қилсангиз, қариндошлари тўғрисида ҳеч нарса билмайман» деб ёзилган.

Оқшом чўкиши олдидан холлда телефон жиринглади ва халқаро телефонист қизнинг овози янгради: “Чикаго чакиряпти”, бу Дэзи эканлигига ишончим комил эди. Аммо дастакдан бўғиқ, узоқдан ёмон эшитилаётган эркак овози келди:

- Слэгл гапиряпти...
- Сизни эшитяпман, – фамилия нотаниш эди.
- Фаройиб воқеа, тўғрими? Сизга юборган телеграммамни олдингизми?
- Ҳеч қандай телеграмма келмади.
- Ёш Паркерни ёпиштиришди, – деди овоз тез-тез гапиришга ҳаракат қилиб. – Қоғозларни дарчадан уза-

таётганда уни кўлга туширишди. Нью-Йоркдан ўйинга беш дақиқа қолганда рақам ва ҳарфлар серияси таъкидланган хабар келган. Бунга нима дейсиз, а? Бундай гирдобда нимани узиб олишни ҳам билмайсан...

Нафасим ичимга тушди, унинг гапини бўлдим:

– Алло! Қулоқ солинг – сиз жаноб Гэтсби билан гаплашаётганингиз йўқ. Жаноб Гэтсби ўлди.

Алоқа симининг нариги томонида узоқ жимлик турди. Сўнг қисқа хитоб эшитилди, кейин дастак шақирлади ва бизнинг алоқамизни узишди.

Учинчи куни, шекилли, Миннесотнинг қайсидир бир шахридан Генри Ч. Гетц имзоси билан телеграмма келди. Унда келаётган шахс ҳозирок йўлга тушгани ва кўмиш маросимигача уни кутишлари сўралган эди.

Бу Гэтсбининг отаси, ғамгин кўринишдаги чол, чорасиз ва паришон, ўзини четга олган, сентябрнинг илик куни бўлишига қарамай, арзон, узун этакли, белбоғ бор пальто кийган. Изтиробдан кўзларидан тинимсиз ёш куйилади, кўлидан саквояж ва соябонини олганимда, у сийрак оқ соқолидан торта бошлади, шунинг учун эгнидан пальтосини ечишни базўр уддаладим. Афтидан, оёқда зўрға турар эди, уни мусиқий салонга олиб кирдим, ўтқаздим ва хизматкорни чақириб, тамадди учун бирон егулик олиб келишларини сўрадим. Аммо у рад этди, кўллари титраганидан стакандаги сут чайкалиб тўкилди.

– Чикаго газетасида ўқиб қолдим, – деди у. – Газетада ёзилган экан. Мен дарҳол йўлга тушдим.

– Менда сизнинг манзилингиз йўқ эди.

Унинг сўник кўзлари ҳамма вақт бир нарсадан иккинчи нарса устига югурар эди.

– Буни ақлдан озган одам қилган, – деди у. – Албатта-да, ақлдан озган.

– Балки ҳеч бўлмаса қаҳва ичарсиз?

– Йўқ, ҳеч нарса ичгим йўқ. Менга яхшиси, жаноб...



– Каррауэй.

– Мен яхшиман, хавотир олманг. Қани у, Жимми?

Мен кекса отани ўгли ётган меҳмонхонага бошлаб бордим ва ўша ерда қолдирдим. Бир нечта болалар зинапоядан кўтарилиб, холлга мўралай бошлашди; уларга ким келганини тушунтирдим, болалар истар-истамай нари кетишди.

Бироздан сўнг меҳмонхона эшиги очилиб, жаноб Гетц чикди; оғзи очик, юзи қизарган, кўзидан бир-бир, тартибсиз тарзда ёш оқмоқда. У ҳозир ўлим кутилмаганда келувчи кўркинчи нарсадек туюлмайдиган ёшда. Келганидан буён атрофга биринчи марта қараб, холл куббасининг улканлигини ва ҳашаматли хоналарнинг икки томонга очиладиган анфилада<sup>40</sup>ларини кўрди, унинг ғам-қайғусига фахр, ифтихор хисси аралашиб кетди. Мен уни юқорига, меҳмонлар учун мўлжалланган хоналардан бирига бошладим, пиджак ва нимчасини ечаётганида хизматкорларга топшириқлар бериш тўхтатилганини маълум қилдим.

– Сиз нималарни хоҳлашингизни мен билмагандим, жаноб Гэтсби...

– Менинг фамилиям Гетц.

– ... жаноб Гетц. Маййитни балки Фарбга олиб кетарсиз деб ўйладим.

У бошини чайқади.

– Жиммига бу ер, шарқ кўпроқ ёкарди. Ахир бу ерда у бугунги фаровонлигига эришди. Сиз ўғлимнинг дўстимисиз, жаноб...?

– Биз у билан жуда ҳам яқин дўст эдик.

– У ҳали узоққа борар эди, менга ишонишингиз мумкин. У ҳали ёш эди, лекин бу ерда ҳамма нарса етиб ортади. – У кафти билан пешонасига урди, мен тасдик маъносида бошимни ирғадим.

---

<sup>40</sup> Анфилада – бирданбирига ўтиладиган қатор уйлар, хоналар.

– Яна яшаганида ка-атта инсон бўларди. Худди Жейм Дж. Хилл каби. У мамлакатга катта фойда келтирган.

– Эҳтимол, – дедим тутилиб.

У ковушмаган ҳаракат билан каравот устидан ўрин ёпинғичини олди, ётди, чўзилди ва бир лаҳзада ухлаб қолди.

Кечкурун аллақандай кўркувга тушган бир субъект кўнғироқ қилди, ўзини танитишдан олдин, дастакни ким кўтарганини сўради.

– Жаноб Каррауэй гапиряпти.

– Ҳа-а! – хурсанд бўлиб хитоб қилди у. – Клиспрингер.

Мен ҳам қувондим – Гэтсби тобути ортидан унинг яна бир эски таниши боради энди деб ҳисобладим. Қизиқувчилар тўдасини жалб қилмаслик учун газеталарда маълумот беришни хоҳламадим, фақат танишларгагина телефон орқали хабар беришга қарор қилдим. Аммо ҳеч кимга кўнғироқ қилиб бўлмади.

– Кўмиш маросими эртага, – дедим. – Соат учда виллада бўлиш керак. Илтифот кўрсатиб, келишни хоҳлаганларга ҳам маълум қилсангиз.

– Ҳа, ҳа, албатта, – шошиб жавоб берди у. – Кимларнидир кўришим даргумон... агар қутилмаганда... – Унинг гапириш оҳанги мени сергаклантирди.

– Ўзингиз маросимда иштирок этсангиз керак?

– Ҳаракат қиламан, албатта, ҳаракат қиламан. Мен, тўғриси, кўнғироқ қилишимдан ...

– Бир дақиқа, – сўзини бўлдим мен. – Сиздан аниғини эшитишни хоҳлайман: келасизми ёки йўқ?

– Мм... биласизми – гап шундаки, мен ҳозир Гриничда бир танишимникида яшаяпман ва эртага улар қайсидир маънода менга таяниб туришибди. Эртага пикник ёки сайлми режалаштирилмоқда. Албатта, мен маросимга келишга вақт ажратишга ҳаракат қиламан.

Бўғзимдан беихтиёр “Эҳ!” деган хитоб отилди – у ҳам эшитди, шекилли, шошиб қолди:



– Тўғриси, мен қўнғироқ қилишимдан мақсад, ўша ерда икки жуфт туфлигимни қолдирган эдим, агар малол келмаса, менга жўнатиб юборсалар. Биласизми, бу теннис ўйнаганда киядиган туфлилар, усиз мен қўлсиз қолгандек бўламан. Менинг мана бу манзилимга жўнатиб юборишсин...

Қайси манзилига юбориш кераклигини эшитиб ўтирмадим ҳам – дастакни қўйиб қўйдим.

Бироздан сўнг эса Гэтсбининг олдида уялиб қолдим – мен қўнғироқ қилган одам ўзи унинг йўли ўша ёкқа эди деган маънода гапирди. Умуман, ўзим айбдорман: бу жаноб Гэтсбининг шаробини ича туриб, унинг устидан куладиган ашаддийлардан бири эди, қўнғироқ қилмаслигим керак эди.

Мейер Вулфшим билан боғланишнинг бошқа йўлини топмагач, кўмиш маросими куни ўзим олдига, Нью-Йоркка бордим. Лифт “Свастика” акционерлик жамияти” деган ёзув осилган эшик қаршисида тўхтади, лифтчининг маслаҳати билан эшикни итардим – қулфланмаган экан ва мен ичкарига кирдим. Аввалига хонада биронта тирик жон йўқдек туюлди, бир неча марта чақирганимдан сўнг пардадевор орқасида икки кишининг баҳслашаётгани эшитилди ва бир дақиқа ўтар-ўтмас ичкари эшикдан чиройлиқкина жухуд аёл чикди, коп-қора кўзларини менга қадаб, бетакаллуфлик-латикилди.

– Ҳеч ким йўқ, – деди у. – Жаноб Вулфшим Чикагога кетган.

Айтганларидан биринчиси ҳақиқатга тўғри келмасди, чунки пардадевор ортида кимдир “Пушти атиргул”-ни хиргойи қила бошлади.

– Марҳамат қилиб, жаноб Вулфшимга уни жаноб Каррауэй кўрмоқчилигини етказсангиз.

– У Чикагода бўлса, қандай қилиб айтаман?

Ўша пайт эшикдан “Стелла!” деб чакиришди – мен Вулфшимнинг овозини дарров танидим.

– Карточкангизни столда қолдиринг, – деди шошиб аёл. – У қайтганида етказаман.

– Кулоқ солсангиз-чи, ахир унинг шу ердалигини билламан-ку

У қўлларини жаҳл билан силкиб, олдинга кадам ташлади.

– Қачон кўнгиллари тусаса кириб келишга одатланишибди, – деди аччиқланиб. – Сизларнинг биродарингиз деб бизнинг тинчимиз йўқ. У Чикагода дедимми, демак, Чикагода.

Мен Гэтсбининг исмини айтдим.

– О-о! – у яна менга қаради. – Ундай бўлса, бир дақиқа кутиб туринг. Фамилиянгизни ким дедингиз?

У кетди. Бир лаҳзадан сўнг Мейер Вулфшим остонада ғамгин ҳолда менга қўлини узатганча турар эди. У хонасига олиб кирди, деярли бўғиқ овозда бугун ҳаммамиз учун жуда ҳам қайғули кун эканлигини айтиб, сигара таклиф қилди.

– У билан биринчи марта учрашганимизда унинг қандай бўлгани ҳамон ёдимда, – гап бошлади у ўтириб олгач. – Эндигина армиядан келган, кўкси фронтда олган медалларга тўла ёш майор. Чўнтагида бир чақаси йўқ – у ҳарбийлар формасида юрар эди, чунки штатча костюм сотиб олишга пули бўлмаган. Биринчи марта уни Қирқ учинчи кўчадаги Уайнбреннер билирхонасида, у иш сўраб кирганида кўрганман. Бир неча кундан буён оч қолган экан. Уни бирга нонушта қилишга таклиф этдим, ишонасизми-йўқми, ярим соатда тўрт доллардан ошиқроқ егуликларни паққос туширди.

– Сиз оёққа туришига ёрдам бердингизми? – сўрадим.

– Ёрдам бердим? Мен уни одам қилдим!

– М-м...

– Уни ботқоқдан, ҳақирликдан олиб чиқдим. Кўрдимки: ёш, кўркам, хушмуомала йигит, Оксфордда ўқиганини айтганида эса, тушундимки, ундан фойда бўла-



ди. Гэтсбини Америка легионига киришга мажбур қилдим, у ерда эса жуда тез илгарилаб кетди. Унинг учун Олбанидаги бир мижозимда иш топилди. Биз у билан бир қўлнинг икки бармоғи каби эдик. – Вулфшим иккита қалин бармоғини кўтарди. – Битгаси қаерда бўлса, иккинчиси ҳам ўша ерда.

Қизик, ўйладим мен, бу дўстлик 1919 йилдаги «Уорлд Сириз» воқеасида ҳам амал қилганмикин.

– Энди эса у ўлди, – дедим. – Ва сиз унинг энг яқин дўсти сифатида бугун кўмиш маросимига борасиз.

– Ҳа, боришни жуда ҳам хоҳлардим, – деди у.

– Мана, боринг.

Унинг бурни ичидаги туклари кимираб кетди, кўзларига ёш келди ва бошини чайқади.

– Боролмайман, бундай воқеаларга, яхшиси, аралашмайман, – деди у.

– Ахир ҳеч қандай воқеа йўқ. Ҳаммаси тамом бўлган.

– Агар инсон ўз ажали билан ўлмаса, мен доим аралашмасликка ҳаракат қиламан. Четда тураман. Ёшроқ бўлганимдами, бу бошқа гап эди; дўстим ўз ажали билан ўладими ёки ҳалокат туфайли, мен уни ҳеч қачон ташлаб кетмаган бўлардим.

Унинг аллақандай сабабларга кўра кўмиш маросимига бормаслигини тушундим ва ўрнимдан турдим.

– Сиз университетни тугатганмисиз? – ҳеч гап йўқ, ўз-ўзидан сўради.

Мен ҳозир гап “алоқалар” ҳақида бўладими деб ўйлаган эдим, йўқ, у фақат бошини ирғаб, қўлимни сиқиб кўйди.

– Инсон ҳаётлигида унга дўст бўлиш жуда муҳим, фақат ўлганида эмас, – кистирди у. – Маййитга буларнинг фарқи йўқ – шахсан мен шундай ҳисоблайман.

Вулфшимникидан чикқанимда осмон булут билан қопланган эди, Уэст-Эгга ёмғир томчилай бошлаганда етиб келдим. Тезда кийимларимни алмаштириб, виллага бордим. Холлда жаноб Гетц саросималаниб у

бурчакдан бу бурчакка юрарди. У ҳамон ўгли, ўглининг бойликлари билан кўпроқ ва янада кўпроқ фахраланарди, афтидан, ниманидир айтиш учун мени кутиб турган экан.

– Бу карточкани менга Жимми юборган, – қалтираётган қўллари билан картмонини олди. – Мана кўринг.

Бу вилланинг фотосурати бўлиб, суратнинг четлари кир босган ва қайрилган эди. Чол бир у, бир бу нарсага ишора қилиб, бармоғи билан ҳаяжон ичида “Мана, қаранг!” деб нуқади. Ва ҳар сафар таҳсинимни кутиб, менга қараб кўяди. Бу фотосуратни ҳаммага кўрсатишга одатланиб қолган, балки суратдагилар ҳақиқий вилланинг ўзидан ҳам ҳақиқийроқ бўлиб қолгандир.

– Буни менга Жимми юборган. Менимча, жуда яхши карточка. Унда ҳамма нарса чиройли.

– Ҳа, жуда чиройли. У билан анча олдин кўришганмисиз?

– Меникига икки йил олдин келди ва мен ҳозир яшаётган уйни сотиб олиб берди. Жимми уйдан қочиб кетганида яшаш шароитларимиз яхши бўлмаган, аммо ҳозир кўряпманки, у ҳақ экан. Ўғлим уни катта келажак кутаётганини билган. Одам қаторига киргандан кейин мендан ҳеч нарса аямади.

Унинг фотосуратдан аниқ айрилгиси йўқ ва уни кўз олдимда узоқ ушлаб турди. Ниҳоят, суратни картмонига солди, ўрнига чўнтагидан бошқа эски, увадаси чиққан “Бир-икки, Кэссиди” деб номланган китобчани чиқарди.

– Мана, қаранг, Жимми ҳали ёш бола бўлган пайтлардан буён сақланиб қолган. Китоб кўп нарсалардан огоҳ этади.

У китобчани охиридан бошлаб очди ва мени яхшироқ кўрсин деб қулайроқ тутди. Охирги оқ саҳифасида босма ҳарфлар билан “ЖАДВАЛ” деб ёзилган ва унинг ёнида “1906 йил 12 сентябрь” санаси кўйилган экан. Унинг тагида эса қуйидагилар ёзилган:





- Эрталаб уйгонииш – 6.00*  
*Гантеллар билан машқ қилиш ва девордан ошиб ўтиш – 6.15 – 6.30*  
*Электр ва бошқаларни ўрганиш – 7.15 – 8.15*  
*Иш – 8.30 – 4.30*  
*Бейсбол ва спорт – 4.30 – 5.30*  
*Нутқ сўзлаш машқлари ва қоматни туттишини ўрганиш – 5.00 – 6.00*  
*Керакли кашифиётларни ўйлаб топтиш – 7.00 – 9.00*

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

- Вақтни Штефтерсга кетказмаслик (исм ноаниқ)*  
*Чекиш ва сақич чайнашни ташилаш*  
*Кунора ванна қабул қилиш*  
*Умумий ривожланиш учун ҳар ҳафта битта китоб ёки журнал ўқиш*  
*Ҳар ҳафта 5 (ўчирилган) 3 доллардан йиғиш*  
*Ота-онага яхши муносабатда бўлиш*

– Тасодифан кўзим тушиб қолди, – деди чол. – Лекин бу кўп нарсалар ҳақида гапиради, тўғрими?

– Ҳа.

– У ҳали узоққа борарди, Жимми. У бирон нимага қарор қилдими, четлашмасди. Умумий ривожланиш учун деб ёзганига эътибор қилдингизми – бунга алоҳида амал қилган. Бир марта менга чўчкага ўхшаб овқатланишимни айтган, ўшанда кулоғини чўзган эдим.

У китобчани ҳеч ёпгиси келмас, ёзувларни кетма-кет овоз чиқариб ўқир ва ҳар сафар менга синчков қараб кўярди. Назаримда, ён дафтаримга бу ёзувларни кўчириб олишимни кутди.

Чорак кам тўртда Флашингдан лютерин руҳонийси келди, беихтиёр бошқа автомобиллар ҳам келмаётганмикин деган умидда деразадан мўраладим. Гэтсбининг отаси ҳам деразадан қаради. Соат учга яқинлашганда

холлда ҳамма хизматкорлар кузатувида йиғилди, қария безовталаниб кўзларини пирпиратди ва ёмғирли ҳаводан норози бўлиб пўнғиллади. Руҳоний соатига тикилаётганини пайқадим ва уни четга олиб, яна ярим соат кутишни илтимос қилдим. Аммо кутиш фойдасиз бўлди, барибир, ҳеч ким келмади.

Бешга яқин бизнинг уч машинадан иборат кортежи-миз қабристонга етиб келди ва ёмғир остида дарвоза олдида тўхтади – олдинда жирканч қора ва ҳўл катафалк<sup>41</sup>, унинг орқасида жаноб Гетц ва руҳоний ҳамда мен ўтирган лимузин, ниҳоят, суяк-суягигача ёмғирда ивиб кетган хизматкорлар ва уэст-эгглик почтачи ўтирган Гэтсбининг кўп ўриндиқли очиқ “форд”и. Қабристонга кирганимиздан сўнг дарвоза олдида яна бир машина тўхтаганини эшитдим ва кимдир кўлмақлардан сакраганча бизни қувиб етишга шошилди. Мен қардим. Бу бир куни, бундан уч ой олдин мен Гэтсбининг кутубхонасида ажабланганча китоб жавонларини томоша қилаётганимда кўриб қолган уккига ўхшаш кўзойнакли киши эди.

Ўшандан буён бошқа бирон марта учратмадим. Билмадим, кўмиш маросими ҳақида қандай билибди, ҳатто унинг фамилиясини билмайман. Ёмғир томчилари қалин кўзойнагидан сизиб оқди, у Гэтсбининг қабри устига ҳимоя брезентини тортишаётганини кўриш учун кўзойнагини ечиб артди. Мен ўша дамда Гэтсби ҳақида, энди унинг жуда ҳам узокда эканлиги тўғрисида ўйлашга ҳаракат қилдим ва шундагина, ҳеч қандай ғзаб, нафрат ҳиссисиз Дэзининг телеграмма жўнатмагани, ақалли гул юбормаганини эсладим. Ортимда кимдир ярим овозда “Ёмғир томган маййитлар бахтиёрдирлар” деди ва укки киши дадил хитоб қилди: “Амин!”

---

<sup>41</sup> Катафалк – дафн маросимида тобут қўйиладиган арава ёки машина.



Биз тартибсиз юриб машиналаримизга етиб олдик, ёмғир эса ортимиздан қувиб етди. Дарвоза олдига етганда укки киши мен билан гаплашди.

– Уйдан олиб кетиш вақтига етиб келолмадим.  
– Афтидан, ҳеч ким етиб келолмади, шекилли.  
– Сиз ҳазиллашяпсиз! – жилла қолса сакраб кетаёзди. – Эй, худойим! Ахир уникида юзлаб одамлар бўлган-ку!

У яна кўзойнагини ечди ва шишасининг иккала томонини яхшилаб артди.

– Эҳ, бечора! – деди.

Ҳаётимдаги энг ёркин хотиралардан бири аввал мактаб, кейинроқ университетда ўқиб юрган кезларимда рождество таътилида уйга бориш билан боғлиқ бўлар эди. Декабрь оқшомида ҳаммамиз – ким узокрокка борадиган бўлса – ярим қоронғи эски Юнион-стрит вокзалида йиғилар ва биз билан хайрлашиш учун байрам шовқинида гангиб қолган чикаголик дўстларимиз ҳам шошиб келишарди. Пансиондан мўйна шубалар кийган фалончи ва писмадончи хонимлар, кулиб турган юзларда нафасларнинг буғланиши, узокдан эски қардонларга ҳавас-ла хурсанд қўл силтаб қолишлар, ким қаерга таклиф этилгани ҳақидаги суҳбатлар (“Сен Ордуэвларникида бўласанми? Херсиларникида? Шульцевлар биланми?”), кафтларга чангалланган узун яшил йўл чипталари ҳамон ёдимда. Рельсларда эса, платформага чиқиш қаршисида Чикаго – Милуоки – Сент-Полга борадиган рождествонинг ўзи каби қувнок сариқ вагонлар қатори.

Қиш кечасида поезд турган жойидан силжиганда ва дераза ортида ҳақиқий, қорлар чўзилганда, ёнимиздан висконскин кичик темир йўл станциялари хира фонарлари сузганда ҳаво бирдан бутунлай бошқача, қарсилдоқ, соф бўлиб қоларди. Биз атрофда ҳамма нарса қадрдон эканлигини ҳис қилиб вагон-ресторанлар йўлидаги

совуқ тамбурларда ютоқиб шу ҳаводан симирар – аммо бу атиги бир соат давом этарди – кейин эса шунчаки бу кадрдон, одатий ва бузилмас муҳитимизда эриб кетардик.

Мана шулар, яйловлар эмас, бугдойзорлар эмас, шведлар яшайдиган тинч шаҳарлар эмас, балки мени ўсмирлик йилларимда уй томон элтган поездлар, кўнғирокчали чанғилар совуқда ва кўча фонарлари, деразалардан тушаётган тўртбурчак ёруғликлар, қорда ўткир тиг изини қолдирган гирляндлар сояси мен учун Ўрта Ғарб эди. Ва буларнинг бир қисми мен ўзимман – каррауэллар уйида вояга етаётганидан, ҳозир ҳам уйларни эгалари номи билан аталадиган шаҳарда ўсганимдан бироз ғамгин, бироз дилгир Ник Каррауэй! Аслида, Ғарб ҳақида ёзганларим қиссага ўхшаб қолганини энди билипман – ахир Том ҳам, Гэтсби ҳам, Дэзи ҳам, мен ҳам – ҳаммамииз Ғарбданмиз ва балки ҳаммамизга Шарқни ўзлаштиришимиз учун зарур бўлган нимадир етишмагандир.

Шарқ ҳаёти, айникса, Огайо дарёси бўйида тарвақайлаб кетган, бекорчилар тили кичкина болалар ва қариб-қартайган кексалардан ташқари ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмайдиган – шунда ҳам қандайдир беадаблик, ахлоқсизлик сезардим – зерикканидан семириб кетаётган шаҳарчалар ғаройиботлари билан ўзига тортар эди. Уэст-Эггни ҳалигача тушларимда кўраман. Тўғрироғи, бу тушдан кўра Эль Греконинг тунги манзараларини эслатувчи фантастик саҳналарга ўхшайди: пастга осилиб қолган булутли, хира ой сузиб юрган осмон остидаги юзлаб оддий, ажойиб меъморчилик услубидаги мунғайган уйлар; олдинги ўринда эса қайғуга ботган тўртта фрак кийган эркак оппоқ окшом кўйлақдаги аёлни замбилда олиб кетяпти. У маст, қўллари замбилдан осилиб тушиб турибди, бармоқларида олмослар совуқ яраклайди. Эркаклар индамай кетишади ва ўзларига керак бўлмаган ҳаракатни қилишади, улар



уйга бурилишади. Ҳеч бири аёлнинг исмини билмайди, ҳеч бири билишга уринмайди ҳам.

Гэстбининг ўлиmidан сўнг мен бу каби даҳшатлардан қутула олмадим; атрофимда ҳамма нарса ниҳоят даражада бузилган, хунук шаклларда намоён бўлади. Курук, синувчан барглар уюми тепасида кўкиш бурк-сиган тутун чиққанида ва арконларга илинган кирлар шамолда қота бошлаганда мен уйга, Ғарбга кетишга қарор қилдим.

Фақат битта иш, ёқимсиз, оғир, иложи бўлса қўл урмаган ҳам маъқул бўлган бир ишни яқунлаб қўйиш қолган эди. Аммо кетишимдан олдин ҳафсаласиз дарё мен қолдирган ахлатни ювиб кетишига қўйиб қўймай, ҳаммасини жой-жойига қўйишни хоҳладим. Мен Жордан Бейкер билан учрашдим, у билан бирга ва бир ўзим бошимиздан ўтказганларимиз ҳақида гаплашдим. У катта ва чуқур креслода ярим ётган ҳолда жимгина тинглади.

У гольф ўйинида кийиладиган кийимини кийиб олганди, шу кўриниши билан спорт журналида тушган суратга ўхшаб кетгани ёдимда – даҳани ғурур-ла кўтарилган, сочлар куз хазонлари рангида, ёз офтобида тобланган юзи ҳам худди тиззасида турган спорт қўлқоплари каби қаҳва тусига кирган. Гапимни тугатганимда ҳе йўқ, бе йўқ, турмушга чиқаётганини айтди. Мен унчалик ишонмадим, фақат бошни ирғаш билан куёвлар ҳақида жиддий гап бўлмаслигини билсамда, лекин у зўр муғомбирлик қилди. Бир он хаёлимдан, балки мен хато қилаётгандирман, деган фикр ўтди. Аммо тезда аввалдан бошлаб охиригача хотирамни тўзитдим ва хайрлашиш учун ўрнимдан турдим.

– Нима бўлганда ҳам, сиз мени ташлаб кетдингиз, – деди қутимаганда Жордан. – Ташлаб кетишингизни менга телефонда билдирдингиз. Энди менга барибир, бироқ ўшанда бироз саросимага тушдим – бу мен учун янгилик эди.

Биз бир-биримизнинг қўлимизни сикдик.

– Ҳа, дарвоқе, – деди у, – ёдингиздами, бир куни автомобилда саёхат қилиш ҳақида гаплашгандик?

– Эслаяпман, лекин аниқ-тиниқ эмас.

– Ўшанда сиз ёмон ҳайдовчи унинг қаршисидан бошқа яна бир ёмон ҳайдовчи чикмагунча хавф-хатарда бўлади, деган эдингиз. Шунга кўра, мен билан айнан шундай ходиса рўй берди. Қандай қилиб бундай хатога йўл кўйишим мумкинлигини ўзим ҳам билмайман. Сиз ҳалол ва ростгўй инсон бўлиб туюлган эдингиз менга. Сизнинг сирли ғурурингиз мана шунда яширин деб ўйлагандим.

– Мен ўтгиз ёшдаман, – дедим. – Ўзимга ўзим ёлғон гапирадиган ва буни ҳақиқат деб айтадиган ёшимдан беш йил ўтиб кетди.

У жавоб бермади. Ёвуз, ярим севилган ва азобли афсус билан ўгирилиб чиқиб кетдим.

Бир куни, октябрнинг охирларида Бешинчи авенюда Том Бьюкененни кўриб қолдим. У мендан олдинда шиддатли юрганча, худди ҳар қандай тўсиқ-ғовни улоқтиришга тайёрдек қўлларини енгил ташлаб, бошини ўнчап томонга чайқатиб тез-тез кетиб борарди. Мен унга етиб олмаслик учун қадамимни секинлатдим, лекин у тўхтади ва пешонасини тириштириб заргарлик дўкони витринасини томоша қила бошлади. Бирдан мени кўриб қолди ва узоқдан қўлини чўзиб қаршимга шошилди.

– Нима бўлди, Ник? Нима, мен билан кўришишни хоҳламайсанми?

– Хоҳламайман. Сен ҳақингда нима деб ўйлашимни ўзинг биласан.

– Ақлдан озибсан. Ник! – хитоб қилди у. – Эсингни еб кўйибсан. Нима ҳақида гапираётганингни ҳам билмайман.

– Том, ўша куни Уилсонга нима деган эдинг? – сўрадим кўзларига тикилиб.

У индамай менга тикилди, тушундимки, ўша уч соатлик ноаниқлик ҳақидаги тахминим тўғри экан. Мен



ўғирилдим ва кетишга чоғландим, лекин у олдинга ўтиб елкамдан ушлади.

– Мен фақат рост гапни айтдим! У йўлга отланаётганимизда ёнимга келди, мен хизматкор орқали гаплашишга вақтим йўқлигини айтдим. Шунда куч билан юқорига отилди. Агар ўша сариқ машина кимники эканини айтмасам, мени турган жойимда отиб ташлашга тайёр бўлган аҳволда эди. Чўнтагида ўқланган револьвер бор эди.

Бирданига овозини баландлатиб гапира бошлади:

– Мен унга нима деб айтган бўлишим мумкин? Бу одам билан барибир иш яхишилиқ билан тугамаган бўларди. У сизларнинг – сенинг ҳам, Дэзининг ҳам кўзларини шамғалат қилган, аслида, у ўғри бўлган. Бечора Миртлни итни босгандек устидан бостириб кетди, ҳатто, тўхтамади ҳам.

Менда эътироз билдирадиган ҳеч қандай исбот йўқ, чунки бунинг нотўғри эканлигини билдирадиган оддий далилни келтиролмадим.

– Нима, менга осон бўлди деб ўйлайсанми? Квартирадан воз кечиш учун борганимда буфетда қотган кулчалари қолган тунука идишни кўрганимда ёш боладек йиғладим. Жин урсин, буларни эслаш даҳшат...

Мен уни кечирмаслигим, ҳамдард бўлмаслигим мумкин эмас эди, аммо Томнинг кўзларидан у нимаики қилган бўлса, буткул айбсизлигини исботлаганини тушундим. Бу ерда нима – беғамлик ёки тушунмаслик – кўпроқ устунлигини биллолмадим. Улар беғам, бепарво махлуқлар эди. Том ва Дэзи, улар буюмлар ва одамлар ҳаётини бузиб, кейин ўз пуллари ортига, иккисини бирлаштириб турган кучли шафқатсизлик ёки яна алланималар ортига яширинишар эдики, бошқалар орқаларидан тозалаб юришига тўғри келади.

Хайрлашаётиб унинг қўлини сиқдим; бирдан ўжарлик қилишим аҳмоқона туюлди, менда худди ёш бола билан гаплашаётгандек ҳис пайдо бўлди. Ва у мендек

колок бир одамнинг безор қиладиган инжиқликларидан бутунлай кутулиб заргарлик дўконига, маржон шодасини – балки, бир жуфт тилла игнатугдамир – сотиб олгани кириб кетди.

Гэтсибининг вилласи мен кетаётганимда бўш эди; газондаги ўтлар худди менинг худудимдаги каби бетартиб ўсиб кетган. Маҳаллий ҳайдовчилардан бири дарвоза олдидан ўтаётиб, ҳар сафар сигнал чалади ва йўловчиларга уйнинг кўришиб турган боғ ичкарисини кўрсатади; балки айнан ўша ҳайдовчи Дэзи ва Гэтсбини бахтсизлик содир бўлган ўша тунда Ист-Эгга олиб боргандир, балки кейин шу ҳақда яхлит бир воқеани тўқигандир. Мен бу ҳикояни эшитишни хоҳламайман ва ҳар сафар вокзалдан чиққанда унинг машинасини айланиб ўтаман.

Шанба кунлари атай Нью-Йоркда кўпроқ ушланаман; хотирамда Гэтси вилласидаги ажойиб базмлар шунчалар жонланадики, узоқдан мусиқа садолари, кўшни боғда янграган кулги, келувчи ва кетувчи машиналарнинг овози тинимсиз эшитилаверади. Бир сафар, ҳақиқатан, хиёбондан машина ўтганини эшитдим ва ҳатто шундоқ уйнинг олдида ҳаракатсиз турган машина фаралари ёруғини кўрдим. Балки бу узоқ вақт бегона юртларда йўқолиб кетган ва байрам аллақачон тугаганини билмаган бирор кечиккан меҳмон бўлса керак. Мен буни билишга уринмадим.

Кетишим олдидан – нарсаларим аллақачон тахланган ва менинг “додж”им уни сотиб олган баққол томонидан олиб кетилган – охири марта бу беўхшов катта уйни кўришга бордим. Бир бола ғишт бўлаги билан зинапояннинг оппоқ поғонасига беадаб сўзларни ёзибди ва у ой ёруғида яққол кўзга ташланди. Мен пошнамни тошга ишқалаб ёзувни ўчирдим. Кейин кирғоққа тушдим ва кумда ётдим.

Кўрфаз бўйидаги деярли ҳамма ҳашаматли виллалар аллақачон бўшаб қолган ва ҳеч қаерда чирок





кўринмайди, фақат унча ёруғ бўлмаган ой нури остида сув юзасида буғ сузиб юрибди. Ой кераксиз қурилишлар чизикларини ўчириб юқорига кўтарилгани сари, мен голланд денгизчилари кўз олдида пайдо бўлган янги дунёнинг қадимги яшил оролини кўра бошладим. Орол дарахтларининг шовури бир авж олар, сўнг Гэтсби уйига навбат бериб тинар эди, бу сўнгги ва улкан орзулар мусиқаси эди; балки инсон ўзи ҳам тушунмаган ва изламаган бу гўзал манзарага беихтиёр берилиб, бир лаҳза, бир он янги қитъа олдида нафасини ютгандир – ахир тарих ўзининг беадад ҳайратланиш ва ғурурланишга лойиқ бўлган кенгликлари билан инсонни юзма-юз қўйган.

Эски кўзга кўринмас дунё ҳақидаги қувонарли бўлмаган хаёллар орасида мен Гэтсби ҳақида, унинг Дэзи яшаган причалда биринчи марта яшил чирокни кўргани тўғрисида ғурурланиб ўйладим. Бу бахмалдек газонларгача олиб келган йўл жуда узоқ бўлди ва менимча, унинг орзуси қўлни чўзса уни тутиб оладиган даражада яқин эди. У Дэзининг бутунлай ўтмишда қолганини, шу шаҳарнинг тунлари осмони остида, Американинг ёйилиб ётган бепоён ерларининг қоронғи бурчакларидан бирида қолганини билмади.

Гэтсби яшил чирокқа, йил ўтган сайин узоқлашиб бораётган ақл бовар қилмас бўлажак бахт нурига ишонган эди. Майли, бахт бугун қўлдан кетди, бу фалокат эмас, эртага биз яна ҳам тезроқ югурамыз, қўлимизни узоқроққа чўзамиз... Ва ажойиб кунларнинг бирида, тонгда...

Биз шу тариқа оқимга қарши бориб, олдинга сузишга ҳаракат қиламыз, у эса ҳамон бизнинг тақдирларимизни ортда қолган ўтмишимизга оқизиб-оқизиб кетаверади.



# МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим.....	4
Иккинчи бўлим.....	28
Учинчи бўлим.....	45
Тўртинчи бўлим .....	70
Бешинчи бўлим .....	93
Олтинчи бўлим.....	111
Еттинчи бўлим .....	130
Саккизинчи бўлим .....	167
Тўққизинчи бўлим .....	185
Умумий хулосалар.....	197

*Тарбиячилар учун*

**Фрэнсис Скотт Фицджеральд**

# **БУЮК ГЭТСБИ**

**Мухаррир**  
**Бадий мухаррир**  
**Саҳифаловчи**  
**Техник мухаррир**

*Муҳайё Рихсибекова*  
*Александра Журавлёва*  
*Зухра Исакова*  
*Жавоҳир Неъматов*

Лицензия рақами: АИ № 213, 26.03.2012

Босишга 31.01.2022 да рухсат этилди  
Бичими 84x108 1/32

Наشريёт ҳисоб табағи 7,38. Шартли босма табағи 10,92  
Гарнитура «Times New Roman». Офсет қоғози  
Адади 2000. Буюртма № 8

«DAVR PRESS» нашриёт-матбаа уйида тайёрланиб,  
чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, 6 мавзе, ба-уй.

**Телефон: (+99833) 446-11-22**

Web: [www.davrpess.uz](http://www.davrpess.uz)

e-mail: [davr-press@mail.ru](mailto:davr-press@mail.ru)